Р.Д.ДЎСМУРАТОВ

А У Д И Т
А С О С Л А Р И

ТОШКЕНТ – 2002

Муаллиф: **Р.Д.ДУсмуратов** – ТошДАУ, Бухгалтерия хисоби, аудит ва молия кафедраси мудири, доцент

Такризчилар:

1. **М.М.ТУлахУжаева** – Узбекистон Профессионал Бухгалтерлари ва Аудиторлари Миллий Уюшмаси Президенти, иктисод фанлари доктори, профессор
2. **Н.Ю.ЖУраев** – Тошкент Давлат Иктисодиёт Университети, Ташки иктисодий фаолиятда бухгалтерия хисоби ва аудит кафедраси мудири, иктисод фанлари доктори, профессор
3. **А.К.Ибрагимов** – Узбекистон Республикаси Банк – Молия Академияси, Бухгалтерия хисоби ва аудит кафедраси мудири, иктисод фанлари номзоди, доцент

А У Д И Т А С О С Л А Р И

(Дарслик)

Дарслик иккита бўлимдан иборат бўлиб, биринчи бўлимда аудит ва аудиторлик фаолиятининг назарий жихатлари ёритилган. Аудиторлик фаолиятининг меъёрий- хукукий асослари, халкаро ва миллий стандартлари, режалаштириш ва ташкил этиш, хусусан: корхона (мижоз) фаолиятини Ўрганиш; бухгалтерлик хисобини ташкил этилишини Ўрганиш; хисоб сиёсатини Ўрганиш; ички назорат тизимини Ўрганиш масалалари баён килинган.

Иккинчи бУлим асосан хУжалик юритувчи субъектлар молия-хУжалик фаолиятида содир бУладиган муомалалар ва ишларни аудиторлик текширувидан Утказишнинг услубий жихатларини Уз ичига олади.Жумладан, пул маблаглари ва молиявий инвестициялар, хисоб-китоблар, асосий воситалар, номоддий активлар ва ишлаб чикариш захиралари,ишлаб чикариш жараёнлари ва молиявий натижалар, бухгалтерия хисоби ва хисоботининг ташкил этилиши, хусусий капитал ва молиявий натижаларни аудиторлик текширувларидан Утказиш услубияти баён килинган.Шу билан бирга аудиторлик текширувларини якунлаш, аудиторлик хисоботи ва хулосаларини тайёрлаш тартиби келтирилган.

Талабалар, магистрлар, аспирантлар, олий Укув юртларининг бухгалтерия хисоби ва иктисод факультетлари Укитувчилари, бухгалтерлар ва аудиторлар учун мУлжалланган. Шунингдек, дарсликдан тадбиркорлар, менеджерлар, иктисодчи-бухгалтерлар ва касб-хунар коллежлари Укитувчилари хамда талабалари фойдаланишлари мумкин.

СУЗ БОШИ

Бозор иктисодиётига Утиш шаклан хилма-хил мулкчиликка асосланган ва ташкилий-иктисодий тавсифдаги кУплаб корхоналарнинг пайдо бУлишига олиб келмокда. Жумладан, ширкат, дехкон ва фермер хУжаликлари, хусусий кичик корхоналар, маъсулияти чекланган жамиятлар, акциядорлик жамиятлари, кУшма корхоналар ва бошкалар. Бундай янги тузулмаларда етарли даражада профессионал малака тажриба, билим ва корхоналар фаолиятини тартибга солиб турувчи янги конун-коидаларни пухта биладиган бухгалтерлар етишмаслиги окибатида хукук-тартибот органларининг аралашув холлари учрайди. Иктисодиётнинг эркинлаштирилиши ва ислохотларнинг чукурлаштирилиши натижасида корхоналар фаолиятининг самарадорлигини ошириш, аудиторлик текширувидан Утказиш, хамда хисоб-китобни яхшилаш максадида уларга маслахат, йУл-йУрик, хукукий ва бошка турлардаги ёрдам кУрсатадиган малакали хизматнинг янги шакли **аудиторлик фаолияти**га эхтиёж янада кучаймокда. Зеро, президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, «Тадбиркорлар манфаатини химоя килишда аудиторлик фаолиятининг мавкеини янада ошириш керак». Бундай фаолиятнинг асосий вазифаси, биринчи навбатда, корхона молия-хУжалик фаолиятини назорат килиб турадиган бухгалтерлик хисоби тизими, фаолият натижаларини бахолайдиган жорий ва йиллик хисоботларнинг конунийлигини тасдиклашдан иборатдир.

Шу муносабат билан сУнги йилларда аудиторлик фаолиятини шакллантириш ва ривожлантириш бУйича катор ижобий ишлар амалга оширилди.Жумладан, Узбекистон Республикаси Олий Мажлисининг карорига мувофик 2000 йил 26 майда янги тахрирдаги «Аудиторлик фаолияти турисида» конун кабул килинди.Ушбу конунни амалга ошириш,

аудиторлик хулосалари солик ва бошка назорат органлари томонидан хисобга олинишини таъминлаш максадида 2000 йил 22 сентябрида Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 365-сонли «Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширишларининг ахамиятини ошириш турисида»ги карори ва бошка катор меъёрий хужжатлар кабул килинди, аудиторлик фаолияти билан шугулланиш хукуки учун аттестация Утказиш тартиби ва аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензия бериш тартиблари аникланди.Шунингдек, 2000 йил 7 августда Узбекистон худудида фаолият кУрсатаётган аудиторлар ва аудиторлик ташклотларини ихтиёрий равишда бирлаштирувчи мустакил жамоат ташкилоти - **Узбекистон аудиторлар палатаси** ташкил этилди.

Олий ва Урта махсус Укув юртларида аудитнинг мустакил фан сифатида Укитилиши аудиторлик фаолияти турисида дарслик яратиш заруратини юзага келтирди.Шунингдек, В-340900 - «Бухгалтерия хисоби ва аудит» йУналиши бУйича бакалаврлар тайёрлаш дастурида хам «Аудит» фанини Укитиш кУзда тутилган.Бу фанни Укитиш жараёнини сифат жихатдан янада яхшилаш, хусусан, маъруза дарсларини талабалар билан очик мулокот шаклида Утказиш, натижада маъруза учун белгиланган вактдан унумли фойдаланиш ва талабаларга тУлаконли маълумотлар бериш максадида бахоли кудрат ушбу дарслик тайёрланди.

Китоб В 340900 - «Бухгалтерия хисоби ва аудит (кишлок хўжалиги)» йУналишининг намунавий дастури асосида ёзилган бўлиб, унинг асосий материаллари Тошкент Давлат Аграр Университетида мазкур йУналиш бакалаврларни тайёрлашда, хамда малака ошириш факультети тингловчиларига маъруза Укишда фойдаланилган.

Дарслик иккита бУлимдан иборат:

* Аудиторлик фаолиятининг назарий ва ташкилий-хукукий асослари;
* ХУжалик юритувчи субъектлар молия-хУжалик фаолиятини аудиторлик текширувидан Утказиш услубияти.

Биринчи бУлимда аудит ва аудиторлик фаолиятининг назарий жихатлари ёритилган.Аудиторлик фаолиятининг меъёрий- хукукий асослари, уни режалаштириш ва ташкил этиш, хамда Утказиш услубияти баён килинган.

Иккинчи бУлим асосан хУжалик юритувчи субъектлар молия-хУжалик фаолиятида содир бУладиган муомалалар ва ишларни аудиторлик текширувидан Утказишнинг услубий жихатларини Уз ичига олади.Жумладан, пул маблаглари ва молиявий инвестициялар, хисоб-китоблар, асосий воситалар ва капитал кУйилмалар, номоддий активлар ва ишлаб чикариш захиралари,ишлаб чикариш жараёнлари ва молиявий натижалар, бухгалтерия хисоби ва хисоботининг ташкил этилиши, корхонанинг хусусий капитали, соф фойда хисобидан фондлар ва резервлар ташкил этилишини аудиторлик текширувларидан Утказиш услубияти баён килинган.

Шу билан бирга аудиторлик текширувларини якунлаш, аудиторлик хисоботи ва хулосаларини тайёрлаш тартиби келтирилган.

Дарсликни тайёрлашда аудиторлик фаолиятига доир меъёрий-хукукий хужжатлар, тУпламлар ва бошка тегишли манбалардан фойдаланилди.Албатта китоб камчиликлардан холи эмас. Уни мазмун ва шакл жихатдан янада яхшилаш максадида билдириладиган барча фикр-мулохазалар ва таклифлар учун олдиндан миннатдорчилик билдирамиз.

I-БУЛИМ. Аудиторлик фаолиятининг назарий ва ташкилий-хукукий асослари.

I БОБ. АУДИТНИНГ МОХИЯТИ, МАЗМУНИ, ЗАРУРЛИГИ ВА ВАЗИФАЛАРИ.

1.1 Аудитнинг пайдо бУлиши ва ривожланиши.

Маълумки, хар кандай вокеа, ходиса, буюм кайси замонда ва каерда пайдо булишидан катъий назар маълум зарурият туфайли юзага келади.

Аудитга оид манбаларда таъкидланишича, уни куйидаги шарт-шароитлар келтириб чикарган:

* ахборот етказиб берувчилар (маъмурият) билан ахборотлардан фойдаланувчилар (давлат органлари, банклар, акциядорлар, кредиторлар) манфаатларининг мос келмаслиги, натижада, улар Уртасида зиддиятли вазиятлар юзага келганида маъмурият томонидан нотури маълумотлар берилиши;
* нотури ахборотларга асосланган холда хужалик карорларининг кабул килиниши натижасида нокулай иктисодий ахволга тушиб колиниши ёки инкирозга юз тутилиши;
* иктисодий ахборотларнинг хакконийлигини тасдиклаш учун зарур махсус билимларга эхтиёж;
* ахборотлардан фойдаланувчиларда маълумотларни бевосита бахолаш ва сифатини аниклаш учун махсус малака, вакт ва материалларнинг етишмаслиги ва х.к. {8}

Мана шу муаммоларни хал килишга ёрдам берадиган аудиторлик хизматлари шакллана бошлади. Унинг асосий вазифаси ахборотлардан фойдаланувчиларга такдим килинадиган хисоботлар турисида холис фикр-мулохазалар билдиришдир. Аудиторлар етарли билим ва тажрибага шунингдек, бухгалтерия хисоби хужжатлари ва асословчи маълумотларни олиш хукукига эга бУлганликлари учун бу вазифани малакали даражада бажарадилар. Бундан ташкари, улар корхона маъмуриятига буйсунмайдиган ва унинг тазийкларидан холидирлар.

Айрим манбаларга кура бухгалтер-аудитор касби XVII асрнинг Урталарида Европанинг акциядорлик компанияларида акциядорлар, кредиторлар ва солик хизмати ходимлари Уртасидаги мунозарали масалаларни хал килиб бериш зарурати туфайли шакллана бошлаган. Уша пайтларда мустакил фаолият кУрсатиб, корхонанинг ишлаб чикариш молия фаолияти турисида аник хулоса берадиган мутахассисларга эхтиёж кучайган.

Натижада, 1862 йили Англияда, 1867 йили Францияда, 1937 йили эса А+Шда мажбурий аудит турисидаги конун кабул килинган. Хозирги пайтда бозор иктисодиёти ривожланган мамлакатларда Узининг ташкилий хукукий инфратузилмаларига эга бУлган аудит институтлари фаолият кУрсатмокда.{9}

Аудиторлик касби турли хил мамлакатларда турлича номланиб келинган. Масалан, Америкада жамоатчи-бухгалтер, Францияда бухгалтер эксперт ёки счётлар бУйича комиссар, Германияда хУжалик назоратчиси, ёки китоблар (Das Buch) назоратчиси, катор англо-саксония мамлакатларида компаниянинг молиявий фаолиятини назорат киладиган тафтишчи кабилар.

Аудиторлик фаолиятининг ривожланишига 1929-1933 йилларда жахон иктисодий таназзули катта туртки бУлди. Бу даврда акциядорлик жамиятлари ва бошка корхоналарнинг кУпчилиги инкирозга юз тутдилар. Натижада хисоботларни, хусусан, баланс, фойда ва зарарлар турисидаги хисобот маълумотларини тасдиклаш тартибини катъий белгилаш, уларнинг турилиги ва хакконийлигини мустакил аудиторлар томонидан текшириш эхтиёжи юзага келган{14}

Аудит XIX аср Урталарида Шотландияда хам вужудга кела бошлаган.

Инглиз темирйУлчилари, сугурта ва бошка инвесторлар Шимолий Америкага йУл олишганида улар билан бирга йирик инглиз сармоядор (кредитор) ларининг манфаатларини химоя киладиган мустакил тафтишчи-аудиторлар хам бирга борганлар.

1844 йилда Англияда акциядорлик компанияларининг бухгалтерия счётларини, акциядорларга бериладиган хисоботларни йилига камида бир марта мустакил бухгалтерлар текширувидан мажбурий Утказилишини талаб киладиган конунлар чикарилган.

Дастлаб аудиторлик вазифалари аник белгиланмаган бўлиб, барча инвесторлар, акциядорлар, кредиторлар аудиторларни Узларининг химоячиси сифатида кабул килганлар.

Аудиторлар хакида уларни акциядорлар олдидаги масъул шахслар деб караш 1929 йилда «Компаниялар турисидаги конун» чикарилиши билан Узгарди. Ушбу конунга мувофик барча компаниялар Узларининг молиявий хисоботларида фойда ва зарарларни мажбурий равишда кУрсатишлари белгилаб куйилди.

Тарихий манбалардан маълумки, марказлашган давлатчиликнинг барпо бУлиши хамда ривожланиши натижасида мамлакатни бошкариш учун хисоб, назорат ва молия ишларига зарурият кучайган. Уларнинг илдизлари инсониятнинг узок тарихига бориб такалади. Масалан, аудиторлик профессор П.И.КамУшанов маълумотларига кУра тахминан эрамиздан олдинги 200 йилларда касб сифатида шакллана бошлаган. Бу пайтларда квесторлар яъни Рим Империяси даврида молия ва судлов ишларини олиб борувчи мансабдор шахслар жойлардаги хукумат бухгалтерлари устидан назорат килиб тУрганлар. Квесторларнинг хисоботлари Римга юборилиб, имтихон килувчилар томонидан эшитилган. «Аудитор» лотинчадан «Эшитувчи» деган тушунча хам шундан келиб чиккан.{9}

Демак,«Аудит» тушунчаси лотинча бўлиб, «auditing» - айнан таржимаси «у эшитаяпти», «эшитувчи» деган маъноларни билдиради.

Темир тузукларида хам хисоб, молия ва назорат ишлари мамлакатни бошкаришда мухим восита бУлганлиги хакида кимматли маълумотлар мавжуд.

Масалан, «Раиятдан мол-хирож олиш, мамлакатни тартибга келтириш, унинг ободончилиги, хавфсизлигини амалга оширувчи кишилар тузуги»да салтанатни бошкаришда хисоб ва назорат ишлари хакида шундай дейилган: «... хар улкага уч вазир тайинлашларини буюрдим. Булардан бири раият учун бўлиб, ундан йигиладиган соликларнинг ундирилишини кУзатиб, хисоботини олиб борсин. Олик-солик микдори, солик туловчиларнинг номларини ёзиб борсин ва раиятдан йигилган маблагни сакласин. Иккинчи вазир сипох ишларини бошкаради. Сипохга берилган ва берилиши лозим бУлган маблаг хисобини олиб борсин. Учинчи вазир эса дараксиз йуколган кишилар, келиб-кетиб юрувчилар (саёхатчилар ва савдогарлар), хар хил йул билан йигилиб колган хосил, аклдан озганларнинг мол-мулки, вориссиз мол-мулкни, козилар ва шайхулисломларнинг хукми билан олинган жарималарни тартибга келтирсин».{17}

«Сипохга хак таксимлаш тузуги»да эса Уша замонга хос назорат тизими хакида куйидаги маълумотлар келтирилган: «Мулк килиб берилган хар бир мамлакатга иккитадан вазир тайинласинлар. Бири вилоятдан йигилган молни ёзиб, раият ахволини текшириб турсинки, жогирдор фукарога жабр зулм етказиб, уларнинг холини хароб этмасин. У вилоятдан йигилган бутун молашёларни кирим дафтарига ёзиши лозим. Иккинчи вазир эса (даромад)нинг харж этилган кисмини чиким дафтарига ёзсин ва (йигилган моллардан) сипохийларнинг маоши учун таксим килсин. кайси амирга мулк берилар экан, уни уч йилгача Уз холига куйсинлар. Уч йил Утгандан сунг уни текшириб курсинлар. Агар мамлакат обод, раият рози экан, шу холича колдирсинлар. Агар ахвол бунга терс бУлса, у вилоятни холисга Утказиб, уч йилгача Уша жогирдорга хак берилмасин».[17]

Кейинги 25 йил мобайнида аудиторлик фаолияти 3 хил ривожланиш боскичидан утди:

1. ***Тасдикловчи аудит*** бунда асосан хисоб регистрлари ва хужжатлар текширилди.

2. ***Максадли системали аудит*** бу боскичда муомала (операция)ларни назорат килиш системасини кузатиш имконияти яратилди.

3. ***Таваккалчиликка асосланган аудит*** - системани назорат килувчи шахслар томонидан кабул килинган бошкарув карорларига бахо берилади.

Максадли системали аудит шаклланиши билан аудиторлар ички назорат оркали экспертиза Утказа бошладилар. Бунинг окибатида шу нарса исботландики агар ички назорат тизими самарали ташкил килинган булса хато ва камчиликларни аниклаш учун жиддий текширишлар Утказишга хожат колмайди.

Таваккалчиликка асосланган аудит ёппасига ёки танлов йУли билан Утказиладиган текшириш бўлиб, у корхона фаолияти шароитидан келиб чикади ва асосан тор доирадаги объектларни текшириш билан якунланади.

Давлат органларининг аудиторлик хизматларига муносабати турлича. Масалан, А+Ш ва Буюк Британияда аудиторлик ташкилотлари мустакил бўлиб, улар аудиторларни Узлари тайёрлайдилар, тегишли малакавий унвонларни берадилар ва кейинчалик хам уларнинг Уз вазифаларини виждонан, халол бажаришларини назорат килиб турадилар. Бошка Европа мамлакатларида аудиторлик фаолияти хукумат органлари томонидан ташкил килинади.

Аудиторлик фаолиятининг ривожланиши йирик ***транснационал фирмалар***нинг вужудга келишига олиб келди. Бундай аудиторлик фирмалари ичида энг йириклари куйидагилар:

1. «Праис Уотерхаус Куперс (Price Waterhous Coopers) – англия америка
2. «Делоит ва Туш» (Deloitte and Touch) – америка – япония
3. «Артур Андерсен» (Arthur Andersen) - америка

4. “Эрнст ва Янг” (Ernst and Young) - шотландия
5. “КПМГ” (KPMG), шу жумладан Peat Marwick, ВДО ва бошкалар.

Бозорнинг кенгайиши билан аудиторлик фирмалари кУрсатадиган хизматлар турлари ва хажмлари хам ортиб боради. КУплаб фирмалар одатдаги бухгалтерия хисобига оид маслахатлар ва хизматлардан ташкари соликка тортиш, бошкарув фаолияти ва ахборотларни олиш технологияси, маркетинг, моддий ишлаб чикариш захираларини бахолаш, иктисодий режалаштириш ва истикболни белгилаш, банк ва сугурта ишлари бУйича хам хизмат кУрсата бошладилар.

Бозор иктисоди ривожланган мамлакатларда молиявий назоратнинг куйидаги ташкилий тизимидан фойдаланилади:

1. Давлат молиявий назоратининг олий органи ***счётлар палатаси ёки давлат бош аудиторлик аппарати*** бўлиб, у бевосита парламент ёки президентга бУйсунади. Унинг асосий вазифаси давлат бюджетининг харажатлар кисмини умум назорат килишдир.

2. Солик бошкармаси. Хукуматга ёки молия вазирига бУйсунади, давлат бюджетининг даромадлар кисмининг тУлдиришини назорат килади.

3.Вазирликлардаги назорат тафтиш бУлинмалари бюджет томонидан маблаг билан таъминланиб, давлат молиявий назоратининг олий органи ёки тегишли вазирликка бУйсунади. Асосий вазифаси бюджет маблагларининг тури сарфланишини назорат килади.

4. Мустакил аудиторлик молиявий назорат баланс маълумотларининг турилигини, амалга оширилган муомалаларнинг конунийлигини шартнома асосида назорат килади. Нодавлат секторидаги корхона ва ташкилотларга хам шартнома асосида хисоб ва молия масалалари бУйича маслахат (консультация) беради.

Ривожланган мамлакатларда мустакил аудиторлик ташки молиявий назоратнинг асосий шакли бўлиб хисобланади ва у кенг профилли тафтишчилар томонидан амалга оширилади.

Турли мамлакатларда аудитни ташкил килиш билан боглик коидаларни Ўрганиш шуни кУрсатадики, уларда бир-бирига Ухшашликлар мавжуд:

- корхоналар молиявий хисоботларини мажбурий аудит назоратидан Утказиш;
- аудиторлик фаолияти билан шугулланувчилар учун маълум малакага эга бУлиши билан боглик талаблар.
- аудиторликка факат шу мамлакат фукароларини тайинлаш.

Бу мамлакатларнинг хар бирида аудиторлик хизматларининг сони жуда кУп. Уларнинг фаолияти шу даражада кенг таркалганлиги халкаро аудиторлик ташкилотларининг шаклланишига олиб келди. Хусусан, ***Дипломли жамоатчи бухгалтерлар халкаро ассоциацияси*** 147 та мамлакатда фаолият кУрсатадиган 4 мингдан ошик аудиторлик фирмаларини бирлаштиради. Хорижий мамлакатларнинг назорат амалиётидаги ижобий тажрибаларни Ўрганиш ва ёйиш максадида 1953 йили БМТ кошида нодавлат ташкилоти - ***Олий Назорат Органларининг Халкаро Ташкилоти*** (INTOSAI) тузилган [7.8]. Бу ташкилотни тузишга куйидаги омиллар сабаб бУлган:

* жахон иктисодиётида байналминаллашиш тенденцияларининг кУзатилиши;
* бизнес ва савдо-сотикнинг ривожланиши;
* кУп миллатли корпоратив операцияларнинг кенгайиши;
* пул маблагларини самарали назорат килишга интилиш;
* давлат назоратининг кучайтирилиши ва чет эл инвестицияларининг бошкарилиши.

Бухгалтер-аудиторларнинг профессионал ташкилотлари жахоннинг кУп мамлакатларида тузилган. Жумладан Буюк Британияда Англия ва УЭЛЬС мамлакатлари мустакил бухгалтерлар институти ташкил килинган бУлса, А+Шда дипломли ва дипломсиз жамоатчи бухгалтерларнинг ***бухгалтер-аудиторлар жамияти,*** Германида ***Аудиторлар палатаси*** ва ***Аудиторлар институти*** фаолият кУрсатмокда.

Барча аудиторлик фирмалари, хизматлари Уз фаолиятларида ***«Халкаро аудит нормалари ва кУшимча ишлар Низоми»*** дан фойдаланадилар. Халкаро аудит нормалари нормативи 29 ишдан иборат бўлиб, унга яна 4 та кУшимча ишлар нормативлари хам киритилган.

Ташки аудит билан бирга кУпчилик корхоналарда ички аудит йУлга куйилган бўлиб, улар ишлаб чикариш харажатларининг даражаси, рентабеллик тежамкорлик, макбул режимга риоя килиш ва кУрсатиладиган хизматларнинг юкори сифатлилиги устидан назорат киладилар.

Фирмаларнинг, шу жумладан аудиторлик фирмаларининг хам бозорда мустахкам урин топишида уларнинг махсулот (иш,хизмат)ларининг сифати мухим ахамиятга эга. Ички аудит транснационал фирмалар ишлаб чикариш-молия фаолиятининг мухим омилидир. Масалан,

«Истмэн Кодак» олий сифатли спорт моллари сотиш ва хизмат кУрсатиш бУйича жахонда етакчи урин эгаллайди. Унда ички аудитнинг ташкил килинганига 60 йилдан ошган. Унинг учун масъулият Рочестер (Нью-Йорк штати) даги ***умумий аудит бУлимига*** юкланган [8].

Хар бир корхона ва хар бир тадбиркор улар хУжалик юритадиган сооада амалга ошириладиган муомалаларни аудиторлик текширувидан Утказиш зарурати билан тУкнашадилар. Аммо аудит нима эканлигини хали кУпчилик тушуниб етган эмас.

Аудит мамлакатимиздаги хУжалик фаолиятини назорат ва иктисодий тахлил килишнинг нисбатан янги йуналишидир. Агар ~арб мамлакатларида аудит 150 йилдан буён маълум бУлса, Узбекистонда эса, мустакил фаолият сохаси сифатида хУжалик юритишда давлат монополиясидан воз кечиш ва бозор иктисодига Утиш натижасида шакллана бошлади. Шунинг учун аудиторлик фаолияти ривожланган мамлакатлар тажрибасини Ўрганиш зарурдир. Таъкидлаш жоизки, олдин хам мамлакатимиздаги корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларда хУжалик фаолиятини назорат ва тафтиш килиш амалга оширилган. Аммо, назорат ва тафтиш билан аудит тушунчалари бир-бирларига якин бУлса хам, уларни битта нарса деб тушуниш тури эмас.

Аудиторлик бизнинг тушунчамиздаги хУжалик фаолиятининг тахлили, хужжатли тУлик тафтиш, баланс счётларини текшириш ёки айтайлик, суд-бухгалтерлик экспертизаси эмаслигига карамасдан, аудиторлар Уз хизмат вазифаларини амалга ошириш чогида юкорида санаб утилган ишлар тартиби ва хисоб хамда назорат-тахлилий амалиётнинг бошка сохаларидан фойдаланадилар.

Аудит тушунчаси назорат ва тафтиш тушунчаларига караганда кенгрок, чунки у нафакат молиявий кУрсаткичлар турилигини текширишни, балки харажатларни макбуллаштириш ва конуний асосда фойдани кУпайтириш максадида хУжалик фаолиятини яхшилаш бУйича таклифлар ишлаб чикишни Уз ичига олади. Аудитни бизнесни Узига хос экспертиза килиш деб таърифлаш мумкин. Бунда бухгалтерия хисоби ва ички хУжалик назорати шартнома асосида амалга оширилиб, молия-хУжалик муомалаларининг конунчиликка мувофиклиги текширилади (яъни хисобот кУрсаткичларининг хакконийлиги назорат килинади). Шунингдек, но-Урин харажатларга йУл кУймаслик максадида эксперт консультацияси Утказилади.

Бизнес бУйича эксперт вазифаларини бажариш учун аудитор кенг билим, махорат ва тажрибага эга бУлиши лозим.

Бизнинг мустакил мамлакатимизда аудитнинг дунёга келиши ва аудиторлик фирмаларининг барпо этилиши асосан, акциядорлик жамиятлари, кУшма корхоналар ва тижорат банкларининг ташкил этилиши билан боглик бўлиб, уларнинг хисоботлари аудитор хулосасиз расмий макомга эга була олмайди.

1.2. Аудиторлик фаолиятининг мохияти, максади ва вазифалари.

Хар кандай тушунча, айникса илмий атама Узининг мохиятини ифодаловчи таърифига эга бУлиши лозим.

Аудиторлик фаолиятининг таърифи Узининг тарихий тараккиёт йУлида турли манбаларда турлича баён килинган. Масалан, профессор М.М.ТУлахУжаеванинг «Узбекистон Республикасида Молиявий назорат тизими» номли китобида аудитга куйидагича таъриф берилган:

«аудит – бу мустакил малакали мутахассислар томонидан корхонанинг молиявий хисоботини ёки у билан боглик молиявий ахборотни ушбу хисобот ёки ахборотнинг конун ва бошка норматив хужжатларга мувофиклик даражаси турисида хулоса чикариш максадида тадкик этилишидир». [16]

Аудиторлик фаолияти ва аудиторлик касбининг таърифи Узбекистон Республикасининг янги тахрирдаги «Аудиторлик фаолияти турисида»ги конунида куйидагича келтирилган:

Аудиторлик фаолияти деганда аудиторлик ташкилотларининг аудиторлик текширувларини Утказиш ва бошка шу билан боглик профессионал хизматлар кУрсатиш борасидаги тадбиркорлик фаолияти тушунилади.(3)

Биринчи таърифда аудитнинг тафсилоти кенг баён этилган бУлса, сУнгисида аудиторлик фаолияти текширув Утказиш жараёни бУлиши билан бирга тадбиркорлик фаолияти эканлиги хам таъкидланган.

Узбекистонда давлат хокимияти ва бошкаруви органларига аудиторлик фаолиятини амалга ошириш конун билан такикланган.

Аудитор – аудитор малака сертификатига эга бУлган жисмоний шахсдир.

Агар аудитор аудиторлик ташкилотининг штатида тУрган бУлса ёки аудиторлик ташкилоти у билан фукаролик-хукукий тусдаги шартнома тузган бУлса, у аудиторлик текшируви Утказишга жалб этилиши мумкин.

Аудитор аудиторлик текширувини сифатсиз Утказганлиги, тижорат сирини ошкор этганлиги хамда бошка хатти-харакатлари окибатида аудиторлик ташкилотига зарар етказганлиги учун конун хужжатларига мувофик аудиторлик ташкилоти олдида жавобгар бУлади (3).

Шунингдек, +онуннинг 4-моддасига мувофик «аудитор ёрдамчиси аудитор малака сертификатига эга бУлмаган ва аудиторлик хисоботида, аудиторлик хулосасида, аудиторнинг эксперт хулосасида хамда

аудиторлик текширувини Утказиш билан боглик бУлган бошка расмий хужжатда имзо чекиш хукукига эга бУлмаган тарзда аудиторнинг топширигига биноан аудиторлик текширувида иштирок этаётган жисмоний шахсдир».

Аудитор ёрдамчисининг мехнат шартлари конун хужжатларида кайд этилган тартибда тузилган мехнат шартномаси билан белгиланади.

Аудиторлик текширувини амалга оширишда олинган маълумотларни ошкор этмаслик мажбурияти аудиторнинг ёрдамчисига нисбатан тадбик этилади.

Аудиторнинг ёрдамчиси сифатида ишланган вакт аудитор малака сертификатини олиш учун зарур бУладиган иш стажига кУшилади.[3]

Узбекистонда аудиторлик фаолияти мустакил юридик шахс хукукига эга аудиторлик ташкилотлари томонидан амалга оширилади. +онунга кУра аудиторлик ташкилоти аудиторлик фаолиятини амалга ошириш лицензиясига эга бУлган юридик шахсдир .

Аудиторлик фаолиятининг максад ва вазифалари тавсифидан келиб чикиб, унинг куйидагича таснифлаш мумкин (1.2.1-чизма)



1.2.1 – чизма. Аудиторлик фаолиятининг умумий таснифи.

Хисобот маълумотларининг ишончлилигини, биринчи навбатда, бухгалтерия баланси (1-шакл), молиявий натижалар тУгрисидаги хисобот (2-шакл), шунингдек бошка хисоботларнинг ишончлилиги ва унда келтирилган маълумотларнинг хакконийлигини тасдиклаш (ёки тасдикламаслик) аудиторлик хизматининг энг мухим вазифаси хисобланади.

Таъкидлаш жоизки, бухгалтерия хисоботлари бухгалтерия аппарати, бошка иктисодий хизматлар ва корхона бУлимлари, хамда ишлаб чикариш бУлинмаларидаги кУп сонли ходимларнинг узок давом этган ва машаккатли мехнатлари натижаси хисобланади. Хисоб ахборотлари ва улар асосида тузиладиган хисоботларнинг ишончлилиги ва сифати дастлабки хисобнинг кандай ташкил этилганлигига, хужжатлаштириш интизомининг канчалик мустахкамлигига ва умуман корхона хисоб сиёсатининг кай даражада малакали тузилганлигига кУп жихатдан боглик.

Бухгалтерлик амалиётини Ўрганиш шуни кУрсатмокдаки айрим корхоналарда бухгалтерлик малакаси етишмаслиги окибатида дастлабки хужжатларга ишлов бериш, гурухлаш ва бухгалтерия хисоби счетларида тУгри (ёки бутунлай) акс эттирмасдан (асосан пул ва хисоб-китоб муомалалари), уларни девонхона папкаларда саклаб кУйиш билан чекланилади. Натижада хисоботларни тузишда кУплаб чалкашликлар, ноаникликлар, жорий хисоб маълумотлари ва хисобот кУрсаткичларидаги номувофикликлар юзага келади. Агар бухгалтерлик хисобини ташкил этиш ва юритишга талаб даражасида эътибор килинганида, бундай чалкашликлар пайдо бУлмас эди.

Шунинг учун бухгалтерлик хисобининг кай даражада ташкил этилганлиги ва юритилаётганлигини, бухгалтерларнинг малакаси ва интизомини, дастлабки хужжатларга ишлов берилиш сифати ва корхона молия-хУжалик фаолияти хамда унинг натижаларини акс эттирувчи бухгалтерлик ёзувлари тУгрилигини аникламасдан юкорида кайд этилган асосий вазифани хал этиш мумкин эмас.

Аудиторлик текширувлари ишлаб чикаришни режалаштириш ва ташкил этиш, корхонадаги тартиб, мехнат ва технологик интизомни, товар-моддий захираларнинг омборлар ва бошка саклаш жойларидаги хисоби, мулкларнинг сакланиши, хисоб-китоблар холати ва корхона молия-хУжалик фаолияти хамда унинг натижаларига сезиларли таъсир кУрсатадиган бошка кУплаб холатларни камраб олади. Шунинг учун аудиторлик хисоботида корхона молия-хУжалик фаолияти ва унинг натижаларига бевосита таъсир – кУрсатадиган, хамда хисоб маълумотлари ва хисобот кУрсаткичлари ишончлилигини пасайтиришига олиб келадиган, мехнатни ва ишлаб чикаришни ташкил этишдаги катта камчиликларни бартараф этишга каратилган тавсиялар берилиши лозим.

Шунингдек, Узбекистондаги аудиторлик фаолияти олдида тУрган мухим вазифалардан бири – хорижлик хамкорлар тан оладиган аудиторлик хулосаси бериш кобилиятига эга, сертармок ва профессионал даражадаги умуммиллий аудиторлик компаниялари ташкил этиш хисобланади.

1.3. Аудитнинг халкаро стандартлари.

Мамлакатимизда Аудиторлик фаолиятининг Миллий Стандартлари билан бир каторда Аудитнинг Халкаро Стандартлари хам кУлланилмокда.

Аудитнинг Халкаро Стандартлари – АХС (International Standards of Auduting – ISAs) Бухгалтерларнинг Халкаро Федерацияси БХФ (International Federation Accountants – IFAC) таркибидаги Аудиторлик Фаолияти бУйича Халкаро Комитет (International Auditing Practice Committee) томонидан ишлаб чикилади. Ушбу Федерацияга дунёдаги 100 дан ортик мамлакатларнинг, шу жумладан Узбекистоннинг хам, миллий бухгалтерлик жамоат ташкилотлари аъзо бўлиб кирган.

Аудитнинг Халкаро Стандартларига мувофик аудиторлик фаолиятининг асосий принциплари куйидагилардан иборат: ***халлолик, хакконийлик, мустакиллик, махфийлик ва пухта билимга эгалик (компетентлик)***.

Стандартлаштириладиган хар бир объект учун 100 та ракам (позиция) берилган. Стандартлаш объектлари 11 та бУлгани учун жами 1100 стандарт ишлаб чикилиши мумкин. Амалиётда бундай микдордаги стандартлар учун эхтиёж бУлмаганлиги сабабли уларнинг кУпчилигидан фойдаланилмайди. Масалан, «Режалаштириш» (300-399) деб номланган стандартлаш объекти учта стандартдан иборат: 300-«Режалаштириш», 310- «Бизнесни билиш», 320-«Аудитда ахамиятлилик». Демак, режалаштириш масалалари бУйича яна 7 та стандарт кабул килиш мумкин. Бундан ташкари хар бир стандартга 10 тагача субстандарт очиш мумкин.

Бизга маълум бУлган манбалар асосида Аудитнинг Халкаро Стандартларини ва уларнинг кискача мазмунини куйидаги жадвал кУринишида келтирамиз (2-жадвал).

1.4. Узбекистонда аудиторлик фаолиятини меъёрий-хукукий тартибга солиш тизими, унинг элементлари ва аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари

Аудиторлик фаолиятини меъёрий тартибга солиш тизимининг **биринчи (юкори)** погонасида Узбекистон Республикасининг « Аудиторлик фаолияти турисида»ги конуни (янги тахрири) туради. Ушбу конун Узбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2000 йил 26 майдаги карорига мувофик кабул килинган бўлиб,29 моддадан иборат.

«Аудиторлик фаолияти турисида»ги Узбекистон Республикаси +онунини амалга ошириш максадида кабул килинган хукумат карорларини хам ушбу тизимнинг биринчи погонасига киритиш мумкин. Жумладан,22 сентябр 2000 йилда Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 365-сонли «Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширишларининг ахамиятини ошириш турисида»ги +арор кабул килинди (3-илова).

Шунингдек, ушбу карорга мувофик «Аудиторлик хулосаларини солик органлари ва бошка назорат органлари томонидан хисобга олиш тартиби турисидаги Низом», «Мажбурий аудиторлик текшируви Утказишидан бУйин товлаганлиги учун хУжалик юритувчи субъектлардан жарима ундириш тартиби турисидаги Низом» ва «Аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун аудиторлик ташкилотларига лицензия бериш турисидаги Низом» тасдикланган.

Ушбу карорга мувофик: ижобий аудиторлик хулосаси мавжудлиги хУжалик юритувчи субъектининг молия-хУжалик фаолияти солик органлари ва бошка назорат органлари томонидан охирги текшириш Утказилгандан кейин камида 24 ойдан олдин текширилмаслиги учун асос хисобланади;

Бухгалтерия хисобини юритиш ва хисобот тузиш аудиторлик ташкилоти томонидан амалга ошириладиган микрофирмаларнинг молия-хУжалик фаолияти солик органлари ва бошка назорат органлари томонидан тегишли аудиторлик ташкилоти албатта жалб килинган холда текширилади. Бунда молиявий хисоботнинг турилиги учун аудиторлик ташкилоти жавоб беради.(4)

+арорнинг 3-бандига мувофик Узбекистон Республикаси Молия Вазирлиги аудиторлик фаолиятини лицензиялаш махсус ваколатли давлат органи этиб тасдикланган ва унга куйидаги функциялар юклатилган:

Уз ваколатлари доирасида аудиторлик фаолиятини тартибга солувчи меъёрий хужжатларни, шу жумладан аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларини ишлаб чикиш ва тасдиклаш;

аудиторлик ташкилотлари томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя килинишини назорат килиш;

аудиторларнинг республика жамоат бирлашмаси билан келишган холда аудиторлар малака сертификатини олиши учун Укитиш дастурларини ва малака имтихонлари топшириш тартибини тасдиклаш;

аудиторлик фаолиятини амалга оширишга берилган лицензиянинг, аудиторларнинг малака сертификатининг амал килишини тУхтатиб туриш, тУхтатиш ва бекор килиш;

малака сертификатига эга бУлган аудиторлар реестрини ва аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун берилган лицензияга эга бУлган аудиторлик ташкилотлари хисобини юритиш.

Аудиторлик ташкилотлари устав капиталининг энг кам микдори энг кам ойлик иш хакининг камида 1200 баравари микдорида белгиланган. Бунда янгидан ташкил этиладиган аудиторлик ташкилотлари давлат рУйхатидан Утказилган пайтдан бошлаб бир йил мобайнида таъсис хужжатларида назарда тутилган сармоясини шакллантиришлари зарур.



1.4.1 – чизма. Узбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини меъёрий тар
ва унинг элементлари.

Аудитрлик фаолиятини меъёрий тартибга солиш тизимининг **иккинчи пого**
фаолиятининг миллий стандартларини (АФМС) ва бошка меъёрий хужжатлар
Аудиторлик фаолияти миллий стандартлари (АФМС) – бу барча аудиторлик ташкилотлари Узларининг профессионал фаолиятлари жараёнида риоя килишлари лозим бУлган ягона асосий тамоиллардир. Стандартлар Узбекистон Республикаси Молиявий Вазирлигида Бухгалтерия хисоби, хисоботи ва аудит услубиёти бошкармаси томонидан ишлаб чикилиб тасдикланади ва Адлия Вазирлигида рУйхатга олинади. Узбекистон Республикаси Аудиторлик фаолияти Миллий Стандартлари (АФМС) Аудитнинг Халкаро Стандартлари – АХС (International Standards of Auditing - ISAs), негизида ишлаб чикилади ва асосан аудиторлик текширувларини Утказиш коидаларини белгилайди. Бу коидаларини молия-хУжалик фаолиятининг барча субъектларида бир хил кУлланилади.

Аудиторлик фаолиятини амалга ошириш жараёнида аудиторлик стандартларига риоя килиш аудит сифатини ва унинг натижалари ишончлилигини кафолатлайди.

Аудиторлик стандартларининг ахамияти куйидагилардан иборат:

- уларга риоя килинганда аудиторлик текширувларининг юкори сифатли бУлиши таъминланади;
- аудиторлик амалиётига янги илмий ютукларни жорий килишга ёрдам беради;
- муайян вазиятларда аудиторлар кандай иш тутишларини белгилаб беради.

Хозиргача аудиторлик фаолиятига доир масалаларни акс эттирувчи куйидаги стандартлар кабул килинган:

№	Стандартнинг № ва номи	Уз.Р.МВ тасдиклаган сана ва №	Уз.Р АВ да рУйхатга олинган сана ва №	Кучга кирган санаси
1.	№3- АМС «Аудитни режалаштириш»	14.10.1999й №54	10.11.1999й №837	01.01.2000й
2.	№5- АМС «Аудитор ишининг сифатини назорат килиш»	04.08.1999й №62	03.09.1999й №811	01.01.2000й
3.	№6- АМС «Аудитни хужжатлаштириш»	04.08.1999й №61	03.09 1999й №812	01.01.2000й
4.	№9- АМС «Ахамиятлилик ва аудиторлик хатари»	04.08.1999й №63	03.09.1999й №813	01.01.2000й
5.	№10- АМС «Молиявий хисобот таркибидаги бошка ахборотлар»	09.09.1999й №75	23.09.1999й №822	01.01.2000й
6.	№11- АМС «Маълумотларни компьютерда ишлаш (МКИ) шароитида аудит Утказиш»	09.09.1999й №76	23.09.1999й №823	01.01.2000й
7.	№13- АМС «Тахлилий амаллар»	04.08.1999й №64	03.09.1999й №814	01.01.2000й

8.	№14- АМС «Ау-диторлик танлаш»	27.07.1999й №59	03.09.1999й №815	01.01.2000й
9.	№16- АМС «Эксперт ишидан фойдаланиш»	27.07.1999й №60	03.09.1999й №816	01.01.2000й
10.	№24-АМС «Молиявий хисоботнинг бузиб кУрсатилганлиги аник-ланганида аудиторлик ташкилотининг иш тутиши»	31.05.2001й №49	30.06.2001й №1045	10.07.2001й
11.	№31- АФМС «ХУжалик юритувчи субъект фаолияти (бизнеси) билан танишиш»*	30.05.2001й №48	21.06.2001й № 1043	01.07.2001й
12.	№70- АФМС» Аудиторлик хисоботи ва молиявий хисобот хакидаги аудиторлик хулосаси»	14.02.2001й №20	10.03.2001й №1016	20.03.2001й
13.	№90- АФМС « Ауди-торлик ташкилотларининг профессионал хизматлари»	14 феврал 2001 й. №19	10.03.2001й №1017	21.03.2001й

*-№4- « мижоз фаолияти (бизнеси) билан танишиш» номли аудитнинг миллий стандарти бекор килиниб, унинг Урнига кабул килинган.

Учинчи погона- стандартларни тадбик килиш учун зарур хужжатлар тУпламидан иборат.Бу хужжатлар стандартларни кУллаш ва стандартлар асосида аудиторлик фаолиятини ташкил этишга доир маълумотларни Уз ичига олади.

Аудиторлик ташкилотлари билан мижоз корхона Уртасидаги муносабатлар Узбекистон Республикаси Фукаролик Кодексига мувофик шартнома асосида амалга оширилади.

Аудиторлик хизмати кУрсатиш шартномаси аудит предметини, хизмат кУрсатиш жойини, хак тУлаш хажми ва тартибини, томонларнинг жавобгарлигини Уз ичига олади. Шартнома шартлари ва топширик мазмуни Узбекистон Республикаси «Аудиторлик фаолияти турисида»ги конунга зид бУлмаслиги лозим.

«Аудиторлик фаолияти турисида»ги конунга мувофик аудиторлик фаолияти билан факат юридик шахс хукукига эга аудиторлик ташкилоти шугулланиши мумкин.

Аудиторлик ташкилоти аудиторлик фаолиятини амалга ошириш лицензиясига эга бУлган юридик шахсдир.

Аудиторлик ташкилотлари Уз фаолиятини амалга оширишда мустакилдир. {3}

Аудиторлик фаолиятини меъёрий тартибга солиш тизимининг шаклланиши ва ривожланишида профессионал жамоат ташкилотлари мухим Урин тутади.

I. Узбекистон профессионал бухгалтерлар ва аудиторларининг миллий уюшмаси (УПБАМУ) – бухгалтерлар, аудиторлар, илмий ва педагогик ходимлар, соликлар бУйича маслахатчиларнинг республика жамоат ташкилоти бўлиб, Уз аъзоларини улар манфаатлари ва максадларининг умумийлиги, худудий ёки профессионал тамоиллар бУйича бирлаштиради.

Уюшма Узбекистон Республикасида бухгалтерлар ва аудиторлар касб малакасини ривожлантириш ва уларни халкаро стандартлар талабларига мослаштиришни таъминлайди. Шунингдек, бухгалтерлар ва аудиторларни профессионал химоялашда амалий ёрдам кУрсатади.

Уюшмма бухгалтерия хисоби, аудиторлик фаолияти, соликка тортиш, хусусийлаштириш, кимматли когозлар бозори, корхоналар молия- хУжалик фаолиятининг тахлили ва молиявий менежмент бУйича конунчилик ва меъёрий хужжатларни ишлаб чикишда иштирок этади. Шу билан бирга юкорида санаб Утилган масалалар бУйича маслахатлар беради ва «хаммаси бухгалтерлар учун» номли ойлик бюллетен, Укув, меъёрий хамда услубий адабиётлар нашр килади.

II. Узбекистон Аудиторлар Палатаси (УАП) – малака сертификатига эга мустакил аудиторларни ихтиёрий тарзда бирлаштирувчи, мустакил нотижорат жамоат ташкилоти. Аудиторлар Палатасининг асосий максади аудиторларнинг профессионаллик даражасини ривожлантириш ва кУллаб-кувватлашга ёрдам кУрсатиш, Уз аъзоларининг касбга оид манфаатларини давлат ва жамоат органларида химоя килиш, хамда касбга оид талаблар бУйича барча Узгаришлар тУгрисидаги ва ахборот таъминоти бУйича алока Урнатишдан иборат.

Аудиторлар Палатасининг асосий вазифаларига куйидагилар киради:

- *аудит сохасига оид меъёрий хужжатларни ишлаб чикишда иштирок этиш;*
- *Укув дастурларини хамда малакавий имтихонларни топшириш тартибини ишлаб чикиш ва тасдиклаш;*
- *аудиторлик малака сертификатини олиш учун даъвогарлар учун малакавий имтихонларни Утказиш;*
- *аудиторларни тайёрлаш ва кайта тайёрлаш бУйича Укув марказлари ташкил этиш;*
- *аудиторларни касб ахлоки кодекси коидаларига риоя килишини назорат килиш;*
- *Узбекистон аудиторлар палатаси аъзолигига малакали аудиторларни жалб этиш учун халкаро ташкилотлар ва бошка давлатимиз органлари билан хамкорлик килиш;*
- *Узбекистон Республикаси аудиторларининг бошка давлатлар жамоат ташкилотлари томонидан тан олинишига эришиш.*

1.5 Аудиторлик текшируви ва аудиторлик ташкилотларининг профессионал хизматлари

1.5.1 Мажбурий аудиторлик текшируви.

Аудиторлик текшируви кай тарзда Утказилишига кУра **мажбурий** ва **ташаббус тарзидаги** (ихтиёрий) аудиторлик текширувларга бУлинади. Шунингдек, аудиторлик текшируви назорат килувчи ёки хукукни мухофаза килиш органларининг ташаббусига кУра хам Утказилиши мумкин.

«Аудиторлик фаолияти турисида»ги конунга мувофик фаолият турига кУра куйидаги иктисодий субъектлар хар йили мажбурий аудиторлик текширувидан Утказилиши керак:

акциядорлик жамиятлари;

банклар ва бошка кредит ташкилотлари;

сугурта ташкилотлари;

инвестиция фондлари хамда юридик ва жисмоний шахсларнинг маблагларини жамлаб турувчи бошка фондлар хамда уларнинг бошкарув компаниялари;

манбалари юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий бадаллари бУлмиш хайрия фондлари ва бошка ижтимоий фондлар;

маблагларнинг хосил бУлиш манбалари конун хужжатларида назарда тутилган, юридик ва жисмоний шахслар томонидан килинадиган мажбурий ажратмалар бУлмиш бюджетдан ташкари фондлар;

устав фондида давлатга тегишли улуш бУлган хУжалик юритувчи субъектлар. {3}

Мажбурий аудиторлик текшируви Утказилишидан бУйин товлаганлиги учун хУжалик юритувчи субъектлардан жарима ундирилади. Агар хУжалик юритувчи субъект хисобот йилидан кейинги йилнинг 1 майигача йиллик молиявий хисоботини аудиторлик текширувидан Утказмаган ва аудиторлик хулосасига эга бУлмаса, у мажбурий аудиторлик текшируви Утказилишидан бУйин товлаган хисобланади.

«Аудиторлик фаолияти турисида»ги конуннинг 10-моддасига мувофик мажбурий аудиторлик текширувидан Утказилиши лозим бУлган барча хУжалик юритувчи субъектлар олдинги йил учун йиллик молиявий хисоботларини жорий йилнинг 1 майигача аудиторлик текширувидан Утказадилар. Аудиторлик текшируви якунланганидан сУнг хУжалик юритувчи субъект аудиторлик хулосасининг белгиланган тартибда тасдикланган бир нусхаини 15 кун ичида тегишли солик органларига топшириши лозим. Агар аудиторлик хулосасининг бундай нусхасини солик органига Уз вактида такдим этилмаса, хУжалик юритувчи субъект солик органига бунинг сабаби кУрсатилган тушунтириш хати такдим этади.

Мажбурий аудиторлик текширувидан бУйин товлаган хУжалик юритувчи субъектларга солик органи томонидан жарима солинади. ХУжалик юритувчи субъект рахбари эса мажбурий аудиторлик текширувидан бУйин товлаганлиги учун конун хужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади. Ундирилган жарима **жарима солиш турисидаги карор** топширилган кундан бошлаб 10 кун ичида тУланиб, тУлик микдорда республика бюджетига Утказилади. Агар жарима Уз вактида тУланмаса, солик конунчилигига мувофик пения хисобланган холда сУзсиз ундириб олинади.

Мажбурий аудиторлик текширувидан бУйин товлаганлиги учун ундириладиган жарималар ставкалари хУжалик юритувчи субъектларнинг хисобот йили охирида махсулот(иш,хизмат)лар сотишдан олинган ялпи тушумининг микдорига караб энг кам ойлик хакининг 100 бараваридан 500 бараваригача табакалаштирилган.

Мажбурий аудиторлик текширувидан бУйин товлаганлик учун табакалаштирилган жарима ставкалари:

Жарима микдори	Бир йилда махсулот (иш, хизмат)лар сотишдан олинган ялпи тушум микдори (++С билан бирга)
Энг кам ойлик иш хаки микдорининг 100 баравари	Энг кам ойлик иш хаки микдорининг 500 бараваригача
Энг кам ойлик иш хаки микдорининг 300 баравари	500 бараваридан 15 минг бараваригача
Энг кам ойлик иш хаки микдорининг 500 баравари	15 минг бараваридан ортик

Жарима суммасини хисоблаш учун жарима солиш турисида карор чикарилган санадаги энг кам ойлик иш хаки микдори асос килиб олинади.

Бюджетдан ташкари ва хайрия жамгармаларининг амалдаги тушумлари (аъзолик бадалларини хам кУшган холда) жарима хисоблашда асос бУладиган ялпи тушум хисобланади.

ХУжалик юритувчи субъектлар жарима солиш турисидаги карор устидан конун хужжатларида белгиланган тартибда шикоят килишлари мумкин.

1.5.2. Ташаббус тарзидаги (ихтиёрий) аудиторлик текшируви.

«Аудиторлик фаолияти турисида»ги конуннинг 11-моддасига мувофик: « Ташаббус тарзидаги аудиторлик текшируви хУжалик юритувчи субъектнинг ёки бошка аудиторлик

текшируви буюртмачиларининг карорига биноан, конун хужжатларида назарда тутилган тартибда Утказилиши мумкин.

Ташаббус тарзидаги аудиторлик текширувининг предмети, муддатлари ва бошка шартлари аудиторлик текширувининг буюртмачиси билан аудиторлик ташкилотлари Уртасида тузиладиган **аудиторлик текширувини Утказиш турисидаги шартнома**да белгилаб кУйилади». {3}

Ташаббус тарзидаги (ихтиёрий) аудиторлик текшируви одатда хУжалик юритувчи субъектнинг карорига кУра Утказилади. Ташаббус тарзидаги аудиторлик текшируви Утказишда хУжалик юритувчи субъект Уз олдига асосан куйидагиларни максад килиб кУйиши мумкин:

- бухгалтерия хисобини ташкил этишнинг амалдаги конунчиликка мувофиклигини аниклаш;
- бутун бухгалтерия хисоби тизимини ёки унинг айрим бУлимларининг ахволини назорат ва тахлил килиш;
- бухгалтерия хисоби бУйича иш юритишни ташкил этиш;
- бухгалтерия хисобини ташкил этиш,юритиш ва хисобот тузиш ишларининг меъёрий таъминланганлигини аниклаш;
- хисобни комьпютерлаштиришда кУлланиладиган восита ва услубларни бахолаш;
- солик конунчилигига риоя килиниши ва соликка тортишга доир хисоб-китоблар ахволини текшириш ва х.к.

Ташаббус тарзидаги аудиторлик текшируви хар хил сабабларга кУра Утказилиши мумкин. Биринчидан,бозор иктисодиётига Утиш муносабати билан хусусийлаштирилган ва акциядорлик жамиятларига айлантирилган кУплаб собик давлат корхоналари махсус идоравий давлат назорат органлари томонидан текширилиши бархам топди. Шунингдек,мулкчилик ва муносабатларнинг янги турлари хисоб обеъктларига айланди. Иккинчидан, мулк эгалари, инвесторлар ва акциядорларнинг корхона молия-хУжалик фаолиятининг ахволи турисидаги холис ахборотларни талаб килишлари. Шунингдек, бухгалтер ходимларининг бекарорлиги яъни Узгариб (алмашланиб) туриши, улар малакасининг пастлиги ва бошкалар. Учинчидан, иктисодиётнинг эркинлаштирилиши ва ислохотларнинг чукурлаштирилиши муносабати билан меъёрий хужжатларнинг тез-тез Узгариб туриши ва янгиларининг кабул килиниши ва х.к. Бундай муаммолар билан тУкнашаётган корхоналарда малакали аудиторлик хизматларига эхтиёж кучайиб, уларнинг рахбарлари мустакил аудиторлик ташкилотларига ёрдам сУраб мурожаат килмокдалар. Юкорида таъкидланганидек, мажбурий аудиторлик текшируви тУлик (комплекс) Утказилади. Ташаббус тарзидаги яъни ихтиёрий аудит эса тУлик ёки кисман Утказилиши мумкин.Шунингдек, ташаббус тарзидаги аудитда текширувлар чукурлиги хам хар хил бУлиши мумкин. Масалан: хисоб маълумотларини дастлабки хужжатлардан бошлаб тУла ва ёппасига текшириш; дастлабки хисоб маълумотларини ёки факат хисоб регистрлари ва хисоботлардаги маълумотларни танлаб текшириш.

Текширув мижоз корхонанинг **хисоб сиёсатини Ўрганиш ва бахолаш**дан бошланади.(бу хакда II-бобда батафсил маълумот берилади).

1.5.3. Аудиторлик ташкилотларининг профессионал хизматлари

Аудиторлик ташкилотлари мажбурий ва ташаббус тарзидаги (ихтиёрий) аудиторлик текширувларидан ташкари Узбекистон Республикаси «Аудиторлик фаолияти турисида»ги конуни ва N 90-«Аудиторлик ташкилотларининг профессионал хизматлари» номли аудиторлик фаолияти миллий стандарт (АФМС) да кУрсатилган, исталган профессионал хизматларни кУрсатишлари мумкин. Бундай хизматларга куйидагилар киради:

а) бухгалтерия хисобини йУлга кУйиш, кайта тиклаш ва юритиш;

б) молиявий хисоботни тузиш;

в) миллий молиявий хисоботни бухгалтерия хисоби халкаро стандартларига Утказиш;

г) хУжалик юритувчи субъектларнинг молия-хУжалик фаолиятини тахлил килиш;

д) бухгалтерия хисоби, солик солиш, режалаштириш, менеджмент ва молия-хУжалик фаолиятининг бошка масалалари юзасидан консалтинг хизмати;

е) соликлар ва бошка мажбурий тУловлар бУйича хисоб-китоблар ва декларацияларни тузиш;

ж) аудиторлик ташкилотлари аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларида назарда тутилган бошка профессионал хизматларни хам кУрсатишлари мумкин.[3]

Ушбу келтирилган профессионал хизматлар рУйхати кенгайтирилиши ва тУлдирилиши мумкин, аммо хозирги кУринишда хам аудиторлик ташкилотлари томонидан таклиф килинадиган хизматларнинг канчалик хилма-хил эканлигини кУрсатмокда.

Аудиторлик ташкилоти юкори сифатли профессионал хизмат кУрсатишга эришиши учун Уз фаолиятини шундай ташкил этиши керак-ки, унинг иш бажариш ёки хизмат кУрсатишда катнашаётган ходимлари куйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

- халоллик ва хакконийлик;
- профессионал компетентлилик ва зарур тажриба хамда малакага эгалик;
- профессионал ахлок нормаларига риоя килиш ва белгиланган стандартлар (шу жумладан корхонадаги хам) талабларини бажариш;
- Уз профессионал мажбуриятларини бажариш чогида ходимларга маълум бУлган ахборотларни махфий (сир) тутиш принципига риоя килиш ва хоказо.

Мижоз-корхона рахбарияти шартнома асосида профессионал хизматлар кУрсатаётган аудиторлар фаолияти устидан жорий назорат Урнатиши ва кУрсатиладиган хизматлар сифатига таъсир этувчи муаммолар юзага келганда уларга маълум килиши мумкин.

Таъкидлаш, жоизки одатда буюртмачи аудиторлик ташкилотига мурожат килганида битта эмас, балки бир неча хизматни олишни хохлайди. Шунинг учун айрим хизмат турларини алохида кУриб чикамиз.

а) бухгалтерия хисобини йУлга кУйиш, кайта тиклаш ва юритиш. Бухгалтерия хисобини йУлга кУйиш хизмати кУплаб тадбирларни ва аввало узок муддатли хисоб сиёсатини аниклаш, бухгалтерлик хисобининг шаклини танлаш, техник воситалар мажмуини танлаш, бухгалтерлик хизматининг тузулмасини шакллантириш, хужжатлар айланиш графигини ва бухгалтер ходимларнинг хизмат вазифаларини ишлаб чикиш ва бошкаларни Уз ичига олади. Ушбу тадбирларни Утказиш натижасида буюртмачи корхонада бухгалтерия хисобини ташкил этиш турисида карор кабул килинади.

Мазкур хизмат турининг Узи бир марталик хусусиятга эга бўлиб, янгидан ташкил этилаётган корхоналарда алохида аудиторлик ташкилотлари томонидан бухгалтерия (молиявий,бошкарув) хисобини ташкил этиш технологиясига талаб жуда катта. Бухгалтерия хисобини йУлга кУйиш бУйича кУрсатиладиган профессонал хизматнинг давоми сифатида аудиторлик ташкилоти мижоз-корхона бухгалтерияси учун бУлим бухгалтерларидан тортиб то бош бухгалтер ва молия ишлари бУйича ходимларни танлаши ва Укитиб бериши хам мумкин.

Бухгалтерия хисобини кайта тиклаш хизмати хам маълум давр ичида бажарилади ва бир марталик хусусиятга эга.

Хисобни кайта тиклаш – анча мураккаб иш бўлиб, у аудитолрик ташкилотининг энг малакали мутахассислари томонидан амалга оширилади.

Узбекистон Республикаси « Бухгалтерия хисоби турисида» ги конуннинг 7- моддасига мувофик **Узининг бухгалтерия хизматига эга бУлмаган ташкилотда бухгалтерия хисоби шартнома асосида ихтисослаштирилган бухгалтерия маркази ёки таркибига бухгалтерия субъекти хам кирадиган хУжалик бирлашмасининг хисобга олиш бУлими томонидан амалга оширилади. {2}** Шу муносабат билан аудиторлик ташкилотлари бундай ихтисослаштирилган ташкилот ролини муваффакият билан бажаришлари мумкин.

Аудиторлик ташкилоти Уз мижозига хисоб юритиши учун хисоб сиёсатини ишлаб беради, бухгалтерлик хисобининг ишчи счётлар режасини тузади, аналитик счётлар ва хисоб регистрларининг таркибини лойихалаштиради, хисоб юритиш шаклини тавсия этади.

Агар мижоз корхона профессионал хизматлар учун шартнома тузилаётган пайтда зарур ташкилий техникалар – компьютерлар, принтерлар, алока воситаларига эга бУлмаса, у холда аудиторлик ташкилоти ходимлари Уз мижози учун кулай техник воситаларни танлаш бУйича тавсия бериши ёки танлаб, Урнатиб ва дастур таъминотини тузиб бериши, хамда маълумотлар базасини тУлдиришга доир ишларни бажариши мумкин.

Аудиторлик ташкилотининг ходими (ходимлари) мижоз хохишига кУра бевосита буюртмачининг иш жойида ишлаб, у (буюртмачи) аудиторларни зарур ускуналар билан таъминлаш, иш жойини ташкил этиш ва бошка мажбуриятларни Уз зиммасига олади. Агар мижоз корхона ташкилий техникаларни сотиб олиш учун етарли маблагга эга бУлмаса ёки уни сотиб олишни максадга мувофик эмас деб хисобласа хамда аудиторлик ташкилоти ходимлари мижознинг иш жойида ишлашлари учун шарт-шароитлар бУлмаса, у холда буюртмачи дастлабки хужжатларни Уз вактида такдим этиш бУйича мажбуриятларни тУлик зиммасига олади. Дастлабки хужжатларни аудиторлик ташкилотига етказиб бериш, хужжатларнинг сакланишини таъминлаш, компьютер ёрдамида хужжатларга ишлов бериш, аналитик ва синтетик хисоб регистрларини юритиш,дастлабки хужжатлар ва тузулган бухгалтерия хисоби регистрларини мижозга етказиб бериш ва бошкаларга доир ишларни аудиторлик ташкилоти Уз зиммасига олади.

Хисоб юритиш хисобнинг барча турлари ва участкалари (тУлик хисоб юритиш) каби, хисобнинг алохида участкалари ва бУлимлаари бУйича хам (моддий бойликлар харакатини хисобга олиш – агар буюртмачининг омбори унинг марказий офисидан узокда жойлашган бУлса; мехнатга хак тУлаш бУйича хисоб-китоблар ва бошкалар бУйича) амалга оширилиши мумкин.

Ушбу профессионал хизмат баёнидан кУриниб турибдики, буюртмачи-корхонада,бухгалтерия хизмати йУк, натижада хисобот тузиш, солик декларацияларини

тУлгазиш,бухгалтерия хисоботлари ва солик декларацияларини давлат солик инспекцияси (ДСИ) ва бошка муассасаларда химоя килишни топшириш мумкин бУлган малакали ходими хам йУк. Шунинг учун коидага кУра, мижоз корхона бухгалтерлик (молиявий) хисоботни тузиш, бухгалтерлик (молиявий) хисоботлар ва солик декларацияларини давлат солик инспекцияси (ДСИ) да химоя килиш каби хизмат турларини хам шартномага киритиши мумкин.

б) **молиявий хисоботни тузиш.** Профессионал хизматнинг ушбу тури асосан икки хил бУлиши мумкин. Биринчидан, аудиторлик ташкилоти томонидан бухгалтерлик хисобини юритишга доир ишлар бажарилган мажмуининг якунида хисобот хам тузиб берилиши мумкин. Иккинчи холатда аудиторлик ташкилотининг мустакил иши сифатида яъни буюртмачи томонидан такдим этилган бухгалтерлик регистрларининг маълумотлари асосида факатгина хисоботнинг Узи тузиб берилиши хам мумкин.

Аудиторлик ташкилотлар мижоз-корхонага бухгалтерлик (молиявий) хисоботни тузиб бериш билан бирга бюджетдан ташкари фондлар ва статистика органларига топшириладиган хисоботларни тузиш бУйича хам хизмат кУрсатиши мумкин.

в) Миллий молиявий хисоботни бухгалтерия хисоби халкаро стандартларига Утказиш.

Миллий иктисодиётга хорижий инвестицияларни жалб этиш иктисодиётни эркинлаштириш ва ислохотларни чукурлаштиришнинг мухим белгиларидан бири хисобланади. Бу ишни муваффакиятли амалга ошириш учун миллий корхоналаримиз молиявий хисоботларини хорижий инвесторлар «Укий оладиган тил»га – молиявий хисоботнинг халкаро стандартлари (МХХС) га ёки инвестор фаолият кУрсатаётган мамлакатдаги умум кабул килинган хисоб принциплари (GAAP тизими)га Утказиш зарур. Бунинг учун аудитор МХХС ёки инвестор мамлакатидаги GAAP тизимини, уларнинг хусусиятларини ва бизнинг миллий молиявий хисоботларимиз билан киёсий тахлилини чукур билиши зарур.

Миллий иктисодиётимизга инвестицияларни жалб килишдан максад факат Узаро манфаатларни кондириш эмас, балки инвесторнинг инвестиция объекти хисобланган корхона фаолиятига таъсир кУрсатадиган, Узаро муносабатларни Урнатишдан иборат.

Назорат Урнатиш ёки жиддий таъсир кУрсатиш учун килинган инвестициялар хисоби, факат биргина максадни - кУшимча даромад олишни кУзлаб килинган инвестициялар хисобидан фарк килади. Бундай тафовутнинг негизида инвестор корхона ва инвестиция олувчи корхона Уртасидаги Узаро муносабатлар ётади.

Молиявий хисоботнинг халкаро стандартлари (МХХС) тизимида хар хил молиявий кУйилмаларни инвестор томонидан хисобга олиш тартибини белгилайдиган бир канча стандартлар мавжуд. №25-“Инвестициялар хисоби” МХХС, №27-“Умумлаштирилган молиявий хисобот ва шуъба компанияларга килинган инвестициялар хисоби” МХХС, №28-“Бирлашган компанияларга килинган инвестициялар хисоби” МХХС, №31-“Хамкорликдаги фаолиятда иштирок этиш тУгрисидаги молиявий хисобот” МХХС, №32-“Молиявий дастаклар: ахборотларни баён килиш ва такдим этиш” МХХС, №39-“Молиявий дастаклар: тан олиш ва бахолаш” МХХМ шулар жумласидандир.

г) ХУжалик юритувчи субъектларнинг молия-хУжалик фаолиятини тахлил килиш масалаларига сУнги йилларда талаб кучаймокда. Бу шу билан богликки, бир неча йиллар бозор иктисодиёти шароитида фаолият кУрсатаётган корхоналар, Узларининг молиявий ахволига бахо бериш, иктисодий баркарорликка эришиш ва махсулот (иш,хизмат) ларнинг кайси тури энг кУп даромад (ёки зарар) келтириши ва шу кабиларни билишни истайдилар.КУпчилик корхоналар (хусусан, кУпчилиги акциядорлик жамиятларига,кишлок хУжалик кооперативлари (ширкат хУжаликлари) га айлантирилган собик давлат (ёки жамоа корхоналари)) иктисодий ночор ва банкротлик холатида. Корхоналарнинг иктисодий хизмат ходимлари бозор иктисодиёти шароитида молиявий ахволни, корхона балансининг ликвидлиги ва тУлов лаёкатини тахлил килиш, хамда молия-хУжалик фаолиятини тахлил килиш билан боглик усулларни билмайдилар, бизнес-режалар тузиш тажрибасига эга эмас.

д) бухгалтерия хисоби, соликка тортиш, режалаштириш, менежмент ва молия-хУжалик фаолиятининг бошка масалалари юзасидан консальтинг хизмати. Ушбу масалаларга доир профессионал хизматлар: соликка тортиш бУйича тушунтиришлар (ёзма ва огзаки шаклда) тайёрлаш, солик конунчилигини бузганлик учун жарима хасоб-китоби хамда жарима ундиришнинг турилигини(ёки нотурилигини) асослаш, дастлабки хисобни ташкил этиш, мижознинг бошка хУжалик юритувчи субъектлар билан тузиладиган хУжалик шартномалари (битимлари) такомиллаштириш каби ишларни Уз ичига олади.

Хозирги бозор конъюнктурасидан фойдаланиб тезрок бойлик орттиришни Уйламасдан, корхонани узок йиллар давомида жиддий ва баркарор ривожлантиришни максад килиб кУйган тадбиркорлар янгидан тузаётган шартномалари ва битимларини олдиндан экспертиза килдиришдан манфаатдордирлар.

Амалда мажбурий аудиторлик текшируви,кУпинча, йиллик бухгалтерлик (молиявий) хисоботлар тузилиб,тасдикланиб ва хатто тегишли органларга топширилганидан сУнг Утказилади. +оидага кУра уларга, хамда текширув Утказилаётган даврга тегишли хисоб регистрларига хам тузатиш киритиш мумкин эмас.

Шунинг учун хозирги пайтда профессионал хизматларнинг юкорида кайд килинган турлари бУйича консальтинг хизматига талаб ошмокда. Агар мижоз-корхоналар бухгалтерлик (молиявий) хисоботларини топширмасдан бурун кансальтинг хизмати бУйича аудиторлик ташкилотига мурожаат килса,йУл кУйилиб келаётган хато-камчиликларни Уз вактида бартараф килиб, кабул килинган хисоб сиёсатидан четга чикмасликлари мумкин.

е) Соликлар ва бошка мажбурий тУловлар бУйича хисоб-китоблар, хисоботлар ва декларацияларни тузиш,уларни солик инспекциясига хамда бошка тегишли органларга топшириш кУп холларда бухгалтер учун нохуш жараён сифатида кечади.

Бунга сабаб бир томондан, мазкур ишнинг мураккаблиги бУлса, иккинчидан, хисоб ва декларация топширувчи бухгалтернинг вактини оладиган-навбат кутиш хамда айрим солик ходимларининг хушмуомиласизлиги ва шунга Ухшашлар.

Бунлан ташкари, маълумки, агар давлат статистика органлари ва бюджетдан ташкари фондларга (бандлик хизмати ва х.к) тегишли хисобот шакллари топширилганлиги турисида бухгалтерлик (молиявий) хисобот муковасига белги кУйилмаган бУлса, уни солик инспекцияси кабул килмайди.

Бундай барча ишларни яъни соликлар ва бошка мажбурий тУловлар бУйича хисоб-китоблар, хисоботлар ва декларацияларни тузиш, хамда тегишли органларга топширишни аудиторлик ташкилоти тУлик Уз зиммасига олади.

Шунингдек, аудиторлик ташкилоти солик инспекциясининг текширув далолатномаларини хам Урганиб, агар нохак камчиликлар кУрсатилган бУлса, улар бУйича эътироз хати тайёрлаши мумкин.

Хисоботларни муваффакиятли топшириш ва химоя килиш, аудиторлик ташкилоти хисоботларни тузишга доир ишларни малакали ва сифатли бажарганлигидан далолат беради, хамда профессионал хизмат бозорида унинг обрУсини оширади.

ж) Аудиторлик ташкилоти аудиторлик фаолияти билан боглик бУлган тадкикотлар, маърузалар ,семинарлар, амалий машгулотлар ва бошка шаклдаги тадбирлар хам Утказиши мумкин. Бу максадда аудиторлик ташкилоти давлат солик инспекцияси, Молия Вазирлиги ва бошка мутасадди идоралардан тажрибали услубиётчи ва амалиётчи ходимларни, хамда олий Укув юртларидан етакчи профессор-Укитувчиларни таклиф этиши мумкин.

Бу тоифа хизматларнинг бухгалтерларни Укитиш билан боглик бошка хизматлардан фарки,у семинар иштирокчиларидан маълум малака талаб килади.

Аудиторлик ташкилоти ходимлари маъруза ва семинар иштирокчиларига фукаролик, солик ва бошка конунчиликларда рУй берган Узгаришларни, бухгалтерлик хисобини юритишга доир меъёрий хужжатлар(бухгалтерия хисоби ва хисоботининг халкаро хамда миллий стандартлари, низомлар, карорлар, йУрикномалар ва бошкалар)ни шархлаб берадилар. Шунингдек, бундай тадбирларда хисоб юритиш ва хисобот тузишда кУп содир бУладиган хатолар мухокама килинади ва семинар иштирокчиларининг саволларига жавоб берадилар.

Юкорида келтирилган профессионал хизматлардан ташкари аудиторлик ташкилоти белгиланган тартибда бухгалтерия хисоби, аудит, молия-хУжалик фаолияти тахлили, соликка тортиш бУйича Укув кУлланмалар ва укув-услубий материаллар тайёрлаши хамда чоп эттириши мумкин. Бу тарздаги хизматлар, одатда, мазкур масалалар бУйича босмахона, услубий тавсиялар ва бошка оммабоп адабиётларни ишлаб чика оладиган муаллифлар хамда тахририят жамоасига эга йирик аудиторлик ташкилотлари томонидан бажарилади.

Шунингдек, аудиторлик ташкилоти мижоз-корхоналарига даврий нашр адабиётлари «Солик тУловчининг журнали», «Солик ва божхона хабарлари», «ХУжалик хукуки», «Узбекистон иктисодий ахборотномаси» ва бошкаларга обуна бУлишдан тортиб, то компьютер учун «хукук тизими» ва х.к маълумотларгача бУлган кУлланмаларнинг макбул тУпламини танлаш бУйича маслахатлар хам бериши мумкин.

Аудиторлик ташкилотлари фаолиятларининг истикболли йУналишларидан бири –бухгалтерлик хисобни компьютерлаштириш бўлиб хисобланади. Бу энг аввало:

- дастур таъминоти бозоридаги мавжуд дастур воситаларидан компьютерлаштириш учун зарур бУлган,тадбик килинадиган дастурлар пакетини танлаш ва уларни мижоз-корхона шароитига мослаштириш;
- хисобни компьютерлаштириш бУйича тадбик килинадиган дастурларни ишлаб чикиш ёки ишлаб чикишда иштирок этиш (маслахат бериш, масалани шакллантириш, тест Утказиш ва х.к);
- буюртмачига тадбик килинадиган дастурлар пакетини жорий килиш ва х.к.

1.6. Аудиторлик ташкилотининг хукуклари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги.

Аудиторлик ташкилоти мустакил хУжалик юритувчи субъект сифатида «Аудиторлик фаолияти турисида»ги конуннинг 6-моддасига мувофик куйидаги хукукларга эга:

Аудиторлик текшируви Утказиш тУгрисида карор кабул килиш учун хУжалик юритувчи субъектнинг таъсис хужжатлари хамда бухгалтерия хисоби ва молиявий хисобот хужжатлари билан олдиндан танишиб чикиш;

Аудиторлик текшируви Утказилаётганда хУжалик юритувчи субъект амалга ошираётган молия-хУжалик фаолияти билан боглик хужжатларни тУлик хажмда олиш, шунингдек ушбу хужжатларда хисобга олинган хар кандай мол-мулкнинг амалда мавжудлигини хамда хар кандай мажбуриятларнинг амалдаги холатини текшириш;

Аудиторлик текширувини Утказиш давомида юзага келган масалалар бУйича хУжалик юритувчи субъектнинг моддий жавобгар шахсларидан огзаки ва ёзма тушунтиришлар олиш хамда аудиторлик текшируви учун зарур бУлган кУшимча маълумотларни олиш;

Учинчи шахслар томонидан ёзма тасдикланган ахборотни хУжалик юритувчи субъектдан олиш;

Ишончли аудиторлик хулосасини тузиш учун зарур бУлган барча ахборот хУжалик юритувчи субъект томонидан такдим этилмаган такдирда аудиторлик текшируви Утказишдан бош тортиш;

Аудиторлик текширувини Утказишда иштирок этишга аудиторлар ва бошка мутахассисларни белгиланган тартибда жалб этиш.

Аудиторлик ташкилоти конун хужжатларига мувофик бошка хукукларга хам эга бУлиши мумкин (3).

Аудиторлик текшируви Утказиш турисида карор кабул килиш учун хУжалик юритувчи субъектнинг таъсис хужжатлари хамда бухгалтерия хисоби ва молиявий хисобот хужжатлари билан олдиндан танишиб чикиш.

ХУжалик юритувчи субъектнинг таъсис хужжатлари яъни **устави ва таъсис шартномаси** билан танишиш аудиторга бУлгуси мижозининг юридик макоми, фаолият тури, предмети ва таъсисчилари турисида аник тасаввурга эга бУлиш имконини беради. Бунда аудитор корхонанинг асосий устав фаолияти, уставнинг качон ва кайси давлат органида рУйхатга олинганлиги хамда нотариал идора томонидан тасдикланганлигига эътибор бериши керак. Шунингдек, таъсис шартномасига мувофик таъсисчилари кимлар, уларнинг юридик макоми, устав капиталидаги иштироки (улуши), молия-хУжалик фаолияти бУйича хукук ва мажбуриятлари билан танишади.

Бухгалтерия хисоби ва молиявий хисобот хужжатлари билан танишиш аудитор учун корхонада бухгалтерия хисобининг кайси шакли (мемориал-ордер, журнал-ордер, жадвал-автоматлаштирилган ва б.) кУлланилиши, бухгалтерия аппаратининг хажми ва тузилиши, бухгалтерия хисобини юритиш ва хисобот тузишнинг кай даражада меъёрий таъминланганлиги, умумий молиявий ахвол ва бошкалар турисида дастлабки тасаввурга эга бУлиш имконини беради.

Аудиторлик текшируви Утказилаётган хУжалик юритувчи субъект амалга ошираётган молия-хУжалик фаолияти билан боглик хужжатларни тУлик хажмда олиш, шунингдек ушбу хужжатларда хисобга олинган хар кандай мол-мулкнинг амалда мавжудлигини хамда хар кандай мажбуриятларнинг амалдаги холатини текшириш.

+онунда белгиланган ушбу хукуклар текширув жараёнида зарур бУлган, мижоз корхонанинг молия-хУжалик фаолияти билан боглик хужжатларни хеч кандай тУскинликсиз тУлик хажмда олиш имконини беради. Шунингдек, аудитор ушбу хужжатларда акс эттирилган мол-мулкларнинг хакикатда мавжудлигини ва мажбуриятлар холатини тегишли усуллар (инвентаризация килиш, карама-карши текширув ва х.к.) билан текшириш хукукига эга. Мижоз-корхона эса аудитор талаб килган барча хужжатларни тУлик хажмда такдим этиши, мол-мулклар мавжудлиги ва мажбуриятлар холатини текширишга зарур шарт-шароитларни яратиб бериши лозим.

Аудитолик текширувини Утказиш давомида юзага келган масалалар бУйича хУжалик юритувчи субъектнинг моддий жавобгар шахсларидан огзаки ва ёзма тушунтиришлар олиш хамда аудиторлик текшируви учун зарур бУлган кУшимча маълумотларни олиш.

Аудитор текширув жараёнида аникланган хато-камчиликлар, хусусан камчиликлар ва уларнинг сабаблари хамда моддий жавробгар шахслардан ёзма ва огзаки тушунтириш олади. Шунингдек, аудиторлик текширувини бошлашдан олдин хам моддий жавобгар шахслар (кассир, омборчи ва б.)дан белгиланган тартибда тилхат олади.

Шу билан бирга аудитор зарур холларда учинчи шахслар томонидан ёзма тасдикланган ахборотни хУжалик юритувчи субъектдан олишга хам хакли.

Ишончли аудиторлик хулосаси тузиши учун барча ахборотлар хУжалик юритувчи субъект томонидан такдим этилмаган холларда аудитор текширув Утказишдан бош тортиши ва бу холни №70-«**Аудиторлик хисоботи ва молиявий хисобот хакидаги аудиторлик хулосаси»** номли АФМС га мувофик **«Аудиторлик ташкилотининг аудиторлик хулосаси тузишдан воз кечиш турисидаги аризаси»** билан расмийлаштириши мумкин.

Булардан ташкари аудиторлик ташкилоти заруратдан келиб чикиб текширувда иштирок этишга бошка аудиторлар ва мутахассисларни хам белгиланган тартибда жалб этиш хукукига эга.

Аудиторлик ташкилоти конун хужжатларига мувофик бошка хукукларга хам эга бУлиши мумкин.

Аудиторлик ташкилотларининг мажбуриятлари.Аудиторлик ташкилотларининг мажбуриятлари «Аудиторлик фаолияти турисида» ги конуннинг 7-моддасида белгиланган. Унда таъкидланишича, **аудиторлик ташкилоти аудиторлик фаолияти билангина шугулланиши мумкин.** Ушбу конуннинг 3-моддасига мувофик **«аудиторлик фаолияти деганда аудиторлик ташкилотларининг аудиторлик текширувларини Утказиш ва бошка шу билан боглик профессионал хизматлар кУрсатиш борасидаги тадбиркорлик фаолияти тушунилади»** {3}

Шунингдек, аудиторлик ташкилотининг зиммасига куйидаги мажбуриятлар юклатилади:

аудиторлик фаолиятини амалга ошираётганида ушбу +онун хамда бошка конун хужжатларининг талабларига риоя этиши;

аудиторлик текшируви Утказишга доир шартнома тузишдан олдин буюртмачининг талабига биноан аудиторлик фаолиятини Утказиш хукукини берувчи тегишли лицензияни, аудитор (аудиторлар)нинг малака сертификатини такдим этиши;

хУжалик юритувчи субъектнинг сУровига биноан аудиторлик текширувини Утказиш бУйича конун хужжатларининг талаблари турисидаги, аудиторнинг эътирозлари асосланилган конун хужжатларининг нормалари турисидаги ахборотни такдим этиши;

аудиторлик текширувини амалга оширишда олинган ахборотларнинг махфийлигига риоя этиши;

аудиторлик хисоботида молиявий-хУжалик операцияларининг конунийлиги бузилиши фактларини хамда уларни бартараф этиш юзасидан таклифларни акс эттириши;

хУжалик юритувчи субъектга унинг мансабдор шахслари ва бошка ходимлари зарар етказилганлигини аник тасдиклаб тУрган фактларни аниклаган такдирда бу хакда хУжалик юритувчи субъектнинг рахбариятига (мулкдорига) маълум килиши хамда аудиторлик хулосасига тегишли кайдни киритиши шарт. Зарур холларда аудиторлик текширувининг натижаларини маълум килиш учун конун хужжатларида белгиланган тартибда катнашчиларнинг (акциядорларнинг) умумий йигилиши ча-кирилишини талаб килиши шарт.

Аудиторлик ташкилоти зиммасида конун хужжатларига мувофик бошка мажбуриятлар хам бУлиши мумкин. {3}

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги.«Аудиторлик фаолияти турисидаги» +онуннинг 8 моддасига мувофик аудиторлик ташкилотлари аудиторлик текшируви буюртмачилари, хУжалик юритувчи субъект ва молиявий хисоботдан бошка фойдаланувчилар олдида молиявий хисобот хамда хУжалик юритувчи субъектнинг бошка молиявий ахбороти турисида нотури якундан иборат бУлган аудиторлик хулосасини тузиш окибатида уларга етказилган зарар учун жавобгар бУлади.

Аудиторлик текширувини сифатсиз Утказганлик ёки лозим даражада Утказмаганлик окибатида хУжалик юритувчи субъектга ва (ёки) аудиторлик текширувининг буюртмачисига етказилган зарар, шу жумладан бой берилган фойда, конун хужжатларида белгиланган тартибда копланиши шарт. {3}

Шунингдек, аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги Узбекистон Республикаси Фукаролик Кодекси 336 моддасига мувофик икки тарафлама шартномани бажармаслик окибатида хам вужудга келади. Унда кУрсатилишича: агар икки тарафлама шартномада бир тараф Узи жавобгар бУлган вазият туфайли уни бажариши мумкин бУлмай колса, иккинчи тараф, башарти конунда ёки шартномада бошкача тартиб назарда тутилган бУлмаса, шартномадан воз кечишга ва шартноманинг бажарилмаслиги туфайли етказилган зарарни ундириб олишга хакли.

Аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензия уни берган давлат органи томонидан куйидаги холларда бекор килиниши мумкин:

аудиторлик ташкилоти лицензияни бекор килиш турисида ариза билан мурожат килганда;

лицензия сохта хужжатлардан фойдаланилган холда олинганлиги факти аникланганда;

махсус ваколатли давлат органининг лицензия бериш турисидаги карори ноконунийлиги аникланганда;

агар аудиторлик ташкилоти унга лицензия бериш турисидаги карор кабул килингани хакида хабарнома юборилган (топширилган) пайтдан эътиборан уч ой муддат ичида махсус ваколатли давлат органига лицензия берганлик учун давлат божи тУланганлигини тасдикловчи хужжатни такдим этмаган ёки лицензия шартномасини имзоламаган бУлса.

2 БОБ. АУДИТОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ ВА ТАШКИЛ ЭТИШ.

2.1. Аудиторлик фаолиятини режалаштиришнинг максади, вазифалари, боскичлари ва асосий тамоиллари.

Хар кандай фаолият, хусусан аудиторлик фаолияти хам самарали бУлиши учун даставвал, унинг пухта ва аник режаси ёки дастурини тузиш лозим. Уларнинг мазмуни куйилган максад ва уни бажариш учун белгиланган аник вазифалардан келиб чикади. Аудитнинг максадлари хусусан куйидагилардан иборат: бухгалтерия хисобининг холатини экспертиза йУли билан бахолаш, йиллик молиявий хисобот маълумотларининг хакконийлигини текшириш ва тасдиклаш валюта муомалаларини тафтиш килиш, акциялар ва бошка кимматли когозлар эмиссияси проспектининг маълумотларини тасдиклаш, корхонанинг молиявий баркарорлигини мустахкамлаш бУйича тадбирлар ишлаб чикиш, иктисодиёт ва молиявий хукук сохасидаги янги конунчилик хужжатлари бУйича аник маслахат (консультация) Утказиш ва хоказо.

Аудитни режалаштириш чогида аудиторлик ташкилоти томонидан кУлланиладиган меъёрлар №3 ***«Аудитни режалаштириш»*** номли аудиторлик фаолиятининг миллий стандарти (АФМС) билан белгиланади. Юкорида таъкидланганидек, аудит режасини пухта тузмасдан сифатли аудиторлик текшируви Утказиш мумкин эмас. Шу боисдан ушбу стандартга батафсилрок тУхталиб Утамиз. Амалда, аудитни режалаштириш жараёни аудиторлик ташкилоти билан хУжалик юритувчи субъект Уртасида шартнома тузилгунга кадар бошланади. Бу холат кУп холларда, агар мижоз билан шартнома тузилмаса, аудитни режалаштириш билан боглик харажатлар кайси манбалар хисобидан маблаг билан таъминланиши турисидаги саволни юзага келтиради. Кейинчалик шартнома тузилган холда аудитни дастлабки режалаштиришга доир ишлар киймати Утказиладиган аудиторлик хизматининг умумий кийматига кУшилади, акс холда у аудиторлик ташкилотининг

маблаглари хисобидан амалга оширилиши лозим. Режалаштириш аудиторлик текширувини бошлангич боскичи бўлиб, аудиторлар режа тузулгунга кадар бевосита текширув жараёнини бошламасликлари лозим. Стандартга мувофик аудитни режалаштириш куйидаги боскичларга бУлинади:

а) аудитни дастлабки режалаштириш;

б) аудитнинг умумий режасини тайёрлаш ва тузиш;

в) аудит дастурини тайёрлаш ва тузиш.

Ушбу стандарт хар кандай корхонани аудиторлик текширувидан Утказишда хам аудит режасини, хам аудит дастурини тузишни талаб этади. Дархакикат, йирик хУжалик юритувчи субъектнинг хисоботларини тасдиклаш учун катта аудиторлик гурухи томонидан текширув Утказилганида бундай кУп боскичли режалаштириш зарур. Бирок, бизнинг фикримизча, унчалик катта бУлмаган корхоналарда 2-3 кишидан иборат аудиторлар гурухи аудит Утказганида, бундай кенг камровли режа тузиш максадга мувофик эмас.

Агар аудиторлик ташкилотининг кУпчилик мижозлари кичик ва Урта бизнес корхоналарига таалукли бУлса, у холда унчалик катта бУлмаган тузатишлар киритилганида кУпчилик корхоналарни текшириш учун мос келадиган намунавий аудит режаси ишлаб чикиш ва режалаштириш чогида аудит дастурини батафсил тузишга махсус эътибор каратиш зарур. Бундай намунавий режалар бир нечта бўлиб, улар бир-бирларидан турли бизнесга эга корхоналар учун фарк килишлари мумкин. Масалан, савдо корхоналари, ишлаб чикариш ва хизмат кУрсатиш корхоналари ва хоказо. Шунингдек аудитор кандайдир бошка тамойиллар бУйича умумий намунавий режалар хам тузиши мумкин. Агар умумий аудит режаси сифатида намунавий режа танланса, у холда режалаштириш чогида асосий эътиборни аудит дастурини тузишга каратиш зарур. Режалаштириш аудиторлик гурухи рахбари томонидан аудит Утказишнинг умумий тамойиллари каби, хусусий тамойилларига хам мувофик амалга оширилиши лозим. Улар:

* *уйгунлик (комплекслик);*
* *узлуксизлик,*
* *макбуллик.*

Уйгунлик тамойили аудитнинг дастлабки режасини тузишдан тортиб, то умумий режаси ва дастурини тузгунга кадар бУлган барча боскичларнинг Узаро богликлиги ва мувофиклигини таъминлашни назарда тутади.

Режалаштиришнинг ***узлуксизлик тамойили*** текширувда иштирок этадиган аудиторларга келишилган топшириклар белгиланиши ва режалаштириш боскичларининг муддатлар хамда таркибий булинмалар бУйича богликлигида ифодаланади.

Аудитни режалаштиришнинг ***макбуллик тамойили*** шундан иборатки, режалаштириш чогида аудиторлик ташкилоти Узи белгилаган мезонлар асосида аудитнинг умумий режаси ва дастуридан макбулини танлаш имкониятига эга бУлиши зарур.

Аудиторлик текшируви узок вакт давом этганида, аудитор мижознинг молия - хУжалик фаолиятидаги ва конунчиликдаги Узгаришларни хисобга олган холда режа ва дастурга зарур тузатишлар киритиши мумкин.

Аудитнинг умумий режаси: мижоз фаолияти билан танишиш, дастлабки режалаштириш, текшириладиган хУжалик юритувчи субъектнинг ички назорат тизимини бахолаш, танлаш хажми ва ахамиятлилик даражасини аниклаш, аудит дастурини тайёрлаш, аудитни бевосита Утказиш жараёни (дастурни бажариш), бажарилган ишлар натижаларини тахлил килиш, барча оралик ва умумий хужжатларни тайёрлаш, текширув натижаларини мижозга такдим этиш ва хоказоларни Уз ичига олган холда аудит Утказишнинг барча боскичларини акс эттириши лозим.

Стандартда кУрсатилишича, аудитор умумий режада аудит Утказиш муддатлари ва аудит Утказиш графигини тузишни, аудиторлик хисоботи (хУжалик юритувчи субъект рахбариятига ёзма ахборот) ва аудиторлик хулосаси тузишни назарда тутиши лозим. Режалаштириш чогида аудитор куйидагиларни хисобга олиши зарур:

* *келгуси даврдаги вакт сарфи хисоб-китоби (такрорий аудит Утказиш холларида) ва хакикий мехнат харажатлари;*
* *ахамиятлилик даражаси;*
* *аудиторлик гурухини тузиш, аудит Утказишга жалб килинадиган аудиторлар сони ва малакаси;*
* *аудиторларни, уларнинг малакавий даражалари ва лавозимларига мувофик аудит Утказиладиган муайян участкаларга таксимлаш;*

** аудиторлик гурухининг барча аъзоларига йУл - йурик кУрсатиш, уларни мижознинг молия-хУжалик фаолияти билан таништириш ;*

** аудиторлик гурухи рахбарининг режа бажарилиши ва ёрдамчи аудиторлар ишлари сифати устидан назорат Урнатиши;*

** аудиторлик амалларини бажариш билан боглик услубий масалаларни тушунтириш.*

Аудиторлик текширувини амалга ошириш чогида кУп холларда мижоз фаолиятини 100% тУлик текшириш мумкин бУлмайди. Шу боисдан режада *аудиторлик танлаш* кай тарзда амалга оширилишини кУрсатиш зарур.

Аудит умумий режаси ва дастурининг айрим бУлимларини хУжалик юритувчи субъект рахбарияти билан келишиш кУзда тутилган бўлиб, бунда аудиторлик ташкилоти аудит услублари ва усулларини танлашда мустакил бўлиб коладилар. КУп холларда бундай келишиш, мижоз фаолиятининг айрим участкаларини батафсилрок тахлил этиш билан боглик масалаларни режалаштириш боскичида кУзда тутиш, аудиторнинг текширув чогидаги хатти - харакатлари мижоз корхона рахбарияти учун тушунарли бУлиши, шунингдек аудиторнинг иш жадвалига мувофик талаб килинадиган хужжатлар мижоз томонидан тезкорлик билан такдим килиниши ва текширувнинг у ёки бу боскичида зарур бУладиган молиявий хизмат ходимларини ишдан озод этиш учун максадга мувофикдир.

Стандартга мувофик ***аудитнинг умумий режаси*** тузилганидан сУнг ***аудит дастури*** тузилиб, унда барча аудиторлик амалларининг батафсил рУйхати баён килиниши зарур. Дастур аудиторлар учун батафсил йурикнома бўлиб, унда текширилиши лозим бУлган бухгалтерлик хисобининг барча бУлимларини текшириш, шунингдек ички назорат тизимини тахлил килиш бУйича уларнинг барча хатти-харакатлари акс этирилган бУлиши лозим. Аудит дастурини тузиш юзаки бажарилмаслиги лозим, чунки у аудиторлар ишидаги таъсирчан назорат дастаги бўлиб хизмат килади, дастурни хар бир бУлими бУйича аудитор хулосалари эса аудиторлик хисоботи ва аудиторлик хотимасини тузиш учун асос бўлиб хизмат килиши лозим.

«Аудитни режалаштириш», «Аудиторлик танлаш», «Ахамиятлилик ва аудиторлик хавф-хатари», «Аудитни хужжатлаштириш» ва аудиторлик текширувини амалга оширишни тартибга соладиган бошка стандартлар билан Узаро чамбарчас боглик. Шундай килиб, бошка стандартлардаги талабларни Урганмасдан ва изчил бажармасдан, ушбу стандарт талабларини бажариш мумкин эмас.

Аудитор Уз ишини шундай режалаштириши лозимки, бухгалтерлик (молиявий) хисоботларини, молия-хУжалик муомалаларининг ишончлилигини ва конунийлигини, хамда улар бухгалтерия хисоби счётларида акс эттирилишининг турилигини Уз вактида ва сифатли аудиторлик текширувидан Утказилади.

Аудитни режалаштириш куйидагиларни таъминлаши лозим:

а) бухгалтерлик хисоби ва хисоботининг холати хамда ички назорат тизимининг самарадорлиги турисида зарур ахборотларни олиш;

б) бажарилиши лозим бУлган назорат амалларининг мазмунини, Утказиш вактини ва хажмини аниклаш;

Аудитни режалаштириш кутилаётган ишлар режасини тузиш ва аудиторлик дастурини ишлаб чикишни Уз ичига олади.

Кутилаётган ишлар режасида куйидаги кУрсаткичлар акс эттирилади:

- *аудит Утказиш муддати ва ишларнинг давомийлиги;*
- *бажариладиган ишлар хажми;*
- *аудитор кУллайдиган усуллар ва амаллар.*

Аудитор Уз режасини текшириладиган корхона рахбарияти ва ходимлари билан мухокама килиши мумкин. Бу Утказиладиган аудитнинг таъсирчанлигини ошириш ва аудиторлик амалларини корхона ходимлари фаолияти билан мувофиклаштиришга имкон яратади.

Аудитор режани яхши ва сифатли тузиш хамда ишларнинг кутилаётган хажмини аник хисобга олиш учун энг аввало:

** аудиторлик текшируви Утказиш шартномаси шартларини Ўрганиши;*

** Утказиладиган аудитнинг энг мухим масалаларини ажратиб олиши;*

** махсус эътибор талаб киладиган шартларни аниклаши;*

** текшириладиган корхона фаолиятининг предметини хисобга олган холда янги конунлар, низомлар, йурикномалар ва бошка алокадор меъёрий хужжатларнинг аудитга таъсирини Ўрганиши;*

* *текшириладиган корхонанинг хисоб тизими ва ички аудит тизимининг ишончлилик даражасини аниклаш;*

* *ички аудиторларнинг ишларини ва уларни аудитга жалб килиш мумкинлигини тахлил килиши;*

* *корхонанинг алохида балансга ажралиб чикарилган филиаллари, ваколатхоналари, бУлимлари ва махсус булинмаларида аудит Утказиш максадга мувофиклигини Ўрганиши;*

* *экспертларни жалб килиш зарурлигини аникланиши лозим.*

Аудиторлик текшируви чогида аудит режасига тузатишлар киритилиши мумкин.

Аудиторлар текширув вактида улар томонидан бажариладиган ишларнинг хажми ва сифатини тасдиклайдиган, асосий хужжатлардан бўлиб хисобланган, ишчи хужжатларни тузишлари лозим. Бу хужжатлар ихтиёрий шаклда тузилиб, уларда мижоз турисидаги зарур маълумотлар; бажариладиган ишларнинг батафсил баёни бУлиши лозим. Хусусан куйидагилар кУрсатилади: текширув Утказиш услуби (ёппасига ёки танлаб), ёки текшириладиган хужжатларнинг хажми; текширув натижасида аникланган камчиликлар; текширувга тақдим этилмаган дастлабки ва бошка хужжатлар рУйхати; амалдаги конунчиликка мос келмасликлар; аникланган камчиликларни бартараф килиш усуллари турисида аудиторнинг фикрлари; мижозининг молия-хУжалик фаолиятини яхшилашга каратилган бошка тавсиялар.

Шунингдек, ишчи хужжатларда мижоз корхонанинг ички хУжалик назорат тизимини акс эттириш зарур (ушбу тизимнинг ижобий томонлари ва салбий жихатларини ажратиб кУрсатган холда); Утган йилдаги аудит дастури ва унинг натижалари.

Ишчи хужжатлар аудитнинг яхши режалаштирилганлигини, тУпланган маълумотлар ишонарлилигини, аудиторлик хулосасининг амалга оширилган аудит натижаларига мувофиклигини тасдиклаши лозим. Зарур холларда аудитор хакикатан хам айнан шундай аудиторлик хулосаси тузиш учун етарли гувохликлар тУпланганлигини хам бахолаш зарур.

Ишчи хужжатларнинг тафсилоти тасдикланган молиявий хисоботдаги маълумотлардан фарк килмаслиги Ута мухимдир. Аудиторлик хулосалари яккол ва икки хил маъно билдирмайдиган бУлиши лозим.

Ишчи хужжатларда акс эттирилган ёзувларга асосан аудиторлик хисоботи ва аудиторлик хулосаси тузилади (Аудиторлик хисоботи ва аудиторлик хулосаси тузиш XI бобда батафсил ёритилган). Аудиторнинг ишчи хужжатлари махфий хисобланади. Аудит якунланганидан сУнг ишчи хужжатларни химоялаш бУйича барча зарурий чоралар кУрилиши керак. Ишчи хужжатлар бегона шахсларга, агар бошка холатлар Узбекистон Республикаси конунчилигида кУзда тутилмаган бУлса, факат мижоз корхонанинг розилиги билан берилиши мумкин.

Аудиторлик ташкилотларининг иш фаолиятини умумий режалаштириш икки боскичга булинади. Биринчи боскичда текшириладиган корхона Урганилиб, баён килинади ва Утказиладиган текширувнинг асосий улчамлари аникланади, иккинчи боскичда эса текширув стратегияси ишлаб чикилади ва барча олдинда тУрган ишларнинг батафсил баёни тузилади.

Аудитнинг умумий режасини тайёрлаш ва тузиш жараёнида аудитор корхонадан олинадиган маълумотларни текширмайди, лекин унинг режа тузишга оид ишлари хужжатлаштирилиши лозим. Шунинг учун режалаштиришнинг биринчи боскичида аудитор текширадиган корхона бУйича куйидаги маълумотларни тайёрлаши лозим: *корхона фаолиятининг баёни; бухгалтерия хисобининг шакли ва ташкилий тузилишининг баёни, бошкарув тизимининг баёни, текширилаётган корхона молиявий хисобининг кискача тахлили.*

Бунда аудитор корхона турисидаги бирламчи маълумотларни тУплайди. Айни пайтда корхона фаолиятини белгилайдиган мухим маълумотлар ва хужжатлар нусхаларидан иборат ***доимий хужжжатлар тУпламини*** шакллантиради. Ушбу тУплам хозирча мазкур корхона аудиторлик ташкилотининг мижози бўлиб колар экан, келгусидаги барча текширувларда ундан фойдаланилаверади. Хар бир аудиторлик текшируви учун корхонанинг иш фаолиятини ёки хисоб тизимини, агар улар сезиларли даражада Узгармаган бУлса, кайтадан Урганиб чикишга эхтиёж колмайди. Шунинг учун аудитор хар доим кейинчалик аудит Утказганида хам ушбу доимий тУпламдан фойдаланиб, зарурат бУлганда уни янгилаб боради.

Доимий тУпламда куйидагилар сакланиши лозим:

* *таъсис хужжатларининг нусхалари ёки баёни;*
* *корхонанинг давлат рУйхатидан Утганлиги хакида маълумотлар;*
* *корхонанинг маслахатчилари хакида маълумотлар;*
* *корхонанинг банкдаги счётлари хакида маълумотлар;*

** текшириладиган корхонанинг бошка юридик ва жисмоний шахслар (мол етказиб берувчилар ва пудратчилар, сугурта компаниялари, харидорлар ва буюртмачилар ва бошкалар) билан тузилган турли шартномалари хамда мехнат шартномаларининг нусхалари;*

** ташки текширувлар (бошка аудиторлар, солик инспекцияси ва ш.у.) нинг текширув материалллари.*

Фикримизнинг далили сифатида бухгалтерлик хисобининг холати ва молиявий хисоботларнинг кУрсаткичлари, соликка тортиладиган база ва эълон килинадиган фоида кУрсаткичларининг ишончлилигини аудиторлик текширувдан Утказишнинг намунавий ишчи дастурини келтирамиз (2.6-мавзу)да. У жуда содда бўлиб, факат экспертиза килинадиган предметлар ва аудиторлик текширувдан Утказиладиган объектлар рУйхатини Уз ичига олади. Зарур бУлганда аник бажарувчилар, муддатлари, экспертиза ва назарот услубларини кУрсатган холда дастурни ойдинлаштириш ва кенгайтириш мумкин.

2.2. Текшириладиган корхона (мижоз) фаолиятини Ўрганиш (баён килиш).

Аудиторлик текширувни режалаштириш текшириладиган корхона фаолиятини батафсил Ўрганишдан бошланади. Аудитор корхона фаолиятини Ўрганишдан иккита максадни кУзлайди: а) аудит Утказишни осонлаштириш ва сифатини ошириш; б) текшириладиган корхона иктисодини яхшилашга каратилган амалий маслахат ёрдами кУрсатиш.

Бунинг учун корхона фаолиятига таъсир киладиган ички хамда ташки омиллар хакида маълумотларни тУплаш зарур.

Аудитор биринчи навбатда эътибор бериш лозим бУлган, корхона иктисодига таъсир киладиган ички омилларга куйидагилар киради: мулкчилик шакли ва бошкарув тузулмаси, корхонанинг кандай максадда ташкил этилганлиги, корхона фаолиятида амалга ошириладиган асосий муомалалар, молияси, ходимлари, хисоб юритиш сиёсати, корхонанинг учинчи шахслар билан Узаро муносабатлари.

Ташки омилларга мижоз фаолият киладиган тармок, мамлакатдаги иктисодий холат киритилади.

Корхоналарга нисбатан кУлланиладиган конунлар нафакат мулкчилик шаклларига, балки карорлар кабул килиш жараёнларининг ташкил этилиши ва у ёки бу хужжатларни имзолаш учун жавобгар шахсларнинг таркибига хам боглик. Башкарув жараёнини билиш нафакат аудиторга зарур бУлган материалларни тУплаш учун, балки унинг хисоботидан асосий фойдаланувчиларни аниклаб, унинг ишларидаги хатарли вазиятларни тури бахолашда хам унга ёрдам беради. Аудитор мулкчилик шакли ва тузилишини Ўрганиши учун куйидаги маълумотларни тУплаш зарур:

- *йирик мулк эгаларининг рУйхати;*
- *фирмалар ва булинмаларнинг рУйхати;*
- *шуъба корхоналар, тобе корхоналар ва инвестиция килинадиган бошка объектлар;*
- *корхонага рахбарлик килувчи ва ижро органлари, шунингдек ички аудитнинг роли ва функциялари;*
- *бошкарувнинг ташкилий тузилмаси;*
- *юкори мансабдор шахслар мажбуриятлари ва жавобгарликларини чегаралаш;*
- *бошкарув карорларини, шу жумладан бухгалтерлик хисобини ташкил этиш ва юритиш сохасидаги карорларни кабул килиш учун асос бўлиб хизмат киладиган маълумотлар манбалари;*
- *рахбариятнинг иш хакини белгилайдиган омиллар;*
- *корхонани, унинг бухгалтерлик тизимини, Утказиладиган аудиторлик текширувлари ва унинг натижалари бУйича рахбариятнинг режалари ва кутилаётган натижалари.*

Текшириладиган корхонанинг максадларини тахлил килиш, унинг муомалаларини яхши тушунишга имкон бериб, текшириладиган хисобот хакида тури фикр шакллантирилиши учун зарурдир. Чунончи, агар аудитор ишини режалаштириш чогида мулк эгаларининг корхонани тугатмокчи эканликлари аникланса, бунда у корхона хисоботига нисбатан фаолият килаётган корхона принципини кУлламаслиги хакида аудиторлик хисоботига таъкидлаш киритишга тайёрланиши зарур. Маъмурият ва мулк эгаларининг келгусидаги муомалаларга тааллукли максадларини билиш шу мижоз билан кейинчалик хамкорлик килиш учун тури

ñòðàòåãèÿ èøëàá ÷èêèøàà, øóíèíääâ óíãà áóõãàëòàðëèê ùèñíáè, аудит ва консалтинг сохасидаги хакикатан зарур бУлган хизматларни таклиф этишда ёрдам беради. Корхонанинг максадларини аниклаш учун куйидагиларни билиш зарур: махсулотлар ва хизматларнинг асосий турлари; бошка корхоналар, гурухлар билан бирлашишга оид ёки корхонанинг сотиб олиш, сотиш бУйича режалари; илмийтадкикот ва тажриба конструкторлик сохасидаги йирик корхоналар; режалаштирилган капитал куйилмалар; янги бозорларга чикиш режалари; ахборот технологиясидаги Узгаришлар, соликларни режалаштириш стратегияси.

Мижознинг муомалалари хакидаги маълумотлар аудиторга Узининг хатарли холатларини тури бахолаш, самарали текшириш дастури тузиш ва уни Утказишга кетадиган вактни тежашда ёрдам беради.

Корхонанинг молиявий тузилмасини билиш аудиторга корхонанинг маблагларга бУлган талабини ва уларнинг келиш манбаларини, корхонанинг хакикий тУлов кобилиятини аниклаш ва шу билан бирга у келгусида Уз муомалаларини амалга ошира олишини аниклашда ёрдам беради.

Молияга оид маълумотларга куйидагилар киради: пул маблагларининг йуналиши ва айланиш тезлиги; пул окимларини бошкариш методлари; инвестицион сиёсат; кредит сиёсати ва асосий кредиторлар; банклар билан муносабатлар; счётлар рУйхати (ссуда счётлари билан бирга); пул маблаглари харакати умумий окимидаги валюта муомалаларининг хажми; валюта чекланганлиги; бошка молиялаштириш манбалари; кафолатлар ва бошка олинган ва берилган молиявий таъминотлар.

Текшириладиган корхонанинг хисоб юритиш сиёсатини билиш аудиторга хар хил счётларни текширишнинг самарали методларини ишлаб чикиш имконини беради. Хисоб юритиш сиёсатини тушуниш учун куйидагиларни куриб чикиш зарур: хисоб юритиш сиёсатини кабул килиш тартиби; хисоб юритиш сиёсатига Узгартиришлар киритиш; талаб этиши мумкин бУлган, корхона фаолиятида ва конунчиликда руй бериши кутилаётган Узгаришлар; хисоб юритиш сиёсатининг амалдаги конунчиликка мослиги, хисоб юритиш сиёсатининг мазкур тармок учун хослиги. (хисоб юритиш сиёсати текшириш тартиби 2.4-мавзуда батафсил баён килинган).

Корхонанинг учинчи шахслар билан Узаро муносабатларини куриб чикишда куйидагиларни тахлил килиш зарур: корхона даъвоси, шунингдек унга карши кУзãатилган даъво бУйича мавжуд ва бУлиши мумкин бУлган судлашувлар; корхонанинг мулклари ва масъулиятлари сугурта килинганлиги; корхонанинг солик макоми (соликлар бУйича имтиёзлар ва ш..у.).

Аудитор тармокда кандай хатарли холатлар билан тукнашиши ва мазкур тармокнинг Узига хос муаммоларини хал килишга лаёкатлилигини, унга нотаниш ва Узига хос мураккаб масалаларни хал этиш учун тегишли мутахассислар жалб килиш талаб килинишини тасаввур кила олиши лозим. Бунинг учун у мазкур тармокдаги ракобатчилик шартшароитларини (асосий ракобатчиларнинг рУйхатини тузиши лозим); бахоларнинг Узгаришини, тармокда ишлаб чикаришнинг пасайишига олиб келадиган шароитларни Урганади.

Аудитор ахборотларни тУплашни Узига тушунарли методлар билан амалга ошириши лозим.

Корхона рахбарияти ва бош мутахассислардан сУраб-суриштириш йУли билан асосий муаммоларни, хусусан, ракобат, солик масалалари, корхонанинг молиявий ахволи, корхонанинг йирик муомалалари, бизнесдаги, рахбариятдаги, мулкчилик шаклларидаги Узгаришлар, ички назоратнинг ташкилий тузилмаси ва методлари, рахбариятнинг аудитор махсус эътибор каратишини истаган Узига хос муаммоларини аниклаши мумкин. БУлинмалар, ишлаб чикариш уринлари ва омборларга бориб, мижознинг амалга оширадиган муомалалари, ишлаб чикариш кУрилмалари, товар-моддий захираларнинг мавжудлиги хакида тасаввурга эга бУлиши мумкин.

Шунингдек, корхона фаолияти хакидаги унинг хисоботида (бухгалтерлик хисоботлари ва аналитик ёзувлар; директорлар, бошкарув ва акциядорлик кенгашининг мажлис баённомалари; ички аудиторнинг ва тафтиш комиссиясининг хисоботлари, лавозими йурикномалари), ташки ахборот манбалари (матбуотда чиккан нашр махсулотлари, маълумотлар базаси, аналитик нашрлар, конунчиликка оид ва бошка меъёрий бюллетенлар) келтирилган маълумотларни тахлил килиши лозим.

Аудитор олинган маълумотларни ёзиб боради ва корхонага таъсир килувчи омиллар хамда аникланган тахликали холатлар баён килинган холда бУлимларга булинган махсус ёзув куринишида расмийлаштиради.

2.3. Бухгалтерлик хисобининг ташкил этилишини Ўрганиш (баён килиш).

Аудитор корхонанинг молия хУжалик фаолиятини текширишни бошлашдан олдин бухгалтерлик хисоби кандай ташкил этилганлиги ва юритилаётганлигини Ўрганиши лозим. Бунда у корхонада кУлланилаётган назорат воситаларини Урганади ва бахолайди, улар асосида тахмин килинаётган аудиторлик амалларининг мазмуни, микёси ва килинадиган харажатларни аниклайди.

Энг мухими, аудитор амалдаги бухгалтерлик хисоби тизими текширилаётган хУжалик юритувчи субъектнинг хУжалик фаолиятини ишонарли акс эттириши хамда текширилаётган корхонадаги мавжуд назорат воситаларига кай даражада таяна олишига ишонч хосил килиши лозим. Шунингдек, хисоб тизимини, яъни хужжатлар айланиш режа-графигининг тузилишини, бухгалтерия ходимларининг хизмат вазифалари кандай таксимланаётганлигини кУрсатиши, корхонанинг асосий муомалаларини акс эттириш учун кандай счётлар корреспонденциялари (Узаро богланишлари) кабул килинганлиги ва кандай хисоб регистрларидан фойдаланилаётганлиги каби масалаларни баён килиш лозим.

КУпчилик аудиторлар хисобни ташкил этиш ва уни юритиш услубиёти стандарт, марказлаштирилган холда тартибга солишга бУйсундирилган ва шунинг учун уни баён килишга эхтиёж сезилмайди деган нотури фикрга эга. Улар бундай фикрга асосланиб аудитни режалаштиришнинг бу кисмига етарли эътибор бермайдилар. Бундай ёндошувга йУл куйиб бУлмайди, чунки марказлаштирилган тизим шунга олиб келадики, унда турли корхоналар нафакат Уз хусусиятларини, балки намунавий счётлар ва регистрлар номи остида хам хатоларини яширадилар. Масалан, 1010-1090 «Материаллар» счётлари бУйича колдикларни балансда хисоб бахоларида акс эттириш холлари кУп учрайди. Хисоб юритиш сиёсатидаги «ишлаб чикариш захираларининг хисоби уларнинг Уртача сотиб олиш бахоси бУйича юритилади» деган ёзув остида нафакат Уртача микдорларни хисоб-китоб килишнинг хилма хил усуллари, балки улардан туридан - тури воз кечиш ва материалларни корхона учун энг кулай бУлган бахоларда хисобдан Учириш ва шунга Ухшашлар яшириниши мумкин. Бухгалтерия ходимлари корхонада юритиладиган оборот ведомостлари ва шунга Ухшашларни журнал-ордерлар деб тушуниб, хисоб журнал-ордер шаклида юритилишини тасдиклашлари хам мумкин.

Бухгалтерлик хисоби тизимини баён килиш куйидаги хужжатларни Уз ичига олиши мумкин: аудитор ахборот олишни режалаштирган асосий ходимлар фамилиялари кУрсатилган корхона бухгалтериясининг ташкилий тузилмаси; ташкилий тузилмада кУрсатилган хар бир ходимнинг вазифалари ва масъулиятларининг баёни; хисоб циклининг мухим участкалари бУйича хужжатлар айланиш режа-графиги; хисоб цикллари йуналишида намунавий муомалалар бУйича проводкалар баёни; бир марталик муомалалар ва хато бУлиш эхтимоли юкори бУлган муомалалар («Узининг» фирмалари, мавозалари, комиссия ва консигнация шартномалари, кУшма фаолият шартномалари, лизинг) бУйича счётлар корреспонденциялари баёни; хисоб юритиш сиёсатидаги ёки айрим счётларни юритиш коидаларида нормативдан четга чикишлар; хисобот маълумотларини текширишнинг назорат варакаси. СУнгги хужжат аудиторнинг талаби бУйича мижоз томонидан тузилади. Унда хисоботнинг бутунлигича хам, кисман хам текширишга тайёр эканлиги мижознинг ушбу текширишни техник жихатдан кай даражада таъминлай олиши сУралади.

Аудитор бухгалтерлик хисоби ва хисоботининг ташкил этилиши хамда холатини текширишда куйидагилардан фойдаланади:

«Бухгалтерия хисоби турисида» ги Узбекистон Республикаси конуни, Узбекистон Республикаси Фукаролик Кодекси, Бухгалтерия хисобининг миллий стандартлари, Махсулот (иш, хизмат)лар таннархига кУшиладиган, махсулот ишлаб чикариш (иш бажариш, хизмат кУрсатиш) харажатларнинг таркиби ва молиявий натижаларни шакллантириш тартиби турисидаги Низом, юкори ташкилотларнинг йурикнома, Низом ва кУрсатмалари; Корхонанинг хисоб юритиш сиёсати.

Хукумат, молия ва статистик органларининг меъёрий хужжатлари билан бир каторда, Урганилаётган сохадаги текширилаётган корхоналарнинг хусусиятларини ифодалайдиган таъсис хужжатларига алохида ахамият берилади.

Мазкур масала бУйича аудитор куйидагиларни текшириши лозим:

Бухгалтерлик хисобини ташкил этиш ва юритишга доир йурикномалар ва кУрсатмалар счётлар режасини кУллашнинг турилиги: хисобнинг журнал-ордер ёки жадвал-автоматлаш-тирилган шаклларидан кУлланиладиган шаклни юритиш коидаларига риоя килиниши; дастлабки хужжатларнинг бухгалтерияга Уз вактида келиб тушиши ва хужжатлар оборотининг ташкил этилиши: хисоб регистрларининг Уз вактида ва тури кУлланилиши синтетик хисоб маълумотларининг аналитик хисоб маълумотларига мос келиши: дастлабки хужжатларга автоматлаштирилган ишлов бериш усулларининг кУлланилиши (иш хаки, материаллар, ишлаб чикариш харажатлари ва ш.к.) ишлаб чикариш харажатларини хисобга олишнинг турилиги давр сарфларини хисобга олишнинг турилиги; ишлаб чикаришга сарфланган материалларни бахолашнинг турилиги; балансдаги барча моддаларнинг инвентаризация килинишини тури ташкил этилиши, шунингдек, инвентаризацияни ва унинг натижаларини хисоб ва хисоботда Уз вактида хамда тУлик акс эттирилиши: бош бухгалтер томонидан материаллар, молиявий ва мехнат ресурсларидан фойдаланиш, бухгалтерлик хисобини ташкил этиш ва юритишнинг конунийлиги устидан назорат Урнатилиши; банкларга, солик органларига, акциядорларга ва бошкаларга такдим этиладиган баланс ва бошка хисобот шаклларига бухгалтерлик хисоби маълумотларининг тури келиши; бюджет билан хисоб-китобларнинг турилиги ва Уз вактидалиги; фойда (даромад)ни аниклашнинг турилиги; фойдани таксимлаш ва резервлар яратишнинг турилиги.

Булардан ташкари аудитор куйидагиларни хам текшириши зарур:

- бухгалтерия аппарати ишининг тури ташкил этилганлиги;
- бухгалтерия ходимлари лавозим йУрикномаларининг мавжудлиги;
- бажарилган иш учун хар бир ходим жавоб берадиган килиб, хизмат вазифаларининг бухгалтерия ходимлари Уртасида таксимланганлиги;
- аудиторлик текшируви Утказилаётган ташкилот (фирма) рахбарияти томонидан ишни бажарувчи мансабдор шахслар, омбор мудирлари, механиклар ва бошкалар)нинг дастлабки хисоботлар ва хужжатларни такдим этиш графигининг тасдикланганлиги, графикка риоя килиш устидан назорат урнатилиши ва уни бузган айбдор шахсларга нисбатан интизом чоралари ва бошка чораларнинг кУлланилиши; бухгалтерия ичида айрим иш турларининг бажарилиш муддатлари кУрсатилган, хужжатлар айланиши графигининг борлиги (иш хаки хисоб-китоби ведомостлари, моддий кийматликлар харакатининг йигма ведомости, асосий воситалар ва номоддий активларга эскириш хисоблаш ведомости, хисоб регистрларини якуний (йиллик) хисоботлари тузиш); бухгалтерия ходимлари жорий иш жараёнида зарур бУлган, тегишли кУлланмалар, йурикномалар ва хисоб-китоб жадваллари билан таъминланганлиги;
- бош бухгалтер томонидан унга тУлик берилган молиявий назоратчилик хукукларининг амалга оширилиши, бухгалтерлик хисоби ва хисоботига доир бош бухгалтернинг фармоишлари, шунингдек, хусусан молия-хУжалик муомалаларини расмийлаштириш ва талаб килинадиган хужжатлар ва маълумотларни бухгалтерияга такдим этиш, корхонанинг барча ходимлари учун мажбурийлиги каби корхонадаги ички тартибга риоя килиниши, юкорида кУрсатилган хисоб, хисобот ва молиявий назорат масалаларига доир бош бухгалтер фармоиши ва кУрсатмаларининг бажарилмаганлиги ёки бузилганлиги учун айбдор ходимларга нисбатан аудит Утказилаётган корхона рахбарияти томонидан хайфсан ёки мукофотдан (тУлик ёки кисман) махрум этиш чораларининг кУлланилиши; бухгалтерия ходимлари билан бошка булинмалар Уртасида Узаро муносабатларининг тури йУлга куйилганлиги, бош бухгалтер бошка булинмалар рахбарлари билан хамкорликда аудит Утказилаётган корхона молиявий хУжалик хисоби, хисоботи маълумотларига асосан тахлил килиши;
- балансннг асосий материаллар, пул ìàáëàглари ва хисоб-китоб -моддаларини инвентаризация килиш; бухгалтерия хисоботлари ва балансларн турисидаги Низомда белгиланган тартиби ва муддатларига риоя килиниши; Утказилган инвентаризация ва унинг сифати кандайлиги, инвентаризация натижасида барча баланс моддалари хакконийлигининг таъминланганлиги;
- бухгалтерлик хисоби ва назоратнинг ташкил этилиши пул маблаглари ва материал кийматликлар камомади, етишмовчилиги ва ноконуний сарфланиши ва бошка камчилик хамда суистеъмол килишларнинг олдини олишни таъминлаши, дастлабки хужжатларни сифатли расмийлаштириш ва уларнинг ишонарлилиги устидан пухта назорат Урнатиш;

хУжалик муомалаларини, пул маблаглари ва мулклар, материал кийматликлар мавжудлиги ва сакланишини даврий инвентаризацияси ва тУсатдан Утказилган текширишлар натижалари ва шу кабилар;

- тузилган даврий ва йиллик хисоботлар маълумотларининг бухгалтерлик ва статистик хисобот маълумотларига тури келиши.

Хар бир аудитор, гарчи битта аудиторлик текширувида тУлик иштирок этган бУлса хам, бухгалтерия хисобини тартибга солиш ва соликка тортишнинг мавжуд тизимида исталган хУжалик юритувчи субъект бухгалтерлик (молиявий) хисоботининг у ёки бу даражадаги хатоларга йУл кУймаслиги Ута мураккаб эканлигини тушуниб етади.

Аудитор бундай хатоларни аниклаганида куйидаги вазифаларни хал этиши лозим:

* бухгалтерлик хисоботидаги хатоларнинг бузиб кУрсатилишини баёнини ёзиш;

- **ижтимоий сугурта ва таъминотга доир хисоб-китобларни текширишда:**

“Ижтимоий сугурта жамгармаси маблаглари бУйича хисоб-китоблар ведомости(Ф.4-ИСЖ), «РУйхатга олинганлик турисидаги маълумотлар), «»Сугурта килдирувчига хабарнома», «Ижтимой сугурта жамгармасига Утказилган бадаллар хисобидан пенция ва нафакаларни тУлаш бУйича ведомость»;

-хисобдор шахслар билан хисоб-китобларни текширишда: бУнак (аванс) хисоботи; хизмат сафари гувохномаси; хизмат сафарига борувчи ва келувчи ходимларни рУйхатга олиш дафтари; 4420-«Хизмат сафари учун берилган бУнаклар», 4430-«УмумхУжалик харажатлари учун берилган бУнаклар» ва 6870 –«Хисобдор шахслардан карзлар» счётлари бУйича инвентаризация рУйхатлари;

-Ходимлар билан бошка муомалалар бУйича хисоб-китобларни текширишда:

кредитга сотилган товарлар учун топширикнома-мажбурият; карз шартномаси; моддий зарарни коплаш турисидаги буйрук (фармойиш); суд карори; ижро варакалари; тУлов топшириклари; касса кирим ордерлари.

Дастлабки хужжатларни текширишда аудитор дастлабки хужжатларнинг белгиланган тартибда тасдикланган намунавий шаклларидан фойдаланилганлигини аниклаши зарур.

Ички хисоб-китоб муомалаларини аудиторлик текширувидан Утказиш ушбу муомалаларни хисобга олиш ва ички назоратнинг ахволини олдиндан бахолашни назарда тутади.

Бунда ходимларни ишга ёллаш ва ишдан бУшатишда конунчиликка риоя килинишини,рУйхатдаги хисоб ва назорат ходимларига хизмат вазифаларини, иш вактини ва бажариладиган ишларни таксимлаш холати; мехнатга хак тУлаш, мукофотлаш ва моддий ёрдам турисидаги низомларга риоя килиниш ва бошкаларни аниклайди.

Аудитор ички назоратнинг холатини Урганганидан сУнг («аъло», «яхши», «Урта») ички хисоб-китоб муомалаларини текшириш учун танлаш хажмини аниклайди.

5.1.2 Мехнат хаки бУйича хисоб-китоблар аудити.

Корхоналар амалиётида мехнатга хак тУлаш бУйича куйидаги камчиликлар кУпрок учрайди: ойлик маошлари ва ставкалар хажмининг штат жадвали ва лавозим маошлари схемасида белгиланганидан ошиб кетиши; иш хакига хар хил кУшимча ва устамаларнинг ноконуний тайинланиши; кУшиб ёзишлар; ишбай расценкаларнинг ошириб кУрсатилиши; ишчилар ва мухандис—техник ходимлар мехнатига хак тУлаш учун белгиланган иш хаки фонди хисобидан котибалар, шахсий хайдовчилар ва хар хил бошкарув хизмати ходимларига хак тУлаш кабилар.

Ноконуний кУшимча хак белгилаш, айрим холларда хисобланган мехнат хакини Узлаштириш, Узлаштириш максадида материал кийматликларни сотиб олиш ёки сметада кУзда тутилмаган харажатларни ёпиш учун сохта шахсларни ишга кабул килиш холлари хам учрайди. Аудитор дастлабки хужжатлар ва хисоботларни бевосита иш жойларида пухта тахлил килиш йУли билан куйидагиларни аниклайди: иш хаки тУлаш учун пул олишда банкка такдим килинадиган маълумотлар турилиги ва олинган пул маблагларининг белгиланган максадда ишлатилиши, иш хаки фондидан ошикча хак тУлашга рухсат бериш тартибига риоя килиниши, иш хаки фонди маблагларининг ошикча сарфланишига йУл куйилиш сабаблари яьни бутунлай нотури, калбакилаштирилган, кУпчилик холларда режа топширикларини бажарганлик ва ошириб бажарганлик учун деб ноконуний мукофат олиш максадида килинадиган хисобот маьлумотларини ошириб кУрсатиш кабилар. +Ушиб ёзиш окибатида хакикатда бажарилмаган ишларга иш хаки тУлаш, хом ашё, материаллар, ёкилгилар ва бошка ресурсларни хисобдан чикариш, натижада талон-тарож килиш холлари кУп учрайди.

Ходимлар сони ва уларнинг тоифалари бУйича иш хаки фондининг хажми хУжаликнинг бизнес-режасида белгиланади. Иш хаки кишлок хўжалигида махсулот (иш, хизмат)лар таннархида салмокли Урин эгаллаганлиги сабабли аудитор иш хаки фондини текширишга алохида эътибор каратиши лозим.

Текширув бошланишидан олдин аудитор хУжаликда тасдикланган иш хаки фондининг хажмини ва унинг бизнес-режага тури келишини аниклаши зарур.

Иш хаки фондининг хакикий сарфи «Ходимларнинг тоифалари ва хисобланган иш хакининг таркиби бУйича маълумот» (19-шакл хисоб-китоблар бажариладиган жадвал), «Ходимлар, ёлланган ва четдан жалб килинган шахслар иш хаки фондини хисобга олиш ведомости» (20-шакл), хисоб-китоб тУлов ведомостлари ва иш хаки хисоблаш учун асос бУлган бошка дастлабки хужжатлар маълумотларига асосан текширилади. Текширилаётган давр (чораклик, йил) учун белгиланган иш хаки фондини хакикатда хисобланган иш хаки суммалари билан таккослаш зарур. Бунинг натижасида иш хаки фондининг умумий тежалгани ёки ошикча сарфлангани аникланади. Агар йил давомида ишлаб чикариш хажмининг Узгарганлиги сабабли дастлабки иш хаки фондига Узгартиришлар киритилган бУлса, у холда улар умумий тежаш ёки ошикча сарфлашни аниклашда хисобга олади.

Текшириш жараёнида хисоблашув-тУлов ведомостлари маълумотларининг хар ойда банкка такдим килинадиган маълумотнома кУрсаткичларига мос келиши хам аникланади. Маълумотномадаги хисобланган иш хакининг умумий суммаси шу ойдаги 21-шакл «Ходимлар билан хисоб-китоблар бУйича жамлама маълумот» нинг суммасига мос келиши керак.

Иш хаки бериш учун банкдаги 5110-«Хисоб-китоб счёти»дан олинган суммалар, шунингдек, ундан ушланиб, Утказилган суммалар 21-шаклдаги хисоб-китоблар бажариладиган жадвалнинг тегишли маълумотлари билан мос келиши керак.

Иш хаки фондининг ошикча сарфланиши маъмурий бошкарув, хУжалик ва хизмат кУрсатувчи ходимлар сонининг штат жадвалидагидан ошиб кетганлиги; лавозим маошлари, ставкалар ва расценкаларнинг ошириб юборилганлиги; машина ва механизмларда бажарилиши кУзда тутилган ишлар (ãаллани уриш, донни юклаш ва кУшимча ишлов бериш, яганалаш, чеканкалаш ва х.к) кУлда бажарилганда иш хажмининг кУшиб ёзилиши ва хоказолар. Айрим холларда ошикча сарфлар объектив сабаблар окибатида содир бУлади, масалан, кор ёки ёмгир кУп ёккан пайтларда йУлларни тозалаш, молларга озука етказиб бериш ва бошкалар. Буларнинг барчаси пухта текширилиши зарур.

Аудитор хУжаликка четдан ишчиларни канча, качон ва кайси муддатга жалб килинганлиги, улардан кандай фойдаланганлиги ва уларга кандай тартибда мехнат хаки тУланганлигини хам аниклаши керак.

Мехнатга хак тУлаш масалалари етарли даражада мураккаб. Унда мехнатнинг тавсифи, мехнат харажатларини ва унинг натижаларини улчаш хамда бахолаш, расценкалар,

мукофотлар ва хоказоларни белгилаш билан боглик кУплаб нозик ва Узига хос тафсилотлари мавжуд. Шунинг учун аудитордан ушбу масалалар бУйича меъёрий база ва хисоб юритишнинг ахволини аниклаш, штатлар жадвали, корхона рахбариятининг ходимларни ойлик маош тайинлаб ишга кабул килиш турисидаги буйруклари (танлаб текширилади), тузилган пудрат шартномалари ва мехнат битимлари; мехнатга хак тУлаш, мукофотлаш ва моддий ёрдам бериш турисидаги низомларни Ўрганиш талаб этилади. СУнгра иш вактини хисобга олиш табеллари ва ишбай ишлар учун нарядлар, хисоблашув-тУлов ва тУлов ведомостлари, мехнатга хак тУлаш хамда уни тартибга солиш билан боглик бошка хужжатларнинг расмийлаштирилиши текширилади. Аудитор ушбу масалалар билан танишиб чикиб, мехнатга хак тУлаш бУйича хисоб-китобларнинг асосий блокларини синчиклаб текширади. Хусусан:

1. Корхона ходимларининг штат жадвалида белгиланган ойлик маошларига риоя килиниши: штат жадвалининг бошкарув кенгаши ёки акциядорлар мажлисида тасдикланганлиги; Уриндошлик асосида мехнатга хак тУлашнинг турилиги; штат интизомига риоя килиниши; мехнат битимлари бУйича хак тУлашнинг асослилиги.

2. Ишчиларга ишбай нарядлар бУйича хак тУлашнинг турилиги, хусусан, бажарилмаган ишлар учун кУшиб ёзиш холлари йУклиги, мехнатга хак тУлашнинг аккорд тизими кУлланилганлиги, аккорд нарядларининг тегишли бутун иш учун килинган калькуляция билан асосланиши, аккорд топшириклариниг белгиланган муддатда бажарилганлиги ва юкори сифатлилиги аникланади.

3. Мукофотлаш тартиби ва асослилиги, мукофотлаш сабабларини аниклаш ва мехнат жамоаси томонидан кабул килиниб тасдикланган мукофотлаш тизимини тахлил килиш билан биргаликда аникланади.

Маъмурий бошкарув ходимлари, мутахассислар, хизматчилар ва кичик хизматчи ходимларга тУланадиган хак уларнинг хакикий сонини штат жадвали ва белгиланган лавозим маошлари билан солиштириб текширилади.

Шунингдек, хисоблашув-тУлов ведомостлари ва 19, 20, 21-шаклдаги хисоб-китоб бажариладиган жадвалларни пухта текшириш зарур. Бош дафтардаги 4410 «Мехнат хаки бУйича берилган бУнаклар» 6710- «Ходимлар билан мехнат хаки бУйича хисоб-китоблар» ва 6720-«Депонентланган мехнат хаки» счётларнинг колдиĭи 21-шакл хисоб-китоб жадвалидаги колдик билан тенг бУлиши керак. 4410-счёт бУйича дебет колдикнинг мавжудлиги ва канча микдордалигини аниклаш зарур. Ходимлар билан мехнат хаки бУйича хисоб-китобларда дебитор карз мавжудлиги бош бухгалтер томонидан хисоб-китоблар ахволи устидан тегишли назорат урнатилмаганлигидан далолат беради.

Мехнатга хак тУлаш ва бошка муомалар бУйича ходимлар билан хисоб -китобларни аудиторлик текширувидан Утказишда 4410-«Мехнат хаки бУйича берилган бУнаклар», 4420-«Хизмат сафари учун берилган бУнаклар», 4430-«УмумхУжалик харажатлари учун берилган бУнаклар», 4610-«Кредитга сотилган товарлар бУйича ходимларнинг карзлари», 4620-«Берилган карзлар бУйича ходимларнинг карзлари», 4630-«Моддий зарарни коплаш бУйича ходимларнинг карзлари», 4690-«Ходимларнинг бошка карзлари», 6710-«Мехнат хаки бУйича ходимлар билан хисоб-китоблар», 6720-«Депонентланган мехнат хаки», 6870-«Хисобдор шахслардан карзлар» счётлари бУйича юритиладиган хисобнинг турилиги ва ишончлилигини текшириш салмокли Урин эгаллайди.

Иш хаки бУйича хисоб-китоблар хисоблашув тУлов ведомостлари (73-шакл), оила (жамоа) пудратлари ва бошка ички хУжалик булинмаларининг шахсий хисоб варакалари, иш вактини хисобга олиш табели (64-шакл) ва бошка хужжатлар бУйича текширилади.

Хисоблашув-тУлов ведомостларида жами суммани атайлаб ошириб кУрсатиш холлари хам учрайди. Мисол:

5.1.2.1-жадвал.

№	Фамилия, исми ва отасининг исми	сумма	имзо
1	2	3	4
1.	Ахмедов С.И.	74000	
2.	Турсунов А.Б.	79500	
3.	Уринов И.Б.	74800	
4.	Саматов Р.М.	88600	
ЖАМИ		346900	

Ушбу тУлов ведомостининг суммаларини жамлаб текширилганда хакикатда 316900 сУм эканлиги, жами сумма эса 346900 сУм деб кУрсатилган, яъни 30000 сУм ошириб кУрсатилган. Натижада бухгалтерия ходими 316900 сУм урнига 346900 сУмни касса чиким ордери тУлгазиб, 30000 сУм ошикча хисобдан чикарган ва бу сумманинг Узлаштирилишиги имконият яратилган. Вактида берилмаган иш хаки суммалари депонентга Утказилаётганлигини хам текшириш зарур. КУп холларда берилмаган иш хакларини 6710-счётда колдириш натижасида унинг сакланиши кафолатланмайди.

Иш хакидан ушланадиган даромад соликлари, нафака фондига ва касаба уюшмасига аъзолик бадаллари Солик кодекси ва бошка тегишли меъёрий хужжатларга мувофик текширилади. Иш хакидан конунчиликда белгиланмаган суммаларни ушлаш ман этилади. Масалан, коммунал хизмат ва квартира хаклари, махсус кийим-бош, озик-овкат, болалар боÃчаларда ва бошка болалар муассасаларида тарбияланганлиги учун ва бошкалар.

Иш хакининг белгиланган вактда берилмаслик холлари мавжудлиги, агар шундай холатлар бУлса унинг сабаблари (Уз вактида молиялаштирилмаганлик, хужжатларни банкка Уз вактида такдим килмаслик ва бошкалар) ни аниклаш зарур.

Дастлабки хужжатлар пухта текширилади: хисоблашув-тУлов ведомостлари, берилмаган иш хаклари реестри, иш вактини хисобга олиш ва иш хакини хисоблаш табели ва бошка хужжатлар. Охиригача тУлик расмийлаштирилмаган, Учириб ёзилган ва доÃ туширилган дастлабки хужжатларга алохида эътибор каратиш керак. Бундай хужжатлар билан пул маблагларини Угирлаш ва суиистеъмол килишлар яширилиши мумкин.

Хисоблашув-тУлов ведомостлари санаб чикилиши шарт. Уларни текширишда корхонада ишламайдиган шахслар ведомостга киритилмаганлиги, хисобланган иш хаки тегишли дастлабки хужжатларга мослиги текширилади.

Ижтимоий сугурта фонди бУйича муомалаларни назорат килиш ходимларга иш хаки ва бошка тУловларни хисоб - китоб килишга доир бухгалтерия хужжатларини текшириш; ижтимоий сугурта тУловларини ижтимоий сугурта фондининг жорий счётига Утказиш хакидаги тУлов топшрикларини текшириш; санаторияларва дам олиш уйлари йУлланмалари учун ходимлардан накд пулларни кабул килиш бУйича касса хужжатлари; ижтимоий сугурта маблаглари хисобидан килинган сарфларга доир хужжатлар; ишлаб чикаришдаги бахтсиз ходисалар турисидаги далолатномалар, касаллик варакалари, хисоб-китоб ведомостлари (44-шакл), хисоб-китоблар бажариладиган «Ходимлар билан хисоб-китобларга доир маълумотлар жамламаси» (21-шакл) маълумотларини текшириш оркали амалга оширилади.

Аудитор ижтимоий сугурта фонди бУйича хисоб-китобларни текширишда касаба уюшмаси кумитаси аъзоларини хам жалб килиши максадга мувофик.

Ижтимоий сугурта фондига ажратмалар сарфланган иш хаки фондига нисбатан фоиз хисобида ажратилиб 6520-«Ижтимоий сугурта бУйича тУловлар» счётининг кредити ва харажат счётлари (2010,2310,2510 ва бошкалар) нинг дебетига, яъни хУжалик булинмалари (оила (жамоа) пудратлари ва бошкалар)нинг шахсий хисоб варакаларига ёзиб куйилади.

Ходимларнинг ишлаш ва дам олиш тартиби, уларни ижтимоий сугурта килиш республика конунчилиги меъёрлари билан тартибга солиб турилади. Бу меъёрлар, агар халкаро ва давлатлараро шартномаларда бошкача тартиб белгиланмаган бУлса, кУшма корхоналарда, халкаро бирлашмалар ва ташкилотларда ишлайдиган хорижлик фукароларга хам кУлланилади. Таьсис хужжатларида хорижлик фукаролар мехнатига хак тУлаш хар бир хорижлик фукаро билан тузилган шартномада белгиланиши кУзда тутилган бУлиши мумкин.

Мехнатга хак тУлаш, моддий раÃбатлантириш шакллари ва микдорлари, шунингдек, Узбекистон Республикаси конунчилигида кУзда тутилган фукаролар хукукларига риоя килинган бошка мехнат шароитлари каби масалалар кУшма корхоналар, халкаро бирлашмалар ва ташкилотлар томонидан мустакил хал этилади.

+Ушма корхоналарда ишловчи хорижлик ишчилар оладиган иш хаклари хам Узбекистон Республикаси конунчилигида кУзда тутилган тартиб ва микдорда соликка тортилади.

Ходимлар ва ёлланган шахслар билан мехнатга хак тУлаш бУйича хисоб-китоблар ишончлилигини текшириш хисоб ва хисобот маълумотлари тенглигини аниклашдан бошланади (5.1-чизма).

Баланс (1-шакл)
(тегишли сатр ва устун)



Бош дафтар

4410-«Мехнат хаки бУйича берилган бУнаклар», 6710-«Мехнат хаки бУйича ходимлар билан хасоб китоблар» ва 6720-«Депонентланган мехнат хаки» счётларининг хисобот даври боши ва охирига колдиклари.

↓

4410-«Мехнат хаки бУйича берилган бУнаклар», 6710-«Мехнат хаки бУйича ходимлар билан хасоб китоблар» ва 6720-«Депонентланган мехнат хаки» счётларсинтетик ва хисоб регистрлари хисоб даври охирига колдиклар

↓

Шахсий хисоб варакалар- барча хисоб варакалар бУйича тУланадиган суммалар жами.

↓

Хисоблашув-тУлов ведомостларининг жамламаси – тУланадиган суммалар жами.

↓

Хисоблашув -тУлов ведомостлари- барча ведомостлар бУйича тУланадиган суммалар жами

↓

Шахсий хисоб варакалар- барча хисоб варакалар бУйича тУланадиган суммалар жами.

5.1-чизма.Мехнатга хак тУлаш бУйича хисоб-китобларни текшириш кетма-кетлиги.

Номувофиклар топилганида уларнинг сабабларини аниклаш зарур. Солитириш амалларини ишчи хужжатлар билан расмийлаштириб, хисобот, синтетик ва аналитик хисоб маълумотларининг тенглигига ишонч хосил килгандан сУнг,аудитор иш хаки хисоблашнинг турилигини текширишни бошлайди.

Номувофикликлар топилганда фарк суммалари ва уларнинг вужудга келиш сабабларини ишчи хужжатларда кУрсатиш зарур.Шундан сУнг дастлабки хужжатларнинг мавжудлилиги ва ишончлилиги, тури туазилганлиги, меъёрий хужжатлар талабларига мослиги Урганилади.

Иш вактини хисобга олиш табели, буйруклар, ишбай ишлар учун нарядлар, бажарилган ишларни хисобга олиш варакалари, йУл варакалари, хисоб-китоб ва хисоблашув-тУлов ведомостлари, таътил учун хак ва кУшимча хакларнинг бошка турлари ва бошкалар текширилади. Текширув чогида куйидагиларга эътибор бериш зарур:

-барча мажбурий риквизитларнинг тУликлиги ва тури расмийлаштирилганлиги;

-бажарилган ишлар ва иш вактини хисобга олиш учун масъул шахслар имзоларининг мавжудлиги;

-тушунтириш берилмаган тузатишлар ва турилашлар;

-иш вактини хисобга олиш табелига «Улик жонлар»ни кУшиш, бажарилмаган ишларни кУшиб ёзиш холатларини аниклаш зарур.

Хисоблашув-тУлов ва тУлов ведомостларидаги ракамларни текшириш максадга мувофик. Бу ведомостларда хар бир алохида олинган ходим бУйича суммалар тури жамланганида, жами суммани атайлаб ошириб ёзиш холларини аниклашга имкон беради. Бундай хатолар нафакат мехнат хаки харажатларининг ошиб кетишига, балки пул маблагларининг Узлаштирилишига хам олиб келади.

Мехнат хаки бУйича хисоб-китобларни мохиятан текшириш, ёппасига (ходимлар сони унчалик кУп бУлмаганида) ёки танлаб амалга оширилиши мумкин, аудитор танлов кУламини текширув дастури ва муайян шарт-шароитлардан келиб чиккан холда аниклайди. Лекин барча турдаги мехнат хаки ва ундан ушланадиган суммаларни камраб олиш максадида танлов доирасига барча тоифа, гурухлар ва бУлинмалар ходимлари билан хисоб-китоблардан олиниши максадга мувофик.

Аудитор бир неча ходимларнинг шахсий жилдлари ва шахсий хисоб варакаларини танлаб олиши ва ишга ёлланиш хамда бошка лавозимга Утказилиш саналари, мехнатга хак тУлаш шартлари (ставка,оклад) ва кУшимча тУловлар турисидаги ахборотларнинг мувофиклигини текшириши зарур. Бунда штат интизоми ва белгиланган лавозим маошлари ёки контракт

шартларига риоя килиниши, мехнат шартномалари бУйича ва Уриндошлик асосида мехнат хаки тУлашнинг асосланганлиги текширилади.

Иш вактини хисобга олиш табели, хисоблашув-тУлов ведомости ва шахсий хисобварақаларини солиштириш йУли билан ишланган вакт микдори турисидаги маълумотларнинг бир хиллигини, тУлик ишланмаган ойда хисобланган иш хакининг арифметик хисоб-китоби турилигини текшириш зарур.Мехнатга ишбай хак тУлашда бажарилган ишлар микдори ва сифат кУрсаткичларининг мувофиклиги, хамда меъёрлар ва бахоларни кУллашнинг турилиги текширилади. Аввал хак тУланган дастлабки хужжатлар бУйича такроран иш хаки хисоблаш холатларининг йУклигини хам текшириш зарур.

Мукофотлар хисоблашнинг турилиги ва асосланганлигини текшириш чогида, аудитор мукофотлаш турисидаги Низом, буйруклар, хисоб-китоб ведомостлари ва шахсий хисобварақалар маълумотларини таккослайди. Масалан, ходимга хисобот даврида фаолияти учун мазкур даврда унинг иш кунлари бУлмаган холда мукофот хисобланган. Мукофот хисоблаш корхона рахбарининг буйруги, директорлар кенгашининг карори ва шунга Ухшаш тегишли хужжатлар билан расмийлаштирилиши лозим. Иш меъёрлари пасайтириб кУлланилганлиги ва бошка шунга Ухшаш мураккабликлар хакида шубха пайдо бУлганида аудитор эксперт-мутахассис хизматидан фойдаланиш мумкин. Бунда у (аудитор) №16-«Эксперт ишидан фойдаланиш» номли АФМС га мувофик иш юритади. Таътил вакти учун хак тУлашни текшириш чогида буйрук ва табел бУйича таътил белгиланган сана, хисоб-китоб даврини аниклашнинг турилиги ва таътил хисоб-китоби ва шахсий хисоб варақада хисоб-китоб учун олинган даврдаги ойлар бУйича иш хаки суммаларининг мослигига эътибор берилади. Таътил учун хак хисоблашнинг турилиги хакида далил-исботларга эга бУлиш учун аудиторлар бир канча ходимлар бУйича мукобил таътил хисоб-китоби тузиши мумкин.

Нормал иш шароитидан четга чикиш билан боглик кУшимча хак(тунда ишлаганлиги учун, иш вактидан ташкари иш учун, байрам кунлари ишлаганлик учун, огир ва зарарли шароитда ишлаганлик учун ва х.к) хисоблашнинг турилиги хисоб-китоб маълумотлари ва иш вактини хисобга олиш табели хамда конунчиликда белгиланган кУшимча хак микдорининг мувофиклигини текшириш йУли билан аникланади.

Вактинчалик ишга яроксизлик учун нафака хисоблашни назорат килиш амаллари куйидагиларнинг турилигини текширишни Уз ичига олади:

- бир кунлик Уртачи иш хаки;
- нафака микдорини (%) иш стажига караб текшириш;
- нафаканинг энг катта микдорини белгилаш ;
- ишга яроксизлик кунлари;
- хисобланган нафака суммалари.

Хисоб-китобларни текширишда аникланган номувофикликлар аудиторнинг ишчи хужжатларида кайд килиб борилади. Иш хаки хисоблашнинг турилги ва асосланганлигини текшириш чогида аудитор,одатда мехнат хаки хисоблаш текширилган шахсий хисоб варақалар бУйича, иш хакидан ушланадиган суммалар турилигини танлаб текширади.Ходимлар иш хакидан ушланадиган суммалар хужжатлар билан асосланганлиги, конунийлиги ва уларнинг тури ижро килинганлигини аниклаш зарур. Иш хакидан ушланмалар ижро варақалари (алиментлар, жарималар, моддий зарарни коплаш) бУйича; кредитга сотиб олинган товарлар бУйича топшрик- мажбуриятлар бУйича; ходимнинг аризаси бУйича (квартира хакини Утказиш, боласининг мактабгача болалар муассасида тарбияланган учун, Укиш учун, касаба уюшмасига аъзолик бадали ва ш.У); тУлов ведомостлари бУйича берилган бУнакларни ушлаб колиш. Иш хакидан даромад солиги ва Нафака фондига тУланадиган бадаллар ушланишининг турилигини текшириш махсус эътибор талаб килади. Шунингдек барча ушланмалар суммаси ходимнинг бир ойлик маоши 50 % и дан ошиб кетмаганлигини хам аниклаш зарур.

Иш хакидан даромад солигининг тури ушланганлигини текширишда Солик Кодекси 44-64 моддалари ва улар бУйича киритилган кУшимча хамда Узгартишлардан фойдаланиш зарур.

Даромад солиги бУйича берилган имтиёзларнинг конунийлигини аниклаш учун имтиёзларни тасдикловчи хужжатларнинг мавжудлиги ва тури расмийлаштирилганлигига ишонч хосил килиш керак:

- ходимнинг жами даромадидан чегириладиган имтиёз суммаларини тасдикловчи хужжатларнинг нусхалари;

Шундан сУнг жисмоний шахслар жами даромадини аниклаш, асосий ходимлар, Уриндошлар, фукаролик-хукукий шартномалар асосида пул тУланадиган шахслар ва бошкалар бУйича солик имтиёзлари ва даромад солиги ставкаларини кУллашнинг турилиги текширилади.

Жами даромадни текширишда корхонанинг Уз маблаглари хисобидан тУланган, ижтимоий тавсифдаги тУловларнинг (овкат пули, йУл хаки хужжатлари, олий Укув юртларида таълим олиш, имтиёзли шартлар билан карз бериш, байрам ва юбилей саналарига совга бериш, меъёрдан ошик хизмат сафари харажатлари ва тегишли хужжат билан тасдикланмаган сарфлар ва шунга Ухшаш) жисмоний шахслар жами даромадига кУшилганлиги аникланади.

Иш хакидан ушланадиган суммалар бУйича аникланган тафовутлар хам аудиторнинг ишчи хужжатларида умумлаштирилиши ва акс эттирилиши лозим.

Иш хакидан ушланадиган суммаларни текшириш. Иш хаки хисоб-китобини текширгандан сУнг мехнат хакига доир харажатларни счетлар, маъсулият марказлари ва таннарх хисоблаш объектлари бУйича гурухлаш ва умумлаштиришнинг турилигини аниклаш зарур.

Мехнат хакини харажат счетларига (2010, 2310, 2510, 9414, 9415, 9421, 9422) олиб боришининг асослилигини текширишда ишлаб чикариш захираларини тайёрлаш (1510) ва капитал ишлар (0810, 0820, 0830, 0840, 0890) билан боглик мехнат хаки суммаларининг харажат счетларига олиб борилиш холлари йУклигини аниклаш зарур. Бу дастлабки хужжатлар (иш вактини хисобга олиш табели, ишбай ишлар учун нарядлар –ва бошкалар), хисоблашув ва хисоблашув-тУлов ведомостлари, хамда 4410,6710 ва 6720 счетлар бУйича хисоб регистрлари маълумотларини кУриб чикиш услуби билан аникланади. Мехнат хаки бУйича хисоб-китоблар акс эттирилишининг турилигини текшириш натижалари аудиторнинг иш хужжатлари билан расмийлаштирилади. Умумлаштирилган маълумотлар асосида мехнат хаки бУйича аникланган тафовутларнинг хисобот моддалари кУрсаткичларига таъсирининг сезиларлилиги (ахамиятлилиги) аникланади.

5.1.3.Хисобдор шахслар билан хисоб-китоблар аудити.

4420, 4430 ва 6870 - счётларда накд пулсиз хисоб-китоблар йУли билан амалга ошириб бУлмайдиган харажатларни тУлашга бунак (аванс) бериш бУйича хисобдор шахслар билан хисоб-китоблар хисобга олинади. Булар маъмурий хУжалик, муомала харажатлари ва хизмат сафарлари учун бериладиган бУнаклардир.

Хисобдор шахслар билан хисоб-китоблар аудити мазкур объект бУйича ички назорат ва хисоб тизимининг холатини Ўрганишдан бошланади. Ички назорат тизимини бахолашда аникланган, унинг кучли томонлари (назорат барча тест килинадиган йУналишлар бУйича амалга оширилади, муомалалар хакконийлиги, тегишли тарзда рухсат этилганлиги ва хисобда акс эттирилганлиги), шунингдек, кучсиз томонлари (хисобдор шахслар рУйхати, хисобдор суммалар бериладиган муддатлар ва бошкаларнинг буйрук билан тасдикланганлиги) хисобдор шахслар билан хисоб-китобларни батафсил текширишда эътиборга олинади.

Бу муомалалар кУп холларда ёппасига текширилади. Хисобдор шахслар билан хисоб-китоблар бУйича мажбуриятларнинг ишончлилигини текшириш куйидаги чизма бУйича хисоб ва хисобот маълумотларининг тенглигини аниклашдан бошланади.(5.2-чизма)





5.2-чизма. Хисобдор шахслар билан хисоб-китобларнинг умумий чизмаси.

Ушбу чизма бУйича текширув натижасида номувофикликлар аникланганда тафовутлар кУламини ва уларнинг сабабларини аниклаш зарур.

Хисобдор шахслар билан хисоб-китоблар аудитининг вазифалари:

- хизмат сафари харажатларининг копланиш тартибига риоя килинишини аниклаш;
- хисобдор шахслар томонидан килинган харажатларнинг конунийлиги ва максадга мувофиклигини аниклаш;
- хУжалик харажатларининг асослилигини аниклаш;
- хизмат сафари ва хУжалик харажатлари юзасидан корхона маъмурияти фармойишларининг конунийлигини аниклаш;
- бУнак хисоботлари ва уларга илова килинган хисобдор суммаларнинг сарфланганини исботловчи хужжатлар (транспорт чипталари, мехмонхона ва алока ташкилотлари патталари (квитанциялар), олинган моддий бойликларнинг счётлари, хар хил ишлар хисобдаги накд пул хисобидан бажарилган такдирда шартномалар) расмийлаштирилишини текшириш;
- касса хужжатларининг (кассир хисоботлари, касса кирим ва чиким ордерлари ва уларни кайд килиш дафтарлари) текшириш;
- хисобдор шахслар билан хисоб-китоблар бУйича аналитик ва синтетик хисоб регистрларининг маълумотлари (7-АСК журнал -ордер) ни текшириш;
- хисобдор шахслар билан хисоб-китобларни аудит килишда бухгалтерия хисоби холати билан танишиши, хужжатларнинг тури ва Уз вактида расмийлаштирилиши, хизмат сафарлари ва хУжалик харажатлари юзасидан корхона рахбарининг фармойиши бор йУклиги, ходимни бу сафарга юбориш ва хУжалик харажатларининг асослигини аниклаш лозим.

Аудитор бухгалтерия ходимларининг ушбу сохадаги конунлар ва юкори ташкилотларнинг меъёрий хужжатларидан хабардорликларига хамда уларнинг нусхалари корхона бухгалтериясида мавжудлигига ишонч хосил килиши, шунингдек ушбу меъёрий хужжатларга амал килиниш даражасини текшириши керак. Бунинг натижасида куйидагилар аникланиши мумкин:

- илгари хисобдор пуллар юзасидан карзи бУлган ёки бу пуллар юзасидан хисоблашмаган, хисобот топширмаган шахсларга, корхонада хакикатда ишламайдиган шахсларга пул берилмаётганлиги, навбатдаги бир йУла мехнат таътилига чикариш ва хизмат сафарига юбориш холлари, хизмат сафари вактида мехнат кобилиятини йУкотиб, касалхонада даволанишда бУлган ходимларга турар жой ва кундалик харажатлари тУлаш тартибига риоя килинишини, бу муддатнинг 2 ойдан ошмаганлигини аниклаш керак.

Хисобдор шахсларга бУнаклар берилишининг асослигини аниклаш хУжалик эхтиёжлари учун хисобдор сумма бериш талабларига риоя килишни текширишдан иборат. Бунда аудитор хисобини бериш учун бУнак олган шахслар, хамда берилган бУнаклар суммаси ва муддатининг корхона рахбари буйругига мувофиклигини аниклайди.

Хизмат сафари билан боглик харажатлар учун накд пул бериш Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 01.02.1998 йил 34 Ф сонли Фармойишига асосан, 19.04.1998 йилда чиккан Узбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 28 сонли, Мехнат вазирлигининг 497И 101 сонли ‘‘МДХ худудида хизмат сафарлари турисида’’ ги йурикномасига мувофик амалга оширилиши лозим. БУнак бериш учун хизмат сафари турисидаги буйрук ва хизмат сафари гувохномаси асос бУлади. Хизмат сафари учун хисобдор сумма берилганлигини тасдиклайдиган касса чиким ордерларини текшириш чогида барча реквизитларининг тУлик тУлдирилганлигига, хусусан, бУнак бериш учун асоснинг акс

эттирилганлигига эътибор берилади. Муайян хисобдор шахс томонидан олдинги олинган бУнак бУйича тУлик хисобот берилганидагина, унга бУнак берилади.

Хисоби бериладиган бУнак беришнинг асослилигини текшириш амаллари касса муомалаларини текшириш чогида амалга оширилиши мумкин. Бунда аникланган тафовутлар турисидаги ахборотлар ички хисоб-китоб муамалаларини текшираётган аудиторга берилади.

Хисобдор шахслар томонидан бУнак хисоботларининг Уз вактида такдим килинишини текшириш, бУнак хисоботлари хакикатда такдим килинган муддатларни, хизмат сафари турисидаги буйрукда ёки хизмат сафари гувохномасида кУрсатилган муддатларга солиштириш йУли билан амалга оширилади.

Агар аудитор ушбу коидага амал килинмаётганлигини аникласа, унда сУнгра №21 БХМС нинг талабларига мувофик белгиланган муддатларда кайтарилмаган хисобдор суммаларнинг 9433- «Моддий бойликларнинг камомади ва бузулиши бУйича харажатлар» счётида акс эттирилиши (Дт 9433 Кт4420,4430) ва кейинчалик ушбу суммаларнинг хисобдан Учирилишини текшириш зарур.

Хисоби бериладиган суммалар ишлатилишининг асослилигини хужжатлар бУйича текшириш уларнинг сарфланишини тасдиклайдиган хужжатлар мавжудлигини ва турилигини, уларнинг кейинчалик акс эттирилишини аниклаш йУли билан амалга оширилади.

ХУжалик муомала эхтиёжлари учун килинган сарфларнинг конунийлиги ва максадга мувофиклиги бУнак хисобидан акс эттирилган маълумотларни унга илова килинган хужжатлар (чипталар, касса кирим ордери квитанциялари, материал(иш, хизмат)лар хакини тУлаш хакидаги чеклар ва б.) маълумотларига таккослаш йУли билан амалга оширилади.Бунда нафакат исботловчи хужжатлар мавжудлиги ва уларнинг бУнак хисоботларига мослиги билан бирга ушбу хужжатларнинг тури расмийлаштирилганлигини хам аниклаш зарур.

Авволо «**Бухгалтерия хисоби турисидаги конун»** 9-моддасига мувофик хужжатларда мавжуд реквзитларнинг мавжудлиги аникланади. Масалан, товар чекида дУкон штампаси, санаси, сотиб олинган товар номининг йУклиги товарнинг дУкондан сотиб олинганлигини ёки ушбу сарфларнинг ишлаб чикаришга мУлжалланганлигини аниклашни кийинлаштиради.

Жисмоний шахслар томонидан килинган харидлар учун тузилган далолатномаларда уларнинг тузилган жойи ва санаси, товарнинг номи, унинг микдор кУрсаткичи, умумий киймати, сотган шахс (хусусий тадбиркор)нинг фамилияси, исми-шарифи ва солик тУловчининг хос раками (ИНН), тадбиркорнинг давлат рУйхатидан Утганлиги турисида гувохнома реквизитлари ёки жисмоний шахснинг паспорт маълумотлари ва яшаш жойи кУрсатилиши лозим.

Товарлар хисобдор шахслар томонидан чакана савдо корхоналарида накд пулга сотиб олинганида пул маблаглари сарфланганлиги турисида хужжатлар мавжудлигини аниклаш зарур.

Товар бойликлар улгуржи савдо корхоналарида ёки ишлаб чикарувчида накд пулга сотиб олнганида касса кирим ордери квитанцияси, товар хужжати (счёт, накладной, товар-транспорт накладнойи) ва счёт-фактура такдим этилиши лозим. Бу хужжатлар тегишли тарзда расмийлаштирилган бУлиши керак. Шунингдек, барча хужжатларда ++С алохида сатр билан ажратиб кУрсатилганлигига ва мослигига алохида эътибор берилади.

Аудитор хисобдор шахслар томонидан сотиб олинган буюмларнинг кирим килинганлиги ва ушбу буюмларнинг ишлаб чикаришга ёки фойдаланишга берилганлик факти тасдикланмасдан бевосита харажат счётларига олиб бориш холлари йУклигини аниклайди.

Масалан,БУнак хисоботига 3 дона стол лампаси учун 3000 сУмдан жами 9000 сУмлик касса аппарати чеки илова килинган. Ушбу суммага бУнак хисоботида Дт 9420 Кт 4430 – 9000 сУм деб счётлар алокаси белгиланган. Бу сумманинг бевосита умуммаъмурий харажатларга олиб борилиши турими?

Жавоб: Корхонада олдин Дт-1210 счёт, Кт-4430 счёт – 9000сУм, омбордан берилганда Дт-9420 счёт, Кт-1210 счёт – 9000сУм деб бухгалтерия хисоби счётлариа акс эттирилиши керак. Демак, бу суммани бевосита харажатга чикариш нотури.

Товар моддий бойликлар кирим килинганлиги турисидаги факт ва тасдикловчи хужжатлар йУклигида хисоби бериладиган суммалар хисобдор шахснинг жами даромадига кУшилиб, даромад солиги ушланади. Аудитор бундай холларда даромад солиги ушланганлигни аниклайди.

БУнак хисоботларини текшириш чогида накд пул билан хисоб-китоб килишнинг белгиланган чегарасига риоя килинаётганлигига хам алохида эътибор каратиш зарур. Дастлабки хужжатларда (накладной, счёт-фактура, касса кирим ордери квитанцияси, бажарилган ишлар далолатномаси ва ш. У.) кУрсатилган суммалар белгиланган лимит билан солиштирилади.

+илинган сарфларни тасдикловчи хужжатлар текширилиши чогида ++С ажратиб кУрсатилиши ва бюджетга тУланишининг конунийлиги аникланади.

Аудитор бУнак хисоботларида кУрсатилган счётлар богланишлари (корреспонденциялар)ни кУриб чикишда килинган сарфларга эътибор каратиши зарур. Жумладан:

- асосий, ёрдамчи ва умум ишлаб чикариш билан боглик харажатлар (Дт-2010,2310,2320,2510-счётлар ва Кт-4430 ёки 4490-счёт);
- давр сарфларига таалукли харажатлар (Дт 9410,9420,9430-счётлар ва Кт 4490-счёт);
- келгуси давр сарфлари ва хизмат кУрсатувчи хУжаликлар сарфларига тааллукли харажатларга (Дт 3190,9450-счётлар ва Кт 4490-счёт);

Шунингдек, ишлатилмаган хисоби бериладиган суммаларнинг кассага топширилиши (кассир хисоботига илова килинган касса кирим ордери) ва счётларда акс эттирилиши (Дт5010-счёт Кт 4410,4420,4430-счётлар) хам текшириши керак.

Корхона рахбарининг буйруги (фармойиши)га мувофик ходимнинг хизмат максадида бошка ерга бориши хизмат сафари деб тан олинади.

+уйидагилар хизмат сафари деб тан олинмайди:

- йУлда Утадиган ёки хар доим у ёк бу ёкка чикиб турадиган ходимларнинг хизмат юзасидан бориши;
- Корхона билан муносабатлари мехнат шартномаси билан эмас, балки фукаролик – хукукий шартномаси (пудрат, топширик ва ш.У.) билан белгиланадиган, ходимларнинг ишлаб чикариш зарурати туфайли боришлари.

Хизмат сафарига доир бУнак хисоботларини текшириш чогида аудитор хизмат сафари гувохномаси мавжудлиги, унда хизмат сафарининг максади, келиш ва кетиш турисидаги белгилар кУрсатилганлигини; сарфларни тасдикловчи дастлабки хужжатлар маълумотлар ва суткаликлар хисоб-китоб билан таккослаш оркали амалга оширилади. Аудитор хизмат сафари муддатининг (хизмат сафари гувохномасида келиш ва кетиш турисидаги белгилар маълумотлари бУйича), белгиланган меъёрлар чегарасидаги ва унда ошган суткалик харажатларнинг тури аникланганлигини тасдиклайди. Хизмат сафари жойига етиб бориш ва оркага кайтиш йУл хаки харажатлари хисоботга илова килинган -хаво, темир йУл, сув ва жамоат автотранспортлари(таксидан ташкари) йУл хужжатлари бУйича аникланади.

Хизмат сафарига жУнатилган ходимларнинг юмшок вагонда, денгиз транспортларида – тариф ставкаларининг I-IV гурухлари бУйича тУланидаган каюталарда, дарё флоти кемаларидаги I-II тоифа каюталарда, хамда I- классли билет бУйича хаво транспортларида йУл хаки харажатлари корхона рахбарининг тУловни рухсат этиш турисидаги фармойиши билан расмийлаштирилиши лозим.

ЙУл хаки харажатларига мажбурий сугурта суммаси хам кУшилиб, у махсулот (иш, хизмат) лар таннархига олиб борилади (Харажатлар таркиби … турисидаги Низом).

Корхона рахбарининг карорига мувофик ходимга тУланадиган, ихтиёрий сугурта харажатлари хам таннархга олиб борилади (Харажатлар таркиби …. турисидаги Низом).Бунда соликка тортиш максадида хисобга олинадиган бундай сарфларнинг умумий микдорини хам текшириш зарур.

Урин-кУрпалардан фойдаланганлик учун харажатлар тегишли маълумотнома ёки чиптага кУйилган белгилар билан тасдикланиши лозим. Мехмонхона харажатлари тасдикловчи хужжатларга асосан хизмат сафарига борган ходимга копланади ва тУлигича таннархга олиб борилади.

Соликка тортиш максадларида ушбу сарфлар факат амалдаги нормалар доирасида кабул килинади (аммо 1 суткада энг кам ойлик иш хакига нисбатан: Тошкент шахри учун 0,1 ва бошка жойлар учун 0,08 коэффициентдан ошмаслиги лозим).

Хизмат сафари харажатларининг белгиланган нормалардан ошиги соликка тортиладиган фойдани хисоблашда хисобга олинмаслиги сабабли, аудитор нормадан ошган харажатларни хисоблашнинг турилиги ва соликка тортиладиган фойдани тузатиш (корректировка) турилигини текшириш зарур.

Бошка сарфларни, масалан, телефон счётларини тУлашнинг максадга мувофиклиги тасдикловчи хужжатлар асосида аникланади. Бунда сарфларнинг ишлаб-чикариш тавсифи ва уларни таннархга олиб боришнинг конунийлиги аникланади. Ушбу максадда телефон оркали гаплашганлик учун счётнинг мажудлиги ва корхонанинг хизмат телефонига мувофиклиги аникланади. Хисобдор шахсга тУланган, ноишлаб-чикариш тавсифидаги сарфлар корхонанинг Уз маблаглари хисобидан копланади ва даромад солиги ушлаш учун ходимнинг ялпи даромадларига кУшилиши лозим. Аудитор норма доирасидаги ва нормадан ошган хизмат сафари сарфларини арифметик текширувидан Утказиш зарур.

Хисобдор шахслар билан чет эл хизмат сафари бУйича хисоб-китобларни текширишда Узбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2000 йил 5 июнда 932-ракам билан рУйхатга олинган «**Вазирлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотлар ходимлари Узбекистон Республикаси ташкарисига хизмат сафарига юборилганда хизмат сафари харажатлари учун маблаглар бериш ТАРТИБИ»***" даги талабларга риоя килиниши аникланади.

БУнак хисоботи сафардан кайтгандан сУнг 3 (уч) кун ичида топширилиши шарт. Хизмат сафари харажатларининг тури ва хакикийлиги, бУлган бунак хисоботи ва берилган топшрикларнинг бажарилгани турисида хисобот асосида аникланади. БУнак хисоботига хизмат сафари вактида белгиланган жойга келган ва у ердан кетган вакти Уша ташкилотнинг мухри, маъсул шахс имзоси кУйилган хизмат сафари гувохномаси, йУл харажаталари хужжатлари (жамоат транспорти воситалари чипталари, мехмонхона патталари (квитанциялари), телефон оркали гаплашганлиги учун тУланган пул учун патталар) ва бошка пул харажатларини исботловчи хужжатлар илова килинади.

Аудитор хизмат сафари харажатларининг хакикий асослигини текширишда баъзи бир ишларга, жумладан телефон оркали гаплашганлиги учун алока ташкилоти квитанциясини кУришда, бу гаплашиш ушбу корхона манфаатига ва хизмат сафари максадига тури келиш ёки келмаслигини аниклаши лозим. Хусусий ва давлат тасарруфидан чикарилган корхоналарда хизмат сафари харажатларини текширишда корхона ва унинг эгаси счётлари, пул маблаглари, кундалик харажатларининг бир-бирига кУшилиб кетмаслигини таъминлаш зарур.

Текшириш давомида аникланган хамма камчиликлар, жумладан ортикча тУловлар, асоссиз харажатлар, текширув далолатномасига илова килинган калбаки хужжатлар ва шунга Ухшаш коидани бузиш холлари рУйхатига киритилиши керак.

Аудитор бУнак хисоботлари ва уларга илова килинган хужжатларни ёппасига текширади; бунинг учун у жамгарув кайдномаларидаги ёзувларни кредитларни тасарруфчилари тасдикланган бУнак хисоботларига солиштириб кУради.Аввало, у кимга берилганлигини текширади. Одатда хизмат сафарлари харажатларига бериладиган бУнаклар шу корхонада ишлайдиган шахсларга берилиши лозим.

Айрим бухгалтерияларда ходимларга гУё хУжалик хамда хизмат сафарлари учун бУнак ажратилгандек бўлиб, аслида уларнинг шахсий эхтиёжлари учун пул берилишига йУл кУйилади. Шунинг учун аудитор ходимнинг хизмат сафарига жУнатиш гувохномаси борлигини, унинг муддатини, йУл харажатларини, амалдаги меъёрлар бУйича суткалик тУлов суммаси канчалигини, хисобдор шахслар бУнаклар бУйича хисоботларни Уз вактида топширишлари ва сарфланмай колган маблаглар колдикларини кассага топширишларини аниклайди.

Хисобдор шахслар берилган бУнак (аванс) нимага мУлжалланган бУлса, шу максадда ишлатишлари лозим. Аудитор бУнак хисоботига илова килинган хужжатларнинг турилигини ва улар бУйича килинган тУловларнинг конунийлигини синчиклаб текширади. Зарур холларда карама-карши текширувлар мУлжалланган бУлса, куйидагиларни хам аниклаш лозим: корхона рахбари томонидан хисобдорлик бУйича пул олиш хукуки берилган шахслар рУйхати тасдикланганлиги, хисобдор шахсларга белгиланган микдордан ортик ёки олдинги бУнак бУйича хисобот топширмаган шахсларга яна бунак берилмаётганлигини, бевосита корхона кассасидан тУланиш холларини; бунак хисоботларида корхона рахбарининг килинган харажатлар максадга мувофиклигини тасдиклаши; харажат килинган хисобдорлик суммаларини Уз вактида хисобда акс эттиришни.

5.1.4. Ходимлар билан бошка муомалалар бУйича хисоб-китоблар аудити.

" ЫзбекистонРеспубликаси молиявий =онунлари, №8.2000 г

Ходимлар билан бошка муомалалар бУйича хисоб-китобларни текширишни бошлашдан олдин, аудитор корхонада мазкур хисоб-китобларнинг кайси турлари мавжуд эканлигини аниклайди. Бунинг учун куйидаги счётлардаги оборот ва колдиклар синчиклаб текширилади:

4610 - «Кредитга сотилган товарлар бУйича ходимларнинг карзлари»;

4620 – «Берилган карзлар бУйича ходимларнинг карзлари»;

4630 – «Моддий зарарни коплаш бУйича ходимларнинг карзлари»;

4690 – «Ходимларнинг бошка карзлари».

Аудитор №19-БХМС га мувофик ушбу счётлар бУйича хисоб-китоблар инвентаризация килинганлигини ва агар килинган бУлса, инвентаризация маълумотларига асосан хисоб-китобларнинг холатини тахлил килиши зарур.

Ходимлар билан бошка муомалаларга доир хисоб-китоблар турисидаги хисоб ва хисобот маълумотларининг мослигини текшириш 4610-4690 счётлар бУйича хисоб регистрлари, Бош дафтар ва баланс маълумотларини солиштириш йУли билан амалга оширилади.

Берилган карзлар бУйича хисоб-китобларни текшириш якка тартибда уй-жой куриш ёки бошка эхтиёжлар учун карз бериш турисидаги шартнома мавжудлиги ва унинг тури расмийлаштирилганлигини аниклашдан иборат. Муайян ходимларга карз бериш турисида карор чикарилганлигини аниклаш хам зарур. Берилган карзларни акс эттиришга доир хисоб ёзувларини, хусусан, берилган карзлар бУйича фоизлар хисоблашни текшириш лозим.Муддати Утиб кетган карзлар мавжудлиги,уларни ундириш бУйича кандай чоралар кУришни ва ундириш имкони бор йУклигини аниклаш мухим. Ссуда олувчиларнинг карзини хисобдан Учириш холлари пухта текширилиши керак.

Моддий зарарни коплашга доир хисоб-китобларни текшириш чогида (4630,9433-счётлар) карздорлик фаолиятини муайян шахслар, вужудга келиш муддатлари ва сабаблари, хамда ходим зиммасига олиб борилишининг конунийлигини тахлил килиш зарур. Товар-моддий захираларни саклаш коидаларига риоя килмаслик, уларнинг сакланиши устидан назорат Урнатилмаганлиги, Уз вактида инвентаризация Утказилмаслиги ёки юзаки Утказилиши камомад ва Угирликлар содир бУлишининг асосий сабабларидан хисобланади. Моддий захираларни коплаш бУйича хисоб-китобларнинг ишончлилигини текшириш инвентаризация маълумотларини умумлаштириш, расмийлаштиришнинг асосланганлиги ва турилигини назорат килиш билан бевосита боглик. Текширув жараёнида моддий бойликлар камомодининг инвентаризация Утказмасдан ва инвентаризация натижалари бУйича корхона рахбарининг карори (буйрук, фармойиш) кабул килинмасдан сарф-харажатларга ёки айбдор шахслар зиммасига олиб борилган холатлар йУклигини аниклаш зарур.

«Инвентаризация натижасида аникланган мулклар камомади ва ошикча чикишини бухгалтерлик хисобида акс эттириш ва соликка тортиш турисидаги Низом»["]га мувофик барча камомад ва ошикча чикиш холатлари соликка тортиш билан боглик. Шунинг учун аудитор хар бир холатни алохида синчиклаб текшириши лозим. Масалан, мазкур «Низом» га мувофик инвентаризация натижасида ошикча чиккан товар-моддий захиралар бухгалтерлик хисобида куйидаги тартибда акс эттирилади:

Кам чиккан ТМЗ хакикий таннархи (баланс киймати) бУйича хисобдан Учириш:

Дебет 9220 –«Бошка активларнинг сотилиши ва турли чикими» счёти

Кредит ТМЗ хисобга олинадиган тегишли счёт (1010-1090,1210,1220,1230)

Агар бахолаш натижасида кам чиккан ТМЗ нинг бозор бахоси (ундириладиган сумма) хакикий (баланс) бахосидан юкори бУлса, олинган даромад бухгалтерлик хисобида куйидагича акс эттирилади:

а) ТМЗ нинг бозор бахосига

Дебет 9433-« Моддий бойликларнинг камомади ва бузилиши бйича харажатлар» счёти

Кредит 9220 –«Бошка активларнинг сотилиши ва турличикими» счёти.

б) айбдор шахс ёки моддий жавобгар шахсдан ундирилиши лозим бУлган бозор бахосига

Дебет 4630-«Моддий зарарни коплаш бУйича ходимларнинг карзлари» счёти

Кредит 9433-«Моддий бойликларнинг камомади ва бузилиши бУйича харажатлар» счёти

["] Ушбу Низом ЫзбекистонРеспубликаси Молия Вазирлиги, Давлат Соли= Комитети ва Мецнат ва ацолини ижтимоий щимоя =илиш вазирлигининг =арори билан тасди=ланган ЫзбекистонРеспубликаси Адлия Вазирлиги томонидан 23 июл 2001 йилда 1054-ра=ам билан рыйхатга олинган ва 2 август 2001 йилдан кучга кирган.

в) ТМЗ лар хакикий (баланс) киймати ва айбдор шахслар ёки моддий жавобгар шахслардан ундириб олиниши лозим бУлган сумма Уртасидаги фарк суммага

Дебет 9220-«Бошка активларнинг сотилиши ва турли чикими» счёти

Кредит 9320-«Ундирилган пения, жарима ва бурдсизлик тУлови» счёти

Олинган даромадлар суммаси соликка тортиладиган базага кУшилиб, умумий тартибда соликка тортилади.

Шунингдек, амалдаги конунчиликка мувофик моддий ресурсларнинг табиий камайиш нормаси доирсидаги камомади таннархга, нормадан ошган кисми эса айбдор шахслар зиммасига олиб борилади. Шунинг учун айбдор шахслар зиммасига олиб борилдиган камомад суммаларининг асосланганлигини аниклаш табиий камайишидан кУрилган йУкотишларни хисоб-китоб килишнинг турилигини текширишга боглик. Айибдор шахслар зиммасига олиб бориладиган камомадларни бахолашнинг, хамда айибдор шахс зиммасига олиб борилган вактдаги хисоб ва бозор бахоси Уртасидаги фаркни акс эттиришнинг турилигини хам текшириш керак.

Айибдор шахслар аникланмаган ёки айибдор шахслардан ундириб олиш имкони бУлмаган (уларнинг айибдорлиги суд томонидан рад килинган) вактларда камомадларни корхона зарарига олиб бориш тартибига риоя килинишини текшириш зарур. Бунда аудитор айбдор шахслар йУклиги хакида ёзма далал исботларга (далолатномалар, баённомалар, даъво аризалари, суд карори ва ш.У.) эга бУлиши керак.

Аудитор бундай муомалаларни бухгалтерия хисоби счётларида акс эттиришнинг турилигини хам текшириши зарур.

Мисол: а) Камомадларнинг хакикий кийматига

Дебет 9220-«Бошка активларнинг сотилиши ва турли чикими» счёти

Кредит Товар-моддий захиралар хисобга олинадиган счётлар (1010-1090,1210,1220,1230)

б) КУрилган зарар суммасига

Дебет 9432-«Бошка активлар реализацияси ва турли чикими бУйича зарарлар"» счёти

Кредит 9220-«Бошка активларнинг сотилиши ва турли чикими» счёти

в) КУрилган зарарнинг хУжалик юритувчи субъект молия-хУжалик фаолияти якуний натижаларига олиб борилиши.

Дебет 9900-«Якуний молиявий натижа (даромадлар ва харажатларни жамлаш)

Кредит 9432-«Бошка активлар реализацияси ва турли чикими бУйича зарарлар» счёти

КУрилган зарарлар суммаси даромад (фойда) солигини хисоблашда соликка тортиладиган базага кУшилиб, белгиланган тартибда соликка тортилганлигини ва соликнинг Уз вактида Утказиб берилганлигини хам текшириш зарур.

Шунингдек, аудитор инвентаризация натижасида ошикча чиккан товар моддий захираларининг тури бахоланганлиги ва балансга кабул килинганлигини хамда соликка тортиладиган базага киритилиб, умум кабул килинган тартибга мувофик соликка тортилганлигини хам аниклаши зарур. Инвентаризация натижасида ошикча чиккан ТМЗ куйидаги тартибда бахоланади ва балансга кабул килинади:

а) Товарлар мазкур ёки шунга Ухшаш товарларнинг ошикчалик аникланган пайтдаги бозор бахоси бУйича балансга кабул килинади;

б) Тайёр махсулотлар ошикчалик аникланган пайтдаги хакикий ишлаб чикариш таннархи бУйича балансга кабул килинади;

в) Материаллар, арзон бахо ва тез эскирадиган буюмлар мазкур ёки шунга Ухшаш материаллар ёки арзон бахо ва тез эскирадиган буюмларнинг хакикий киймати (баланс) киймати бУйича балансга кабул килинади.

г) Инвентаризация натижасида аникланган ошикча ТМЗ бухгалтерия хисоби счётларида куйидагича акс эттирилади:

Дебет ТМЗлар хисобга олинадиган счётлар (1010-1090,1210,1220,1230)

Кредит 9320-«Бошка активларнинг сотилиши ва турли чикимидан олинган фойда» счёти.

Ушбу сумма жорий хисобот даври учун даромад (фойда) солиги хисоблашда соликка тортиладиган базага кУшилиб, умумий тартибда соликка тортилади.

Ходимлар билан бошка муомалаларга доир хисоб-китоблар бУйича счётлар корреспонденцияси дастлабки хужжатдан тортиб то синтетик ва аналитик хисоб регистрларигача текшириб чикилади.

Аудитор булардан ташкари етказилган моддий зарарлар Урнини коплашга доир хисоб-китобларни хам синчиклаб текшириши лозим. Бунда хусусан етмаган пул (растрата), камомадлар реестрига ва маблаглар хамда бойликларни Угирлашлар айбдор шахслар

зиммасига юкланганлигини аниклаш керак. 9433 - «Моддий бойликларнинг камомади ва бузилиши бУйича харажатлар» счёти бУйича муомалаларни текшириш хамда унда Угирликлар, камомадлар ва етмаган пуллар бор- йУклигини, агар бор бУлса, улар бУйича суммалар кандай сабабларга кУра айбдор шахслар зиммасига юкланланганлигини, ходимлар, хисобдор шахслар билан хисоб-китоблар баланс счётларида яширилган суммалар, камомадлар ва Угирликлар йУклигини ва хоказоларни аниклаши лозим. Шунингдек, айбдорларни жавобгарликка хакикатдан тортиш максадида камомадлар ва маблаглар ёки бойликларни Угирланиши хакидаги ишларни тергов органларига ошириш муддатларига риоя килмаганлигини, етишмаган пул, Угирликлар ва камомадларга айбдор шахслардан етказилган моддий зарарни ундириб олиш хакидаги фукаролик даъволари суд органларига топширилганлигини текшириш керак.

Камомадлар ва Угирликларга доир материаллар сифатсиз расмийлаштирилганлиги учун тергов ва суд органлари уларни кайтариб юборган холлари бУлмаганлигини аниклаш лозим. Бунда айбдор шахсларга кандай чоралар кУрилганлиги аникланиши керак.

Текширув якунида аникланган камчиликлар ички хужжатларга асосан умумлаштирилиши, уларнинг хажми аникланиши, баланснинг «бошка дебиторлар» моддасига, таннарх кУрсаткичларига, молиявий натижа ва солик микдорига таъсирини бахолаш зарур.

5.2 Ташки хисоб-китоблар аудити.

5.2.1. Ташки хисоб-китоблар аудитининг максади, вазифалари ва умумий тартиби.

Корхонанинг ташки хисоб-китоб муомалалари мол етказиб берувчилар ва пудратчилар, харидорлар ва буюртмачилар билан, турли дебиторлар ва кредиторлар билан мустакил балансга ажралиб чиккан бУлинмалар билан, шуъба ва тобе корхоналар билан, ссудалар бУйича банклар билан, соликлар ва бошка йигимлар бУйича бюджет билан хамда бюджетдан ташкари ташкилотлар билан шунингдек, даъволар бУйича хисоб-китобларни Уз ичига олади.

Корхонанинг тУлов лаёкати, молиявий ахволи ва инвестицион мухити кУп жихатдан ушбу хисоб-китобларнинг холатига боглик. Ташки хисоб-китобларнинг ахволи турисидаги хисобот кУрсаткичларининг аниклигига ишонч хосил килиш барча хисобот талабгорлари учун зарурдир. Шу боисдан, аудитор ташки хисоб-китоб муомалаларининг холатини махсус пухта текширувдан Утказиши лозим.

Ташки хисоб-китоб муомалаларини аудиторлик текширувидан Утказишдан максад ташки хисоб-китобларга доир мажбуриятларни (дебитор ва кредитор карзларни) акс эттирадиган бухгалтерия хисоботи кУрсаткичларининг ишончлилиги, хамда кУлланилаётган хисоб юритиш услубиётининг меъёрий хужжатларга мувофиклиги турисида хулоса шакллантиришдан иборат.

6.2.1.1-жадвал

Ташки хисоб-китоблар аудитида хал этиладиган вазифалар

Аудитнинг вазифалари	«Ташки хисоб-китоб муомалалари аудити» бУлимининг текширув дастури бУйича саволлар
Ташки хисоб-китоб муомалаларини хисобга олиш ва назорат килишнинг холатини текшириш	Ташки хисоб-китоб муомалалари бУйича карздорликни инвентаризация килиш материалларининг мавжудлиги ва тахлили. Дебитор ва кредитор карзлар вужудга келишининг хужжатлар билан асосланганлиги ва конунийлиги, уларни кайтаришнинг реаллиги. Шубхали хисоб-китобларни ва талаб килинмаган карздорликни аниклаш Бухгалтерия хисоботи кУрсаткичларининг синтетик ва аналитик хисоб маълумотларига мослиги
Мол етказиб берувчилар ва пудратчила	Олинган моддий кийматлик (иш,хизмат)лар учун хисоблашишлар бУйича дастлабки хужжатлар ва шартномалар мавжудлиги ва расмийлаштирилишининг турилиги. Дастлабки хужжатлар маълумотларининг

р билан хисоб-китобларнинг турилиги ва тУликлигини текшириш	шартномалар ва хисоб регистрларига мослиги. Хисоб регистрларидаги счётларда мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан хисоб-китобларни акс эттиришнинг тУликлиги ва турилиги. Хисоб-китобларнинг Уз вактида амалга оширилаётганлиги ва карздорликларнинг реаллиги. Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан хисоб-китоблар бУйича кредитор карздорликларни хисобдан Учириш тартибига риоя килиниши
Харидорлар ва буюртмачилар билан хисоб-китобларни хисобга олишнинг турилигини текшириш	Харидорларга сотилган махсулот (иш,хизмат) лар учун дастлабки хужжатлар ва шартномалар мавжудлиги ва расмийлаштирилишининг турилиги. Дастлабки хужжатлар маълумотларининг шартномалар ва хисоб регистрларига мослиги. Харидорлар ва буюртмачилар билан хисоб-китобларни хисоб регистрларидаги счётларда акс эттиришнинг тУликлиги ва турилиги. Олинган бУнакларнинг асосланганлиги ва тури расмийлаштирилиши. Хисоб-китобларнинг Уз вактидалиги, харидорлар ва буюртмачилар карзларининг реаллиги ва таъминланганлиги. Харидорлар ва буюртмачиларнинг дебитор карзларини хисобдан Учириш тартибига риоя килинишини текшириш
Даъволар бУйича хисоб-китобларни хисобга олишни текшириш	Даъволар бУйича хужжатлар расмийлаштирилишининг Уз вактидалиги, асосланганлиги ва турилиги. Даъволарни хисобда акс эттиришнинг тУликлиги ва турилиги. Даъволар бУйича карздорликларнинг реаллиги
Бошка дебиторлар ва кредиторлар билан хисоб-китобларни хисобга олишнинг тУликлиги ва турилиги	Депонентланган иш хакини хисобга олишнинг Уз вактидалиги, асосланганлиги ва турилиги. Ижро варакалари бУйича иш хакидан ушланган суммаларнинг асосланганлиги ва турилиги, уларни олувчиларга Утказиб беришнинг тУликлиги ва турилиги. Транспорт ташкилотлари билан ва нотижорат тавсифдаги муомалалар бУйича турли ташкилотлар билан хисоб-китобларнинг турилиги ва Уз вактидалиги. Баланс тузиш санасига турли дебиторлар ва кредиторлар билан хисоб-китоблар бУйича карздорликлар хаккониийлиги.
Масъулияти чекланган жамиятлар таъсис шартномаси бУйича хисоб-китобларни	Таъсис шартномаларининг мавжудлиги ва тури тузилганлиги. Таъсис шартномаси бУйича хисоб юритишнинг конунийлиги ва бу шартнома бУйича муомалаларнинг хужжатлар билан асосланганлиги. Таъсис шартномаси доирасида хУжалик фаолиятини соликка тортиш ва мулкларни алохида хисобга олишнинг турилиги

хисобга олишнинг тУликлиги ва турилигини текшириш	Шартнома иштирокчилари Уртасида фойданинг таксимланиши.
Ташки хисоб-китоб муомалаларини аудиторлик текширувидан Утказиш натижаларини умумлаштириш	Хисоб-китоблар ахволининг корхона тУлов лаёкатига таъсирини бахолаш. Аникланган хатоларнинг ахамиятлилик даржасини ва уларнинг хисоботлар ишончлилигига таъсирини бахолаш.

+Уйилган вазифаларни хал этишга эришиш учун хар хил усуллар ва ахборот манбаларидан фойдаланиб, исбот-далилларга эга бУлиш зарур. Ташки хисоб-китоб муомалаларини текшириш чогида аудитор куйидаги маълумот манбаларидан фойдаланади:

ташки хисоб-китоб муомалаларини хисобга олиш ва соликка тортиш масалаларини тартибга соладиган, асосий меъёрий хужжатлар;

* хисоб сиёсати турисидаги буйрук;
* бухгалтерия хисоботлари;
* корхонада тузилган, ташки хисоб-китоб муомалаларининг синтетик ва аналитик хисоби регистрлари;
* ташки хисоб-китоб муомалаларини хисобга оладиган дастлабки хужжатлар.

Корхонанинг хисоб юритиш сиёсати турисидаги буйрук бУйича аудитор куйидагилар билан танишади:

- ташки хисоб-китоб муомалаларини хисобга олишда кУлланиладиган ишчи счётлар режаси;
- бухгалтерия хисобининг шакли ва корхонада тузиладиган хисоб регистрларининг рУйхати;
- ташки хисоб-китоб муомалаларини хисобга олиш билан боглик бУлган дастлабки хужжатлар айланиши (хужжатлар айланиш графиги);
- ташки хисоб-китоб муомалаларини расмийлаштириладиган хужжатларни имзолаш хукуки берилган шахслар рУйхати;
- ташки хисоб-китоб муомалаларини инвентаризация килиш.

Аудитор бухгалтерия баланси (1-шакл) нинг активидаги II-«Оборот активлар» бУлими маълумотларидан «Дебитор карзлар» моддаси ва пассивидаги II - «Мажбуриятлар» бУлими маълумотларидан «Кредитор карзлар» моддаси бУйича карздорликларнинг ахволини аниклайди.

«Дебитор ва кредитор карзларнинг холати турисида маълумотнома» (2-илова)га мувофик узок муддатли ва киска муддатли карздорликларнинг хисобот даври бошига ва охирига бУлган холати ва харакати («Муддати Утиб кетганлари» ажратиб кУрсатилган холда) акс эттирилади.

Текширув Утказиш жараёнида бухгалтерия хисобининг корхонада кУлланиладиган шаклидан келиб чиккан холда хар хил синтетик ва аналитик хисоб регистрлари такдим килиниши мумкин. Текширув учун зарур бУлган хисоб регистрларининг рУйхати хисоб юритиш сиёсати турисидаги буйрукда белгиланган бУлиши мумкин.

Бухгалтерия хисобининг журнал-ордер шаклини кУллайдиган корхона ва ташкилотларда ташки хисоб-китоб муомалаларини хисобга олишда «Бухгалтерия хисобининг журнал-ордер

шаклини кУллаш бУйича услубий тавсиялар»га мувофик №6,8 ва 11 - журнал-îðдерлар ишлатилади.

Бухгалтерия хисоби компьютерлаштирилган шароитда 3110-3190,4010, 4020, 4110, 4210,4310, 4320,4510,4550,6410,6450,6310, 6320,6390,6510,6530, 6810-6890,6520 счётлар бУйича дебет ва кредит оборотлар хамда колдикларининг босмадан чикарилган вараги, аналитик ведомостлар ва Бош дафтар (оборот-колдикли ведомость), реализацияга доир реестрлар ва дафтарлардан фойдаланилади.

Шунингдек, аудитор ташки хисоб-китоб муомалаларини расмийлаштириш ва акс эттириш бУйича дастлабки хужжатларни талаб килиб олиши зарур. Масалан, шартномалар (олди-сотти, етказиб бериш, комиссия, пуллик хизмат, пудрат ва хоказо), накладнойлар, товар-транспорт накладнойлари, счётлар, счёт-фактуралар, жУнатувчи хужжатлар, бажарилган ишлар далолатномаси, банк хужжатлари (банк кУчирмалари, тУлов топширикномалари, чеклар реестри), касса хужжатлари (касса чиким ордерлари ва касса кирим ордерларининг квитанциялари), авизолар, харидорлар, мол етказиб берувчилар ва бошка дебитор хамда кредиторлар билан хисоб-китобларни инвентаризация килиш далолатномаси (инв-17 шакл).

Ташки хисоб-китоб муомалалари устидан Урнатилган ички назоратни бахолаш учун аудитор куйидагиларни аниклайди:

* хисоб-китобларни инвентаризация килиш тартиби, муддатлари ва натижалари;
* хужжатлар айланиш графигининг мавжудлиги ва унга риоя килинишини назорат килиш;
* тУловлар ва хисоб-китоблар холати хамда бошкалар устидан назорат килиш шакллари, муддатлари ва ижрочилари.

«Дебитор ва кредитор карзларнинг холати турисидаги маълумотнома» (2-илова) маълумотларига мувофик муддати Утган дебитор ва кредитор карзлар микдори, дебитор карзларнинг молиявий натижа хисобига хисобдан Учирилиши, шунингдек энг катта микдордаги карздор дебитор-ташкилотлар рУйхати аникланади. Текширув жараёнида ушбу маълумотларнинг хакконийлигини исботлаш ва муддати Утиб кетган дебитор карзларни ундириш имкониятини аниклаш зарур.

Аналитик ва синтетик хисоб регистрлари маълумотларига мувофик аудитор куйидагиларни аниклайди:

* хисоб-китоб муносабатлари ва уларнинг сони;
* кУлланиладиган тУлов шакллари (накд пулсиз, накд пуллик, Узаро карз суришиш йУли билан, бевосита товар ёки махсулот алмашиш йУли билан);
* аналитик хисобни юритиш тартиби (хисоб-китоб турлари, иштирокчилари, вужудга келиш муддатлари ва шунга Ухшаш);
* ностандарт бухгалтерия ёзувлари.

Хисоб-китоб муносабатларининг иштирокчилари кУп ва тУловлар шакллари хилма-хил бУлганида аудиторлик хатар кучайиб, буни мазкур соха бУйича танлаб текшириладиган хисоб-китоб шакллари ва тУлов турларини аниклашда эътиборга олиш лозим.

Ташки хисоб-китоб муомалаларини хисобга олишнинг ахволини бахолаш хисоб-китобларнинг турлари бУйича амалга оширилади. Бевосита текшириш бухгалтерия баланси, Бош дафтар 3110-3190,4010,4020,4110,4120, 4310,4320, 4510,4550,6410,6450,6310, 6320, 6390,6510,6520,6530,6810-6890 счётлар бУйича синтетик ва аналитик хисоб регистрлари маълумотларининг мослигини аниклашдан бошланади.

Текширув чогида куйидаги коидаларга риоя килинишига эътибор берилади:

* хисоб-китоб счётлари сальдоларининг балансда ёйик холда акс эттирилиши;
* шубхали карзлар бУйича резерв яратилган дебитор карзлар резерв суммасига камайтирилиши лозим.

Айни вактда тегишли хисоб-китоб счётлари бУйича аналитик хисоб маълумотларига асосан дебитор карзларнинг «муддати Утганлари» ажратиб кУрсатилган холда узок муддатли ва киска муддатли карзларга гурухланишининг турилиги текширилади. Хисобот тузиш талабларидан келиб чиккан холда кайтариш муддати бир йилдан ошик карзлар узок муддатли карзлар каторига киради.

Аникланган номувофикликлар бУйича тафовутларнинг катта-кичиклиги, тавсифи ва вужудга келиш сабаблари аникланади.

+арздорликларнинг хакконийлигини аниклаш учун инвентаризация маълумотлари хисоб-китобларнинг хар бир тури бУйича тахлил килинади. Хисоб-китоб муомалаларини

инвентаризация килиш маълумотлари бУлмаганда ёки, агар инвентаризация маълумотлари шубхали бУлса, аудиторлар вазият такозосига кУра ёппасига ёки танлаб инвентаризация Утказадилар.

+арздорликларнинг хакконийлиги хар бир хисоб-китоб тури бУйича дебитор ва кредитор карзлар колдиклари суммаларининг тегишли хужжатлар билан асосланганлигини текшириш йУли билан хам аникланади. Тегишли хужжатлар билан тасдикланмаган карздорлик суммалари нореал карзлар каторига Утказилади. +арзларни вужудга келиш муддатлари бУйича тахлил килишда аникланган, муддати Утиб кетган карздорлик суммалари хам нореал карзлар каторига кУшилади.

Нореал карзлар аникланганида аудитор уларнинг вужудга келиш сабаблари, айбдор шахслари ва тегишли баланс моддалари ишончлилигига таъсирини аниклайди.

Ташки хисоб-китоб муомалалари бУйича колдикларни тасдиклашда шубхали карзларнинг мавжудлиги аникланади. №21 - БХМСга мувофик шартномада белгиланган муддатда (агар бундай муддат белгиланмаган бУлса - бунинг учун нормал зарур вакт давомида) ундириб олинмаган ва тегишли кафолат билан таъминланмаган дебитор карзлар шубхали карзлар деб тан олинади. Шубхали карзлар мавжуд бУлган холатлар аникланганида шубхали карзлар бУйича резерв яратиш фактлари ва уларнинг турилиги текширилади.

Бунинг учун 4910-«Шубхали карздар бУйича резервлар» счёти маълумотларининг хакконийлиги аникланади.

Ташки хисоб-китоб муомалаларини хисобга оладиган счётлар бУйича колдиклар турилиги дастлабки тасдикланганидан сУнг хисоб-китоб счётлари бУйича оборотлар ишончлилиги текширилади.

5.2.2 Мол етказиб берувчи ва пудратчилар билан хисоб китоблар аудити.

Мол етказиб берувчи ва пудратчилар, харидор ва буюртмачилар билан хисоб-китоблар корхоналар хУжалик фаолиятида энг кУп учрайдиган хисоб китоблардир. Шунинг учун бундай хисоб- китобларни текшириш куйидаги асосий икки йуналиш бУйича амалга оширилиши зарур.

Олинган моддий кийматлар (иш, хизматлар) учун тУловлар ёки жУнатилган товарлар (бажарилган иш ва хизматлар) учун тушган суммаларнинг турилигини аниклаш;

Моддий кийматликларни киримга олиш ва хисобдан чикаришнинг тУликлигини текшириш;

Мол етказиб берувчи ва харидор Уртасидаги хисоб-китоблар коидага кУра накд пулсиз амалга оширилади ва улар икки гурухга бУлинади: 1) товар муомалалар бУйича, 2) молиявий мажбуриятлар бУйича. Накд пулсиз хисоб - китобларнинг куйидаги асосий шакллари мавжуд: тУлов топшириклари, тУлов талабномалари, аккредитивлар, инкасса топшириклари, чеклар ва Узаро талабларни узишга асосланган хисоб шакли.

Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан хисоб-китобларни аудиторлик текширувидан Утказиш хам юкорида баён килинган, барча хисоб-китоб муомалалари учун хос бУлган умумий коидаларига асосан Утказилади.

Хисоб - китоб маълумотларининг мослигини текшириш балаес ва хисоб регистрлари маълумотлари тенглигини аниклашдан бошланади.

Агар хисоб-китоб маълумотларини солиштириш амалларини бажариш чогида номувофикликлар аникланса, аудитор уларнинг катта-кичиклигини ва вужудга келиш сабабларини аниклайди.

Мисол: 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тУланадиган счётлар» (жорий кисми) ва 7010 «Мол етказиб берувчил ва пудратчиларга тУланадиган счётлар»(узок муддатли кисми) счётларининг аналитик хисоб регистрларидаги колдиклари, ушбу счётлар бУйича синтетик хисоб регистридаги ва Бош дафтардаги колдикларига нисбатан,балансдаги «Мол етказиб берувчи ва пудратчилар билан хисоб-китоблар» моддасининг 12 фоизига тенг бУлган,n-суммага кам бУлса,фарк микдори ушбу баланс моддаси учун ахамиятли хисобланади. Аналитик хисоб регистрлари (оборот ведомостлари) маълумотларини тахлил килишда бирон-бир мол етказиб берувчи билан шартнома тузилиб, лекин хисоб регистрларида ёзув ёзилмаган. Текширув натижасида шу мол етказиб берувчи билан хисоб-китобларни хисобга оладиган карточка очилганлиги, лекин адашиб у бошка счётнинг картотекасига солиб кУйилганлиги сабабли оборот ведомостига киритилмаган. Шундай килиб, номувофиклик сабаби аникланган ва бартараф килинган.

Хисоб ва хисобот маълумотларининг Узаро тенглиги аниклаганидан сУнг,аудитор мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан хисоб-китоблар колдигининг хаккониЙлигини бахолаши керак.Шу максадда у куйидагиларни текширади:

-аналитик хисоб регистрларида дастлабки хужжатлар ва шартномаларнинг ракамлари хамда тузилган саналари турисидаги маълумотлар мавжудлиги;

-аналитик хисоб регистрларида кУрсатилган шартномалар ва дастлабки хужжатларнинг мавжудлиги(танлаб текширилади);

-дастлабки хужжатлар ва хисоб регистрларидаги маълумотларнинг мослиги(танлаб текширилади).

Мажбурият суммалари хужжат билан тасдикланмаганлари шубхали карздорликлар каторига кУшилади. Бундай карзларнинг хаккониЙлиги хисоб-китобларни инвентаризация килиш (солиштириш далолатномаси тузиш)йУли билан тасдикланади.

Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан хисоб-китобларга доир карздорликлар хаккониЙлигини бахолашда уларнинг вужудга келиш муддатлари назорат килинади:

хисоб-китоблар бУйича мажбуриятлар бажарилишининг белгиланган чегара муддати Утиб кетган,талаб килиб ундириб олинмаган дебитор карзлар йУклиги.

Хисоб-китобларни инвентаризация килиш материалларини текшириш мол етказиб берувчи ва пудратчилар билан хисоб-китоблар колдикларининг хаккониЙлигини бахолашда мухим ахамиятга эгадир.

Мол етказиб берувчи ва пудратчилар билан хисоб-китобларга доир муомалалар куйидаги йУналишлар бУйича текширилади:

-шартномалар мавжудлиги ва тури расмийлаштирилишини текшириш;

-олинган моддий кийматлик(иш,хизмат)лар тУликлиги ва тури кирим килинишини текшириш;

-моддий кийматлик(иш.хизмат)лар учун Уз вактида ва тУлик хак тУланишини текшириш.

-аудитор даставвал махсулот етказиб бериш шартномалари ва иш бажариш ва хизмат кУрсатиш учун бошка хУжалик шартномаларининг мавжудлиги, хамда шартномаларнинг тури расмийлаштирилганлигини аниклайди.Шарномалар амалдаги конунчилик талабларига мос келиши лозим.

Узбекистон Республикаси Фукаролик Кодекси ва шартнома конунчилигига атайлаб риоя килинмасдан тузилган шартномалар ва улар асосида амалга оширилган муомалалар хакикий эмас деб топилади. Аудиторлар текширилаётган корхонада бундай холатлар йУклигини аниклашлари лозим.

Шундан сУнг олинган моддий кийматлик(иш,хизмат)лар учун мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан хисоб-китобларнинг тУлигича тури бахоланганлиги ва хисоб регистрларида акс эттирилганлиги турисида далилларга эга бУлиши зарур.

Аудиторлар дастлабки хужжатлар маълумотларини шартномалар, буюртмалар, счёт-фактуралар ва лойиха -смета хужжатларининг маълумотлари билан солиштириш натижасида олинган моддий кийматлик(иш,хизмат)ларни кирим килишнинг тУликлиги, турилиги ва Уз вактидалиги турисида далилларга эга бУлади.

Дастлабки хужжатларни текширишда барча хисоблашув-тУлов хужжатларида ++С суммасининг алохида сатр билан ажратиб кУрсатилганлигига ва ++С суммасининг хисоб-китоб йУли билан ажратиб кУрсатилишига йУл кУйилмаслигига(меъёрий хужжатларда белгиланган холатлардан ташкари) эътибор каратилади. Аудитор ушбу талабларга риоя килинишини текшириш натижасида олинган моддий кийматлик(иш,хизмат)лар бУйича ++С ни хисобга олишнинг асосланганлигини тасдикловчи далилга эга бУлади.Унинг копланиши тУланган,кирим килинган ва ишлаб чикариш максадларида ишлатилган кийматликлар бУйича амалга оширилади.

Хисоб-китоб хужжатлари хали келиб тушмаган моддий кийматлик(иш,хизмат)ларни текширишда ушбу олинган кийматлик (иш, хизмат) ларнинг пули тУланган, лекин йУлда келаётган (дебитор карз) сифатида хисобда турмаганлиги аникланади.

Хориждан олинган импорт махсулот(иш,хизмат)лар учун хисоб-китоблар бУйича текширув Утказилганда, мулкчилик хукуки Утган пайтни , моддий кийматлик (иш, хизмат)ларни кирим килиш санасига амалда бУлган Узбекистон Республикаси Марказий Банкининг валюта курсини ва тУлов хужжатларининг тУланишини, курс фаркларини, кУшилган киймат солиги суммасини ва (франкировка) шартларини аниклашнинг турилиги текширилади.

Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар счётларининг тУланишини текширишда аудитор куйидагиларни аниклайди:

* карзларни коплаш бУйича муомалаларнинг тегишли тУлов хужжатлари (банк кУчирмалари ва тУлов топшириги, Узаро талабларни хисобга олиш далолатномалари, чеклар ва шунга Ухшаш) билан тасдикланганлиги;
* тУлов хужжатларининг хакикийлиги ва тури расмийлаштирилганлиги (барча мажбурий реквизитларининг мавжудлиги, ++С суммасининг алохида сатр билан ажратиб кУрсатилганлиги, банк штампаси, чет тилдаги хужжатларнинг тасдикланган таржимаси ва шунга Ухшаш);
* тУлов хужжатлари маълумотларининг 3110 - «Олдиндан тУланган лизинг», 3120-«Олдиндан тУланган хизмат хаки», 3190-«Бошка олдиндан тУланган харажатлар», 4310-«Мол етказиб берувчи ва пудратчиларга берилган бУнаклар», 6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тУланадиган счётлар» (жорий кисми), 7010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тУланадиган счётлар» (узок муддатли кисми) счётлари бУйича хисоб регистрларининг маълумотларига мослиги; ушбу счётлар бУйича хисоб регистрлари маълумотларининг 5110,5210,5220,4310,4010, 4020,6310,4420,4430,6870,4810-4890,6810,6820,6830 ва 6890 счётлар бУйича хисоб регистрларига мослиги.

+арздорликларнинг Узаро хисоблашиш тартибида копланишини текшириш натижасида, аудитор Узаро хисоб-китоблар учун асос (шартнома, томонлардан бирортасининг Узаро хисоб-китоблар тартибидаги тУловни амалга ошириш турисидаги илтимосномаси) мавжудлигини, карз суммаси ва коплаш санасини, хамда хисоб регистрларида акс эттиришнинг турилигини аниклайди.

Узаро талабларни хисобга олиш, хисоб-китобларни солиштириш далолатномаси ва хар иккала томон иштирокида тузилган, Узаро талабларни хисобга олиш турисидаги томонлардан бирортасининг хати (аризаси). Далолатномаларда мажбурий реквизитлардан ташкари, карздорликни вужудга келтирган шартномалар ва дастлабки хужжатлар маълумотлари, ++С суммаси алохида ажратилган холда кУрсатилиши лозим. Даъво муддати Утиб кетган карздорликлар бУйича Узаро талабларни хисобга олишга йУл кУйилмайди.

Амалга оширилган Узаро карз суришишларнинг конунийлигини текширишда, кабул килинган ва пули тУланган моддий кийматликлар бУйича ++Сни хисобга кабул килишнинг асосланганлиги ва сотилган товарлар (иш ва хизматлар) бУйича ++С хисобланишининг тУликлигини аниклашга махсус эътибор каратилади.

Берилган бУнаклар бУйича хисоб-китобларни текшириш 4310-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бУнаклар» счётининг хисоб регистрлари, банк кУчирмалари ва шартномалар маълумотлари бУйича амалга оширилади. Бунда мол етказиб берувчиларга бУнакларнинг Уз вактида ва тури берилганлиги ва олинган моддий кийматликлар учун хисоблашилганда уларнинг хисобга олинганлиги аникланади.

Аудитор 3110,3120,3190,4310,6010,7010 счётларнинг колдик-ларини аналитик хисоб регистрлари бУйича тахлил килиш натижасида, моддий кийматликлар етказиб берилгандан (иш,хизматлар бажарилганидан) сУнг барча берилган бУнаклар бУйича якуний хисоб-китоб килинганини аниклайди.

Ушбу талабга риоя килинаётганлигини назорат килиш нафакат дебитор ва кредитор карзлар акс эттирилишининг хакконийлигини, балки ++Сни хисоб-китоб килишга такдим этишнинг Уз вактидалиги, чет эл валютасида берилган бУнаклар бУйича курс ва сумма фаркларини тури аниклаш учун зарур.

Мол етказиб берувчилар билан шартли бирликлардан фойдаланиб хисоб-китоб килинганида сумма фаркларини акс эттириш турилиги ва куйидаги шартларга риоя килинишини текширади:

* суммавий фарклар сарфларни бухгалтерия тан олиш санасига акс эттирилади, яъни карзнинг шаклланиши ва Узгаришига таъсир кУрсатади (6010,7010 счётлар бУйича ёзувлар);
* товар-моддий захиралар ва асосий воситалар хакикий харажатлар суммаси бУйича тан олинади, яъни кирим килинган моддий ресурслар киймати суммавий фаркларга тузатилади; ижобий сумма фарклари кирим килинган моддий ресурслар кийматини оширади (Дт 0820,0830,0840,0890,1010-1090,1210,2910 счётлар ва Кт 6010 ёки 7010 счёт ва Дт 4510, Кт 6010 - ++С суммаси); салбий сумма фарклари кирим килинган моддий ресурслар кийматини камайтиради. (Дт 0820,0830,0840,0890,1010-1090, 1210, 2910 счётлар, КТ 6010 ёки 7010 счёт кизил сторно билан ва Дт 4510, Кт 6010 ёки 7010 счёт - ++С суммасига кизил сторно билан);

моддий захиралар сотилганда ёки ишлаб чикаришга берилгада (Дт 2010, Кт 6010 (7010), Дт 4510, Кт 6010 (7010) - ++С).

Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан хисоб-китобларни текшириш якунида, аудитор аникланган камчиликлар ва номувофикликларни умумлаштиради хамда колдиклар хакконийлигининг дастлабки бахоланишини аниклаштиради.

5.2.3 Харидорлар ва буюртмачилар билан хисоб-китоблар аудити.

Харидорлар ва буюртмачилар билан хисоб-китобларни текширишнинг умумий кисми - колдиклар хакконийлигини бахолаш ва бажариладиган услубий амаллар мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан хисоб-китобларни текширишга Ухшаш.

№21-БХМСга мувофик жУнатилган махсулот, материал, бажарилган иш ва кУрсатилган хизматлар учун харидор ва буюртмачилар билан олиб бориладиган хисоб китоблар 4010 - «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар», 4020- «Олинган векселлар», 6310- «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бУнаклар», 9010 - «Махсулотлар сотишдан олинган даромадлар», 9020 - «Товарларни сотишдан олинган даромадлар», 9030 - «Бажарилган ишлар ва кУрсатилган хизматлардан олинган даромадлар», 9110 - «Сотилган махсулотлар таннархи», 9120 - «Сотилган товарлар таннархи», 9130 - «Сотилган ишлар ва хизматлар таннархи», счётларида хисобга олинади. Аудитор 4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар», 4020-«Олинган векселлар» ва 6310-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бУнаклар» счётлари бУйича хисоб юритиш ва назоратнинг холати хамда колдикларнинг хакконийлигини бахолаш натижасида харидорлар ва буюртмачилар билан хисоб-китоблар бУйича муомалаларнинг ишончлилигини текширади. Бу счёт бУйича оборотларни текширишнинг мухимлиги корхона фаолиятини бахолайдиган асосий кУрсаткич - товарлар, махсулотлар, иш ва хизматларни сотишдан олинадиган даромад кУрсаткичи бУйича ахборотларни шакллантириши билан изохланади.

Харидорлар ва буюртмачилар билан хисоб-китобларга доир муомалаларни текширишда 4010,4020 ва 6310 счётлар бУйича хисоб регистрлари маълумотларининг Бош дафтар хамда Узаро алокадор хисоб регистрлари маълумотлари билан тенглиги аникланади. Бунда асосан 4010- счёт дебети бУйича ёзувлар 9010,9020,9030,9210,9220-счётларнинг кредити бУйича ёзувлар билан солиштирилади. Агар конун ёки олди-сотти шартномасида товарга мулкчилик хукукининг Утиш махсус тартиби кУзда тутилмаган бУлса, ухолда умумий коида бУйича мулкий хукук мол етказиб берувчидан харидорга товарни жУнатиш вактида Утади ва дебет 4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» ва кредит 9010-«Тайёр махсулотларни сотишдан олинган даромадлар»сч ёти ёзуви билан акс эттирилади. Бундай ёзув соликка тортиш максади учун кандай хисоб тартиби - «тУловга бУйича» ёки «жУнатиш бУйича» кабул килинганидан катъий назар амалга оширилади. Дастлабки хужжат ва 4010-счётнинг хисоб регистри бУйича махсулот жУнатилган санани таккослаш оркали муомалаларнинг Уз вактида акс эттирилиши назорат килинади.

Агар шартномада товарларга мулкий хукук Утишининг махсус тартиби кУзда тутилган бУлса, у холда жУнатилган кийматликларга мулкий хукук уларни жУнатиш вактида эмас, балки пул тУланиш вактида Утиши мумкин. Бу холда жУнатилган ва сотилган товарлар учун харидорларнинг карзлари хам шундай ёзув билан аммо пул тУланиш вактига акс эттирилиши мухимдир. Бу харидорлар билан чет эл валютасида хисоблашилганида ва харидорлар билан шартли бирликларда хисоблашилганда Ута мухимдир. Чунки муомалаларни акс эттириш санасига боглик холда валюта курси натижада эса умумий карздорлик, курс ва сумма тафовутлари аникланади.

Муомалаларнинг хужжат билан асосланганлигини текшириш чогида товар (махсулот, иш ва хизмат)лар бахоси шаклланишининг шартнома шартларига мувофиклиги, хамда ++С суммаси ва харидорларга такдим килинган счётлар бошка элементларининг турилиги аникланади. Харидорлар томонидан счётларни тУлашнинг Уз вактидалиги ва тУликлиги 5110,5210,5220,6310,7310 счётлар билан богланадиган маълумотларни таккослаш ва аналитик хисоб регистрларидаги ёзувларни кУриб чикиш йУли билан аникланади.

Векселлар билан хисоб-китоб килинганида №21 БХМС талабларига мувофик 4020 - «Олинган векселлар» счётини юритиш тартибига риоя килиниши ва харидорларнинг

векселлар билан таъминланган карзлари аналитик хисобининг тузилишига катъий эътибор каратилиши лозим. Бунда хусусан, векселларнинг тУлов муддати, банкларда хисобга олинганлиги (дисконтлангани), Уз вактида пули келиб тушмаганлари алохида текширилиши зарур.

Шунингдек, олинган векселлар бУйича вексел фоизлари ва ++С акс эттирилиши, вексел бУйича пул маблагларининг келиб тушиш чогида (товарлар, карама-карши талаблар) вужудга келадиган мажбуриятлар турилиги текширилади.

Текширув жараёнида харидорларнинг муддатлари Утиб кетган дебитор карзлари талаб килинганлиги ва талаб килинмаганлигини аниклаб тахлил килинади. Дебитор карзларни хисобдан Учириш фактлари бУйича аудитор ушбу фактларнинг асосланганлиги ва тури акс эттирилганлигини аниклайди.

Дебитор карзларнинг ахволи ва уларни хисобдан Учиришни текшириш амаллари шубхали карзлар бУйича резерв яратиш ва ундан фойдаланишни текшириш амаллари билан кесишади. Шубхали карзлар бУйича резервлардан фойдаланишнинг асослилигини текшириш дебитор карзларни хисобдан Учириш чогида кУриб чикилади.

Махсулот ва материалларни сотишга жунатиш меъёрига караб барча накладной маълумотлари тайёр махсулотларни сотишга доир хужжатлар реестри (63 - АСК шакл)га ёзиб борилади. Реестрлар ички хУжалик бУлинмалари (ширкатлар, бригадалар ва бошкалар)дан хУжалик бухгалтериясига топширилиб, уларнинг маълумотлари асосида «+ишлок хУжалик махсулот, материал, иш ва хизматлари реализациясини хисобга олиш ведомости (62 - АКС шакл) тузилади. Реестрларда харидор ва буюртмачилар билан хисоб - китоблар хар кайси тУлов хужжати бУйича алохида-алохида хисобга олиб борилади. Хисобот ойи ичида тУланмаган суммалар, ундан кейинги ойда харидор ва буюртмачилар билан хисоб-китобларни хисобга олиш учун хизмат киладиган, янги сальдо (колдик) реестрига хар кайси тУлов хужжатидан Утказилади.

Харидор ва буюртмачилар билан хисоб - китобларни текширишни бошлашдан олдин сальдо (колдик) реестрларида кУрсатилган колдикларнинг Бош дафтардаги 4010 - «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар», 4020- «Олинган векселлар», 6310- «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бУнаклар» счётлари бУйича колдикларга тенг келишини аниклаш зарур. Шунингдек, реестрларнинг Уз вактида тУлгазилиши, бухгалтерияга топширилиши ва хУжаликнинг кассасига ёки хисоб-китоб счётига тушган тУловлар хакида белгилар (ёзувлар) мавжудлиги текширилади. Махсулот, материал, иш ва хизматлар реализацияси бУйича тУлов талабномаларининг Уз вактида тУлгазилиши ва инкассага куйилиши текширилади. +арзларнинг вужудга келиш саналари ва тУлов муддати утиб кетган суммаларини сальдо (колдик) реестрлари бУйича аниклаш зарур. Ушбу тУлов хужжатлари бУйича карзлар нихоятда пухта текширилади. Чунки, амалиётда харидорлар ва буюртмачиларнинг карзлари 4010 - «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» ва 4020- «Олинган векселлар», счётларининг дебетида, тУловларнинг келиб тушиши эса 6310- «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бУнаклар» счётининг кредитида акс эттирилади, шунингдек махсулот ва материаллар бир хУжалик ёки ташкилотга жУнатилиб, счёт эса адашиб бошкасига такдим этилиши холлари хам учрайди. Бунинг натижасида нохак дебитор ва кредитор карзлар вужудга келади.

Харидор ва буюртмачилар билан хисоб-китобларни текширишда корхона рахбари ва бош бухгалтери томонидан муддати Утиб кетган дебитор карзларни ундириш чоралари кУрилаётганлиги аникланади, хисоб китобларни Узаро таккослаш ва аникланган тафовутларни таккослаш далолатномаси тузиб турилаш, шунингдек карзларни Узаро суришишга доир ишларнинг амалга оширилаётганлиги текширилади.

5.2.4. Даъволар ва олинган бУнаклар бУйича хисоб-китоблар аудити.

Даъволар бУйича хисоб-китобларни аудиторлик текширувидан Утказишда 4210 - «Даъволар бУйича олинадиган счётлар» ва 6860-«Даъволар бУйича тУланадиган счётлар»нинг ёзувлари хамда унда хисобда тУрган хар бир дебитор ва кредитор алохида даъволар бУйича суммалар текширув объектлари бўлиб хисобланади.

Даъволар бУйича хисоб-китобларни тахлил килишнинг максади куйидагиларни аниклашдан иборат:

-даъволар бУйича карзларнинг катта-кичиклиги;

-вужудга келиш муддатлари(муддати Утиб кетганлари, муддати Утмаганлари)

-кайси боскичдалиги(даъво килинган ва карздор томонидан тан олинган);

-даъволар вужудга келиш сабаблари.

Аудитор дебитор карзларни талаб килиш фактларининг исботи (товар (иш ва хизмат)лар жУнатилгани (бажарилгани)дан сУнг 3 ой Утганидан сУнг хУжалик судига даъво аризаси берилганлиги; давлат пошлинаси тУланганлиги хакидаги хужжатлар, карздорнинг банкрот деб тан олиниши, хукукни химоя килиш органларининг жиноий ишни тУхтатиш турисидаги карори ва шунга Ухшаш) мавжудлигини текширади.

Талаб килинган дебитор карз даъво муддати - 3 йил Утгунга балансда туриши мумкин (УзР. Ф.К 150-м.).

Даъво муддати Утиб кетган ва ундириб олиш имкони бУлмаган бошка карзларнинг хисобдан Учирилишини текшириш чогида аудитор УзР ФК 150-163 моддалари ва бошка амалдаги меъёрий хужжатларнинг талабларига риоя килинишини аниклайди. Хусусан:

* даъво муддатини хисоблашнинг турилиги УзР.Ф.К. ..... моддасига мувофик даъво муддати даври шахс Уз хукукининг бузилганлигини билган ёки билиши лозим бУлган кундан бошланади. Муддати белгилаб кУйилган мажбуриятлар бУйича даъво муддати Утиши ушбу муддат Утиши билан бошланади;
* хисобдан Учириш хар бир мажбурият бУйича амалга оширилиши мумкин;
* карздорликларни инвентаризациядан Утказиш турисидаги далолатномалар мавжудлиги;
* корхона рахбарининг буйруги (фармойиши) ва ёзма асоси;
* шубхали карзлар бУйича резервлар хисобидан 4910-счёт ёки, агар резерв яратилмаган бУлса, молиявий натижалар хисобидан 9439-счёт хисобдан Учирилиши мумкин;
* 007 - «Зарарга олиб борилиб хисобдан Учирилган тУловга лаёкатсиз дебиторларнинг карзлари» балансдан ташкари счётида, 5 йил давомида хисобда туриши.

харидорлардан талаб килиб олинмаган дебитор карзлар, етказиб берилган товарлар (ишлар, хизматлар) учун хисоб -китоблар бУйича мажбуриятларни бажариш муддатларининг энг сУнги муддати Утганлиги муносабати билан, хисобдан Учириш фактлари бУйича соликка тортиладиган фойдани аниклашнинг турилиги текширилади. Бундай карз суммасининг хисобдан Учирилиши фойдани соликка тортишни хисобга олинадиган молиявий натижани камайтирмайди.

4210 ва 6860 - счётлар бУйича колдиклар хакконийлигини текширишда аудитор, муддати Утиб кетган даъволар бУйича суммалар йУклиги, шартномада кУрсатилган муддатлари бузиб килинган даъволар; хужжат билан тасдикланмаган даъволар ва шунга Ухшашларни аниклайди.

Даъволар бУйича хисоб-китобларни хисобга олишга доир муомалаларни текширишда аудитор даъво хужжатларининг Уз вактида ва тури расмийлаштирилганлигини аниклайди.

Даъволар бУйича хисоб-китобларни акс эттиришнинг турилиги килинган даъволар бУйича ёзувларни 4210 ва 6810 счётлар бУйича синтетик ва аналитик хисоб регистрлари хамда Бош дафтар маълумотларига солиштириш йУли билин аникланади.

+илинган даъволарнинг суммалари даъво килиш факти бУйича хисобда акс эттирилиши лозим (Дт-4210 счёт ва Кт-0710,2810,0810,1010,1110,1210, 1510, 4010,4110,5110,5210,5590, 6210,9330 ва бошка счётлар).

Сотувчи ташкилот томонидан тан олинган даъво суммалари , уларнинг тан олиниш (хисобланиш) факти бУйича хисобда акс эттирилиши лозим.Даъволар бУйича олинган жарималар,пениялар ва неустоикалар суммаларидан ++С хисобланган бУлиши лозим.Даъволар бУйича карзларни кайтариш тУлов хужжатлари маълумотлари ва банк кУчирмалари бУйича, моддий захираларни кУшимча етказиб бериш ва умидсиз карзларни хисобдан Учириш хужжатлари бУйича текширилади.

Аудитор олинган бУнаклар ва уларга доир ++Сни акс эттиришнинг Уз вактидалиги ва тУликлигини, хамда бУнакларни хисобга Утказиш ва ++Сни тиклашнинг асосланганлигини аниклаши лозим.

5.2.5. Бюджет билан хисоб - китоблар аудити.

Узбекистон Республикаси Солик конунчилигига мувофик кУпчилик корхоналар бюджетга умумдавлат ва махаллий соликлар хамда йигимлар тУлайдилар.

Соликлар ва бошка тУловлар бУйича бюджет билан хисоб-китобларни аудиторлик текширувидан Утказишнинг максади - текшириладиган хУжалик юритувчи субъект бухгалтерия хисоботининг соликлар ва бошка мажбурий тУловлар бУйича карздорликни акс эттириш кисмида, хамда соликка тортишдаги тартибга солинмаган масалалар билан боглик сезиларли холатларни акс эттиришдан иборат.

Бюджет билан олиб бориладиган хисоб - китоблар аудитор жиддий эътибор бериши лозим бУлган мураккаб объект хисобланади. ***Биринчидан***, бюджетга тУланадиган соликларнинг нотури хисобланганлиги ва тУланганлиги учун корхонага нисбатан молиявий жазо чоралари кУлланилади. Бу эса унинг молиявий ахволига сезиларли даражада таъсир килади. ***Иккинчидан,*** хисоб китобларнинг турилигини тасдикловчи аудиторлик хулосаларининг солик инспекцияси томонидан кабул килиниши айрим холларда шубха остига олиниб, кабул килинмаслиги хам мумкин. СУнги холатда солик органи такдим килинган аудиторлик хулосасини кайтадан текшириб чикишга хаклидир.

Агар аудитор хулосаси давлат бюджети манфаатларига зид, амалдаги конунчиликка ва меъёрий хужжатларга риоя килинмасдан, сифатсиз тузилганлиги аникланса, амалдаги конунчиликка мувофик санкциялар кучга киради. (С.К.135-м). Бундай холларда аудитор ёки аудиторлик фирмаси адиторлик фаолияти билан шугулланишга хукук берадиган лицензиядан махрум килиниши мумкин. Соликлар тУланишини текширишдан олдин соликка тортиладиган объект бУйича кУрсаткичларнинг турилиги, соликка тортиладиган база ва солик ставкаларига риоя килиниши, текширилиши керак.

Бозор иктисодиёти шароитида турли хил мулкчиликка асосланган корхоналарнинг бюджет билан Узаро муносабатлари кенгаймокда. Республикамизнинг барча худудларида бюжетга тУланадиган тУловларнинг турилигини аниклайдиган ва уларнинг Уз вактида Утказилиши устидан катъий назорат Урнатадиган солик хизматлари ташкил этилган.

Узбекистон Республикаси конунчилигида давлат солик комитетига катта хукуклар берилган. Хусусан, Республика солик комитети хамда вилоятлар, туманлар ва шахарлардаги солик инспекцияларига куйидаги хукуклар берилган: фойда ва бошка соликка тортиладиган объектларни яширганлиги ёки камайтириб кУрсатганлиги учун барча яширган ёки пасайтирилган суммаларни ва шу сумма микдорида жарима ундириш учун корхоналарга нисбатан молиявий санкциялар кУллаш. Бундай хато иккинчи марта такрорланганида эса икки баравар жарима солиш, шунингдек бюджетга соликлар ва бошка мажбурий тУловларни хисоблаш хамда тУлаш учун зарур бУлган солик декларациялари, хисоботлар, хисоб-китоблар ва бошка хужжатларни такдим килмаганликлари, кечиктирилганлиги, фойданинг хисобга олинмаганлиги ёки бу хисобнинг белгиланган тартибни бузиб юритилганлиги учун тегишли соликлар ва бошка мажбурий тУловлар суммасидан Ун фоизи ундирилади. Бунда мансабдор шахсларга энг кам ойлик иш хакининг беш баробаридан етти баробаригача маъмурий жарима солинади.

Шунинг учун аудитор бюджет билан хисоб-китобларни текширишда малакали маслахатчи ва ушбу хисоб-китоблар тУлик хамда Уз вактида бУлиши учун хайрхох бУлмоги лозим. Бюджет билан хисоб-китобларда корхона бухгалтерлари томонидан йУл кУйилган хатоларни кУрсатиш билан аудитор ушбу корхонага солик инспекцияси томонидан кУлланиладиган молиявий жазо чоралари билан боглик бУлган зарарлардан кутилиб колишга ёрдам беради.

Шуннинг учун у бюджет тУловларига доир хисоб-китобларнинг турилиги ва уларнинг Узбекистон Республикасидаги мавжуд конунчиликка мувофик Уз вактида Утказиб берилишини синчиклаб текшириши лозим.

Бюджетга тУланадиган тУловларнинг рУйхати Узбекистон Республикасининг Солик Кодекси билан, айрим тУловлар бУйича бюджет билан хисоб-китобларни амалга ошириш тартиби эса Давлат Солик Комитети ва Молия вазирлигининг тегишли йУрикномалари билан тартибга солинади.

Соликлар бУйича карзлар юридик шахсларнинг бюджет олдидаги мажбурияти бўлиб хисобланади ва одатда, маълум санада тУланади. Солик конунчилигининг тез-тез Узгариши ва меъёрий хужжатлар айрим коидаларидаги зиддиятлар соликларга доир хисоб-китобларда тасодифий хатоларни келитириб чикариши мумкин. Соликлар бУйича карзлар синчиклаб текширувдан Утказилганида куйидаги хатолар аникланиши мумкин:

* соликларни хисоб-китоб килишда бухгалтерия хисоби тамойиллари, конун хужжатлари ва йУрикномаларнинг нотури кУлланиши;
* солик ставкаларининг нотури кУлланилиши;

* соликка тортиладиган базанинг нотури аникланиши;
* пеня ва жарималарнинг ноаник хисобга олиниши;

Кредиторлик карзлари ва бутун бухгалтерия хисоботини бахолашга куйидагилар таъсир кУрсатади:

* соликка тортиш бУйича имтиёз олиш учун хато ахборотларни такдим этиш;
* солик органларига такдим килинадиган маълумотларнинг бузиб кУрсатилиши ёки яширилиши;
* бюджетга карздорликларни аниклашда, соликка тортишдан озод этилганлар сифатида соликка тортишда хисобга олинадиган даромадларни нотури туркумлаш ёки хисоб-китоб килиш;
* соликка тортиш бУйича имтиёз олиш учун бош ва шУъба корхоналар Уртасидаги хисоб-китоблар бУйича хисобда калбаки муомалаларни акс эттириш.

Хар бир соликка оид конунчилик хужжатида солик ставкаларини кУллаш, солик солинадиган базани аниклаш, соликларни тУлаш муддатлари, хисоботларни тайёрлаш ва хаказо талаблар акс эттирилади.

Солик мажбуриятларининг нотури аникланиши катта молиявий йУкотишлар келтириб чикаришини хисобга олиб, аудиторлар ушбу участкада текширувларни ташкил этиш ва Утказиш технологиясига алохида эътибор беришлари лозим. Текширувларни мувоффакиятли Утказиш учун куйидагиларни амалга ошириш зарур:

* бюджет билан хисоб-китобларни текширишга юкори малакали мутахассисларни жалб килиш;
* ходимларни соликка тортиш масалаларига оид тезкор ахборотлар ва меъёрий хужжатлар билан таъминлаш;
* аудиторлар оддий кундалик муаммолар устида такроран ишламасликлари учун, корхона ичида соликка тортишнинг долзарб масалаларига доир ахборотлар ва ишланмаларни алмашишни ташкил этиш;
* мижоз томонидан такдим килинадиган, соликка тортиш масалаларига доир ёзма ахборотлар сифатини самарали назорат килиш;
* корхона ичида солик бУйича маслахат бериш технологиясини барпо килиш ва бюджет билан хисоб-китобларни текшириш натижалари бУйича расмийлаштирилиши лозим бУлган ишчи хужжатларининг махсус шаклларини ишлаб чикиш.

Бюджет билан хисоб-китобларни текширишда аудиторлик амалларига шаклан риоя килинишигагина таяниш мумкин эмас. Шунинг учун бюджет билан хисоб-китоблар ахволи турисида якуний хулосани аудиторлар гурухининг рахбари килиши керак. У асосий соликлар бУйича аникланган барча тафовутларни ва уларнинг соликка тортиладиган базанинг шаклланишига таъсирини бахолаш имконига эга.

Фойда солиги ва кУшилган киймат солиги корхонанинг молия-хУжалик фаолиятига энг катта таъсир кУрсатиб, хисоб-китоб килишда хам, текширув Утказишда хам хаммадан кийинчиликларни келтириб чикаради. Шу боисдан умум давлат соликларидан шу иккаласига батафсил тУхталиб, колган соликлар ва йигимлар бУйича эса аудиторлар томонидан кУлланиладиган умумий текширув коидаларини баён киламиз.

а) Юридик шахслардан олинадиган даромад (фойда) солигини текшириш.

Даромад (фойда) солиги хукукий шахслар даромадининг (фойдасининг) бир кисмини давлат томонидан олиш йУли билан бюджетга тушириладиган маблаглар манбаларидан биридир. Фойда (даромад) солигини аудиторлик теширувидан Утказиш, коидага кУра, куйидагиларни Уз ичига олади:

* чораклик учун солик хисоб-китоби асосида хар чоракда хисобланган ва тУланган бУнак тУловларни тахлил килиш;
* хисобот даври учун фойда солиги хисоб-китобини текшириш;
* фойда (даромад) солиги бУйича карзларни хисобот давридаги молия-хУжалик фаолияти натижалари асосида тахлил килиш.

Корхона хисобот даври учун тахмин килинаётган фойда ва солик ставкасидан келиб чикиб аникланадиган, фойда солигининг бУнак бадалларини чораклик давомида бюджетга тУлаб боради. Фойда солигининг бУнак бадалларини бюджетга тУлаш хар ойнинг 15-санасидан кечикмасдан, ушбу солик чораклик суммасининг 1/3 кисми микдоридаги тенг улушлар билан амалга оширилиши лозим.

Чораклик хисоб-китобларга кУра бюджетга кУшимча тУланиши лозим бУлган суммалар, корхоналар томонидан чораклик бухгалтерия хисоботини такдим килиш учун Урнатилган кундан бошлаб беш кун муддатда, йиллик хисоб-китоблар бУйича эса йиллик бухгалтерия хисоботини такдим килиш учун Урнатилган кундан бошлаб Ун кунлик муддатда тУланиши керак.

Утган чораклик учун хакикатда олинган фойда бУйича бюджетга тУланиши лозим бУлган сумма билан соликнинг хакикатда тУланган бУнак бадаллари Уртасидаги фарк, Утган чоракда амалда бУлган, Узбекистон Республикаси Марказий Банки ремолиялаштириш ставкасидан келиб чикиб хисобланган суммага нисбатан аниклаштирилиши лозим.

Текширув чогида аудитор куйидаги ишларни амалга ошириши лозим:

* фойда солигини хисобга оладиган счёт бУйича колдикни Бош дафтар маълумотлари билан солиштириш;
* фойда солиги бУйича карзлар колдиклари бУйича хисоб-китобини тайёрлаш ва колдикларни чикариш;
* мижоз корхона томонидан килинган фойда солиги хисоб-китобини ва фойда солигининг хакикий ва хисоб-китоб суммалари Уртасидаги барча катта фаркларни тахлил килиш;
* фойда солигини хисоб-китоб килишга таъсир кУрсатган омилларни мижоз билан мухокама килиш. Хакикий ва хисоб-китоб килинган суммалар Уртасидаги фарклар изохланиши ва хужжатларда акс эттирилиши лозим;
* суммаларни жамлашнинг турилигини текшириш ва кайта хисоблаш;
* фойда солиги бУйича бУнакларни ва якуний солик суммасини солиштириш.

Хисобот даври учун хисоб-китобларда тайёрланган чораклик бУнак тУловларини тахлил килиш чораклик тУловларни банк кУчирмаси бУйича солиштириш, соликларни дастлабки хисоб-китоб килиш хужжатлари ва кейинчалик жарималар ва пенялар тУлашдан кутулиш учун бУнакларнинг Уз вактида тУланишини тахлил килишга асосланиши лозим.

Муомалалар натижалари асосида фойда солигининг хакикий карзини текшириш куйидагиларни Уз ичига олади:

* фойда ва зарарлар счёти бУйича соликка тортилгунгача фойдани текшириш;
* фойда солиги бУйича карзларни якуний солик декларацияси маълумотлари билан солиштириш;
* бир йиллик фойда солигининг турилигини, солик ставкасини кУллаш ва имтиёзлардан фойдаланишнинг турилигини, соликларни тУлаш муддатларининг мувофиклигини кУрсатган холда кайта хисоблаш ва текшириш.

Аудитор даромад (фойда) солиги тУловчи субъектнинг макомини, унинг асосий ва кУшимча фаолият турларини, ички ва алохида ажралиб чиккан бУлинмалари хамда хамкорларини аниклаши зарур. Даромад (фойда) солиги турли ставкалар билан хисобланишини, уни тУлаш йил давомида жорий тУловлар тартибида амалга оширилиб, чорак, ярим йил, тУккиз ой ва йил охирида хакикий олинган фойдага нисбатан кайта хисобланишини, тУловчиларга эса хар хил имтиёзлар берилишини назарда тутиб, аудитор соликка тортиш базасини текширишда, аввало ялпи фойдани сУнгра унинг бевосита соликка тортиладиган кисмини хисобга олишнинг турилигига ишонч хосил килиши лозим. Шундан сУнг, аудитор биринчи навбатда, фойда хакидаги баланс маълумотларини 9900 «Якуний молиявий натижа (даромадлар ва харажатларни жамлаш)» счёти бУйича бош дафтарда, журнал ордерларда, машинаграммалардаги ва «Молиявий натижалар турисидаги хисобот» (2 шакл) бУйича бир-бирига так-кослаб, уларнинг Узаро мос келишини аниклаши керак.

Шуни таъкидлаш жоизки, хозирги пайтда баланс фойдаси йил давомида акс эттирилади: пассивда олинган фойда, активда эса унинг ишлатилиши (ёки кУрилган зарар). Йил якунида аникланган фойданинг ишлатилган суммасига 9810-«Даромад (фойда) солиги бУйича харажатлар», 9820-«Йигимлар ва бошка мажбурий ажратмалар бУйича харажатлар» ва 9890-«Бошка ажратмалар бУйича харажатлар» счётларини кредитлаб 9900-«Якуний молиявий натижа (даромадлар ва харажатларни жамлаш)» счётини дебетлаб туриланади (корректировка килинади). Фойданинг таксимланмай колган кисми эса 9900-«Якуний молиявий натижа(даромад ва харажатларни жамлаш)» счёт дебетига ва 8710-«Хисобот йили таксимланмаган фойдаси (копланмаган зарари)» счётининг кредитига ёзилиб, хисобдан Учирилади.

Хакикий фойдани тахлил килишда 9010-«Махсулотлар сотишдан олинган даромадлар», 9020-«Товарларни сотишдан олинган даромад», 9030-«Бажарилган ишлар ва хизматлардан

олинган даромадлар», 9110-«Сотилган махсулотлар таннархи», 9120-«Сотилган товарлар таннархи», 9130-«Сотилган ишлар ва хизматлар таннархи», 9210-«Асосий воситаларни сотилиши ва турли чикими»ва 9220-«Бошка активларнинг сотилиши ва турли чикими» счётларининг кредити ва дебетида акс эттирилган барча ёзувларнинг ишончлилиги хакида исботга эга бУлиш зарур.Солик кодексига мувофик соликка тортиладиган даромад (фойда) умумий даромад билан белгиланган чегирмалар Уртасидаги фарк сифатида аникланади.

Аудитор умумий даромад ва ундан чегириладиган чегирмалар таркибига кирувчи хар бир модда бУйича маълумотларни синчиклаб текшириш керак.

Даромад (фойда) солиги бУйича соликдан тУлик озод килиш, вактинча озод килиш ва соликка тортиладиган даромадни (фойдани) камайтириш йУли билан бериладиган имтиёзлар кУзда тутилган. Аудитор имтиёзларни кУллашнинг турилиги текшириши лозим.

Бу имтиёзлар асосан ногиронлар ва нафакахУрлар мехнатидан фойдаланиш; табиатни мухофаза килиш тадбирларига капитал сарфлар килиш, согликни саклаш объектлари, кариялар ва ногиронлар уйлари, мактабгача муассасалар, маданият ва спорт объектлари, уй-жой фондини саклаш харажатлари билан; корхонани реконструкция килиш ва техникавий кайта куроллаштиришни инвестициялаш (маблаг билан таъминлаш), илмий техник ва тажриба-конструкторлик ишларини Утказиш; кичик бизнесни ривожлантириш ва бошкалар билан боглик. Лекин барча имтиёзлар уларнинг берилиши хамда умумий суммаси бУйича маълум даражада чегараланган. Аудитор корхона томонидан соликка тортиладиган базани камайтиришнинг барча холлари бУйича тузилган махсус хисоб - китобнинг амалдаги конунчиликка мос келишини диккат билан текшириш лозим.

Бундан ташкари тахмин килинаётган фойда ва соликларнинг жорий тУловлари хакидаги маълумотнома хам текширилиши керак. Солик тУловчи солик суммасини мустакил аниклашда, Узи солик бУйича бериладиган имтиёзларни хисобга олади ва соликларнинг Уз вактида хамда хар хил даражадаги бюджетларга тУланиши учун жавобгардир.

б) Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигини текшириш.

Аудитор корхона штатидаги ходимлардан, шунингдек пудрат шартномаси ва мехнат битими бУйича ишга жалб килинган шахслардан даромад солиги олишнинг турилигини танлов усули билан текшириш керак. Аудитнинг максади Узбекистон Республикасининг Солик Кодекси талабларига риоя килинаётганлигини текшириш ва йУл кУйилаётган хато-камчиликларни тугатиш бУйича тавсиялар беришдан иборат.Йиллик умумий даромад билан чегирмалар Уртасидаги фарк сифатида аникланадиган даромад жисмоний шахсларнинг соликга тортиладиган даромадини ташкил килади. Тажриба шуни кУрсатмокдаки, кУпчилик холларда жами даромадни хисоблаш ва имтиёзларни кУллашда хатоларга йУл куйилади. Хусусан, кУпчилик холларда хорижий валютада олинган даромадлар асоссиз равишда сУмга хисоблаб Утказилмайди, бундай хисоблаб Утказиш эса даромад олинган вактида амалда бУлган, Уз. Р.МБ курси бУйича амалга оширилиши керак. Айрим холларда Узбекистон Республикаси Нафака фондига ушланган суммага жами даромад камайтирилмайди. КУпгина холларда хизмат сафари харажатларини коплаш нормаларидан ошган суммалар ва натурал шаклда олинган даромадлар соликка тортиладиган даромадга киритилмай колади. Натурал шаклда олинган даромадлар йиллик жами даромад таркибида давлат бахоси бУйича хисобга олиниши лозим, улар бУлмаганда эса даромад олинган кундаги бозор бахоси бУйича хисобга олиниши керак.

Жисмоний шахснинг йиллик умумий даромадига мехнат хаки шаклида олинган даромадлар, жисмоний шахслар мулкидан оладиган даромадлари ва тадбиркорлик фаолиятидан олинган ялпи даромад киради.

Соликка тортиладиган базани тури аниклаш учун жами даромаддан куйидагилар чегириб ташланади:

* ижтимоий сугурта ва таъминотга доир давлат нафакалари (вактинча мехнатга лаёкатсизлик учун бериладиган нафакадан ташкари): хизмат вазифаларини бажариш билан боглик ходимларга етказилган зарарларни коплаш учун берилган суммалар;
* ишдан бУшаганда тУланадиган нафакалар шунингдек, ишдан бУшатилаётган ходимларга корхонадан кетаётганда тУланадиган барча турдаги пуллик компенсациялар;
* олинадиган алиментлар;
* давлат заёмлари, давлат мажбуриятлари, лотореялардан тушадиган даромадлар;

* бир йил давомида ойлик минимал иш хакининг 12 баробар микдоригача бУлган моддий ёрдам суммаси,

* бошка бир катор даромадлар (уларнинг рУйхати амалдаги конунчиликка асосан белгиланади).

Солик ходимнинг календар йилининг бошидан бошлаб олган, жами даромадининг белгиланган чегирма ва бериладиган имтиёзларни айиришдан колган кисмидан хисобланиб хар ойда ушлаб колинади.

Аудитор Молия вазирлиги ва Давлат солик комитети томонидан 1998 йилнинг 23 февралида тасдикланган «**Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигини хисоблаш ва бюджетга тУлаш тартиби турисидаги йУрикнома**»га мувофик белгиланган имтиёзлар тури кУлланилганлигини ва соликнинг хисобланиши турилигини текшириш керак.

в) +Ушилган киймат солигини текшириш.

+Ушилган киймат солиги (++С) бизнинг иктисодиётимиз учун нисбатан янги тушунча бўлиб,эгри соликлар тоифасига киради ва сотилган товарлар, иш ва хизматлар ***бахосига*** кУшилади. ++С бизда олдин кУлланилиб келинган **айланма солиги ва сотишдан тУланадиган соликлар**нинг Урнини эгаллайди ва барча турдаги товарлар ва хизматларни камраб олиб, бюджет билан хисоб-китобларда мухим Урин тутади.

++С ини савдо ва умум овкатланиш корхоналаридан ташкари Республика худудида тадбиркорлик фаолияти билан шугулланувчи хамма хукукий шахслар тУлайди.

Товарлар сотиш, иш ва хизматлар бажариш бУйича айланма кУшилган киймат солигининг объекти хисобланади. Харидорларга жУнатилган махсулот, бажарилган иш ва хизматлар товарлар сотиш бУйича айланмани ташкил килади.

Товарлар сотиш Узида ишлаб чикарилган хамда четдан сотиб олинган хамма товарларни сотиш бУйича айланма солик олинадиган объект бўлиб хисобланади. Солик солиш максадида истеъмол учун белгиланган ва кийматга эга бУлган хамма нарса (товар, махсулот, кУчмас мулклар, электр ва иссиклик энергияси, газ, сув ва бошкалар) товар бўлиб хисобланади.

Бажарилган ишлар бУйича курилиш-монтаж, таъмирлаш, илмий-текшириш, тажриба-конструкторлик, лойиха-кидирув ва бошка ишларнинг киймати солик объекти бўлиб хисобланади.

Хизматлар кУрсатиш бУйича пассажир ва юк транспортининг хизматлари, шу жумладан нефть, газ, электр ва иссиклик энергиясини Узатиш, товарларни ортиш, тушириш ва саклаш бУйича кУрсатиладиган хизматларнинг киймати, мулкларни ижарага бериш, воситачилик, алока, турар жой - коммунал, реклама ва бошка хизматларнинг киймати солик объекти бўлиб хисобланади.

Товар ва хизматларни тадбиркорлик фаолиятидан ташкари корхонанинг бошка ички эхтиёжлари учун сотиш бУйича айланма товар ва хизматларни бошка корхоналар ва жисмоний шахсларга, шу жумладан корхонанинг ишловчиларига текинга бериш бУйича айланма хамда гаров предметини сотиш бУйича айланма хам соликка тортиладиган айланмага киради.

Сотиш бУйича соликка тортиладиган айланма суммаси сотиладиган товарлар, иш ва хизматларнинг амалдаги нарх ва тарифлар билан бахоланадиган кийматига асосан, уларга кУшимча киймат солигини киритмаган холда аникланади. Аудитор ++С гини тУлашнинг турилигини текширишда моддий кийматларнинг харажати акс эттириладиган барча счётларни, тУлов топшириклари ва бошка тУлов хужжатларини назорат килиб чикиши лозим.

Аудитор текширув жараёнида ++С нинг тури хисобланганига ишонч хосил килиши лозим. Хисоб-китоб махсус шакл бУйича тузилади ва мохияти шундан иборат бУладики, бюджетга тУланиши лозим бУлган солик суммаси харидорларга сотилган товарлар (бажарилган ишлар, кУрсатилган хизматлар) учун улардан олинган ва сотиб олинган моддий ресурслар, ёкилги, хизматлар учун мол етказиб берувчиларга тУланган солик суммасининг мазкур хисобот даврида ишлаб чикариш ва муомала сарфларига хакикатдан олиб борилган кийматига тегишли суммаси Уртасидаги фарк кУринишида намоён бУлади.

Хусусан, ++С ни текшириш куйидагиларни Уз ичига олинади:

* олдинги даврлардаги солик хисоботларини тахлил килиш, камчилик кУрсатилган масалаларни ва ушбу масалалар бУйича берилган тавсияларнинг бажарилишини аниклаш;

* жорий давр учун ++С счётлари бУйича колдикларни олдинги даврлар учун колдиклар билан таккослаш ва катта ёки гайри оддий тафовутларни тахлил килиш;
* жорий давр учун хакикий ставкаларни таккослаш ва катта ёки гайри оддий тафовутларни тахлил килиш;
* хисобот даври учун бюджетга тУловлар тУланишини тахлил килиш.

Товарлар, иш ва хизматларни сотиб олиш чогида тУланган ++Сни аудиторлик текширувидан Утказишда, айланма маблаг- ларни сотиб олишдаги ++С ва бюджетдан копланадиган ++С хисоб-китобини тахлил килиш зарур.

Айланма маблагларни сотиб олишга доир ++Сни тахлил килишда Бош дафтардаги колдиклар, бюджет билан хисоб-китобларга доир дастлабки хужжатлар ва баланснинг тузилиши синчиклаб текширувдан Утказилади.

Асосий воситалар ва номоддий активларни сотиб олишда тУланган ++С суммалари, асосий воситалар ва номоддий активларни хисобга кабул килиш пайтида бюджетга тУланадиган ++С суммасидан тУлигича чегириб ташланади.

Бюджетдан копланадиган, тУланган ++С ни тахлил килишда аудитор куйидаги ишларни амалга ошириши лозим:
* 4510 - «Соликлар бУйича бУнак тУловлар» счётининг ++С хисоб-китоби» аналитик счёти дебети бУйича ёзувлар текширувдан Утказилади;
* баланс тузиш (текширув максадида) ва сотиб олинган ишлаб чикариш захиралари, иш ва хизматлар бУйича тУланган ++С ни хисобга олишнинг турилигини дастлабки хужжатлар бУйича танлаб текшириш.

Ушбу иш ++С бУйича бюджет билан хисоб-китобларни хисобот даврлари бУйича аник таксимлашни назарда тутади.

Сотиладиган товарлар, иш ва хизматлар таннархига кУшиладиган, олинган ++С хисобининг турилигини, бюджет олдидаги ++С бУйича карзларнинг мувофиклигини текширишда аудиторлар куйидаги ишларни амалга оширишлари лозим:
* Бош дафтардаги колдикларни текшириш;
* ++С бУйича йигма ведомост тузиш ва хисоб-китоб счётларининг маълумотларини тахлил килиб чикиш;
* Солик инспекциясига такдим килинган ++С хисоб-китобларининг маълумотларини текшириш;
* фаолият хусусиятлари ва сотиладиган махсулот (иш, хизмат)лар турларига караб солик ставкаларини кУллашнинг турилигини тахлил килиш;
* хисобот даври учун ++С бУйича карзларни кайта хисоблаш;
* конун хужжатларига мувофик ++С бУйича берилган имтиёзларнинг тури кУлланишини тахлил килиш;
* ++С бУйича Уртача ойлик карз хисоб-китоби асосида ++Сни тУлаш даврийлигини аниклаш;
* ++С бУйича хисоб-китобларни ва хужжатларни тузишнинг турилигини, пенялар ва жарималар тУлашдан кочиш учун банк кУчирмалари маълумотларига таккослаш йУли билан танлаб текширув Утказиш.

6410-«Бюджет тУловлар бУйича карздорлик (турлари бУйича)» счёти («кУшилган киймат солиги бУйича хисоб-китоблар» субсчёти)нинг дебет ва кредит ёзувларининг аниклиги назорат килинади. Хусусан, ноишлаб чикариш эхтиёжлари учун сарфланган, сотиб олинган товар-моддий кийматликлар учун тУланган ++С 68-счётнинг дебетига олиб борилмаслиги керак, балки тегишли харажат счётларига олиб берилади.

Асосий воситалар ва номоддий активлар, тУланган ++С хам киритиладиган, сотиб олиш киймати билан киримга олинади.

Аудитор ++С бУйича кУлланилган имтиёзларнинг хамда ишлаб чикаришга сарфланган моддий ресурслар учун мол етказиб берувчиларга тУланган ++Снинг харидорларга жУнатилган тайёр махсулотлар учун корхона хисоблаган ++Сдан ошган суммаларининг турилигини текшириши керак.

Соликлар ва бУнак тУловларининг Уз вактида бюджетга Утказилиши хам текширилиши керак. Акциз солиги, ер остидан фойдаланганлик учун олинадиган солик, экология солиги ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун олинадиган соликларни текшириш.

Аудитор акциз солигини текшириш учун аввало, Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси томонидан тасдикланган, амалдаги акциз солиги белгиланган товарлар рУйхати ва акциз солигининг ставкалари билан танишиши лозим. СУнгра аудит Утказилаётган

корхонада акциз тУланадиган товарлар аникланиб, улар бУйича солик объекти тури белгиланганлиги текширилади. Солик Кодексининг 83--моддасига мувофик Узбекистон Республикасида ишлаб чикарилган, акциз солиги тУланадиган товарлар учун уларнинг кУшилган киймат солиги хисобга олинмайдиган (акциз солиги суммасини Уз ичига олган) киймати ёки товарнинг физик хажми солик обекти хисобланишини назарда тутиш керак. Агар товар ишлаб чикарувчи акциз тУланадиган товарни натурал хак ёки совга сифатида берса, солик тУловчида товарни топшириш пайтида вужудга келган, лекин килинган хакикий харажатлардан кам бУлмаган, нархлар даражасидан келиб чикиб хисобланган киймат солик солиш объекти хисобланади. Шу билан бирга аудитор буюртмачиларнинг хом ашёларидан ишлаб чикарилган товарлар бУйича хам акциз солиги хисобланишини текшириши зарур.

Шундан сУнг аудитор хисобланган акциз солигининг тУлаш муддатларига риоя килинишини текширади. Бунда Солик Кодексининг 84-моддасига мувофик акциз солиги бюджетга, конун хужжатларида бошкача тартиб назарда тутилмаган бУлса, ойнинг акциз тУланадиган товар реализация килинган Ун кунлиги тугаганидан сУнг уч кундан кечиктирмай Утказилганлиги текширилади. Шунингдек солик тУловчи акциз солиги бУйича хисоб-китобларни солик инспекциясига хар ойда хисобот ойидан кейинги ойнинг 20-кунидан кечиктирмай такдим этиб келаётганлигини аниклаши лозим.

Акциз солиги тУланган хом-ашёдан акциз тУланадиган товар ишлаб чикарилган такдирда, мазкур хом-ашё учун тУланган акциз солигининг суммасига ушбу товарга солинадиган акциз солиги камайтирилишини назарда тутмок керак. Аудитор акциз солиги тУланадиган импорт килинадиган товарлар бУйича солик солишни текширишда божхона хакидаги конун хужжатларига мувофик аникланадиган **божхона киймати** солик солиш объекти эканлигига амал килади. Шунингдек акциз тУланадиган импорт товарлар учун акциз солиги Уз вактида, яъни божхонада расмийлаштирилишига кадар ёки расмийлаштирилиши пайтида тУланганлигини хам аниклаши зарур.

Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун тУланадиган соликни текширишда, аудитор аввало, солик солиш объектларининг турилигини аниклаш зарур. Бунда солик солиш объектларининг Солик Кодексиннг 106--моддасига мувофик келишини текширади. СУнгра ушбу солик ставкаларининг тури кУлланилиши Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси томонидан белгиланган ер остидан фойдаланганлик учун солик ставкаларига мувофик аникланади. Бунда аудитор ушбу солик бУйича белгиланган имтиёзларни хам назарда тутиш керак. Ер остидан фойдаланганлик учун тУланадиган соликдан озод этилганлар Солик Кодексининг 108-моддасида келтирилган.

* ер каърини геологик жихатдан Урганувчи шахслар;
* геология, минерология ва бошка алохида кУрикланадиган табиий худудларда илмий ишлар олиб борувчи шахслар;
* бюджетдаги ташкилотлар ва муассасалар, ер ости иншоотлари кУрганлик ва улардан фойдаланганлик учун;
* Узларига берилган ер участкалари доирасида Узларининг хУжалик ва маиший зхтиёжлари учун белгиланган тартибда кенг таркалган фойдали казилмалар казиб олишни, хамда ер ости иншоотлари куришни амалга ошираётган ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар;
* метрополитен ер ости иншоотларидан фойдаланганлик учун. (Солик Кодекси. 108--модда).

СУнгра аудитор ер остидан фойдаланганлик учун соликни хисоблаб чикариш ва тУлашнинг турилигини хам аниклаши лозим. Бунда у солик тУловчилар томонидан ер остидан фойдаланганлик учун тУланадиган солик бУйича хисоб-китобларни солик органларига такдим этиш тартибига риоя килинганлигини Солик Кодексининг 109-моддасига мувофик текширади.

г) Экология солиги ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун олинадиган соликларни текшириш

Аудитор экология солиги аудитини корхонанинг шу соликни тУловчи эканлиги ва солик солиш объектларининг тури аникланганлигини текширишдан бошлаши лозим. СУнгра экология солигининг ставкаси ва бу солик бУйича белгиланган имтиёзларнинг тури кУлланилиши текширилади. Масалан, Солик Кодексининг 113 -моддасига мувофик «Нуроний» жамгармаси ва унинг корхоналари соликдан озод килиш натижасида бУшайдиган маблаглардан жамãарма уставида белгиланган вазифаларни бажаришда фойдаланганида,

хамда ишловчиларининг камида эллик фоизи ногиронлар бУлган хукукий шахслар (савдо, воситачилик, таъминотсотиш ва тайёрлов фаолияти билан шуъулланувчи корхоналар бундан мустасно) экология солигидан озод килинади.

Аудитор экология солигини хисоблаб чикариш тартиби ва ушбу солик бУйича хисоб-китобларни такдим этиш муддатларига риоя килинишини хам аниклаши зарур. Бунда у Солик Кодексининг 114--моддасига мувофик экология солиги солик тУловчилар томонидан хисобланишини ва ушбу солик юзасидан хисоб-китоблар йил чораклари бУйича ва йиллик молиявий хисоботларни топшириш учун белгиланган муддатларда солик органларига такдим этилишини назарда тутиши лозим. Экология солигини тУлаш муддатларига риоя килинишига хам эътибор берилиши керак.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун соликни Уз фаолиятида сувдан фойдаланувчи хукукий шахслар тУлайдилар. Бу соликни текширишда солик солиш объектининг Солик Кодексининг 117-моддасига мувофиклиги аникланади. СУнгра Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси томонидан белгиланган амалдаги солик ставкалар ва Солик Кодексининг 119-моддасига мувофик сув ресурсларидан фойдаланганлик учун тУланадиган солик бУйича имтиёзларнинг тури кУлланилиши текширилади. Аудитор сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солик суммасини хисоблаб чикариш тартиби ва хисоб-китобларни солик органларига такдим этиш ва соликни тУлаш муддатларига риоя килинишига алохида эътибор каратиши лозим.

д)+ишлок хУжалик корхоналарида тУланадиган ягона ер солигини текшириш.

Аудитор ягона ер солиги бУйича бюджет билан хисоб-китобларни текшириши учун соликнинг мохиятини ва уни тартибга солувчи меъёрий базани билиши зарур.

Ягона ер солиги ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, кишлок хУжалик товар ишлаб чикарувчилари мехнатининг пировард натижаларидан иктисодий манфаатдорлигини кучайтириш ва соликка тортиш механизмини соддалаштириш учун 1999 йилнинг 1-январидан бошлаб жорий килинган.

+ишлок хужалик юритиш учун эгалик килиш ва фойдаланиш учун берилган ёки ижарага олинган ер майдонлари солик объекти бўлиб хисобланади.

+ишлок хУжалик кооперативлари (ширкатлар), фермер хУжаликлари ва агрофирмалар ягона ер солигининг тУловчиларидир.

Урмон, балик ва овчилик хУжаликлари, илмий-текшириш ташкилотлари ва илмий муассасаларнинг тажриба, эксперименталь ва Укув-тажриба хУжаликлари, хукукий шахс макомига эга бУлмаган ёрдамчи кишлок хўжалиги хамда «Дехкон хУжаликлари турисида»ги конунда кУзда тутилган соликка тортиш шартлари саклаб колинган дехкон хУжаликлари ягона ер солиги тУламайди.

Ягона ер солиги Узбекистон Республикасининг Президенти 1998 йилнинг 10 октябрида кабул килинган «+ишлок хУжалик товар ишлаб чикарувчилари учун ягона ер солигини жорий этиш турисида»ги Фармонига хамда Вазирлар Махкамасининг 1998 йил 26 декабридаги 539-сонли карорига асосан жорий килинган. Ягона ер солигининг тУловчилари бУлган, кишлок хУжалик товар ишлаб чикарувчиларининг шу солик бУйича давлат бюджети билан хиосблашиш механизми Узбекистон Республикасининг Адлия Вазирлиги 1999 йилнинг 22 январида 609- тартиб раками билан рУйхатга олинган « +ишлок хУжалик товар ишлаб чикарувчилари томонидан ягона ер солигини хисоблаш ва тУлаш тартиби турисидаги йУрикноам “да белгиланган.Ягона ер солиги соликка тортиладиган ер майдони, база ставкалари ва тузатиш коэффицентларига асосан солик тУловчилар томонидан мустакил равишда хисобланади.

Соликка тортиш максадида ерлар сугориладиган ерлар, лалмикор ерлар ,Утлок ва яйловлар, жамоат бинолари ва хонадонлар билан банд бУлган ерлар, сув хавзалари, каналлар, коллектор ва йУллар билан банд бУлган ерлар хамда кишлок хўжалигида фойдаланилмайдиган бошка ерларга бУлинади. Хар бир ер гурухи бУйича тегишли база ставкалари ва тузатиш коэффицентлари кУлланилади.

Сугориладиган ерлар бУйича бали «0» дон 10 гача бУлган биринчи синфга кирадиган ернинг 1 гектори учун абсалют сУм- мада белгиланган солик ставкаси база ставкасига кабул килинган. База ставкалари туман ва шахарлар бУйича белигиланган. Ер майдонларининг каерда жойлашганлигига, сифати (балл-бонитети) ва сув билан таъминланганлигига караб база ставкалари тегишли тузатиш коэффициентларига асосан Узгартирилади.

Лалмикор ерлар хамда Утлок ва яйловлар учун вилоятлар бУйича белгиланган база ставкалари кУлланилади.

Жамоат бинолари ва ханодонлар, сув хавзалари, каналлар, коллектор ва йУллар билан банд бУлган ерлар хамда кишлок хўжалигида фойдаланилмайдиган бошка ерлар бУйича тегишли туман ва шахарларнинг сугриладиган ерларининг биринчи синфи учун белгиланган ставкалар база ставкасига кабул килинган.

+ишлок хўжалиги учун белгиланган ерларнинг майдони ер тузиш хизмати томонидан олиб бориладиган **ерларни хисобга олиш ва ерлар инвентаризациясининг маълумотлари билан кишлок хУжалик экинлари ва** ер майдонларини Улчаш маълумотлари хамда махсус лойихалаш ва кидирув ташкилотлари олиб борган текшириш маълумотлари балан тасдикланиши керак.

+ишлок хУжалик товар ишлаб чикарувчилар соликни хисоблаш варакасини солик инспекциясига жорий йилнинг 1-февралигача такдим килишлари керак. Солик йилда икки марта тУланади: йиллик соликнинг 30 % дан кам бУлмаган кисми 1 июлгача, колган кисми 1 декабргача тУланиши керак.

Ягона ер солигининг хисобланган суммаси давр харажатига олиб борилади. Бюджет билан олиб бориладиган хисоб-китоб 6410-«Бюджетга тУловлар бУйича карздорлик (турлари бУйича) хисоб ракамининг «Ягона ер солиги» аналитик счётида олиб борилади. Хисобланган соликнинг суммаси шу счётнинг кредитидан 9439-«Бошка операцион харажатлар счетининг» хисоб ракамининг дебетига олиб борилади.

- Ягона ер солигининг тУловчилари Узбекистон Республикасининг амалдаги конунларига мувофик соликнинг тури хисобланиши ва Уз вактида тУланиши учун жавогардирлар .

е) Махаллий соликлар ва йигимларни текшириш.

Мол-мулк солигини текшириш. Бу солик корхоналарни мавжуд активлардан самарали фойдаланишга ва кераксиз мулклар тУпланиб колишига йУл кУймасликни рагбатлантириш учун жорий килинган. Бу соликни соликни соликка тортиладиган мулки, банкда муддатсиз депозит счёти бУлган ва мустакил балансдаги хукукий шахслар тУлайди.

Солик Кодексининг 90-моддасига мувофик хукукий шахслар учун мол-мулк солиги у кайси манбадан олинганидан катъий назар, корхона балансида тУрган барча асосий воситалар ва номмоддий активларнинг йиллик Уртача кийматига нисбатан хисобланади. Бунда аудитор соликка тортиладиган объектларнинг суммасини ва хар чоракликда йил бошидан Усиб борувчи жами билан хисобланадиган солик суммасининг турилигини текшириши лозим. Жисмоний шахслар учун эса уларнинг мулки хисобланган квартиралар, чорбог ва бог уйлари, гаражлар ва бошка иморатлар, бинолар ва иншоотлар киймати, шунингдек автомобиллар, моторли кайиклар, вертолётлар, самолётлар ва бошка транспорт воситалари двигателларининг куввати солик объекти хисобланади. Аудитор жисмоний шахсларнинг мол-мулкини соликка тортишни текширишда Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси томонидан белгиланган солик ставкаларига риоя килинишига алохида эътибор бериши лозим.

Солик ставкаси корхонанинг балансидаги лизинг шартномаси бУйича олинганлари хам кУшилган асосий воситалар ва номмоддий активларнинг эскириши айрилмаган Уртача йиллик кийматига нисбатан кУлланилади. Мулк суммаси унинг Утган хар ойнинг 1санасига бУлган колдиги бУйича хисобланади.Бу мулкларнинг Уртача йиллик киймати Утган хар ойнинг 1-санаси бУлган Бунда чоракликнинг боши ва охирига бУлган колдикларнинг ярми билан колган ойларнинг 1-санасига бУлган колдиклар кУшилиб, 12га таксимланади. Масалан, баланснинг тегишли -моддалари бУйича суммаларнинг колдиклари (минг сУм хисобида) 01.01. га 10800, 01.02. га 11000, 01.03. га 10500, 01.04. га 12000 бУлса, бу маълумотлар бУйича мулкларнинг Уртача йиллик киймати куйидагича аникланади:

(10800:2)+11000+10500+ (12000:2) к2742 минг сУм
12

Бу холда мулк солиги амалдаги 4%лик ставка билан 109680 сУмни ташкил этади.
(2742,0 : 100) х 4% к 109680

Берилган колдикларга асосан шундай тартиб билан ярим йиллик учун соликни хисоблаймиз:

01.04. га 12000,0 01.05. га 13000,0 01.06. га 12900,0 01.07. га 13100,0 минг сУм бУлса, йиллик Уртача колдик 5945,1 минг сУм бУлади:

(10800,0:2)+11000,0+10500,0+12000,0+13000,0+12900,0+(13100,0:2) к5945,1

солик суммаси эса 5945,1 минг сУм:100х4 фоиз 237804 сУм бУлади.

Шундай килиб, корхона II чораклик учун корхона 128124 сУм (237804-109680) мулк солиги тУлаши лозим.

IV-чорак учун тУланадиган солик йиллик баланснинг тегишли -моддалари бУйича Уртача колдиклардан хисобланган соликдан 9 ой учун тУланган солик суммаларини айриш билан аникланади.

Аудитор хукукий ва жисмоний шахслар мулкига солинадиган соликлар бУйича белгиланган имтиёзларнинг тури кУлланилишини текширади. Бунда у Солик Кодексининг 92 ва 93-моддаларига риоя килинганлигини аниклаши лозим. Аудитор хукукий ва жисмоний шахсларнинг мулкига солинадиган соликни хисоблаш ва тУлаш тартибига кандай риоя килинаётганлигига хам алохида эътибор бериши зарур. Бунда у Солик кодексининг 94-моддасига мувофик хукукий шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солик бУйича жорий тУловлар бюджетга хар ойнинг 20-кунидан кечиктирмасдан, йиллик тУлов суммасининг Ун иккидан бир кисми микдорида тУланиб келинаётганлигини аниклаши керак. Шу билан бирга солик тУловчилар томонидан мол-мулк солиги бУйича хисоблаш варакаларини солик органларига йилнинг чораклари бУйича ва йиллик молиявий хисоботларни такдим этиш муддатида топширилишини хам Ўрганиш зарур.

Жисмоний шахсларнинг иморат, бино ва иншоатлари учун мол-мулк солиги уларнинг хар йил 1 январдаги холати юзасидан коммунал хизмат кУрсатиш идоралари берадиган инвентаризация кийматига доир маълумотлар асосида, бундай маълумотлар бУлмаган такдирда эса мазкур объектларнинг мажбурий сугуртаси бУйича тУловларни хисоблаб чикариш учун кУлланиладиган бахолар асосида хисобланиши текширилади. Транспорт воситаларигасолинадиган мол-мулк солигини текширишда уларни давлат рУйхатидан Утказувчи органларнинг маълумотлари асосида хисоблаб чикарилганлиги аникланади. Янги олинган транспорт воситалари учун мол-мулк солиги улар олинган ойдан кейинга ойдан бошлаб тУланишини хам текшириш зарур.

Аудитор, агар корхонадаги мол-мулклар бир неча мулкдорларнинг улушбай асосида умумий мулки бУлган холатларни текширганда мол-мулк солиги хар бир мулкдор томонидан умумий мулкдаги улушига мУтаносиб равишда тУланганлигини аниклаши лозим. Янги кУрилган иморатлар, бинолар ва иншоатлар бУйича солик улар барпо этилган ёки олинган йилдан бошлаб тУланишини эътибордан чикармаслик керак.

Булардан ташкари мерос бўлиб Утган ёки бир мулкдордан иккинчисига Утган мол-мулкларнинг соликка тортилиши тартиби хам текширилади

Табиий офат ёки бошка сабабларга кУра йУколган мол-мулклар бУйича солик ундириш улар йУк килинган ёки бутунлай вайрон бУлган ойдан бошлаб тухтатилади.

Мол-мулк солиги бУйича имтиёзларнинг тури кУлланилиши ва тУлов муддатларига риоя килиниши хам текширилиши зарур.

5.2.6 Ижтимоий сугурта ва таъминотга доир хисоб-китоблар аудити.

Ижтимоий сугурта ва таъминот фондларига тУловлар хисобланиши хамда тУланишини аудиторлик текширувидан Утказишда куйидагилар бажарилади:

- *хар бир фонд тури бУйича ва сугурта тури бУйича тУлов (бадал) хисоблаш учун кабул килинган базанинг ишончлилигини аниклаш;*
- *тегишли фондлар бУйича сугурта бадаллари ставкаларини кУллашнинг турилигини текшириш;*
- *хисоблашларни текшириш;*
- *сугурта бадалларини хисоблаш манбаларини текшириш.*

Хисоб ва хисобот маълумотларининг тенглигини куйидаги чизма бУйича солиштириш йУли билан аниклаш зарур (5.2.6.1-чизма)



Ижтимоий сугурта ва таъминот фондларига тУланадиган сугурта бадаллари бУйича хисоб-китоб ведомостлари – тегишли фондлар бУйича хисобот давринииг охирига карз колдикларининг суммаси.

5.2.6.1-чизма. Ижтимоий сугурта ва таъминотга доир хисоб-китобларни текшириш кетма-кетлиги

Маълумотларда тафовутлар бУлган холларда фондлар ва дебет ёки кредит оборотлари текширилиб, тафовутлар кУлами аникланади. Кейинчалик ушбу тафовутларнинг сабаблари аниклаштирилиши лозим.

Молиялаштириш манбаидан катъий назар барча асослар бУйича ходимлар фойдасига хисобланган, пул ва (ёки) натура шаклдаги тУловларнинг барча турлари ушбу фондларга сугурта бадалларини хисоблаш учун объект бўлиб хисобланади.

Сугурта бадалларини хисоблаш учун кУлланиладиган базанинг ишончлилигини текширишда куйидагиларни бажариш зарур:

- хисобот даврида хисобланган ва тУланган мехнат хаки хамда бошка тУловлар турларини аниклаш;
- хакикатда сугурта бадаллари хисобланган тУловлар турларини, тегишли ижтимоий сугурта фондига сугурта бадаллари хисобланмайдиган тУловлар рУйхатига мувофик улар хисобланиши ёки хисобланмаслиги лозим бУлган тУлов турлари билан таккослаш;
- тегишли фондлар бУйича сугурта бадалларининг тУлик тУланмаган (ёки ошикча тУланган) микдорини анихлаш.

Олдин хисобланмасдан, корхона кассасидан берилган хар хил тУловларни (моддий ёрдам, мукофот) махсус эътибор билан текшириш керак.

СУнгра хисобланган ва тУланган сугурта бадалларининг хисобда тури акс эттирилишини аниклаш зарур. Бунда ходимларга тУланган тУловларнинг сугурта бадалларини хисоблаш молиялаштириш манбаси хисобидан акс эттирилаётганлигига эътибор каратилади. Текширув натижалари ишчи хужжатлар билан расмийлаштирилади.

Текширув якунида аудитор аникланган тафовутларнинг хисобот кУрсаткичларига (таннарх ва молиявий натижага,ижтимоий сугурта ва таъминот бУйича карзлар микдорига),ахамиятлилик даражасини хисобга олган холда, кандай таъсир кУрсатишини аниклайди.

5.2.7.Турли дебиторлар ва кредиторлар билан хисоб-китоблар аудити.

Дебиторлар ва кредиторлар билан хисоб-китобларни текширишда, аудитор аввало дебитор ва кредитор карзларнинг пайдо бУлиши сабабларини аниклаши зарур. Хисоб-китобларнинг белгиланган коидаларига мувофик келадиган карзлардан ташкариси, катта микдордаги дебитор ва кредитор карзларнинг мавжудлигидан далолат беради.

Бу муомалаларни текширишга киришишдан олдин карзларнинг тегишли колдиклари баланс -моддалари бУйича тури акс эттирилганлигини аниклаш лозим. Бунинг учун текшириш даври бошидаги хисоб-китобларнинг хар кайси тури юзасидан аналитик хисоб регистрларининг маълумотлари бУйича хисоб китобларни хисобга олиш учун мУлжалланган счётлар бУйича колдиклари баланснинг тегишли моддалари колдиклари билан таккосланади. СУнгра хисоб-китобларни хар кайси тури алохида текширилади. Бунда аудитор карзнинг пайдо бУлиши сабабларини, у кимнинг айби билан ва качон пайдо бУлганлиги, уни ундириб олиш мумкин ёки мумкин эмаслигини, яъни дебиторлар Уз карзларини тан олган хатлар ёки хисоб-китобларни таккослаш далолатномалари мавжудлигини, даъво килиш муддатлари Утказиб юборилмаганлигини, карзларни ёпиш ёки ундириш учун кандай чоралар кУрилаётганлигини аниклаши лозим.

Турли дебиторлар ва кредиторлар билан хисоб-китоблар аудити буйича 4810-4890, 6810, 6820, 6830 ва 6890 - счётларнинг хисоб регистрлари ва хисоботлардаги бухгалтерия ёзувлари хамда улардаги хисобда тУрган карзлар текширилади. Турли дебитор ва кредиторлар билан хисоб-китобларни текшириш услубиёти ва кетма-кетлиги бошка барча хисоб-китоб муомалаларини текширишга Ухшаш.

Юкорида келтирилган счётларда хисобга олинадиган муомалаларнинг хилма-хиллигини эътиборга олган холда, аудитор хисоб-китоблар ахволини тахлил килиш чогида ушбу счётлар

кУлланишининг конунийтлигини аниклайди.(Яьни 4810-4890, 6810, 6820, 6830 ва 6890 счётларда бошка хисоб-китоб счётларида хисобга олинадиган муомалалар акс эттирилмаётганлигини аниклайди).

Аудитор йил охирида тУланмаган, депонентланмаган суммалар буйича хакикатда тУланган иш хаки суммаларидан хисобланиши лозим бУлган даромад солигининг кайта хисобланганлигини аниклаш зарур.

Ижро варакаси бУйича бошка корхоналар фойдасига ушланадиган суммалар (алиментлар, жарималар, моддий зарарни ундириш ва ш.У.) турилиги ва асосланганлигини хисоб ёзувларини хисоблашув-тУлов ведомостлари ва ушлаш учун асос бУлган бошка хужжатлар билан солиштириш оркали текширилади. Бундай суммалрни Утказишнинг Уз вактидалиги ва тУликлиги шахслар бУйича карзларнинг ахволи ва харакатини тахлил килишда ва суммаларнинг ходимлардан ушланган хамда Утказилган санаси билан таккослаш оркали аникланади.

Нотижорат ташкилотлар (бюджет ташкилотлари) билан хисоб-китобларни текширишда шартномалар мавжудлиги, иш (хизмат) бажарилишини хужжат билан тасдикланиши, уларнинг хусусиятлари, ишлаб чикариш ёки ноишлаб чикаришга таалукли эканлиги аникланади. Булар сарфларни молиялаштириш манбаларини аниклашнинг турилигини тасдиклаш учун зарур. Чунончи, Укитиш малака ошириш билан боглик ва ишлаб чикариш максадлари учун зарур бУлса, Укув учун тУловлар «Харажатлар таркиби ... турисидаги Низом»га мувофик таннархга кУшилиши мумкин.

Айрим холларда хисоб-китобларни дебитор карз суммаси катта бУлган ташкилотлардаги тегишли хужжатлар билан таккослаб кУриш тавсия килинади.Бундай карама карши текширувлар биринчи навбатда, савдо ва таъминот ташкилотларида Утказилади.

Дебитор ва кредитор карзларининг даъво муддатлари, хамда дебитор карзларни ундириш бУйича хУжалик судига мурожат килиш тартиби текширилади. Шунингдек, дебитор ва кредитор карзларининг инвентаризацияси ва унинг натижаларини тахлил килинади. Бунинг учун аудитор турли дебитор ва кредиторлар билан хисоб-китоб муомалаларини аудиторлик текширувидан Утказишни якунлашда аудитор ишчи хужжатлардаги маьлумотларни умумлаштиради ва 4810-4890, 6810, 6820, 6830, 6890 - счётлар бУйича хисоб хамда хисобот маьлумотларининг ишончлилиги, хисобни юритиш турилигини бахолайди.

5.2.8. Банк кредитлари ва банкдан ташкари олинган карзлар бУйича хисоб-китоблар аудити.

Банк кредитлари ва карзлар хисобини аудиторлик текширувидан Утказиш учун аудитор Узбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини тартибга соладиган куйидаги меъёрий хужжатларга асосланиши керак:[2]

№	Меъёрий хужжат номи	Ким томонидан тасдикланган, сана. №	Уз.Р.Адлия Вазирлигида рУйхатга олинган сана. №
1.	«Узбекистон Республикаси худудида хУжалик юритувчи субъектларга банк томонидан киска муддатли кредитлар беришни ташкил этиш турисида Низом”	Уз Р М Б.№24 26.12.1998й №33	№ 675 31 март 1999й
2.	« Узбекистон худудида хУжалик юритувчи субъектларга банклар томонидан Урта муддатли ва узок муддатли кредитлар беришни ташкил этиш турисида Низом»	Уз Р М Б баённома №198 9 октябр 1999й. №330	№ 892 8 феврал 2000й
3.	«Фермер хУжаликлари ва Уз фаолиятини хукукий шахс макомини олган холда амалга шириладиган бошка кичик бизнес субъектларига тижорат банклари томонидан миллий ва чет эл валютасида микрокредитлар бериш тартиби	Уз Р М Б №3 22 феврал 2000 й. № 464	№ 903 29 феврал 2000 й

[2] УзР МБ шу Низомга асосан хамма тижорат банкларига Узлари йУрикнома тайёрлаши учун рухсат берган.

4.	Якка тадбиркорлар ва Уз фаолиятини хукукий шахс макомини олмаган холда амалга оширадиган дехкон хУжаликларига тижорат банклари томонидан миллий ва чет эл валютасида микрокредитлар бериш тартиби	Уз Р М Б №3 22 фаврал 2000й	№ 902 29 февраль 2000й
5	№13 –АФМС «Тахлилий амаллар»	Уз.Р.М.В. 4 август 1999й	3 сентябрь 1999й.

		№64	№814
6	№14 –АФМС «Аудиторлик танлаш»	Уз.Р.М.В. 27 июль 1999й №59	3 сентябрь 1999й. №815

Аудитор корхонанинг молиявий хисоботи бУйича кредит лаёкатини хам кискача тахлил килиши зарур[3]

Банк кредитлари ва карзлар хисобини аудиторлик текширувидан Утказишдан максад корхонанинг олинган кредитлар ва бошка карз маблагларини акс эттирувчи хисобот кУрсаткичларининг ишончлилиги турисида етарли далил-исботларга эга бУлишдан иборат.

Ушбу максадга эришиш учун куйидагилар текширилиши керак:

* кредитлар ва карзларнинг хакконийлиги ва хужжатлаштирилганлигини;
* кредитлар ва карзлар олинишининг асосланганлигини аниклаш (карз маблагларининг олинган манбалари);
* карз маблаглардан максадли фойдаланиш ва уларни тУлик хамда Уз вактида кайтариш (карз маблаглари кайси максадлар учун ишлатилган, кредитлар ва карзлар бУйича карздорлик кандай кайтарилмокда, муддати Узайтирилган карздорлик мавжудлиги);
* кайтарилмаган кредитлар ва карзларнинг колдиклари хамда улар бУйича фоизлар тУланишини бахолаш (кредитлар бУйича фоизларни хисобга олиш, мулкларни бахолаш ва молиявий натижаларни шакллантиришда фоизларнинг Урни);
* кредитлар ва карзлар бУйича синтетик хамда аналитик хисобнинг юритилишини текшириш (кредитлар ва карзларни хисобга оладиган счётларнинг кУлланилиши, карз маблагларини олиш ва кайтариш муомалаларини акс эттириш, молиявий натижаларни шакллантириш тамоилларига риоя килиниши).

Аудиторлик далил – исботларга эга бУлиш учун турли усуллар (хужжатларни текшириш, муомалаларни кУриб чикиш, Уз маблаглари билан карз маблагларнинг нисбатини аниклаш максадида аналитик амалларни бажариш) ва ахборот манбаларидан фойдаланилади.

Ушбу меъёрий хужжатлар рУйхати намуна тарзида берилган. Улар Узгариб туриши мумкин.

Корхонанинг молиявий ахволини тахлил килиш учун мамлакатимиз иктисодчи олимлари И.Т.Абдукаримов, Э.Акромов, Е.Ергешов, Н.Хасанов ва С.Нажмиддиновларнинг асарларидан фойдаланиш тавсия этилади.

Банк кредитлари ва карзларни аудиторлик текширувидан Утказишда куйидаги маълумот манбаларидан фойдаланилади:

* банк кредитлари ва карз олиш масалаларини, бухгалтерия хисобини ва соликка тортиш муомалаларини тартибга соладиган меъёрий хужжатлар;
* банк кредитлари ва карзларга бУйича муомалаларни расмийлаштириш ва хисобда акс эттиришга доир шартномалар ва дастлабки хужжатлар. Буларга: кредит шартномалари ва карз шартномалари, кредитлар бУйича фоиз ставкаларининг Узгариши турисида кредит шартномаларига кУшимча килинадиган битимлар, кредитни кайтариш муддатлари, кредит шартномаларининг бошка шартлари, корхона шахсий счётларининг кредит ва карзлар харакатига доир банк кУчирмалари, кредит шартномасига мувофик кайтариладиган кредит ва фоиз суммаларининг акцептсиз (розиликсиз) хисобдан Учирилишини тасдиклайдиган мемориал-ордерлар киради.

Юкорида кУрсатилган муомалаларни хисобда акс эттиришга доир синтетик ва аналитик хисоб регистрлари хамда бухгалтерия хисоботлари. Мазкур сохани текшириш учун зарур ахборотлар бухгалтерия хисоботининг куйидаги шаклларида акс эттирилади: бухгалтерия балансида (I-шакл) (баланс пассивидаги II-«Мажбуриятлар» бУлимнинг «Узок муддатли карзлар» (410 сатр), «+иска муддатли карзлар (430 сатр) моддалари); Молиявий натижалар турисидаги хисобот» (2 шакл) да (асосий фаолиятнинг бошка жараёнларидан олинган даромадлар ва сарфланган харажатлар (100 сатр) кредитлар ва карзлар бУйича фоизлар суммасига; бошка тУланган ва олинган фоизлар (135 сатр) олинган кредитлар ва карзлар бУйича вужудга келадиган курс ва сумма тафовутлари суммасига); «Пул окимлари турисидаги хисобот»да (4 шакл) (6910-«+иска муддатли банк кредитлари», 6940-«+иска муддатли банкдан ташкари карзлар», 7510-«Узок муддатли банк кредитлари», 7610-«ТУланадиган облигациялар», 7620-«ТУланадиган векселлар», 7690-«Бошка узок муддатли тУланадиган счётлар» бУйича олинган карз маблагларининг суммалари) кредитлар ва карзлар бУйича фоизларни тУлашга йУналтирилган пул маблаглари; узок муддатли кредитлар ва карзларни кайтариш; хисобот иловаларида узок муддатли ва киска муддатли карзлар кУринишида олинган карз маблагларининг мавжудлиги ва харакати муддатида

кайтарилмаган суммалар ажратиб кУрсатилган холда; узок муддатли инвестицияларни маблаг билан таъминлаш ва молиявий харажатларнинг харакати,(агар ушбу максадлар учун кредитлар ва карзлар жалб килинган бУлса).

Буларни текшириш учун аудиторга корхонада кУлланилаётган бухгалтерия хисоби шаклига хос куйидаги синтетик ва аналитик хисоб регистрлари такдим килинади:

* агар журнал-ордер шакли кУлланилса, 4 ва 12 журнал-ордерлар;
* агар хисоб ишлари компьютерлаштирилган бУлса, 6910, 6940, 7510, 7610,7620,7690 - счётлар бУйича компьютер шакллари, аналитик ведомостлар ва Бош дафтар.



5.2.8.1-чизма. Банк кредитлари ва карзларни аудиторлик текширувидан Утказиш кетма-кетлиги

Текширувнинг ушбу сохасига киришишдан олдин аудитор кредит шартномалари ва карз шартномалари Уртасидаги асосий фаркларни билиши лозим.

№ 21 - БХМС га мувофик кредитлар ва карзлардан фойдаланганлик учунтУланадиган фоиз тУловлари молиявий фаолиятга доир чикимлар таркибида хисобга олиниши, яъни молиявий натижаларга - 9620 «Фоиз кУринишидаги харажатлар» счётининг дебетига олиб борилиши, соликка тортиш максадида эса фойда солиги бУйича конунчилик талабларига мувофик хисобга олиниши лозим.

Муомаладан ташкари активларни сотиб олиш учун олинган кредитлар ва карзлар бУйича фоизларни тУлашга доир харажатлар «Харажатлар таркиби турисидаги Низом» га №5 - «Асосий воситалар» номли БХМСга мувофик объектнинг дастлабки кийматига кУшилиши, улар хисобга кабул килинганидан сУнг тУланган фоизлар эса, умумий тартибда 9620- счёт дебетига Утказилиб хисобдан Учирилади.

Фоизларни хисобга олишнинг шунга Ухшаш тартиби моддий ишлаб чикариш захиралари сотиб олиш учун олинган карз маблаглари учун хам кУлланилади. № 4 -«Товар-моддий захиралар» номли БХМСга мувофик корхоналар кредит учун тУловларга доир харажатларни, агар булар сотиб олиш билан боглик бУлса, моддий ишлаб чикариш захираларининг хакикий таннархига кУшилади. Бу тартибга сотиб олинган товар моддий захираларни омборга кирим килинишига кадар риоя килинади, ундан сУнг эса фоизлар одатдагидай хисобга олинаверади.

Кредитлар ва карзларни хисобга олишнинг ташкил этилишини текширишда аудитор олинган кредитлар бУйича колдиклар кандай бахоланаётганлигини аникланиши зарур.

а) Банк кредитлари бУйча хисоб-китоблар аудити.

Банк кредитларини жалб килиш иктисодий ислохотларни чукурлаштириш, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг кУшимча манбаларидан хисобланади.

Корхоналар билан банк Уртасидаги кредит муносабатлари томонларнинг Узаро мажбуриятлари ва маъсулиятларини белгилайдиган, кредит шартномаларига асосан тартибга солинади.

Текширув чогида аудитор кредит шартномаларининг хакикатда мавжудлигини, уларнинг Узбекистон Республикаси Фукаролик Кодекси ва бошка тегишли меъёрий хужжатларнинг талабларига жавоб беришини аниклайди.

Узбекистон Республикасининг Фукаролик Кодексига мувофик кредит шартномалари кредит муносабатларини амалга ошириш учун лицензияга эга бУлган банклар ёки бошка кредит ташкилотлари билан тузилади.

Аудитор шартномаларни тахлил килиб, уларда куйидаги масалалар Уз аксини топганлигини аниклайди:

* кредит беришнинг максади;
* кредит муддатлари;
* кредитни бериш ва кайтариш тартиби хамда шартлари;
* мажбуриятларни таъминлаш шартлари;
* фоиз ставкалари, фоизларни тУлаш тартиби ва муддатлари;
* кредитни бериш ва кайтариш бУйича томонларнинг мажбуриятлари, хукуклари ва маъсулиятлари;
* банкка такдим килинадиган хужжатлар рУйхати ва такдим килиш даврлари;
* бошка шартлар.

Аудитор кредитларнинг максадга белгиланган мувофик сарфланишини ва ссуда карзларини кайтариш тартибини (пул маблаглари кУринишида, вексел бериш йУли билан, Узаро карз суришиш оркали) аниклаши керак. Кредитларни кайтаришнинг тУликлиги ва Уз вактидалигини аудитор банк кУчирмалари бУйича текширади.

7510 - «Узок муддатли банк кредитлари» счёт бУйича узок муддатли кредитларнинг кайтарилишигача 12 ой тУлмасдан, хисобот тузишда кайтарилмаган колдик киска муддатли карз таркибида кУрсатилади.

Аудитор кредитлар бУйича муддати Утиб кетган карзлар мавжудлигини текширади, Уз вактида кайтарилмаслик сабабларини ва уларни кайтариш учун кандай чоралар кУрилаётганлигини аниклайди. Бунда банк ссудалари бУйича муддати Утиб кетган карзлар мавжуд бУлганида кредитлар учун фоиз ставкаларининг кандай кУтарилиб борганини аниклаши зарур. Чунки бу корхона даромадларига салбий таъсир кУрсатади. 6910-«+иска муддатли банк кредитлари» ёки 7510-«Узок муддатли банк кредитлари» счётлари бУйича 5110-«Хисоб-китоб счёти», 5210-«Мамлакат ичидаги валюта счётлари билан богланган дебет ёзувларини тахлил килиб, аудитор олинган кредитларнинг Уз вактида кайтарилишини текширади.

Амалиётда аудитор айрим кредитларнинг муддати, бир ёки бир неча марта Узайтирилганлигини учратиш мумкин. Бундай холларда аудитор кредитларни Уз вактида кайтариш имконияти хакикатда ва кУрилган зарарларнинг хажми турисида фикр билдириши лозим.

Аудитор кредитларнинг кайтарилиши таъминланганлиги масалаларига хам эътибор каратиши зарур. Кафиллик, кафолат хати, кимматли когозлар, товарлар ва бошка мулкларни гаровга кУйиш кредит таъминотининг асосий турларидир. Шулардан гаров турисидаги шартномалар кенг таркалган. Бунда куйидагиларни текшириш зарур: гаров турисидаги шартноманинг хакконийлиги, унинг юзаки тузилмаганлиги, унда гаровга кУйилган мулкларнинг канчалик аник кУрсатилганлиги ва хоказо.

Кредитлар хисоб-китоб счёти ёки валюта счётидан пул Утказиш, хамдакимматли когозларни бериш йУли билан кайтарилиши мумкин.

Аудитор кредитлардан фойдаланганлик учун фоиз суммаларининг кандай счётларда акс эттирилганлиги ёки кайси манбалар - молиявий натижалар ёки бошка манбалар хисобидан копланганлигини текширади.

Фоизлар тУланишини текширишда улар таннархга кУшилганлигини аниклаш зарур. Умуман олганда бу молиявий натижани бузиб кУрсатмайди, лекин услубиётдан четга чикишга олиб келиши мумкин. Бу Уз навбатида молиявий натижалар турисидаги хисобот (2 шакл) да акс эттирилган, фоида таркиби шаклланишини, бундай суммалар катта бУлганида

эса «ТУланган фоизлар» моддаси кУрсаткичларининг бузиб кУрсатилишига олиб келади. +оидабузарликларнинг бундай турини аниклаш ва етарли даражада аудиторлик далилларига эга бУлиш учун хужжатларни текшириш ва кредит учун фоиз суммаларининг арифметик хисоб-китоби каби усуллардан фойдаланиш максадга мувофикдир. Текширувда ахборот манбалари сифатида кредит шартномалари, аналитик хисоб регистрлари ва хисоб-китоблар хамда фоизларни акс эттириш бУйича бухгалтерия маълумотномаларидан фойдаланиш зарур.

Корхоналар амалиётида карз маблаглар хисобидан сотиб олинган мулкларни бахолашда хатоларга йУл кУйиш холлари учраб туради.

Аудитор томонидан аникланган, бахолаш тамоилларининг бузилиш холлари узок муддатли активларни (асосий воситалар, номоддий активлар ва шунга Ухшаш) сотиб олиш кийматига, капитал кУйилмаларни маблаг билан таъминлашга олинган кредитлар учун фоизлар, ушбу объектлар балансга кабул килинганидан сУнг кУшилган холларда юзага келади.

Меъёрий хужжатларда капитал харажатларни амалга оширишда кредитларнинг фоиз тУловларини объектларнинг бошлангич кийматига кУшишга, улар балансга кабул килинишига кадар амалга оширишга рухсат этилган. Объектлар балансга кабул килинганидан сУнг тУланган кредит учун фоизлар дастлабки кийматга кУшилмайди, балки молиявий натижаларга олиб борилади.

Кредитлар ва карзларни текшириш доирасидаги бюджет билан хисоб-китобларни текшируви билан кесишадиган амаллар бУйича капитал харажатларни маблаг билан таъминлашга фойда солиги бУйича имтиёз суммалари асосланади.

Агар асосий воситалар кредит хисобидан сотиб олинган бУлса, аудитор корхонанинг мазкур имтиёзлардан фойдаланганлигини текшириши лозим. Бунда куйидаги коидабузарликлар аникланиши мумкин:

* имтиёзнинг банкдан ташкари олинган кредитлар учун кУлланилганлиги;
* хисобланган, аммо хисобот даврида тУланмаган фоиз тУловлари хам имтиёзга киритилганлиги. Солик конунчилигига мувофик фойда солиги бУйича имтиёз суммасини хисоблашда факат хакикатда килинган харажатлар ва чикимлар хисобга олиниши мумкин. Капитал харажатларни маблаг билан таъминлаш учун олинган ва ишлатилган банк кредитларини кайтариш учун имтиёз, капитал харажатларга йУналтирилган суммалар доирасида, яъни имтиёзлар суммаларини хисоблаш учун факат хакикатда банкка тУланган фоизлар доирасида берилади;
* фоизлар олдиндан капитал харажатларга таркибида хисобга олиниб кУйилганда, кайта кУшилиши;
* номоддий активлар ёки кимматли когозлар сотиб олиш учун сарфланган кредит маблаглари учун фоизларнинг имтиёзга кУшилиши. Солик конунчилигига мувофик номоддий активларни сотиб олиш ёки яратиш билан боглик харажатлар, ишлаб чикаришга мУлжалланган капитал харажатларни маблаг бмлан таъминлаш учун имтиёз беришда хисобга олинмайди.

Молиявий натижаларни шакллантириш тамоилларига риоя килинмаслиги соликка тортиш максадлари учун яна бюджет билан хисоб-китобларни текшириш билан боглик. Бунда аудиторлар корхоналарнинг фойдани соликка тортиш максадида, жорий фаолият билан боглик бУлган, Узбекистон Республикаси Марказий Банки хисоб ставкасидан юкори, учта пунктга ошган, кредитлар учун фоизлар суммасига тузатмасликлари билан тез-тез тУкнашиб турадилар. Шунга Ухшаш коидабузарликлар, агар кредитлар чет эл валютасида олинган бУлса, белгиланган ставкалардан ошган фоизлар таннархга олиб борилганида, агар кредит шартномасида хисоб ставкаларининг Узгариши кУзда тутилган бУлса, шундай сабабларга кУра корректировка килинмаган бУлиши мумкин.

Фоизларни акс эттиришда йУл кУйилган хатолар молиявий натижалар шаклланишига таъсир кУрсатади. Аудитор корхонанинг Уз маблаглари манбаларининг хисобига хисобдан Учирилган куйидаги фактларни аниклаши лозим:

* Узбекистон Республикаси Марказий Банки хисоб ставкалари пасайган холда, кредит учун фоизларнинг ундан ошган кисми (агар шартномада фоизлар Узгариши кУзда тутилмаган бУлса);
* Жорий фаолият учун олинган кредитлар бУйича учта пунктга оширилган, хисоб ставкасидан ошган фоизлар, хамда валюта кредитлари бУйича белгиланган ставкалардан ошган фоизлар;

Шундай килиб, кредит шартномаларини текшириш чогида аудитор куйидагиларга эътибор каратиши лозим:

- кредит бУйича фоиз ставкаларининг хажми;
- кредитлар бУйича фоизлар ставкасининг Узбекистон Республикаси Марказий Банки кайтадан маблаг билан таъминлаш (ремолиялаштириш) ставкасига нисбати;
- кредит шартномалари бУйича фоизлар ставкаларини Узбекистон Республикаси Марказий Банки кайтадан маблаг билан таъминлаш ставкаларининг Узгаришига боглик холда Узгартириш кУзда тутилганлиги. Бу «Харажатлар таркиби … турисидаги Низом»га мувофик Узбекистон Республикаси Марказий Банки кредитлари бУйича янгидан Урнатилган ставкалар янгидан тузилган ва муддати Узайтирилган шартномаларга, хамда хисоб ставкаларининг Узгариши кУзда тутилган, олдин тузилган шартномаларга хам кУлланилади. Мазкур коида капитал харажатларни маблаг билан таъминлаш учун олинган кредитларга кУлланилмайди.

Корхоналар амалиётида, Узбекистон Республикаси Марказий Банки хисоб ставкасини кредит шартномасида бегиланган фоиз ставкаларидан пасайтирганида, Узбекистон Республикаси Марказий Банкининг янгидан белгиланган ставкасидан ошган кисмини, кУрсатилган фоизларни Уз манбалари хисобига хисобдан Учириб, Уз манбалари хисобига олиб бориш холлари учрайди. Бунда корхона Уз фаолияти натижаларини шакллантириш тамоилларини бузади.

Хорижий валютада олинган кредитларга доир муомалаларни бухгалтерия хисобида акс эттириш тартиби миллий валютадаги яъни сУмда олинган кредитларни акс эттиришга Ухшаш. Аммо бундай кредитларни текшириш чогида аудитор уларни олишн хусусиятларини хисобга олиши лозим. Чунки улар валюта муомалалари каторига киритилиб, хусусан, норезидентлардан жалб килинган кредитлар кУринишида олинган валюта маблаглари кирими мажбурий сотилмайди. Бунда валютада олинган кредитлар бУйича курс тафовутларини аниклаш ва акс эттиришнинг турилигини текшириш зарур.

Курс тафовутларини хисоблаш **«Чет эл валютасида амалга ошириладиган муомалаларни бухгалтерия хисоби, статистик ва бошка хисоботда акс эттириш ТАРТИБИ»**га мувофик амалга оширилади.

Шунингдек, аудитор кредитларнинг турлари бУйича счётлар режасининг тури кУлланилишини, ушбу счётлар бУйича синтетик ва аналитик хисобнинг кандай ташкил этилганлигини, аналитик хисоб маълумотларининг синтетик хисоб, Бош дафтар маълумотларига мослиги, ушбу регистрлардаги колдикларнинг мослигини текширади.

Аналитик хисобнинг ташкил этилиши хар бир шартнома бУйича ва кредитларнинг турлари бУйича текширилади.

б) +арзлар бУйича хисоб-китоблар аудити.

Бозор иктисодиёти шароитида корхоналар банк кредитларидан ташкари бошка карз берувчиларнинг маблагларини хам жалб килиш имкониятларидан фойдаланишлари мумкин. Масалан, бошка корхоналардан карз олиш, кимматли когозлар (облигациялар) чикариб сотиш, молиявий вексел бериш ва шу кабилар. Лекин молиявий вексел кУринишидаги карздан фойдаланиш маълум доирадаги инвесторлар учун рухсат этилади.

+арзларга доир муомалаларни аудиторлик текширувидан Утказиш услубиёти асосан кредитларга доир муомалалар аудитидан фарк килмайди. Аудитор карз шартномасининг тури расмийлаштирилганлиги ва тузилганлигига ишонч хосил килиши лозим. +арз шартномаси кредит шартномасига караганда соддарок расмийлаштирилади. Унинг мазмуни ва шакли хамда бошка жихатлари Узбекистон Республикаси Фукаролик Кодекси 732-739 моддаларида баён этилган.

Корхона учун ёзма шаклдаги шартноманинг йУклиги нохуш окибатларга олиб келиши мумкин (Масалан, карзлардан фойдаланганлик учун фоизлар микдори, карзни кайтариш тартиби ва муддатлари, бУйича мунозарали масалалар юзага келганида; хатто томонлар Уртасида келишмовчиликлар бУлмаганида хам солик органлари карз шартномаси бУйича муомалаларни амалга ошириш фактларини тасдикловчи хужжат - шартноманинг йУклиги билан боглик даъво килишлари мумкин).

Корхоналар бошка юридик шахслардан (банклардан ташкари) карз олишлари мумкин. Бухгалтерия хисобида карзлар хам кредитлар каби, киска муддатли (бир йил муддатгача бериладиган) ва узок муддатли (бир йилдан ошик муддатга бериладиган) карзларга бУлинади.

+арз шартномаси кУп холларда карз олувчи олдига кУйиладиган маълум шартларга риоя килиш талабларини Уз ичига олади. Бундай шартларга, хусусан, куйидагилар киради:

* Уз айланма маблаглари ва даромадларининг даражаси;
* кредиторга вакти-вакти билан маълумот такдим килиб туриш.

Айрим карз шартномаларига мажбуриятларни бажармаслик билан боглик бУлган, жумлалар киритилган бўлиб, мажбуриятлар бУйича олдинги тУловлар тУланмаганлиги ёки бошка келишувларнинг бузилганлиги окибатида кредиторнинг тУлов учун хукукларини тезлаштириши мумкин. Келишув ёки шартларнинг бузилиши карздор олдига карз мажбуриятларини киска муддатли карз деб таснифлаш талабларини, агар кредитор бундай талабни рад килмаса, келтириб чикариши мумкин.

Олинган карзларнинг асосланганлиги ва конунийлигини хам текшириш зарур.

Агар аудитор карз шартномасининг хакконийлигига шубхаланса, у холда берилган карз бУйича карздорликни, карз суммаси ва кайтариш муддатлари келишилганлигини тасдиклатиш максадида карз берган ташкилотга, сУров хати юборишни тавсия килиши максадга мувофик.

Агар ушбу сумма, карз берган ташкилотда хисобда йУк бУлса, у холда карз олган ташкилот билан солиштирув далолатномаси тузилганидан сУнг, у даромад сифатида акс эттирилиб, ундан умум кабул килинган тартибда соликлар хисобланиши лозим.

+арз бериш ва кайтаришнинг айрим хусусиятлари мавжуд бўлиб, унга алохида эътибор бериш зарур.

Аудитор карзнинг кандай шаклда - пул ёки буюм шаклида олинганлиги ва кайтарилганлигини аниклаши керак. Амалиётда карз шартномаси шартларига мувофик корхона пулни карзга олиб, маълум муддат Утганидан сУнг уни мулк ёки кимматли когоз билан кайтариш холлари учрайди. Бундай холларга шартнома шартларига Узгариш киритмасдан йУл кУйиш мумкин эмас.

+арзларнинг кайтарилишини текширишда уларнинг кимматли когозлар билан уларни номинал кийматидан юкори бахода сотиш йУли билан кайтарилишига, шунингдек берилган вексел бУйича карзни хисобга олишни текширишга; хорижий валютада берилган карзлар бУйича курс тафовутлари ва карзларни уларнинг ишлатилиш йУналишлари бУйича хисобда акс эттиришга эътибор каратилади.

Аудитор карзлардан фойдаланганлик учун тУланадиган фоизларнинг тури хисобланганлиги ва хисобда акс эттирилганлигини аниклайди.

Кредит шартномаси хамма вакт фоизли бўлиб, карз шартномаси эса фаркли Уларок хам фоиз тУланадиган, хам фоизсиз (бегараз) бУлиши мумкин.

Шундай килиб, олинган кредитлар ва карзлар бУйича хатоларга йУл кУйиш хавфига куйидаги омиллар таъсир кУрсатади:

* кредит муносабатларини расмийлаштирадиган хужжатлар йУклиги;
* кредитлар ва карзлар бУйича фоизларнинг махсулот (иш,хизмат)лар таннархига кУшилиши;
* мулкларни бахолаш тамоилларининг бузилиши;
* кредитлар хисобидан килинган капитал харажатларни маблаг билан таъминлашга фойда солиги бУйича имтиёзларни нотури кУллаш;
* молиявий натижаларни шакллантириш тамоилларининг бузилиши.

Текширув натижаларини умумлаштириб, аудитор корхонанинг келажакда Уз фаолиятини давом эттира олиш лаёкати турисида хулоса килади, яъни **амалдаги корхона тамойили**га кандай риоя килинаётганлигини аниклайди.

Текширувнинг ушбу бУлими бУйича, амалдаги корхонага нисбатан муаммоларни кУрсатувчи маълумотлар куйидагилар бУлиши мумкин:

* шартнома чегарасидан чикиб кетган кредитлар ва карзлар мавжудлиги;
* кредитлар ва карзларнинг кайтарилмаганлиги;
* фоизлар тУланмаганлиги;
* асосий ва карз капиталининг нисбати.

Агар карз маблаглари капитал микдоридан ошиб кетса, унда корхона факат карз хисобига яшаётганлигини билдиради. Агар ахвол бунга тескари бУлса, унда карзлар кам ва улар бУйича фоизлар паст, окибатда, акциядорлар билан хисоблашиш хамда дивидендлар тУлаш учун корхонада фойда етарли эканлигини билдиради.

6 - БОБ. АСОСИЙ ВОСИТАЛАР АУДИТИ.

6.1 Асосий воситалар аудитини ташкил этиш тартиби ва Утказиш кетма-кетлиги.

Асосий воситаларни аудиторлик текширувидан Утказиш мижоз корхона фаолияти умумий аудитининг бир кисми хисобланади. Унинг максади бухгалтерия хисоботи асосий воситалар бУлимининг ишончлилиги турисида фикр шакллантириш ва корхонада асосий воситалар билан боглик муомалаларни хисобга олиш хамда соликка тортиш услубиётини ташкил этишнинг Узбекистон Республикасида амал килаётган меъёрий хужжатларга мувофиклигини аниклашдан иборат.

Асосий воситалар аудити аудиторлик текширувининг мухим объектларидан бири бўлиб, ундаги Урганиладиган масалалар кенг камровли ва уларнинг барчасини куйидагича умумлаштириш мумкин:

- асосий воситалар мавжудлиги ва сакланиш холати устидан назорат Урнатишни таъминлаш (объектларни асосий воситалар каторига киритишнинг турилиги; асосий воситаларнинг тури туркумланиши; асосий воситалар аналитик хисоби ва асосий воситалар учун моддий жавобгарликни ташкил этиш; аналитик ва синтетик хисоб хамда хисобот маълумотларининг мослиги);
- асосий воситалар кирими ва чикимига доир муомалаларни дастлабки хужжатлаштириш хамда хисобда акс эттириш; асосий воситалар кирими ва чикимига доир муомалаларни синтетик хисоб регистрларида акс эттириш; асосий воситалар кирими ва чикимига доир муомалаларни соликка тортиш;
- асосий воситаларга амортизация хисоблаш ва хисобда акс эттириш (асосий воситаларнинг фойдали хизмат килиш муддатини аниклашнинг турилиги); амортизация хисоблаш усулларини кУлашнинг конунийлиги ва турилиги; жадаллаштирилган амортизация усулини кУллашнинг конунийлиги; амортизация ажратмалари хисоб-китобларининг турилиги; амортизация ажратмаларини хисобда акс эттиришнинг турилиги);
- асосий воситаларни тиклашни - таъмирлаш, замонавийлаштириш ва кайта жихозлашни хисобда акс эттириш (муомалаларни хужжатларда расмийлаштириш; таъмирлаш усуллари; таъмирлаш харажатларини таннархга олиб боришнинг турилиги; асосий воситаларни кайта жихозлаш ва замонавийлаштиришга доир муомалаларни хисобга олиш;
- асосий воситалар корхона бухгалтериясидаги синтетик ва аналитик хисобининг холатини бахолаш; белгиланган коидаларга мувофик корхонанинг Узига карашли (0110-0199 счётлар), жорий тартибда ижарага олинган (001-счёт) ва молиявий лизинг асосида олинган асосий воситаларни (0310-счёт) саклаш жойларида моддий жавобгар шахслар бУйича хисобга олишнинг ташкил этилишини бахолаш;
- корхонанинг Узига карашли ва молияланадиган лизинг асосида олинган асосий воситалар бУйича ойлик эскириш хисобланишининг турилигини текшириш (0211-0299-счётлар). Чунки бу маълумотлар реализация килинадиган махсулот (иш, хизмат)лар таннархининг (2010,2310,2320,2510, счётлар дебети) шаклланиши билан боглик бўлиб, окибатда корхонанинг молиявий натижалари (баланс фойдаси ёки зарари)га ва бюджетга тУланадиган фойда (даромад) солигининг микдорига таъсир этади;
- асосий воситаларнинг сотиб олиниши ва хисобдан чикарилиши хамда уларни юридик ва жисмоний шахслардан ижарага олиш билан боглик муомалалар бУйича солик конунчилигига риоя килинишини текшириш;
- асосий воситаларни хУжалик ва пудрат усулларида (капитал ёки жорий) таъмирлаш харажатларини хисобга олишнинг корхонада амал килинаётган тартибини,корхонада бир йилга кабул килинган ***хисоб юритиш сиёсати***дан келиб чиккан холда бахолаш ва текшириш (асосий воситаларни таъмирлаш учун резервга маблаг ажратиш механизмидан фойдаланиб ёки фойдаланмасдан);

- агар аудитор билан тузилган шартномада келишилган бУлса, корхонада асосий воситалардан фойдаланишни вакт оралиäи ва куввати бУйича корхонанинг ишлаб чикариш хусусиятлари хисобга олинган холда тахлил килиш;
- асосий воситаларни бахолаш ва кайта бахолаш натижаларини текшириш.

Аудитор ушбу асосий масалаларни Ургани6, уларга аудиторлик хисоботининг тахлилий кисмида бахо бериши ва йУл куйилган хатолар хамда хисобнинг белгиланган коидаларидан четга чикиш холларини бартараф килиш бУйича таклифлар бериши лозим.

Аудитор асосий воситалар аудитини бошлашда хУжаликка келиши билан биринчи навбатда куйидагиларни аниклаши зарур:

- корхонанинг асосий воситалар хисобини ташкил килиш бУйича текширилаётган хисобот давридаги хисоб юритиш сиёсати, унинг Утган хисобот давридагига нисбатан Узгариши билан танишиш;
- асосий воситаларнинг сУнгги инветаризация (ашёвий рУйхат)дан Утказилиши ва унинг натижаларини аниклаш;
- асосий воситаларни сУнгги кайта бахолаш материаллари ва уларнинг хисобда акс эттирилиши билан танишиш. Бунда аудитор Узбекистон Республикаси Молия Вазирлиги, Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги, Узбекистон Республикаси Давлат мулк кУмитасининг тегишли меъёрий хужжатларига мувофик корхона балансида турадиган ва кайта бахоланган асосий воситалар тикланиш киймати бУйича акс эттирилишини назарда тутиши лозим.
- корхонада асосий воситаларни хисобдан чикариш бУйича доимий комиссия ташкил этилиши: асосии воситаларни фойдаланиш жойларида саклаш учун жавобгар шахслар хакида буйрук (фармойиш) нинг мавжудлигини текшириш, шунингдек, улар билан ***шахсан тУла моддий жавобгарлик турисида шартнома***лар тузилганлигини аниклаш;
- тадбиркор сифатида рУйхатга олинган ва рУйхатга олинмаган юридик хамда жисмоний шахслар билан асосий воситалар ижараси бУйича тузилган ***шартнома***ларни Ўрганиш:;
- бухгалтерияда асосий воситалар картотекаси (АВ 6 ва АВ 8 шаклидаги инвентар карточкалар) ва компъютерда еки кУлда бажариладиган вариантдаги аник инвентарь рУйхати (АВ 9 шакл) юритилишига ишонч хосил килиш лозим;
- ишдан бУшаб кетган моддий жавобгар шахслар хакида маълумотлар (буйруклар, ходимлар рУйхати)ни Ўрганиш ;
- асосий воситалар хисобини юритиш коидалари баён килинган амалдаги меъёрий хужжатлар ва асосий воситалар хисобига доир ягона шаклдаги (унификацияланган) идорааро дастлабки хужжатларнинг шакллари билан корхона бухгалтерияси кай даражада таъминланганлигини аниклаш.

Шу тарзда олинган маълумотлар аудиторга мазкур корхонада асосий воситалар хисобининг ташкил этилиши хакида умумий тасаввурга эга бУлиш имконини ва текширувда махсус эътибор бериш лозим бУлган масалаларни аниклашга ёрдам беради.

Аудитор асосий воситалар хисобига доир муомалаларни текширишни бошлашидан олдин ички назоратнинг ахволини тест усулида аниклаши максадга мувофикдир (6.1.1-жадвалга каранг). Бу нафакат ички назорат тизимининг ишончлилигини бахолаш, балки аудиторлик текшируви Утказиш дастурига тузатиш киритишга хам имкон яратади.

6.1.1-жадвал.

Асосий воситалар хисобини текшириш бУйича ички назорат тизимининг ахволини аниклаш тести.

№	Тест саволининг мазмуни	Жавоблар		
		Ха	ЙУк	Эслатма
1.	Асосий воситаларни хисобдан чикариш бУйича комиссия тузиш турисида буйрук борлиги?			
2.	Хисоб юритиш сиёсати турисидаги буйрукда асосий воситаларни инвентаризация килиш усуллари ва муддатлари кУрсатилганми?			
3.	Инвентаризация белгиланган муддатларда Утказилганми?			
4.	Асосий воситалар охирги марта качон инвентаризация килинган?			2 йил олдин
5.	Инвентаризация натижалари хисобда акс эттирилганми?			СУнги 2 й.да инв-я Утказилмаган
6.	Асосий воситаларни саклаш ва ишлатиш жойлари хисоб регистрида акс эттирилганми?			
7.	Асосий воситаларнинг фойдаланиш жойларида сакланиши учун масъул шахсларни тайинлаш турисида буйруклар борлиги?			
8.	Асосий воситаларни саклаш учун масъул шахслар билан тУлик моддий жавобгарлик турисида шартномалар тузилганми?			
9.	Корхонада асосий воситалар хисобига доир дастлабки хужжатларнинг унификацияланган шакллари кУлланиладими?			ТУлик эмас
10.	Асосий воситалар хисоби бУйича хужжатлар айланиш режа-графиги тузилганми?			
11.	Бош бухгалтер томонидан хужжатлар айланиш режа-графигига риоя килиш устидан назорат амалга оширилганми?			
12.	Асосий воситалар объектлари ёнгин ва бошка табиий офатлардан сугурта килинганми?			
13.	Асосий воситалар туркумланганми?			
14.	Асосий воситалар кодификатори ишлаб чикилганми?			
15.	Инвентарь карточкалар мавжудми ва улар ишлатиладими?			
16.	Аналитик хисоб маълумотлари синтетик хисоб регистрлари билан таккосланганми?			Ха, факат баланс тузиш пайтида
17.	Асосий воситаларни хисобдан чикариш бУйича далолатномалар ва бошка хужжатлар рахбар томонидан тасдикланганми?			
18.	Корхонада ижарага олинган (оператив ки молияланадиган лизинг) асосий воситалар мавжудми?			
19.	Амортизация хисоблаш усули танланганми?			Чизикли усул кУллани-лади
20.	Таъмирлаш харажатларини хисобга олиш варианти танланганми?			Хакикий харажатлар бУйича

Ушбу келтирилган тестдан шундай хулоса килиш мумкин-ки, текширув Утказиладиган корхонада хисобот даврида инвентаризация Утказилмаган, хисоб сиёсатида айрим объектларни инвентаризация килиш тартиби ва муддатлари белгиланмаган. Натижада, текширув чогида асосий воситалар объектларини танлаб инвентаризация килиш зарур. Мазкур корхона бУлинмаларида асосий воситалар хисобига доир муомалалар устидан ички назоратнинг яхши йУлга кУйилмаганлиги окибатида сезиларли хатоларга йУл кУйиш хавфи катта.

Бош дафтарда акс эттирилган 0110-0199,0211-0299,0310,0710, 0720,0810,0820,0840,0890,0920,4810,4820,6810,6820,7630 синтетик счётлар колдикларининг мос равишда аналитик хисоб регистрлари ва бухгалтерия баланси маълумотларига мувофиклигини аниклаш зарур. Улар барча позициялар бУйича: ой бошига колдик, ойлик оборотлари, ой охирига колдиклар бир-бирига тури келиши лозим. Агар тафовутлар аникланса, уларнинг сабабларини аниклаш ва корхонага асосий воситаларни, монтаж талаб киладиган кУрилмаларни; капитал куйилмаларни, тузилган лизинг шартномалари бУйича мажбуриятларни инвентаризация килиш тавсия этилади. СУнгра корхонанинг асосий воситаларни хисобга олиш бУйича кабул килинган хисоб юритиш сиёсати билан танишиш зарур. Бунда асосан куйидагиларга эътибор бериш лозим:

* *корхонада асосий воситаларга эскириш хисоблашнинг кайси усулини кУллаш кабул килинганлиги;*

* *корхонада асосий воситаларни таъмирлаш харажатларини хисобга олишнинг кандай тартиби кабул килинганлиги, асосий воситаларни таъмирлаш учун резервга маблаг ажратиш механизмидан фойдаланиб, яъни таъмирлаш фонди (8910-счёт бУйича «Таъмирлаш фонди» субсчётини кУллаш) ташкил этиш ёки ташкил этмаслик.*

Корхонада кабул килинган хисоб юритиш сиёсати аудитор хулосасида акс эттирилиши лозим.

Юкорида баён килинганлар асосида асосий воситаларни аудиторлик текширувидан Утказиш кетма-кетлигининг умумий чизмасини куйидагича тасвирлаш мумкин (1-чизма).



- ёзувлар ёзилиши

- ёзувларни текшириш.

1-чизма. Асосий воситалар аудитида аудиторлик амалларни бажариш кетма-кетлиги.

6.1.2-жадвал.

Аудит Утказиш кетма-кетлигининг баёни (журнал-ордер шакли бУйича)

№	Текширув боскичлари
1	2
1.	Инвентар рУйхат (АВ-7 шакл) (ёки дафтар)даги барча объектлар дастлабки киймат суммаларини баланснинг 012 сатри билан (йил бошига ва охирига) ва хисобланган эскириш суммасини 011 сатри билан (йил боши ва охирига) солиштириш.
2.	Амортизация хисоблаш усулининг тури танланиши, коэффициентлар ва хисоб-китоблар турилигини текшириш; асосий воситаларнинг кайта бахоланишини текшириш.
3.	«Асосий воситалар инвентар рУйхати» (АВ-7 шакл) (ёки дафтари) ва «Асосий воситаларни кабул килиш-топшириш далолатномалари (АВ-1, АВ-2 шакллар)да акс эттирилган суммалар тенглигини солиштириш йУли билан текшириш.
4.	«Асосий воситаларни кабул килиш-топшириш далолатнома» ларининг (АВ-1,АВ-2) тури расмийлаштирилишини текшириш.
5.	«Асосий воситаларни хисобга оладиган инвентар карточкалар» (АВ-6 ва б.)да акс эттирилган инвентар кийматга тенглигини текшириш.
6.	Асосий воситалар картотекасини юритиш ва инвентар карточкалар тУлгазилишининг турилигини текшириш.

7.	Тугатилган (хисобдан чикарилган) асосий воситанинг «Асосий воситалар инвентар рУйхати» (АВ-7 шакл) (ёки дафтари)да акс эттирилган киймати ва «Асосий воситаларни хисобдан чикариш далолатномалари» (АВ-3,АВ-4 шакллар) да акс эттирилган киймати тенглигини текшириш.
8.	«Асосий воситаларни хисобдан чикариш далолатномалари» (АВ-3,АВ-4 ва б.) тури расмийлаштирилишини текшириш.
9.	Текширув учун танланган асосий воситалар гурухи (туркуми) бУйича суммаларнинг «асосий воситалар инвентар рУйхати» (АВ-7 шакл) (ёки дафтари)дан 0110-0190 счетлар бУйича оборот ведомостига Утказилишининг турилигини текшириш.
10.	0110-0199 счетлар бУйича хисобот даври охирига чикарилган колдиклар турилигини текшириш. 0110-0199 счетлар бУйича тегишли хисобот даври охирига чикарилган колдикларнинг, оборот ведомостлардаги айнан шу хисобот даври охирига чикарилган колдикларга мослигини текшириш.
11.	№13-АСК Журнал-ордер «хаммаси» деган сатридаги 0110-0199 счетларнинг кредит оборотларини тегишли хисобот даври учун оборот ведомостларидаги айнан шу счетлар бУйича кредит оборотлари билан солиштириш.
12.	№13-АСК Журнал-ордерининг «хаммаси» деган сатридаги сумма ва 0110-0199 счетларнинг кредити бУйича ёзувлар ёзиладиган томонидаги 1-27 сатрлар суммалар тенглигини текшириш. №13 – АСК журнал-ордернинг 0210-0299 счетлар кредити бУйитча ёзувлар ёзиладиган кисмидаги «хаммаси» деган сатр суммаси ва 1-6 сатрлар суммалари тенглигини текшириш.
13.	Тегишли ой бУйича: Бош дафтарнинг 18 графасидаги сумманинг №13-Журнал-ордердаги 0110-0199 счетлар кредити бУйича «хаммаси» деган ёзувга тенглигини текшириш.
14.	0110-0199 счетлар бУйича дебет оборотларини жамлашнинг турилигини текшириш.
15.	Бош дафтарнинг: 19-графасидаги 0110-0199 счетлар бУйича дебет колдикларнинг Баланс 012 сатридаги суммага; 20-графасидаги 0210-0299 счетлар бУйича хисобот даври охирига кредит колдикларнинг Баланс 011 сатридаги суммага тенглигини текшириш.

6.2 Асосий воситалар аудитида фойдаланиладиган маълумот манбалари.

Асосий воситаларни аудиторлик текширувдан Утказишда фойдаланиладиган манбалар бухгалтерлик хисобнинг корхонада кабул килинган ташкилий шаклига хам боглик. Булар хисобни кУлда юритиш шароитида: журнал ордерлар, ведомостлар, карточкалар: автоматлаштирилган хисоб шароитида эса компютер дастурлари, машинаграммларидир. Лекин шуни унутмаслик керакки, хисобнинг хар кандай шакли шароитида хам асосий воситаларнинг харакатига оид муомалалар (кирими, чикими, хУжалик ичидаги силжиши, таъмирланиши) меъёрий хужжатлар ва дастлабки хужжатлаштиришнинг унификацияланган идорааро шакллари билан расмийлаштирилиши лозим. Улар каторига куйидагилар киради:

* асосий воситалар бухгалтерия хисоби ва соликка тортиш масалаларини тартибга соладиган асосий меъёрий хужжатлар;
* корхонанинг хисоб сиёсати турисидаги буйруги;
* асосий воситаларни хисобга олишда корхонада кУлланиладиган аналитик ва синтетик хисоб регистрлари;
* бухгалтерия хисоботлари;
* асосий воситаларни кабул килиш-топшириш (ички силжиш) далолатномаси (накладнойи) (АВ-1 шакл);
* таъмирланган, кайта жихозланган ва замонавийлаштирилган объектларни кабул килиш-топшириш далолатномаси (АВ-2 шакл);
* асосий воситаларни хисобдан чикариш далолатномаси (АВ-3 шакл);
* автотранспорт воситаларини хисобдан чикариш далолатномаси (АВ-4 шакл);
* асосий воситаларни хисобга оладиган инвентарь карточка (АВ-6 шакл);
* асосий воситаларни хисобга оладиган инвентарь карточкалар рУйхати (АВ-7 шакл);
* асосий воситалар харакатини хисобга оладиган карточка (АВ-8 шакл);
* асосий воситаларнинг инвентар рУйхати (ишлатиш жойлари бУйича) (АВ-9 шакл).

Аудитор ушбу меъёрий хужжатлар, хисоб регистрлари ва дастлабки хужжатларда асосий воситалар харакатини расмийлаштириш учун жавобгар шахслар имзоларининг мавжудлиги ва хаккониЙлигига эътибор каратиб, барча реквизитларнинг тури тУлгазилганлигини аниклайди.

Аудитор корхонанинг хисоб сиёсати турисидаги буйрукда баён килинган - асосий воситаларни хисобга олиш услубиёти билан танишиб чикиши лозим. Бунда хусусан куйидагиларни аниклаш зарур:

* объектларни асосий воситалар ва айланма маблаглар каторига олиб бориш учун улар кийматининг белгиланган чегаралари;

* кийматидан катъий назар асосий воситалар каторига олиб бориладиган объектлар рУйхати;
* асосий воситалар бУйича амортизация хисоблаш усуллари;
* асосий воситаларни таъмирлаш учун килинган харажатларни акс эттириш тартиби;
* хисобот йилининг 1 январ холатига асосий воситаларни кайта бахолаш кУзда тутилганлиги;
* асосий воситаларни инвентаризация килиш муддатлари;
* асосий воситалар мавжудлиги ва харакатига доир муомалаларни хисобга олиш учун ***ишчи счётлар режаси***да белгиланган счётлар рУйхати.

Асосий воситалар мавжудлиги ва харакатига доир муомалаларни хисобга олишда кУлланиладиган ва текширувда аудитор томонидан жалб килинадиган, синтетик ва аналитик хисоб регистрлари бухгалтерия хисобининг корхонада кУлланилаётган шаклига боглик. Уларга 0110-0199,0211-0299,0310 счётлар бУйича синтетик хисоб регистрлари, синтетик ва аналитик хисоб бУйича оборот ведомостлари, сальдо ведомостлари киради.

Асосий воситалар харакатига доир муомалалар, одатда, дастлабки хужжатларнинг унификацияланган (ягона шаклга келтирилган) шакллари билан, айрим холларда эса корхонада ишлаб чикилган ва хисоб сиёсати турисидаги буйрук билан тасдикланган дастлабки хужжатлар билан расмийлаштирилади.

Аудитор текширув чогида молиявий хисоботнинг куйидаги шаклларидан фойдаланади:
* бухгалтерия баланси (1-шакл);
* молиявий натижалар турисида хисобот (2-шакл);
* асосий воситалар турисида хисобот (3-шакл);
* пул окимлари турисидаги хисобот (4-шакл);
* хусусий капитал турисида хисобот (5-шакл);
* изохлар, хисоб-китоблар, тушунтиришлар.

Бухгалтерия баланси (1-шакл)да корхонага мулкий хукук асосида, тезкор бошкарув ва хУжалик юритиш учун таалукли бУлган асосий воситалар I - «Узок муддатли активлар» бУлимидаги «асосий воситалар» моддасида бошлангич киймати, эскириш ва колдик кийматлари бУйича батафсил берилади. Асосий воситалар балансда НЕТТО бахоси яъни колдик киймати бУйича акс эттирилади (белгиланган тартибга мувофик киймати копланмайдиган (амортизация хисобланмайдиган) асосий воситалар объектларидан ташкари).

«Асосий воситалар харакати турисида хисобот» (3-шакл)да куйидагилар турисидаги маълумотлар баён килинади:
* асосий воситалар алохида турларининг хисобот даври боши ва охирига мавжудлиги хамда хисобот даври давомидаги харакати (кирими, чикими). Асосий воситалар дастлабки киймати (тиклаш киймати) бУйича кУрсатилади;
* барча асосий воситалар, шунингдек уларнинг айрим гурухлари: бинолар ва иншоотлар, машиналар, курилмалар, транспорт воситалари ва бошкалар;
* бутунлигича ёки айрим турлари (бинолар, иншоотлар ва хоказо) бУйича ижарага берилган асосий воситаларнинг хисобот даври бошига ва охирига мавжудлиги;
* консервацияга кУйилган асосий воситаларнинг хисобот даври боши ва охирига мавжудлиги.

Молиявий хисоботга тушунтириш ва изохларда №1 «Хисоб сиёсати ва молиявий хисобот» номли бухгалтерия хисоби миллий стандарти (БХМС) даги коидалардан келиб чикиб, куйидагилар турисидаги ахборотлар баён килинади (очиб берилади):
* асосий воситалар бухгалтерия хисобига кабул килингандаги кийматининг Узгариши (кУшимча куриш, кУшимча жихозлаш, кайта жихозлаш ва кисман тугатиш холлари хам кУшилиб);
* корхонада асосий воситаларнинг фойдали хизмат килиш муддатларини белгилаш (асосий гурухлари бУйича);
* киймати копланмайдиган (амортизация килинмайдиган) асосий воситалар;

Аникланган хатолар аудиторлик хисоботида тафсилотлари билан акс эттирилиши лозим. Зарур холларда аудитор карама-карши текширув Утказиши хам мумкин.

Амалиётда асосий воситалар харакатига оид муомалаларини ихтиёрий шаклдаги (Узбошимча тузилган) хужжатлар билан расмийлаштириш каби конунбузарлик холлари хам кУплаб учрайди.

6.3 Асосий воситаларнинг мавжудлиги ва сакланишини текшириш.

Асосий воситалар мавжудлиги ва сакланишини аудиторлик текширувидан Утказишдан максад бухгалтерия хисоботи моддаларининг хакконийлигини таъминлашдан иборат.

Бунда аудитор куйидагиларни текшириши лозим: корхонада белгилаб кУйилган чегарадан киймати паст бУлган объектлар ёки кийматидан катъий назар хизмат муддати 12 ойдан кам бУлган объектлар асосий воситалар каторига Утиб колмаганлиги; корхонада асосий воситалар арзон бахо ва тез эскирадиган буюмлар каторига ва аксинча Утказилмаганлиги; бунда шуни назарда тутиш зарурки, объект кийматининг чегараси объектни сотиб олиш (фойдаланишга топшириш) санасига аникланади. Асосий воситаларни арзон бахо ва тез эскирадиган буюмлар каторига асоссиз Утказиш аудиторлик текшируви чогида аникланадиган хатолардан биридир. КУп холларда бундай Утказишнинг сабаби корхонанинг кУшимча амортизация хисоблаш хисобига Уз чикимларини кУпайтиришга интилиши хисобланади.

Аудиторлик текшируви чогида корхонанинг асосий воситалар объектларига ***мулкий хукуки***нинг талаб даражасида расмийлаштирилганлигини исботлаш зарур.

Аудиторга асосий воситалар объектларини яратиш, сотиб олиш, бериш шартномалари, зарур холларда эса - конунчиликка мувофик олди-соттини рУйхатга олиш гувохномаси такдим килинади.

Асосий воситаларнинг тури бахоланганлигини аниклаш асосий воситалар мавжудлиги ва харакатини текшириш чогидаги мухим масалалардан бири хисобланади. Чунки мулк солиги бУйича бюджет билан хисоб-китоблар, шунингдек корхона фаолиятининг молиявий натижаларини акс эттириш ва хисобот тузиш шунга боглик.

Аудитор текширув Утказишда асосий воситаларни хисобга кабул килиш учун асос бУлган дастлабки хужжатларни (АВ-1,АВ-6 ва бошка шакллар) жалб килади.

Асосий воситаларни бахолашнинг турилигини текшириш ёппасига (объектлар сони унчалик катта бУлмаганда) ёки танлаб Утказилади.

Асосий воситаларни бахолаш ва дастлабки кийматини аниклаш амалдаги коидаларга мувофик амалга оширилади хамда асосий воситалар объектларини сотиб олиш усулига боглик.

Аудитор Узбекистон Республикаси Фукаролик кодексига мувофик асосий воситалар олди-сотди шартномаларининг мавжудлиги ва расмийлаштирилишини, айрим харажатларни асосий воситалар кийматига кУшишнинг конунийлигини; тугалланган курилиш объектлари инвентар кийматининг тури аникланганлиги; кУшимча курилганидан ва кУшимча жихозланганидан, кайта жихозланганидан, замонавийлаштирилганидан ёки кисман тугатилганидан сУнг объект киймати тури аникланганлигини текширади.

Бунда аудитор №21 БХМС га мувофик киритилган Узгартишларга алохида эътибор каратиши зарур. Хусусан, асосий воситаларни сотиб олиш ва куриш билан боглик, аммо белгиланган тартибга кУра асосий воситаларнинг дастлабки кийматига кУшилмайдиган харажатлар 01.01.2002 дан объектларнинг дастлабки кийматига кУшилмасдан, 9439 счёт дебетига олиб борилганлигига эътибор бериши керак.

Аудитор бахоларни келишиш баённомаси ва таъсис хужжатларида асосий воситалар бахоланишининг акс эттирилиши; бошка харажатларни асосий воситалар дастлабки кийматига кУшишнинг конунийлиги; бозор бахоларини кУллашнинг ишончлилигини текширади.

Асосий воситалар бозор бахосини аниклаш учун айнан шуларга Ухшаш махсулотлар бахолари турисида тайёрловчи - ташкилотларнинг ёзма равишда берган маълумотларидан; оммавий ахборот воситалари ва махсус адабиётларда эълон килинган бахолар турисидаги маълумотлардан; айрим асосий воситалар объектларининг киймати турисида эксперт хулосаларидан фойдаланиш мумкин. Бундай асосий воситаларни ташиб келтириш бУйича корхона томонидан килинган харажатлар хам объект кийматига кУшилади.

Чет эл валюталари хисобига сотиб олинган асосий воситаларни бахолаш чет эл валютасини Узбекистон Республикаси Марказий Банки томонидан белгиланган, асосий воситалар объектини сотиб олиш санасига амал килаётган валюта курси бУйича сУмга хисоблаб Утказиш йУли билан амалга оширилади.

Аудитор контракт шартларига мувофик мулкка эгалик хукукининг Утиш вакти тури аникланганлиги; асосий воситаларни сотиб олиш билан боглик божхона тУловлари ва бошка

чикимларнинг сотиб олинган асосий воситалар кийматига кУшилганлигини текшириши лозим.

Аудитор асосий воситаларни бахолашнинг турилигини текшириш чогида асосий воситалар дастлабки кийматининг Узгариш холлари бУлганлигига, кандай сабаблар (кУшимча куриш, кУшимча жихозлаш, кайта жихозлаш, кисман тугатиш) Узгаришга олиб келганлигига, капитал кУйилмаларга доир харажатлар 0810,0820,0840 ва 0890 счётларда акс эттирилганлигига эътибор каратиши лозим.

СУнги йилларда асосий воситаларни кайта бахолашни текшириш мухим ахамият касб этмокда. 21-БХМСга мувофик корхоналарда асосий воситалар объектларини кайта бахолаш суммалари 8531 – «Активларни кайта бахолаш бУйича тузатишлар» счётида акс эттирилади. Бундай текширув кайта бахолаш натижалари расмийлаштирилган хужжатлар асосида амалга оширилади.

Бунда аудитор куйидагиларни текшириши лозим: барча асосий воситалар тУлигига ёки уларнинг бир кисми кайта бахоланганлиги; асосий воситалар таркибида хисобда тУрган ер участкалари ва табиий фойдаланиш объектлари кайта бахоланганлиги; кайта бахолаш кандай усуллар ёрдамида Утказилганлиги (индексация килиш ёки хужжат билан тасдикланган бозор бахолари бУйича туридан-тури хисоблаб Утказилиши ва х.к.); бозор бахоларини тасдиклайдиган хужжатларнинг мавжудлиги; хисоб-китоблар турилигини танлаб текшириш; кайта бахолашдан сУнг эскирганлик даражаси Узгарганлиги, кайта бахолаш натижаларининг инвентарь карточкаларида акс эттирилганлиги, кайта бахолаш натижаларининг бухгалтерия хисоби счётларида тури акс эттирилганлиги, кайта бахолаш натижаларининг хисобот тузишда хисобга олинганлиги ва шунга Ухшашлар.

Асосий воситалар мавжудлигини текшириш учун аналитик хисобни ташкил этиш Урганилади. (бу хакда кейинги мавзуда батафсил маълумот берилади).Шунингдек,аудитор асосий воситалар кандай сакланаётганлигини ва уларни инвентаризация килиш натижаларини хам текшириши лозим.

Асосий воситаларни инвентаризация килишни текширишда аудитор дастлабки хужжатлар - ивентаризация рУйхатлари (инв-1, инв-10, инв-18 шакллар), инвентаризация комиссияси мажлис баённомаларини, инвентаризация натижалари бУйича корхона рахбариятининг карорини Урганади.

Инвентаризация материалларини текшириш аудиторга аудиторлик хатарлари ва аудиторлик амалларини тузатиш учун, ички назорат натижаларига канчалик таяниш мумкинлигига ишонч хосил килиши учун зарур.

Бунда у инвентаризация Утказишда №19 – «Инвентаризацияни ташкил этиш ва Утказиш» номли БХМС умумий коидаларига, хусусан 24-29 бандларига риоя килинганлигини аниклайди. Шу билан бирга аудитор инвентаризация натижасида ошикча ва кам чиккан асосий воситаларни бухгалтерия хисоби счетларида акс эттирилиши ва соликка тортилишининг тУгрилигини хам текширади. Бунда аудитор Узбекистон Республика Адлия Вазирлиги томонидан 23 июнь 2001 йилда 1054-ракам билан рУйхатга олинган «Инвентаризацияда аникланган мулклар камомади ва ошикча чикишини бухгалтерия хисобида акс эттириш ва соликка тортиш тУгрисидаги карор» га риоя килингани текширади.

Ушбу хужжатга мувофик инвентаризацияда аникланган асосий воситалар камомади бухгалтерия хисобида куйидаги тартибда акс эттирилади:

а) Кам чиккан асосий воситалар объектининг дастлабки (тиклаш) кийматини хисобдан Учиришда

Дебет 9210-«Асосий воситаларнинг сотилиш ва турли чикими» счети

Кредит 0100-«Асосий воситаларни хисобга оладиган счетлар» (0110-0199)

б) Кам чиккан асосий воситалар объекти бУйича хисобланган амортизация суммасини хисобдан Учириш.

Дебет 0200-«Асосий воситалар эскиришини хисобга оладиган счетлар» (0211-0299).

Кредит 9210-«Асосий воситаларнинг сотилиши ва турли чикими» счети

в) Кам чиккан асосий воситалар объектининг колдик кийматига

Дебет 9433-«Моддий бойликларнинг камомади ва бузилиши бУйича харажатлар» счети

Кредит 9210-«Асосий воситаларнинг сотилиш ва турли чикими» счети

Агар бахолаш натижасида объектнинг бозор киймати (ундириладиган сумма) кам чиккан объект колдик кийматидан юкори бУлса, олинган даромад суммаси бухгалтерия хисобида куйидагича акс эттирилади:

Дебет 4630 –«Моддий зарарни коплаш бУйича ходимларнинг карзлари» счети аибдор ёки моддий жавобгар шахсдан ундирилиши лозим

Кредит 9433 – «Моддий бойликларнинг камомади ва бузилиши бУйича харажатлар» счети аибдор ёки моддий жавобгар шахсдан ундирилиши лозим

Кредит 9310 – «Асосий воситаларнинг сотилиши ва турли чикимидан олинган фойда» счети аибдор шахс ёки моддий жавобгар шахсдан ундирилиши лозим бУлган бозор киймати ва колдик киймати Уртасидаги фарк суммага (олинган даромад)

Олинган даромад суммаси умумий белгиланган тартибда соликка тортилади.

Агар бахолаш натижасида объектнинг бозор бахоси (ундириладиган сумма) кам чиккан объектнинг колдик кийматидан паст бУлса, кУрилган зарар суммаси бухгалтерия хисобида куйидагича акс эттирилади:

а) Дебет 4630-«Моддий зарарни коплаш бУйича ходимларнинг карзлари» счети аибдор ёки моддий жавобгар шахсдан ундирилиши лозим бУлган бозор кийматига.

Дебет 9431 - «Асосий воситалар реализацияси ва турли чикими буйича зарарлар» счети аибдор ёки моддий жавобгар шахсдан ундирилиши лозим бУлган бозор киймати ва колдик киймати Уртасидаги фарк суммага (кУрилган зарар суммасига)

Кредит 9433 - «Моддий бойликларнинг камомади ва бузилиши бУйича харажатлар» счети кам чиккан асосий восита объектининг колдик кийматига.

КУрилган зарар суммаси даромад (фойда) солигини хисоблашда умумий белгиланган тартибда соликка тортиладиган базага кУшилади.

Камомаднинг аник аибдор топилмаган ёки моддий жавобгар шахслардан ундириб олиш имкони бУлмаган холларда кам чиккан асосий воситаларни хисобдан Учириш куйидаги тартибда амалга оширилади.

а) Кам чиккан асосий воситаларнинг дастлабки (тиклаш) кийматини хисобдан Учириш.
Дебет 9210 – «Асосий воситаларнинг сотилиши ва турли чикими
Кредит 0100 – «Асосий воситаларни хисобга оладиган счетлар» (0110-0199)
б) амортизация суммасини хисобдан Учириш
Дебет 0200 – «Асосий воситалар эскиришини хисобга оладиган счетлар» (0211-0299)
Кредит 9210-«Асосий воситаларнинг сотилиши ва турли чикими» счети.
в) КУрилган зарар суммасини хисобдан Учириш.

Дебет 9431 – «Асосий воситалар реализацияси ва турли чикими бУйича зарарлар»

Кредит 9210 – «Асосий воситаларнинг сотилиши ва турли чикими» счети.

КУрилган зарар суммаси даромад (фойда) солигини хисоблашда умумий белгиланган тартибда соликка тортиладиган базага кУшилади.

Инвентаризацияда аникланган хисобга олинмай колган асосий воситалар объектлари шуларга Ухшаш объектларнинг ошикча чикиш аникланган санадаги бозор киймати бУйича уларнинг хакикий ахволини хисобга олган холда бахоланади (ошикча чикиш сабаблари ва аибдор шахслар кейинчалик аникланади) ва бухгалтерия хисобида куйидагича акс эттирилади:

а) Хисобга олинмай колган асосий воситаларни бозор бахоси бУйича киримга олиш.

Дебет 0100 – Асосий воситаларни хисобга оладиган счетлар» (0111-0199)

Кредит 9310 – «Асосий воситаларнинг сотилиши ва турли чикимидан олинган фойда.

Олинган даромад суммаси умумий белгиланган тартибда соликка тортилади.

Хисобга олинмай колган асосий воситалар бУйича амортизация улар асосий воситалар таркибига кУшилган пайтдан бошлаб умумий белгиланган тартибда хисобланади.

КУзатиб чикиш амаллари ёрдамида асосий воситаларга доир куйидаги маълумот манбаларининг Узаро мослигини текшириш амалга оширилади:

* молиявий хисобот шаклларининг асосий воситаларга доир кУрсаткичлари;
* молиявий хисобот шакллари ва бош дафтар кУрсаткичлари;
* Бош дафтар, синтетик ва аналитик хисоб регистрлари кУрсаткичлари.

Молиявий хисоботнинг асосий воситаларга доир шакллари кУрсаткичларини Узаро таккослаш натижалари 6.3.1-жадвалда кУрсатилган шакл бУйича ишчи хужжатлар билан расмийлаштирилиши мумкин.

6.3.1-жадвал.

Молиявий хисоботнинг асосий воситаларга доир хисобот шакллари кУрсаткичларининг Узаро мослигини текшириш.

(Хоразм вилояти Богот тумани И.ДУсов ш.х. 2000 йил учун йиллик хисоботи маълумотлари асосида)

№	КУрсаткичлар	минг сУм.	№	КУрсаткичлар	м.с.	Фарки

						минг сУм	%
1	Асосий воситаларнинг бошлангич киймати: а)йил бошига (010-сатр, 3-устун) б)йил охирига (010-сатр, 4-устун)	 143261,0 149118,0	3	Асосий воситаларнинг бошлангич киймати: а)йил бошига (130-сатр, 3-устун) б)йил охирига (130-сатр, 4-устун)	 143261,0 149118,0	-	-
1	Асосий воситаларнинг эскириши: а) йил бошига (011-сатр,3-устун) б)йил охирига (011-сатр, 4-устун)	 17776,0 26009,0	3	Асосий воситаларнинг эскириши: а)йил бошига (130-сатр,7-устун) б)йил охирига (130-сатр, 10-устун)	 17776,0 26009,0	-	-
1	Асосий воситаларнинг киймати: а) йил бошига (012-сатр,3-устун) б)йил охирига (012-сатр, 4-устун)	 125485,0 123109,0	3	Асосий воситаларнинг киймати: а) йил бошига (130-сатр,11-устун) б)йил охирига (130-сатр, 12-устун)	 125485,0 123109,0	-	-

Бухгалтерия хисоботи ва Бош дафтар (ёки тегишли хисоб регистрлари) кУрсаткичларининг мослигини текширишда №3 шаклдан фойдаланилади.

Ушбу амалларни бажариш натижалари куйидаги тарзда расмийлаштирилади (4-жадвал).

6.3.2-жадвал

Молиявий хисоботнинг асосий воситалар бУлими бУйича кУрсаткичларни Бош дафтар билан таккослаш.

Хисобот			**Бош дафтар**				
№	Сатр номи	сУм.	Счёт шиф-ри ★	Счёт номи	СУм	Фарки	
						СУм	%
3	Жами асосий воситалар йил бошига бошлангич киймати (130-сатр, 3-устун)	143261,0	0110-0190	Счётнинг хисобот йилининг 01.01.га колдиги	143261,0	-	-
3	Жами асосий воситалар йил охирига бошлангич киймати (130-сатр, 6-устун)	149118,0	0110-0190	Счётнинг хисобот йили 31.12 га колдиги	149118,0	-	-
3	Асосий воситалар эскириши,йил бошига (130-сатр, 7-устун)	17776,0	0210-0290	Счётнинг хисобот йили 01.01.га колдиги	17776,0	-	-
3	Асосий воситалар эскириши йил охирига (130-сатр,10-устун)	26009,0	0210-0290	Счётнинг хисобот йили 31.12 га колдиги	26009,0	-	-
3	Асосий воситалар кирими (ишга туширилиши) (130-сатр, 4 устун)	12730,0	0110-0190	Счётларнинг хисобот давридаги дебет оборотлари суммаси	12730,0	-	-
3	Асосий воситалар чикими (130-сатр, 5-устун)	6873,0	0110-0190	Счётларнинг хисобот давридаги дебет оборотлари суммаси	6873,0	-	-

★**тегишли счетлар колдикларининг йигиндиси олинади.**

Кейинчалик Бош дафтар маълумотларини синтетик ва аналитик хисоб регистрлари кУрсаткичлари билан солиштириш натижалари бУйича текширув давом эттирилади. Асосий воситалар аналитик хисобининг инвентар карточкалари маълумотлари билан таккосланади. Аудитор асосий воситалар гурухлари бУйича харакат кУрсаткичларининг инвентар карточкалар бУйича аналитик хисоб маълумотлари билан мослигини текшириши мумкин. Аудитор текширувнинг мазкур боскичида кУзатиб чикиш амаллари ёрдамида дастлабки

хужжатлар маълумотларининг аналитик ва синтетик хисоб регистрларида акс эттирилишини, Бош дафтар ёзувларини текширди. Натижада у асосий воситалар харакатига доир муомалалар бухгалтерия хисоби счётларида тури акс эттирилганлигига ишонч хосил килади.

6.4 Асосий воситалар аналитик хисобини ташкил этиш аудити.

Даставвал, аудитор моддий жавобгар шахсларни ва улар билан тузилган **тУлик моддий жавобгарлик турисидаги шартномалар** мавжудлигини аниклаши зарур. Агар шартномалар бУлмаса, у холда аудиторлик текшируви далолатномасида уларни тузишни тавсия килиши лозим.

Амалдаги тартибга кУра асосий воситаларнинг аналитик хисоби уларнинг таснифий гурухлари ва инвентар объектлари бУйича, шунингдек объектларнинг моддий жавобгар шахсларда туриш жойи (бУлинмалар, бригадалар, цехлар, участкалар ва бошкалар) бУйича юритилади.

Корхонага келиб тушган асосий воситаларни текширишда хар бир объект бУйича алохида тузилган кабул килиш - топшириш далолатномаси (накладнойи) (АВ-1 шакл) нинг расмийлаштирилишига эътибор каратиш зарур. Бунда далолатномадаги объектнинг тавсифи, тУрган жойи, сотиб олинган манбаи, чикарилган ёки курилган йили, ишга туширилган вакти, объектнинг синов натижалари, унинг техник талабларга мувофиклиги ва бошка маълумотлар текширилади.

Айрим холларда бир турдаги ва нархи бир хил хУжалик инвентарлари, асбоблар, станоклар олинганда «Асосий воситаларни кабул килиш-топшириш умумий далолатномаси» тузилиши мумкин.

Бунда ушбу далолатнома маълумотлари унга илова килинган паспортлар, ишлатиш тартиби, йУрикномалар хам текширилиши зарур.

Хисобга кабул килинган хар бир асосий восита объектига инвентар ракам берилган бУлиши лозим. Масалан, 001 дан 099 гача инвентар ракамлар биноларга, 100 дан 199 гача иншоотларга, 200 дан 299 гача бУлган ракамлар Узатиш курилмаларига берилади ва хаказо. Берилган инвентар раками асосий воситалар объектига металл жетон билан кокиб куйилиши, Учмайдиган буёк билан ёзиб ёки бошка усулларда белгилаб куйилиши лозим. Бу белгилар объект фойдаланишда бУлган жами давр ичида сакланиб, бухгалтерия хисобининг барча тегишли дастлабки хужжатларида ва хисоб регистрларида кУрсатилади. Объект хисобдан чикарилганидан сУнг унинг инвентар раками янги кирим килинган асосий воситаларга берилмайди.

Асосий воситаларни кабул килиш-топшириш далолатномаси (илова килинган хужжатлар билан бирга) бухгалтерияга Уз вактида топширилган бУлиши лозим. Корхона бухгалтериясида асосий воситаларнинг аналитик хисоби, уларнинг хар бир тури бУйича очиладиган АВ-6 шаклдаги инвентар карточкаларда юритилади. Бу карточкада объект хакидаги барча маълумотлар (дастлабки ёки тикланиш киймати, амортизация ажратмалари меъёри, кирим килинган пайтдаги эскириш даражаси) кайд этилган бУлиши керак.

СУнгра инвентар карточкалар маълумотларининг «Асосий воситаларни хисобга олиш бУйича инвентарь карточкалар рУйхати (АВ-7 шакл) га асосий воситаларнинг таснифий гурухлари бУйича Утказилганлиги текширилади.

РУйхатга олинган карточкалар асосий воситалар картотекасида тармок таснифий гурухларига, гурух ичида эса тУрган жойи, фойдаланиш жойи ва турлари бУйича гурухланган бУлиши керак.

Ишлатилмаётган асосий воситаларнинг инвентар карточкалари алохида гурухланган бУлиши керак.

Асосий воситалар хисобдан чикарилганида далолатнома тузилаб, унинг маълумотлари тегишли инвентар карточкаларда кайд килинади ва сУнгра бу инвентар карточкалар картотекадан олиб куйилади.

Айни вактда аудитор асосий воситалар объектлари кийматининг бахоланиши ва кайта бахолаш натижаларининг инвентар карточкаларида, хам бухгалтерия хисоби счётларида акс эттирилишининг турилигини текшириши максадга мувофикдир. Бунда у Узбекистон Республикаси Молия вазирлиги (№1 6.01.2001 й), ва Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги (№7 6.01.2001 й) томонидан тасдикланган 2001 йил 1 январ холатига «Асосий фондларни кайта бахолаш тартиби»да белгиланган кайта бахолаш усулларининг

кУлланилишини текширади. Хусусан, кайта хисоблаш коэффицентларининг кУлланилиши ва хисоб-китоблар турилигига алохида эътибор бериши лозим.

Шу билан бирга кайта бахолаш натижасида нархлар ортган ёки камайган суммаларининг бухгалтерия хисоби счётларида акс эттирилиши хам текширилади. +айта бахоланиб ошган сумма 0100-«Асосий воситаларни хисобга оладиган счетлар» (0110-0190) дебети ва 8531-«Активларни кайта бахолаш бУйича тузатишлар» счётининг кредитига ёзилади.

+айта бахоланган асосий воситалар объектлари тикланиш киймати бУйича инвентар карточканинг «Реконструкциялаш, модернизациялаш» бУлимида кайд этилган бУлиши лозим. Шу билан бирга кайта бахоланган эскириш суммаси хам инвентар карточканинг тегишли бУлимида акс эттирилган бУлиши керак. Хар бир моддий жавобгар шахс асосий воситалар объектларининг аналитик хисобини АВ-9 шаклдаги ведомостда юритиши керак.Шунинг учун аудитор текширилаётган корхонада ушбу коидага риоя килинаётганлигига хам ишонч хосил килиши лозим. Бунда хамма моддий жавобгар шахслар билан белгиланган шаклда ва икки нусхада тУла моддий жавобгарлик турисида шартнома тузилганлиги, шартноманинг бир нусхаси хар бир моддий жавобгар шахсларнинг хужжатлар тУплами (шахсий делоси) да, иккинчи нусхаси эса шу ходимларнинг Узларида сакланаётганлиги танлаб текширилиши лозим.

Булардан ташкари аудитор барча моддий жавобгар шахслар асосий воситаларни Уз жавобгарлигига олганлигини тасдиклаб инвентаризация ведомостларида имзо кУйганликлари хамда асосий воситаларнинг кейинги киримлари эса уларнинг дастлабки хужжатлардаги имзолари билан тасдикланганини текширади.

Амалиётда энг кУп учрайдиган хатолардан бири - корхоналар бундай карточкаларни юритишни ортикча иш деб хисоблайдилар (корхона бухгалтериясида инвентар рУйхатларнинг борлигини назарда тутиб), инвентар карточкаларни юритадиган корхоналар эса хамма вакт хам бу карточкаларнинг реквизитларини тУлик тУлгазишга риоя килмайдилар.

Булардан ташкари, асосий воситалар киримга олинган, хисобдан чикарилган ва корхона ичида жойи (моддий жавобгар шахслар) Узгартирилганда уларнинг инвентар карточкаларига бу хакда тегишли ёзувлар ёзилганидан кейин, ой охиригача жой-жойига куйилмасдан алохида сакланганлиги аникланади. СУнгра шу карточкалар асосида хар ойда асосий воситалар амортизацияси (эскириши) ни хисоб-китоби тузилиб, уларнинг хар бир тури бУйича жамланган кирим, чиким оборотлари ва шу асосда тузилган «Асосий воситалар харакатини хисобга олиш карточкаси» (АВ-8 шакл) маълумотлар хам текширилади.

Асосий воситалар харакатини хисобга олиш карточкаси (АВ-8 шакл) жорий йилнинг 1 январига очилиб, унда асосий воситаларнинг мавжуд колдиклари турлари бУйича кУрсатилиши лозим. Ундаги ойлик оборотлар ва ой охирига, яъни кейинги ойнинг 1-санасига чикарилган колдиклари текширилади. СУнгра унинг маълумотларига асосан тузилган ***асосий восталарнинг оборот ведомостлари*** текширилиб, якунлари эса Бош дафтардаги якунлар билан солиштирилиб чикилади. Шулар асосида «Асосий воситаларнинг мавжудлиги ва харакати турисидаги хисобот» (3-шакл) маълумотлари текширилади.

Хулоса килиб айтганда, инвентар карточкаларни корхона бухгалтериясида таснифий гурухлар бУйича, уларнинг ичида эса ишлатилиш жойлари бУйича саклаш йиллик баланс тузишда ***асосий воситалар харакати турисидаги хисобот*** (3-шакл) ни тУлдиришни осонлаштиради.Аудитор бухгалтерия ходимларининг эътиборини ушбу холга каратмоăи лозим. Агар хисоб жараёнлари автоматлаштирилган бУлса, карточкаларни кУлда тУлгазишга эхтиёж колмайди. Бунда ахборотлар корхонада мавжуд бУлган аналитик хисоб машинаграммаларида сакланади, лекин улар АВ-6 шаклдаги карточкаларда хисобга олинадигн позициялардан кам бУлмаслиги лозим.

6.5. Асосий воситалар кирими ва чикимига доир муомалаларни хужжатлаштириш, счётларда акс эттириш хамда соликка тортишнинг турилигини текшириш.

Асосий воситалар киримини хисобга олишнинг турилигини текширишдан максад сотиб олинган асосий воситалар хисобда тури акс эттирилганлигини ва фойдаланишга топширилган объектларнинг реал кийматини ифодалашини тасдиклашдан иборат.

Текширувнинг ушбу боскичида куйидаги амалларни бажариш зарур:

* сотиб олинган асосий воситалар объектларининг рУйхатини (микдори ва киймати кУрсатилган холда) олиш, олинган маълумотларни 0110-0190 счётларнинг дебет оборотлари билан таккослаш;

* янгидан сотиб олинган асосий воситалар объектларининг жисмонан мавжудлиги ва дастлабки хужжатларини текшириш;
* фойдаланишга топширилган асосий воситалар объектларининг киймати бухгалтерия хисоби счётларида тегишли тарзда акс эттирилганлигини аниклаш;
* солик конунчилигининг тегишли коидаларига риоя килинганлигини аниклаш;
* хисобот даври давомида асосий воситалар катта микдорда кирим килинган холларда эски курилмалар киймати хисобдан Учирилганлигини.

Асосий воситалар киримини аудиторлик текширувидан Утказишни бошлашда дастлабки хужжатлар, уларнинг белгиланган коидаларга мувофик расмийлаштирилганлиги нуктаи назаридан шаклан текширувдан Утказилиши зарур.

Асосий воситаларни кабул килиш-топшириш (корхона ичидаги харакати) далолатномаларидаги маълумотларга асосан 0110-0190счётлар дебети бУйича киримига олинган асосий воситанинг манбаи аникланади: Устав капиталига хисса сифатида (4710 счёт кредити) капитал куйилмалар тартибида пули тУланиб сотиб олинган ёки куриб битказилганда (0810,0820 ва 0890 счётларнинг кредити), асосий подага кабул килинган моллар киймати (0840 счёт кредити), текинга олинган асосий воситалар кУшилган капитал таркибига киримга олинганда (8523 счётнинг кредити) ва х.к.

СУнгра кУрсатилган муомалаларни бухгалтерия хисобининг счётларида акс эттирилиш тартиби текширилади.

Текинга олинган асосий воситалар объектларини хисобга олиш бУйича муомалаларни акс эттириш тартиби Узбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Узбекистон Республикаси Давлат солик комитетининг тегишли меъёрий хужжатларида белгиланган.

2002 йил 1 январдан иктисоднинг нодавлат секторидаги корхоналар учун бепул (текин) олинган асосий воситалар кийматига корхона кУшилган капитали (8523 счёт кредити) кУпайтирилиб киримга олинади. (Дт 0110-0190, Кт 8523) ва улар киймати соликка тортиладиган базага кУшилади. Аудитор соликка тортиладиган фойданинг микдорини аниклаш хисоб-китоби билан танишиши ва бепул олинган мулклар киймати соликка тортиш максадида соликка тортиладиган фойдага кУшилганлигига ишонч хосил килиши лозим.

Аудитор яна шуни назарда тутиш керакки, Узбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ва Узбекистон Республикаси Давлат солик комитетининг 1995 йил 5 сентябрдаги 92/72 сон хатига мувофик устав капитали 100 фоиз давлат мулкидан иборат бУлган корхоналар ва ташкилотларнинг ички тизимида Узаро бир - бирига Утказиши натижасида текинга олинган асосий воситалар кУшимча даромад деб хисобланмайди ва натижада уларнинг киймати фойда (даромад) солиги базасига кУшилиб, соликка тортилмайди.

Булардан ташкари, аудитор инвентаризация Утказиш натижасида асосий воситалар таркибида хисобда тУрган арзон бахо ва тез эскирадиган буюмлар аникланиб, уларни арзон бахо ва тез эскирадиган буюмлар (1210 счёт) каторига Утказилганининг турилигини хам текшириши зарур. Бундан дастлабки кийматига (Дебет 1210 счёт ва кредит 0110-0199 счёт), хисобланган эскириш суммасига (Дебет 0210-0299 счёт ва кредит 1310 проводкалар тури тузилганлигига алохида эътибор бериш зарур.

Пули тУланиб сотиб олинган, замонавийлаштирилган ва техникавий жихозланган асосий воситалар бУйича корхона бир вактнинг Узида кенгайтирилган такрор ишлаб чикаришни таъминлаш максадида уларнинг молиялаштириш манбаларини соф фойда, Утган йилдаги таксимланмаган фойда, захира капиталини акс эттириш лозим.

Аудитор корхонада сотиб олинган автомобилларининг тури расмийлаштирилганлиги транспорт воситаларини сотиб олганлик учун тУланадиган соликнинг аник хисобланганлиги ва Уз вактида бюджетга Утказиб берилганлигини, тУланган солик суммасининг сотиб олинган автомобил дастлабки кийматига кУшилганлигини текшириши лозим. Агар дастлабки хужжат шубха уйаотса, ушбу муомалани амалга ошириш учун жавобгар шахслардан ёзма равишда тушунтириш хати олинади ва карама - карши текширув Утказилади.

Корхона томонидан транспорт воситаларини сотиб олинганлик учун тУланган солик турисида солик назоратига Уз вактида маълумотнома берилганлигига ишонч хосил килиш лозим.

Агар корхонада асосий воситаларни жисмоний шахслардан сотиб олиш холлари учраса, аудитор бунга алохида эътибор бериши лозим. Бундай муомалалар ёзма равишда тузилган, олдисотди шартномаси билан сотувчининг паспорт маълумотлари кУрсатилиб расмийлаштирилади. Жисмоний шахсдан, унга шахсий мулк хукуки бУйича тегишли бУлган

воситалар (уй, дала ховли, автомобил, гараж ва бошка мулклар) сотиб олинганда, унга тУланадиган суммадан белгиланган тартибда бюджетга даромад солиги ушлаш керак. Шу билан бирга ушбу жисмоний шахсга тУланиши лозим бУлган суммани Уз вактида тУлаш учун банкдан хУжалик кассасига пул олинганлиги ва кассадан Уз вактида ва тУлик берилганлигини хам текширилиши зарур.

Корхона сотувчи жисмоний шахснинг фамилияси, исми-шарифи ва доимий яшаш жойини кУрсатиб, олди - соттининг суммаси ва ушланган солик суммаси хакида солик инспекциясига хабар килиши лозим. Агар жисмоний шахс тадбиркор сифатида рУйхатга олинган бУлса, (лицензияси бУлса) ундан асосий восита сотиб олинган даромад солиги ушланмайди.

6.5.1-жадвал

Ишлаб чикаришга мУлжалланган асосий воситаларни сотиб олиш ва уларнинг дастлабки кийматини шакллантиришга оид хУжалик муомалаларини бухгалтерлик хисобининг счётларида акс эттиришга доир мисоллар.

№	Муомалалар	сумма	Корреспонденцияси счётлар	
		сУм	Дт	Кт
1.	Сотиб олинган йигма мебел учун счётфактура акцептланади: Харид кийматига ТУланган: ++С суммасига	120000 24000	0820 4510	6010 6010
2.	Мебелни ташиб келтирган транспорт идорасининг счёт фактураси акцептланди: Таъриф бУйича кУрсатилган хизмат киймати кУшилган киймати солиги (++С) суммасига	15000 3000	0820 4510	6010 6010
3.	Мебелни йиäиш учун иш хаки хисобланди.	4000	0820	6710
4.	Бюджетдан ташкари фондларга ажратмалар хисобланади: Ижтимоий сугурта фондига Нафака фондига Бандлик хизмати фондига	 1440 80 80	 0820 0820 0820	 6520 6520 6530
5.	Объект хисобга кабул килинди: Дастлабки кийматига (0820 счётни ёпиш)	140600	0140	0820
6.	ТУланган кУшилган киймат солиги хисобга Утказилди.	27000	6410	4510

Асосий воситаларнинг киримига оид муомалаларни текширишда объектларнинг дастлабки киймати тури шаклланганлигига эътибор бериш керак. Чунки у махсулотлар (ишлар, хизматлар) таннархига кУшиладиган, хар ойлик амортизация (эскириш) суммаларини аниклашда асос бўлиб хисобланади. Бунда 0800- «Капитал куйилмаларни хисобга оладиган счётлар»нинг маълумотлари текширилади. Бу счётларда сотиб олиниб ёки куриб битказилиб, балансга кабул килиниши лозим бУлган (0120 счёт дебети ва 0810 счётнинг кредити) объектнинг дастлабки (инвентар) киймати аникланади. Умумий коидаларга кУра у (++С) асосий воситанинг дастлабки кийматига киритилмайди (5 жадвал 6 муомалага каранг).

Лекин ушбу коидадан амалдаги конунчилик билан Урнатилган айрим мустасноликлар мавжуд. Хусусан, кУшилган киймат солиги асосий воситалар кийматига куйидаги холларда киритилади: агар асосий воситалар имтиёз берилган (++С тУлашдан озод килинган) махсулот ишлаб чикариш, иш бажариш, хизмат кУрсатиш учун сотиб олинган бУлса, хисоб ва хисобот тизимининг соддалаштирилган режимида ишлайдиган кичик тадбиркорлик субъектлари асосий воситаларни сотиб олганида асосий воситалар бюджет ажратма (ассигнования) лари хисобидан сотиб олинганда;

- *корхонада янги курилиш пудрат усулида амалга оширилганда, курилиш бУлаётган вактда пудратчига тУланган ++С кУрилаетган объектнинг инвентарь кийматига кУшилади.*

+урилиш хУжалик усули билан амалга оширилганда хам корхона хар ойда 0820 «Тугалланмаган курилиш» счёти дебетида ой давомида акс эттирилган харажатлар суммасига нисбатан белгиланган микдорда бюджетга ++С хисоблайди (Дебет 0810 счёт, Кредит 6410 счёт).

Аудитор пул Утказиш йУли билан сотиб олинган, куриб битказилган, тайёрланган асосий воситалар объектларига доир харажатлар, мазкур объектнинг дастлабки (инвентарь) киймати шаклланадиган, 0810,0820,0840 ва 0890 счётларда хисобга олинаётганлигини текшириши лозим.

Бунда асосий воситаларнинг дастлабки (инвентар) кийматига кУшиладиган харажатларнинг таркиби, уларнинг мазкур объектни яратишга алокадорлиги текширилади.

Асосий воситаларнинг хисобдан чикарилиши куйидаги сабабларга кУра рУй беради:

* уларни сотиш натижасида;
* чет корхоналар ва шахсларга текинга бериш;
* тузиб кетганлиги ва маънавий эскириши сабабли уларни тугатиш натижасида;
* камомад туфайли;

табиий офатлар натижасида.

Асосий воситаларнинг хисобдан чикарилиши билан боглик муомалаларни текширишдан максад куйидагиларни аниклашдан иборат:

* асосий воситанинг дастлабки (инвентар) киймати ва хисобдан чикарилаётган вактдаги эскириш суммаси тУлик ва тегишли тарзда уларни хисобга оладиган счётлардан хисобдан Учирилганлигини;
* ушбу муомалалар натижасида хосил бУлган молиявий натижалар (фойда ёки зарар) фойда ва зарарлар счётида тури акс эттирилганлиги.

Бунда куйидаги амаллар бажарилиши мумкин:

- хисобот даври давомида хисобдан чикарилган асосий воситалар объектларининг хисобдан чикарилаётган кундаги бошлангич киймати ва тУпланган эскириш суммаси кУрсатилган рУйхатини олиш; хисобдан чикарилиш сабаби; сотиш бахоси; хисобдан чикаришнинг молиявий натижаси. Олинган ахборотлар маълумотларини 0110-0190 счётлар кредити 0210-0290 счётлар дебети бУйича маълумотлар,9210,9310 ва 9431 счётлар маълумотлари билан солиштириш;
- асосий воситани хисобдан чикаришга доир муомалани амалга ошириш учун тегишли рухсатнинг мавжудлиги ва уларнинг хужжатлаштирилишини текшириш;
- хисобдан чикаришга доир хар бир муомала бУйича (хажми катта бУлганда танлаб) асосий воситаларни хисобдан Учириш ва молиявий натижасини аниклашнинг турилигини тахлил килиш.

Аудитор асосий воситалар хисобдан чикарилишини текшириш чогида хисобдан чикарилиш сабабини, муомаланинг максадга мувофиклиги ва конунийлигини аниклайди. Бунинг учун асосий воситаларни сотиш учун тузилган шартномалар, хисобдан чикариш далолатномалари, асосий воситаларни кабул килиш - топшириш далолатномаси, аналитик хисоб маълумотларидан фойдаланилади.

Даставвал, аудитор асосий воситаларни хисобдан чикаришда асос бУлган АВ-1 ва АВ-3 шаклдаги далолатномалар маълумотларини текшириши лозим. Бу далолатномаларда хисобдан чикарилаётган асосий воситаларнинг дастлабки киймати ва эскириш суммаси акс эттирилади. Аудитор хисобдан чикарилган асосий воситаларнинг инвентарь карточкалари картотекадан олиниб, далолатномага илова килинганлигига ишонч хосил килиши керак. Шунингдек, асосий воситаларнинг тУрган Урни бУйича инвентар рУйхатида хам тегишлича кайд килинганлиги текширилади.

Амалдаги счётлар режаси ва уни кУллаш йУрикномасига мувофик, хисобдан чикарилиш сабабидан катъий назар (бепул бериш, устав капиталига хисса сифатида бериш, молияланадиган лизинг шартномаси бУйича бериш, табиий офатлар ва экстремал холлар, Угирланиш ва камомад) асосий воситаларни хисобдан чикариш бУйича барча муомалалар 9210 «Асосий воситалар реализацияси ва бошкача тарзда хисобдан чикарилиши» счётида акс эттирилади.

Аудитор асосий воситаларни хисобдан чикаришга доир муомалаларни хисобга олишда 9210 счётнинг кУлланилаётганлигини, бу счётнинг дебети ва кредити бУйича ёзувларнинг тури акс эттирилганлигини хамда асосий воситаларнинг сотилиши ва бошкача тарзда хисобдан чикарилишининг молиявий натижаларини аниклашнинг турилигини аниклаши зарур.

Амалиётда асосий воситаларни хисобдан чикаришга доир муомалалар кам содир бУлади. Шунинг учун уларни 9210 счётда тУлик акс эттириш, олинган даромад (кУрилган зарар)ни тури аниклаш ва хисобдан Учириш, хамда амалдаги солик конунчилигига риоя килинишини муфассал текшириш тавсия этилади.

Асосий воситалар бепул берилганда ва бозордагидан паст бахода сотилганда аудитор асосий эътиборни жисмоний шахсларга бепул берилган ёки сотилган объектларга каратмоги лозим. Чунки корхона бу холда даромад солиги ушлаши ва бюджетга тУлаш лозим.

Сотилган асосий воситалар бУйича (масалан, транспорт воситалари, хисоблаш техникалари ва бошкаларни сотиш) бюджетга махалллий соликлар тУланаётганлиги; корхона асосий воситалар хисобдан чикарилаётганда конун билан белгиланган барча холларда ++С хисоблаб (дебет 9210 счёт, кредит 6410 счёт) ва Уз вактида тУланаётганлигини (дебет 6410 счёт, кредит 5110 счёт) аудитор аниклаши зарур.

Корхона асосий воситаларни бепул берганида хам асосий воситаларни кабул килиш-топшириш (корхона ичидаги кУчирилиши) далолатномаси (накладнойи) (АВ - 1 шакл) билан расмийлаштирилган бУлиши лозим. Далолатномада текинга бериладиган асосий воситанинг баланс киймати ва берилаётган пайтгача хисобланган эскириш суммаси кУрсатилиб, инвентар карточкаси илова килинган бУлиши керак. Далолатнома ва илова килинган хужжатлар (паспорт, техник тавсифнома, йУрикнома ва бошкалар) асосида гурухловчи рУйхат (ведомост) тузилиб, унинг якунига асосан асосий воситанинг баланс киймати ва эскириш суммаси хисобдан Учирилган бУлиши керак.

Аудитор текинга берилган асосий воситалар бУйича муомалаларни акс эттириш факат олувчи ташкилотдан кирим килингани турисидаги хабарнома (авизо) олинганидан кейин амалга оширилганлигини хамда шунга кадар бу асосий воситалар бУйича амортизация хисоблаш тУхтатилмаганлигини хам аниклаши зарур.

Шунингдек, аудитор берилган асосий воситаларни кисмларга ажратиш учун килинган харажатларни (дебет 9210 счёт ва кредит 6710, 6520 счётлар), эскириш суммасини хисобдан Учириш (дебет 0210-0290 счёт ва кредит 9210 счёт) ва натижаларни (дебет 9431 счёти ва кредит 9210 счёт агар зарар кУрилса, дебет 9210 счёт ва кредит 9310 счёти агар фойда олинса) хисобда акс эттириш бУйича бухгалтерия проводкаларининг турилигини хам текшириши хам керак.

Асосий воситаларни тугатишга доир муомалаларни текширишда, аудитор аввало тугатиш хакида корхона рахбарининг, давлат ташкилотларида эса, директор, бош мухандис ёки юкори ташкилотнинг фармойиши хамда тузилган далолатнома (АВ 3 шакл) маълумотларини Урганади. Бунда далолатномадаги объектнинг номи, тайёрланган ёки кУрилган йили, корхонага келиб тушган ва фойдаланишга топширилган санаси, инвентар раками, тУрган жойи, баланс киймати, эскириши, кайта бахоланиш натижалари, капитал таъмирлашлар сони каби маълумотлар текширилади. Шу билан бирга ушбу далолатномада объектнинг асосий кисмлари, деталлари, таркибий кисмларининг техник холати хакидаги маълумотлар келтирилган ва уни тугатиш зарурлиги асосланган бУлиши лозим. Халокат окибатида яроксиз бўлиб колган машиналар, жихозлар ва транспорт воситалари кийматини хисобдан чикариш далолатномасига сабаблари ва айбдорлари кУрсатиб тузилган халокат турисидаги далолатнома нусхаси хам илова килинган бУлиши керак.

Булардан ташкари далолатноманинг махсус кисмида келтирилган асосий воситаларни тугатиш бУйича якуний хисоб-китоблар хамда улар юзасидан тузилган бухгалтерия проводкаларининг турилиги хам текширилади.

Асосий воситаларни молияланадиган лизинг шартномаси асосида узок муддатли ижарага бериш натижасида хУжаликдан чикарилиши (Дт 0920 Кт 9210), Угирланиш (Дт 9433 Кт 9210) холларида аудитор ижарачи томонидан молияланадиган лизинг шартномаси бУйича мажбуриятларнинг Уз вактида бажарилиши ва етказилган зарарнинг айбдор шахслар томонидан тУлик копланганлигига (Дт 4630 Кт 9433) жиддий эътибор бериш керак.

Амалиётда асосий воситаларни тугатишга доир муомалалар аудитининг айрим хусусиятлари мавжуд. Бу ерда аудитор тУлик амортизация килинмаган асосий воситаларни тугатишнинг молиявий натижаси тури хисобдан Учирилганлигига алохида эътибор бериши керак. Объектни хисобдан Учиришда унинг тиклаш киймати ва эскириши икки кисмга бУлинади: асосий воситаларни кайта бахолаш пайтига бУлган ва Утказилган кайта бахолаш натижасида юзага келган тиклаш кийматлари ва эскириш суммалари. Шунинг учун асосий воситаларни тугатишда 9210 счётда аникланган йУкотишлар кисман фойда (9431 счётининг кредити), кисман эса кУшилган капитал (8532 счётнинг кредити) хисобига хисобдан Учирилиши лозим. Мисол: асосий восита хисобдан чикарилди: дастлабки киймати 200000 сУм ва эскириш 160000 сУм.

6.5.2-жадвал

№	Муомалалар	Сумма,	Боғланувчи счётлар	
		СУм	Дт	Кт
1	2	3	4	5
1	Дастлабки (тикланиш) кийматига	200000	9210	0110-0199
2	Эскириш суммасига	160000	0210-0299	9210

3	ЙУкотиш хисобдан Учирилди: а) 10000 сУм молиявий натижа хисобидан б) 30000 кУшилган капитал хисобидан	 10000 30000	 9431 8532	 9210 9210

Мисолдан кУринадики, асосий воситани тугатишдан кУрилган умумий зарар 40000 сУмни ташкил этиб (200000 с - 160000 с). 10000 сУми молиявий натижалар хисобига (Дт 9431), колган 30000 сУми кУшилган капитал хисобига (Дт 8532) хисобдан Учирилган. 30000 сУмни кУшилган капитал хисобига хисобдан Учиришнинг сабаби (Дт 8532 Кт 9210) бу сумма асосий воситани кайта бахолаш вактида пайдо бўлиб, 8532 счётининг кредитида хисобга олинган. 10000 сУмлик эскириш суммаси эса асосий воситанинг фойдаланиш муддатидан келиб чикиб, унинг сотиб олинган пайтидаги дастлабки киймати ва амортизация нормаси асосида хисоб-китоб килиниб аникланган. Шундай килиб, 30000 сУмлик хажмдаги йУкотиш соликка тортиладиган базага кириталмайди ва молиявий натижага таъсир килмайди, 10000 сУмга эса ялпи фойда (даромад) камайтирилади.

Агар корхона асосий воситаларни пул Утказиш йУли билан сотиб олган бУлса, аудитор ++Сни бухгалтерия хисоби счётларида акс эттиришнинг ёки асосий воситалар объектларининг дастлабки (инвентар) кийматига кУшилишининг турилигини текшириши лозим.

Аудитор кУзатиб чикиш услуби ёрдамида куйидагиларни аниклаши лозим: ++Снинг шартномада, мол етказиб берувчиларнинг дастлабки хужжатларида, корхонанинг хисоб-китоб хужжатларида ажратиб кУрсатилганлиги; асосий воситани сотиб олиш учун счёт-фактуранинг борлиги, капитал кУйилмаларни амалга оширишда хисобда 4510 счётдан фойдаланилаётганлиги; асосий воситалар объекти кандай максадлар учун сотиб олинганлиги, чунки ++С суммасини 4510 счётнинг кредитидан хисобдан чикариш тартиби шунга боглик.

Агар корхонада текширилаётган даврда автомобил сотиб олинган бУлса, у холда автотранспорт воситаларини сотиб олишда хисобланган соликнинг турилигини текшириш зарур.

Аудитор, шунингдек автотранспорт воситаларини сотиб олганлик учун солик объектнинг дастлабки кийматига кУшилганлигини; кУлланиладиган ставкалар ва соликка тортиладиган базани (автомобилнинг кУшилган киймат солигисиз сотув бахосини) аниклашнинг турилигини хам текшириши лозим.

Корхонанинг асосий воситаларни жисмоний шахслардан сотиб олиш бУйича муомалаларига алохида эътибор каратиш зарур. Бундай муомалалар сотувчининг паспорт маълумотлари кУрсатилган холда олди-сотти шартномаси билан расмийлаштирилади. Агар жисмоний шахс тадбиркор сифатида рУйхатга олинган бУлса (лицензияси бУлса), ундан асосий воситаси сотиб олинганида даромад солиги ушланмайди.

Асосий воситаларнинг хисобдан чикарилишини текширишда кУшилган киймат солиги ва фойда солиги тури хисоблангани хамда тУланганлигини аниклаш зарур. Асосий воситалар совга килиш шартномаси бУйича берилганда, кУшилган киймат солигини асосий воситани берувчи томон тУлайди.

Асосий воситаларни сотиш ва уларни совга килиш шартномасига мувофик беришга доир муомалаларни текшириш чогида счёт-фактураларнинг тУлдирилиши ва уларнинг сотиш дафтарида рУйхатга олинишига эътибор бериш зарур.

Асосий воситалар колдик кийматидан паст бахода сотилган холларда ++С асосий воситанинг колдик кийматига нисбатан хисобланиши ва бюджетга тУланиши лозим эканлигини аудитор инобатга олиши лозим. ++С ни кУшимча хисоблаш бу холда алохида хисоб-китоб килинади ва корхона ихтиёрида коладиган фойда хисобидан амалга оширилади.

Асосий воситаларни хисобдан чикаришда ++С ни хисоблаш учун соликка тортиладиган базани ани-лаш хусусиятлари 6.5.3-жадвалда кУрсаталган.

6.5.3-жадвал.

Асосий воситаларни хисобдан чикаришда кУшилган киймат солигини хисоблаш учун соликка тортиладиган базани аниклаш хусусиятлари.

Хисобдан чикарилиш сабаби.	Солик хисоблаш тартиби (асос бУлувчи меъёрий хужжат)
Асосий воситаларни сотиш ва текинга бериш.	Асосий воситалар сотилганда ёки текинга берилганда **соликка тортиладигин айланма** кУшилган киймат солиги кУшилмаган, корхонада вужудга келган нархлар билан аникланади,лекин у асосий воситаларнинг колдик кийматидан паст бУлмаслиги керак. Асосий воситаларни текинга берувчи корхона солик тУловчи

	бўлиб хисобланади.
+уриб битгазилиб фойдаланишга топширилган объектлар, турар жойлар ва алохида хонадонлар сотилганда.	+уриб битгазилган объектлар бУйича **соликка тортиладиган айланма** шартномавий нархлар асосида ишларни бажариш жараёнида бутловчи кисмлар ва хизматларнинг нархлари Узгаришини хисобга олган холда аникланадиган, бажарилган ишлар учун тақдим этиладиган хисоб хужжатларидаги киймати микдорида белгиланади.

Асосий воситаларни хисобдан чикаришнинг молиявий натижаси №21 БХМС га мувофик 9310 –счётда (фойда) ёки 9431 –счётда(зарар) акс эттирилганлиги боис, аудитор Давлат Солик кУмитасининг ЙУрикномасига мувофик асосий воситалар билан боглик муомалаларни соликка тортиш максадида бухгалтерлик фойдасини тузатишнинг турилигини хам текшириши лозим.

6.6. Лизинг муносабатлари ва ижара мажбуриятлари аудити.

Корхонадаги асосий воситалар Узиники ва лизинг шартномаси асосида олинган бУлиши мумкин. Уз асосий воситалари корхонага тегишли бўлиб, лизинга олинганлари эса оператив (киска муддатли) ва узок молияланадиган лизинг шарти билан олинган бУлади. Лизинг олувчи ва лизинг берувчи Уртасидаги Узаро муносабатлар Фукаролик Кодекси, Лизинг тУгрисидаги конун ва бошка тегишли хукукий-меъёрий хужжатлар талабларига риоя килинган холда, ёзма равишда тузилган ижара шартномасига мувофик тартибга солиб турилади.

Оператив лизинг бУйича олинган асосий воситаларни текширишда, аввало, ижара шартномаларининг мавжудлиги, тури тузилганлиги, асосий воситани кабул килиб олиш хисоби ва корхонада хисоб юритиш тартибига жиддий эътибор бериш зарур.

Оператив лизинг бУйича олинган асосий воситалар хисоби балансдан ташкари 001 счётда юритилиши лозим. Лизинг олувчи корхонанинг бухгалтериясида лизингга олинган хар бир объектнинг лизинг берувчи корхонадаги инвентар карточкаси (АВ-6 шакл) дан олинган нусха бУлиши керак. Асосий воситани лизинга кабул килиш хам АВ-1 шаклдаги далолатнома билан расмийлаштирилган бУлиши лозим.

Лизинг берувчи корхоналар оператив лизинг бУйича берилган асосий воситалар учун лизинг олувчи корхонадан олиниши лозим бУлган тУловни (кУшилган киймат солиги билан бирга) операцион даромадлар таркибига (Дт 4811 счёт Кт 9350) киритади. Лизингга берилган мулкнинг эскириш суммасини эса операцион харажатлар таркибига кУшадилар (Дт 9350, Кт 0220) яъни олинган даромад эскириш суммасига камайтирилади. Бунда лизинг берувчи корхона бюджетга кУшилган киймат солиги (++С.) хисоблайди (Дт 9350, Кт 6410) ва тУлайди (Дт 6410, Кт 5110).

Лизинг олувчи корхоналар оператив (киска муддатли) лизинг учун тУланадиган лизинг тУлови суммаларини ишлаб чикариш харажатларига кУшадилар (2010, 2310, 2310, 2510 счётлар дебети ва 6811 счёт «ТУланадиган оператив лизинг» счёти кредити) тУланадиган кУшилган киймат солиги (++С.) суммаси (4510 счёт дебети ва 6811 счётнинг кредити) акс эттирилади.(66.1-жадвал)

6.6.1-жадвал.

Бинони омбор учун оператив лизинг асосида бериш (олиш) билан боглик муомалаларни лизинг олувчи ва лизинг берувчи бухгалтериясида акс эттириш бУйича мисоллар.

№	Муомалалар	Сумма, сУм	Богланувчи (корреспонденцияланувчи)счётлар	
			Дт	Кт
1.	Лизинг берувчида: Лизинг олувчига счёт-фактура тақдим этилганда: Лизинг тУлови суммаси ++С билан бирга	72000	4811	9350
2.	Счёт-фактура лизинг олувчи томонидан тУланганда	91200	5110	4811
3.	Бюджетга ++С. хисобланган (тУланган)да	15200	9350 (6410)	6410 (5110)

4.	Лизингга берилган асосий воситага эскириш хисобланганда		9350	0220
	II. Лизинг олувчида:			
1.	Лизинг берувчи томонидан счёт-фактура такдим этилганда: Лизинг тУлови (60000 с) ва коммунал тУловлар (16000 с) ++С. сиз олинаётган ++С суммасига	76000 15200	2010 4510	6811 6811
2.	Счёт-фактура тУланганда	91200	6810	5110
3.	ТУланган ++С суммаси хисобга Утказилганда	15200	6410	4510

Мисолдан куриниб турибдики, лизинг олувчи лизингга олинган бино учун коммунал хизмат харажатларини ижарага берувчига тУлайди.Бунда лизинг берувчи счёт-фактурага коммунал хизматлар учун асослаб хисоб-китобларни илова килиши лозим. Факат шундагина улар ишлаб чикариш харажатларига кУшилиши мумкин.

Ижарага олинган асосий воситаларни жорий таъмирлаш харажатлари лизинг олувчи томонидан килинади, капитал таъмирлаш эса шартномадаги келишувга мувофик лизинг олувчи ёки лизинг берувчи хисобидан амалга оширилади.

Аудитор юкорида кУрсатилган масалаларни текшириб, Урнатилган талаблар ва коидаларнинг бузилиш холларини Узининг ишчи хужжатларида акс эттириши лозим.

Молияланадиган лизинг шартномаси бУйича олинган асосий воситалар аудитининг хусусиятлари. Мулкни кейинчалик сотиб олиш хукукини берувчи молияланадиган лизинг шартномаси бУйича олинган асосий воситалар, биринчидан, лизинг олувчи корхонада 0310 «Молияланадиган лизинг шартномаси бУйича олинган асосий воситалар» деган счётда хисобга олинади. Иккинчидан, асосий воситаларни молияланадиган лизинг шартномаси бУйича олувчи корхоналар уларга хар ойда белгиланган умумий тартибда эскириш хисоблаб, 0299 счётда акс эттириб боради, (Дебет 2010, 2310, 2320, 2510 счётлар ва кредит 0299 счёт). Учинчидан, ижарага берувчи билан асосий воситалар лизинги учун хисоб-китоблар лизинг олувчи корхонада шу максадда махсус белгиланган 6810- «ТУланадиган молияланадиган лизинг - жорий кисми» ва 7630-«ТУланадиган молияланадиган лизинг-узок муддатли кисми» счётларида хисобга олинади. Шундай килиб, аудитор факат корхонада молияланадиган лизинг шартномаси бУйича олинган ёки берилган асосий воситалар хисобини ташкил этишнинг турилигини текширмасдан, балки лизинг олувчи билан лизинг берувчи Уртасидаги хисоб-китобларнинг холатини хам текшириши лозим. Лизинг олувчи билан лизинг берувчининг Узаро хисоб-китобларини текшириш (солиштириш) далолатномасини хам текшириши зарур.

Жисмоний шахслардан ижарага олинган асосий воситалар аудити хам айрим хусусиятларга эга. КУпчилик фирмалар, кУшма корхоналар, ваколатхоналар автомобилларни сотиб олинганидан кУра фойдалирок бУлгани учун ижарага оладилар. Бунда аудитор автомашинани ишлатиш ва таъмирлаш харажатларини коплаш, хисоблашишлар тартиби келишилган ижара шартномаси билан танишиши лозим.

Жисмоний шахслар билан тузилган шартномага кУра ижара тУловлари ижарачи томонидан унинг харажатларига кУшилса (2010, 2310, 2510 счётлар дебет ва 6811 счёт кредит). Хисобланган ижара тУлови суммасидан даромад солиги ундирилади (Дебет 6810 счёт Кредит 6410 счёт). Ижарага берувчи жисмоний шахсларга улардан ижарага олинган асосий воситалар учун хисобланган ижара тУлови суммасидан бюджетдан ташкари фондларга тУловлар хисобланмайди.

Агар асосий воситалар объектлари тадбиркор бУлган жисмоний шахслардан ижарага олинса, хисобланган ижара тУлови суммасидан даромад солиги ушланмайди. Корхона бундай тУловларнинг барча турлари бУйича солик инспекцияси хар чоракликда билдириб туриши лозим. Аудитор корхонанинг ижарага берувчи жисмоний шахслар билан хисоб-китобларни хисобга олиш коидалари ва солик конунчилигига риоя килинаётганлигига ишонч хосил килиши лозим.

6.7. Асосий воситаларга эскириш хисоблашнинг турилигини текшириш.

Аудитор асосий воситаларга эскириш хисоблашнинг турилигини текширишда Урнатилган хар ойлик эскириш хисоблаш коидаларига бухгалтерия томонидан риоя килинганлигини аниклаши лозим. Бунда текшириш учун асосий воситаларга эскириш хисоблашда тУлдириладиган 6-шаклдаги хисоб-китоб жадвали асос бўлиб хизмат килади. Аудиторга хизмат килиш муддати Утиб, амортизация хисоблаш тУхтатилган асосий воситалар объектларининг рУйхати такдим этилиши лозим. Агар корхонада тезлаштирилган амортизация хисоблаш механизми кУлланилса, ушбу холат унинг хисоб юритиш сиёсатида кУрсатилган бУлиши лозим.

Аудитнинг ушбу блокида куйидаги ишлар амалга оширилади:

* корхона хисоб сиёсатида кУрсатилган - **асосий воситаларга амортизация хисоблаш коидаларига** риоя килинишини текшириш;
* амортизация ажратмаларини асосий воситаларнинг у ёки бу гурухига олиб боришнинг турилигини текшириш;
* хар ойлик амортизация ажратмалари суммалари бУйича хисоб-китобларни текшириш;
* амортизация ажратмаларининг хисобда Уз вактида ва тури акс эттирилишини текшириш.

Амортизация ажратмаларини хисоблаш ва бухгалтерия хисоби счётларида акс эттиришнинг турилигини аниклаш № 5 БХМС, 21-БХМС ва мижоз-корхонанинг хисоб сиёсати турисидаги буйругининг тегишли кисмига мувофик амалга оширилади. Бунинг учун корхона хисоб сиёсати бУйича буйругининг коидалари; асосий воситалар амортизация хисоб-китоби бУйича ишланма жадваллар кУрсаткичларидан фойдаланилади.

Аудитор амортизация хисоблашнинг махсус шартлари кУлланиладиган асосий воситалар объектларининг рУйхатини олиши зарур. Буларга хусусан куйидагилар киради:

* хизмат килиш муддати Утиб кетган асосий воситалар;
* амортизация хисобланмайдиган асосий воситалар;
* консервациядаги асосий воситалар;
* амортизация хисоблаш тУхтатилган асосий воситалар;
* жадаллаштирилган амортизация усули кУлланилаётган асосий воситалар;
* ноишлаб чикаришдаги асосий воситалар;
* молияланадиган лизинг шартномаси бУйича олинган асосий воситалар.

Амортизация ажратмаларининг хисобланишини текшириш чогида аудитор амортизация хисоблаш усуллари (чизикли усул, камайиб борувчи колдик усули, фойдали ишлатиш муддати давомидаги йиллари йигиндиси бУйича кийматини хисобдан Учириш усули, кийматни махсулот (иш) хажмига мутаносиб равишда хисобдан Учириш усули)га эътибор бериши зарур.

Асосий воситалар объектларининг бир хил гурухлари бУйича амортизация хисоблашнинг танланган у ёки бу усулини кУллаш бутун фойдали хизмат килиш муддати давомида бошкасига Узгартирилмасдан амалга оширилиши лозим. Аммо, соликка тортиш максадида амортизация ажратмалари хисоблаш Узбекистон Республикаси Солик Кодекси 23-моддасига мувофик асосий воситалар объектларининг дастлабки кийматига нисбатан амалга оширилиши хам мумкин.

Аудитор танлаб текшириш усули билан асосий воситаларнинг фойдали хизмат килиш муддати тури белгиланганлигини аниклайди. Чунки хисобот давридаги амортизация ажратмалари суммаси ва амортизация ажратмалари нормаларини белгилаш шунга боглик. Амортизация ажратмалари нормалари нотури белгиланган холатлар аникланганида, аудитор махсулот (иш, хизмат) лар таннархи канчалик ошган (пасайган) лигини аниклайди.

Шунингдек, амортизация хисоблаш муддатларининг бошланиш ва тУхтатилиш муддатлари, амортизация хисоблашнинг мунтазамлиги, амортизация хисоблашда пасайтирувчи ва оширувчи коэффициентларни кУллашнинг турилигини текшириш.

Амортизация ажратмалари хисоб-китобларининг турилиги танлаб текширилади.

Амортизация ажратмаларини махсулот (иш,хизмат)лар таннархига олиб боришнинг турилигини текшириш амортизация ажратмаларини аудиторлик текширувидан Утказишнинг мухим масалаларидан бири хисобланади. Аудитор амортизация хисобланадиган объектлар асосий воситаларнинг кайси гурухига (ишлаб чикариш ёки ноишлаб чикариш) тегишлилигини, асосий воситалар махсулот ишлаб чикариш (иш бажариш, хизмат кУрсатиш) да ишлатилаётганлиги ёки оператив (киска муддатли) лизинг шартномаси асосида берилганлигини аниклаши лозим. Ноишлаб чикариш сохасидаги асосий воситалар бУйича

хисобланган амортизация ажратмалари Уз маблаглари манбалари хисобига, оператив лизинг асосида топширилганлари бУйича эса фойда ва зарарлар счётига олиб борилади.

Асосий воситаларга эскириш хисоблашни хисобга олишда энг кУп учрайдиган коида бузилиш холлари: айрим корхоналарда асосий воситаларга эскириш хисоблаш хар чоракликда амалга оширилади; соликка тортиладиган базани камайтириш максадида атайлаб хизмат килиш муддати Утиб кетган асосий воситаларга хам эскириш хисоблаш давом эттирилади; асосий воситаларга асоссиз тарзда тезлаштирилган эскириш хисобланади ва х.к.

Уларни куйидаги жадвалда баён килиш мумкин (6.7.1-жадвал).

6.7.1-жадвал

Асосий воситаларга амортизация хисоблашда кУп учрайдиган хато-камчиликлар

Амортизация ажратмалари бУйича аникланган хатолар	+айси хужжат коидаси бузилган	Хатонинг окибати
Асосий воситалар дастлабки (инвентар) кийматининг нотури аникланиши (оширилиши ёки пасайтирилиши)	?	Амортизация ажратмалари суммалари ошиб (камайиб), соликка тортиладиган фойданинг бузиб кУрсатилишига олиб келади.
Корхона зарар кУриб ишлаганида амортизация хисобланмаслик	?	ХУжалик фаолияти молиявий натижасининг бузилиши ва амортизация хисобланадиган объект фоидали хизмат муддатининг чУзилиши
Амортизация ажратмаларини хар чоракда бир марта (чораклик хисобот тузиш пайтида) хисоблаш.	?	ХУжалик фаолияти фактларининг вактинчалик аниклик тамоилининг бузилиши Алохида даврлар бУйича молиявий натижалар бузиб кУрсатилиши
ТУлик амортизация килинган асосий воситалар бУйича амортизация хисоблашнинг давом эттирилиши	?	Бухгалтерия хисоботи кУрсаткичларининг бузилиши. Махсулот (иш, хизмат)лар таннархининг сунъий равишда ошиб кетиши, соликка тортиладиган базанинг, хамда юридик шахсларга мулк солигини хисоблашда мулклар кийматининг камайтирилиши
Амортизация ажратмалари хисоблашнинг бошланиш ва тухатилиш муддатларини аниклашдаги хатолар	?	Амортизация хисоблашни вактидан олдин бошлаш соликка тортиладиган фойданинг камайтирилишига, шунингдек, амортизация хисоблашнинг вактидан олдин тугашини билдиради
Ижарага олинган асосий воситаларга килинган капитал харажатлар бУйича амортизация хисобланиши	?	Ишлаб чикариладиган махсулот таннархининг пасайиши. Бухгалтерия хисоботи кУрсаткичларининг бузиб кУрсатилиши

Амортизация ажратмаларини текшириш чогида куйидаги тахлилий амаллар кУлланилиши мумкин:

* асосий воситаларни хисобга оладиган счётлар (0110-0199) бУйича колдикларни ва жорий йилда хисобланган амортизацияни олдинги даврлардаги маълумотлар билан таккослаш ва уларнинг Узгаришини бахолаш;
* жорий йилда жамгарилган амортизация колдигини олдинги даврлардаги колдиклар билан таккослаш.

Асосий воситаларга эскириш хисоблашнинг турилигини текширишда аудитор корхонада Урнатилган амортизация нормаларининг мавжудлигига ишонч хосил килиши лозим. Уларнинг йУклиги йУл куйилган хатоларга сабаб бУлиши мумкин. Узбекистон Республикасининг Солик Кодексига мувофик (23-модда) 1998 йил 1 январидан бошлаб асосий воситаларга куйидаги нормаларга асосан амортизация хисобланади (6.7.2-жадвал):

6.7.2-жадвал

Асосий воситаларнинг амортизация нормалари

Асосий воситалар гурухлари	Амортизация нормаси
1. Енгил автомобиллар, такси, йУлларда фойдаланиладиган автотрактор техникаси, махсус асбоб- ускуна,инвентар ва жихозлар. Компьютерлар, периферия кУрилмалари ва маълумотларни кайта ишлаш ускуналари.	20 фоиз
2. Юк автомобиллари, автобуслар, махсус автомобиллар ва автотиркамалар. Саноатнинг барча тармоклари, металл куйиш корхонаси учун машиналар ва ускуналар, темирчилик-пресслаш ускуналари, кУрилиш ускуналари, кишлок хУжалик машиналари ва ускуналари. Офислар учун мебел.	15 фоиз
3. Темир йУл, денгиз ва хаво транспорти воситалари. Куч-кувват берадиган машиналар ва ускуналар: иссиклик-техника ускуналари, турбина ускуналари, электр двигателлари ва дизелогенераторлар. Электр Узатиш ва алока кУрилмалари. Трубопроводлар.	8 фоиз
4. Бинолар, иншоотлар ва иморатлар.	5 фоиз
5. Бошка ушбу гурухларга киритилмаган, амортизация килинадиган активлар.	10 фоиз

6.8 .Асосий воситаларни таъмирлаш аудити. Пудрат усули ва хУжалик усулида бажарилган таъмирлаш ишлари аудитининг хусусиятлари.

Асосий воситаларни тиклаш куйидагилар оркали амалга оширилади:

* таъмирлаш (жорий, Урта, капитал);
* замонавийлаштириш ва кайта жихозлаш.

Асосий воситаларни таъмирлашга доир муомалаларни текшириш чогида аудитор хужжатлар расмийлаштирилишининг турилилигига алохида эътибор каратиши лозим.

Асосий воситаларни таъмирлашга доир муомалаларни текшириш чогида аудитор мазкур масала бУйича корхонада кандай хисоб сиёсати кабул килинганлиги аниклаши лозим. Бу нарса текширувни давом эттириш кетма-кетлигини белгилайди. Корхоналарда асосий воситаларни таъмирлашга доир харажатлар куйидагича хисобдан Учирилиши мумкин:

* харажатларнинг килиниш меъёрига караб бевосита махсулот (иш,хизмат)лар таннархига;
* асосий воситаларни таъмирлаш учун яратилган фонд хисобидан;
* харажатларни олдин 3190 - «Бошка олдиндан тУланган харажатлар» счётига олиб бориб, кейинчалик бир меъёрда таннархга кУшиб бориш.

Агар хисоб сиёсатига мувофик корхонада асосий воситаларни таъмирлаш учун резерв ташкил этиладиган бУлса, унда аудитор резерв учун ажратмалар суммасининг иктисодий асосланганлигини, асосий воситаларнинг турлари бУйича (бинолар, иншоотлар, курилмалар ва хоказо) ажратмалар микдори кУзда тутилганлиги ёки ажратмаларнинг ягона нормаси белгиланганлиги, хар ойда резерв хисоблаш тамоилига риоя килиниши. Таъмирлаш учун килинган хакикий харажатлар яратилган резерв хисобига хисобдан Учирилади. Шунинг учун аудитор йил охирида (таъмирлаш ишлари тугалланган холларда) ошикча хисобланган резерв туриланганлиги (сторно килинганлиги)га ишонч хосил килиши лозим.

Асосий воситаларни таъмирлашга доир муомалаларнинг бухгалтерия хисоби счётларида акс эттирилишини текшириш чогида аудитор, ишлаб чикаришга доир асосий воситаларни таъмирлаш харажатлари таннархга олиб борилганлиги, ноишлаб чикаришга доир асосий воситаларники эса Уз манбалари хисобига хисобдан Учирилганлигига ишонч хосил килиши лозим. Шунингдек, аудитор таъмирлаш ишлари кайси усул билан (пудрат ёки хУжалик усули) амалга оширилганлигини хам текширади.

Агар хисобот даврида лизингга олинган асосий воситалар таъмирланган бУлса, таъмирлаш турини (жорий ёки капитал), лизинг шартномасида капитал таъмирлаш кУзда тутилганлиги ва харажатлар кимнинг хисобидан копланишини текшириш зарур.

Корхоналар хисобот даврида асосий воситалар объектларини замонавийлаштириш ва кайта жихозлаш учун хам харажатлар килиши мумкин. Аудитор бу холда куйидагиларни текширади: килинган харажатлар 0890 - «Бошка капитал сарфлар» счётида хисобга олинганлиги, таъмирлаш ишлари якунланганидан сУнг асосий воситалар дастлабки киймати ошганлиги, корхона кУшилган капиталининг кУпайиши хисобда кУрсатилганлиги.

Корхона асосий воситаларни таъмирлаш билан боглик барча харажатларни ишлаб чикарилган махсулот (бажарилган иш, кУрсатилган хизмат)лар таннархига киритади, бу пировардида молиявий натижанинг шаклланишига, шунингдек корхонанинг фойдадан бюджетга тУловлар бУйича бюджет билан Узаро муносабатларига хам таъсир этади.

Аудитор, энг аввало, бу масала бУйича корхонада кандай хисоб сиёсати кабул килинганлигини аниклаши лозим. Айрим корхоналар келгуси йил учун хисоб сиёсатини кабул килишда таъмирлаш харажатларини хар ойда хакикий харажатлар хажмида хисобдан Учирадиган тартибни кУллайдилар. Бошка корхоналар таъмирлаш фонди яратадилар (таъмирлашнинг барча турлари учун резервга маблаг ажратадилар), хакикатда бажарилган таъмирлаш ишлари учун килинган харажатларни эса ташкил этилган фонд хисобига хисобдан Учирадилар.

Биринчи холатда таъмирлашга доир барча харажатлар таъмирлаш кайси хисобот даврида амалга оширилган бУлса, бевосита шу даврдаги ишлаб чикариш харажатларига кУшилиши лозим; иккинчи холатда корхона балансида тУрган асосий воситаларнинг дастлабки кийматига нисбатан фоиз хисобида таъмирлаш фондига ажратмалар нормативи хисоблаб чикарилади.

Одатда, хисоб юритиш сиёсатининг биринчи вариантини кичик ва Урта бизнес корхоналари, иккинчисини асосий воситалари мулклар (активлар)нинг салмокли кисмини ташкил этадиган йирик корхоналар кУллайдилар.

Аудитор таъмирлаш харажатларини ишлаб чикариш харажатларига кУшишнинг турилигини корхонада кабул килинган хисоб юритиш сиёсатидан келиб чикиб, унинг Узгариш холларида эса сабабини ва ушбу вазиятнинг молиявий натижага таъсирини текшириши лозим.

Асосий воситаларга эскириш хисоблаш ва таъмирлаш бУйича корхонада кандай хисоб юритиш сиёсати кабул килинганлагини аниклаш учун 8910 «Келгуси давр харажатлари ва тУловлари резерви» счётининг маълумотлари билан танишиш зарур. Агар 8910 счётда алохида «Таъмирлаш фонди» деган субсчёт ажратилган бУлса, ушбу фондга килинган ажратмаларнинг хажми канчалик асосланганлиги (иктисодий хисоб-китоблар билан тасдикланганлиги)га ишонч хосил килиш зарур. Ажратмалар хажми асосий воситалар турлари бУйича табакаланган ёки ажратмаларнинг ягона нормаси Урнатилган бУлиши мумкин. Агар ягона нормативни кУллаш, аудитор нуктаи назаридан, таннархнинг асоссиз кУтарилиши ва соликка тортиладиган базанинг пасайишига олиб келса, у бу холни аудиторлик хисоботида кУрсатиб Утиши лозим.

Масалан, таъмирлаш фондига ажратмаларнинг ягона нормасида, агар бино ва иншоотларнинг киймати умумий балансда салмокли Урин тутса, аудитор кейинги йилларда кандай ажратмалар нормалари кУлланилганини кУриб чикиши лозим. Асосий воситалар (бинолар, иншоотлар, транспорт воситалари, машиналар ва кУрилмалар)нинг хизмат килиш муддатлари хилма-хил, шунинг учун амортизация ажратмаларининг ягона нормаларини кУллаш унчалик тури эмас. Бошка томондан, машина ва кУрилмаларни хар хил иш сменаларида, алохида технологик мухит ва шунга Ухшаш юкори даражада эскиришга олиб келадиган шароитда ишлатиш хам таъмирлаш фондига килинадиган ажратмаларни тезлаштиришни такозо этади. Пудрат шартномаси бУйича хисобланган суммалар, ижтимоий сугурта фонди (И.С.Ф.) га ажратмалар ва транспорт солигидан ташкари, мехнат хаки сарфлари (бюджетдан ташкари фондларга ажратмалар билан биргаликда) каби харажатларга кУшилади. Аудитор таъмирлаш фондига ажратмалар нормативларнинг техник-иктисодий асоси (хисоб-китоби)нинг мавжудлиги ва хар ойлик ажратмалар килишда уларга риоя килинганлигига ишонч хосил килиши лозим.

Пудрат усулида бажарилган таъмирлаш ишлари аудитининг хусусиятлари. Бу холда таъмирлаш ишлари тузилган шартномалар асосида пудратчи ташкилотлар томонидан бажарилади, бунда 6010«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тУланадиган счётлар» счётида акс эттириладиган, корхонанинг таъмирлаш ташкилотлари билан хисоб-китоблари текшириш объектлари бўлиб хисобланади. Шунингдек, таъмирлаш ишлари тадбиркор жисмоний шахслар ёки тадбиркор бУлмаганлар билан тузилган пудрат шартномаларига асосан хам бажарилиши мумкин. Сарфларни ишлаб чикариш харажатларига кУшиш факат таъмирлаш ишларини бажариш сметаси шартнома билан кУзда тутилган холатдагина мумкин. Агар бундай бУлмаганда, жисмоний шахслар билан тузилган пудрат шартномалари бУйича бажарилган ишлар учун килинган харажатлар корхонанинг соф фойдаси хисобига хисобдан Учирилиши лозим. Жисмоний шахслардан бюджетга даромад солиги ушланиши ва Утказиб берилиши лозим.

ХУжалик усулида бажарилган таъмирлаш ишлари аудитининг хусусиятлари. Аввал таъкидлаб Утилганидек, таъмирлаш фонди ташкил этмайдиган кУпчилик корхоналар барча килган харажатларини уларнинг килиниш меъёрига караб махсулот ишлаб чикариш (иш бажариш, хизмат кУрсатиш) харажатларига кУшадилар. Катта ва Урта корхоналарда махсус таъмирлаш хизматлари (цехлар, участкалар) бУлиши мумкин. Бундай булинмаларнинг харажатлари амалда таъмирлаш турлари: жорий, Урта, капитал таъмирлаш бУйича 2310«Ёрдамчи ишлаб чикаришлар» счётининг «Таъмирлаш устахонаси» субсчётида олдиндан йигилиб таъмирлаш ишлари тугалланганидан кейин корхонада кабул килинган хисоб юритиш сиёсатига кУра 2310-счёт кредитидан ишлаб чикариш счётлари (2010,2510,)нинг дебетига ёки таъмирлаш фонди (8910-счёт «Таъмирлаш фонди» субсчёти) хисобига хисобдан Учирилади. Капитал ва Урта таъмирлаш учун сметалар тузилган бУлиши лозим. Буларнинг хаммаси аудитор томонидан текширилади.

У хУжалик муомалаларини хужжатлаштириш тартиби билан танишиб чикиши керак. Дастлабки хужжатлар (материалларни олиш учун талабнома ва бошкалар)да харажатларнинг йУналиши, яъни таъмирлаш ишлари кУрсатилиши лозим. Аудитор корхона маъмуриятига нуксон (дефект)лар ведомостига асосан тузиладиган, чоракларга бУлинган, таъмирлаш ишларини Утказишнинг 1 йиллик режасини тузишни тавсия килиши мумкин. Бу тадбирлар

Уз навбатида корхоналарга таъмирлаш максадида маблаглардан самарали фойдаланиш устидан назоратни кучайтиришга имкон яратади.

Хулоса килиб айтганда, асосий воситаларни малакали аудиторлик текширувидан Утказиш, сифатли аудиторлик хисоботи ва аудиторлик хулосаси тузиш учун ушбу хисоб объектини хар томонлама синчиклаб текшириш, маълумотларни тахлил килиш, шунингдек, бу ишга киришишдан олдин асосий воситалар хисобига доир барча меъёрий хужжатлар хамда бошка зарур манбалардан иборат маълумотлар тУпламини шакллантириш зарур. Шундагина аудитор малакали текширув Утказиб, корхонага (мижозга) сифатли хизмат кУрсатиши ва кимматли маслахатлар беришга эришиши мумкин.

7 –БОБ. НОМОДДИЙ АКТИВЛАР АУДИТИ.

7.1. Номоддий активларнинг мохияти, ахамияти, Узига хос белгилари ва аудитининг хусусиятлари**.**

Республикамизда иктисодиётнинг бозор муносабатларига Утиши туфайли корхона маблаглари ва маблаглар манбаларини шунингдек, уларнинг харакатини бухгалтерия хисобида акс эттириш услубида хам сезиларли Узгаришлар рУй берди. Бухгалтерия хисобининг объекти бУлган ва тегишли назорат Урнатилишини талаб этувчи хУжалик маблагларининг янги турлари пайдо бУлди. Бозор ислохотларининг чукурлаштирилиши ва иктисодётнинг эркинлаштирилиши туфайли корхоналар, фирмалар ва акциядорлик жамиятларнинг хУжалик юритиш амалиётида мулкчилик ва муомалаларнинг янгича турлари кириб келмокда. Булардан бири номоддий активлардир.

Номоддий активларга патентлар, лицензиялар, «ноу-хоу», савдо маркалари, товар белгилари, саноат намуналари, дастурий таъминот, гудвилл, ташкилий харажатлар, франшизалар, муаллифлик хукуклари, ер ва табиий ресурслардан фойдаланиш хукуклари, хизмат кУрсатиш белгилари ва бошкалар киради.

Ташки иктисодий муносабатларнинг ривожланиши, кУшма корхоналар ва акциядорлик жамиятларининг ташкил этилиши сабабли номоддий активлар хисоби ва аудити олдига муайян талаблар кУйилмокда.

Шуни алохида таъкидлаш лозимки, бу сохада бир канча масалалар хозирги кунда Уз ечимини кутмокда, халкаро тажриба суст Урганилмокда. Иккинчи томондан, номоддий активлар хакикатан, хатто дунё амалиёти учун хам мураккаб ва хилма-хил тушунча бўлиб, хусусан уларни хисобга олиш ва хисоботда акс эттириш хамда аудиторлик текширувидан Утказиш бУйича ягона халкаро ва миллий стандартларнинг йУклиги хамда бу муаммолар бУйича давом этиб келаётган принципиал келишмовчиликлар бундан далолат беради.

Хусусан, бизнинг республикамизда хам номоддий активларни аудиторлик текширувидан Утказиш бУйича услубий кУрсатмалар хали ишлаб чикилмаган.

Хозирги кунда номоддий активларни хисобда ва хисоботда акс эттириш масалаларига сезиларли даражада эътибор кучайди. Булар иктисодий алокаларнинг ривожланиши ва чет эл инвестицияларининг кУплаб жалб килиниши, молия бозорларининг ривожланиши; жахон иктисодиётида якка хокимлик учун ракобатли курашнинг кучайиши, фан - техника тараккиётининг жадаллашиши ва мураккаблашуви каби жахон иктисодий тараккиёти умумий тенденцияларининг конуний окибати хисобланади.

Мавжуд меъёрий хужжатлар ва амалий тажрибага таянган холда номоддий активлар аудитини куйидаги тартибда Утказиш максадга мувофикдир: хисоб объектларининг номоддий активлар каторига тури киритилганлиги, интеллектуал мулк, саноат намуналари ва шунга Ухшашлар учун корхонага мулкий хукук берадиган хужжатларни тахлил килиш, хужжатларда акс эттирилган киймат кУрсаткичларини Ўрганиш, номоддий активлар кирими, эскириш хисоблаш ва хисобдан чикарилишига доир муомалаларнинг бухгалтерлик хисобида тури акс эттирилиши; номоддий активларнинг хакикатда мавжудлигини инвентаризация килиш; номоддий активларни хисобга олиш ва унинг хукукий жихатдан тури расмийлаштирилганлиги хакидаги хулосаларни умумлаштириш ва аникланган хато камчиликларни тузатиш бУйича тадбирлар белгилаш.

Мохиятига кУра номоддий активлар каторига жисмоний шаклга эга бУлмаган, лекин корхона фаолиятида унинг бошка активлари каторида катнашиб даромад келтирувчи маблаглар киритилади.

Патентлар, лицензиялар, савдо маркалари, савдо белгилари, муаллифлик хукуклари каби номоддий активларнинг мохияти Узбекистон Республикасининг тегишли юридик конунлари билан тартибга солиб турилади.

Номоддий активларнинг Узига хос белгилари куйидагилардан иборат: буюмлашган кУринишга эга эмаслиги; узок вакт давомида ишлатилиши; корхонага фойда келтириш; уларни ишлатишдан олиниши мумкин бУлган фойда хажмининг нисбатан юкори даражадаги ноаниклиги.

Номоддий активларнинг мохиятига кУра хусусиятларини кУриб чикамиз: саноат интеллектуал мулк объектларига кашфиёт хукуки, саноат намуналари, товар белгилари, савдо маркалари, хизмат кУрсатиш белгилари киради. Кашфиёт хукуки кашфиёт эгасига карор кабул килиш учун махсус берилган хукукдир. Кашфиётларни мухофаза килишнинг энг кУп таркалган тизими уларни патентлашдир.

Патент - бу юридик жихатдан тан олинган ва рУйхатга олинган мутлак хукукдир. Патентга оид хукук унинг эгасига ташкаридан бошка шахслар аралашмаслиги шарти билан патент амал киладиган буюмдан, жараён ёки фаолиятдан фойдаланиш, уларни ишлаб чикариш, сотиш ва назорат килиш имконини беради.

Патентнинг патент органларида рУйхатдан Утказилиши унинг химояланишига кафолат бермайди ва у судда муваффакият билан химояланмагунига кадар ракобатбардош бУла олмайди. Шунинг учун хам судда муваффакиятли химоя килиниши билан боглик харажатларни патент бахосининг бир кисми сифатида капиталлаштириш лозимлиги турисида умумий келишув мавжуд.

Агарда суд жараёни бой берилган бУлса, у билан боглик харажатлар хам амортизация килинмаган патент киймати хам хисобдан чикарилади. Патентнинг баланс киймати зарардан нолга тенг бУлиши мумкин бУлган кийматгача камайтирилади.

Саноат мулклари объектларининг Узига хос хусусияти, уларга эгалик хукукини тасдикловчи мухофаза хужжатларининг мавжудлиги хисобланади.

Аудит жараёнида номоддий активлар мухофаза хужжатларинниг хакикийлигига алохида эътибор каратилиши лозим. Бунда, коидага кУра патент эгасида сакланадиган, факат битта расмий мухофаза хужжати берилишини, мазкур объектдан лицензияга асосан фойдаланадиган шахсларда эса мухофаза хужжатининг нусхаси бУлиши лозимлигини назарда тутиш керак.

Халкаро амалиётда **«ноу - хоу»** тушунчаси бозор оборотида тижорат кадр - кимматга эга бУлган, исталган илмий, техникавий, ишлаб чикариш (ташкил этиш ва бошкарув тизимини кУшган холда) ахборотларини Уз ичига олиши мумкин.

Шунингдек, «ноу - хоу» хукуклари яъни техник-тажриба ёки ишлаб чикариш сирлари хам саноат мулки объектларига тааллуклидир. Бундай хукуклар, одатда, юридик кучга эга бУлган кандайдир хужжатлар билан тасдикланмайди, лекин улар тижорат сири хисобланади ва махсус мухофаза килишни талаб этади.

Амалда ахборотларга монопол эгалик килиш хукукнинг вужудга келишига асос бўлиб хизмат килади. «Ноу - хоу» ни мухофаза килиш шартлари куйидагилардан иборат. Биринчидан, ахборотнинг учинчи шахсга маълум бУлмаслиги унинг тижорий кадр-кимматига зарур шарт - шароит (замин) бўлиб, хизмат килади. Иккинчидан, у учинчи шахсларнинг бемалол киришлари учун ёпик бУлиши керак (конун асосида). Учинчидан, ахборот эгаси унинг махфийлигини мухофаза килиш учун зарур чора - тадбирларни кУллаши лозим. Ушбу махфийлик шартларидан бирортасининг бузилиши ахброт эгасини уни химоя килиш хукукидан махрум этади. «Ноу-хоу» эгаси хукукларини химоя килиш Узбекистон Республикаси Фукаролик Кодекси ва бошка тегишли конуний хужжатлар билан амалга оширилади.

Савдо маркалари - компанияларга, махсулот ёки хизматларга оид берилган номлар, рамзлар ёки бошка хил (аниклаб берувчи) идентификациялар. Улар эгалик килишни асослаш учун рУйхатга олиниши, рУйхатга олинганлари эса - уларнинг фаолият муддатларини маълум бир даврга узайтириш асосида янгиланиб бориши мумкин. Бундай холларда номланишлар, рамзлар ва махсулотнинг бошка аникловчи идентификациялари юридик жихатдан химояланади.

Савдо маркасини сотиб олиш чогида тУланган пул маблаглари суммаси капиталлаштириб борилади. Унга ишлов бериш, уни химоя килиш, кенгайтириш, рУйхатдан Утказиш ёки судда химоя килиш натижасида юзага келган суммалар хам капиталлаштирилади.

Шу тарика капиталлаштирилган суммалар савдо маркасининг фойдали хизмат килиши муддати мобайнида ёки ушбу муддатлардан кайси бири нисбатан киска бўлиб чикишидан келиб чиккан холда - 40 йил мобайнида амортизация килиниши лозим.

Товар белгилари бирорта корхона товар (хизмат)ларини бошка корхоналар товарлари ёки хизматларидан фарклаш учун хизмат киладиган белгилардир. Улар огзаки, тасвирий, хажмли ва бошкача кУринишларда бУлишлари мумкин. Асосий фаолияти хар хил хизмат кУрсатишдан иборат бУлган (мехмонхона, туристик бюро, транспорт корхонаси ва шунга Ухшаш) ташкилотлар томонидан фойдаланадиган хизмат кУрсатиш белгилари хам товар белгиларига тенглаштирилган. Товар белгилари ва хизмат кУрсатиш белгилари ишлатиладиган товарлар ёки кУрсатиладиган хизматларга махсус (алохида) хукукка эгаликни тасдиклайди. Бу белгилар товарларга ёки кадокланган идиш (упаковка)ларга, чизмаларга, проспектларга, счётларга, бланкаларга, товарларни кУзатувчи ёки уларни сотишга доир муомалалар билан боглик хужжатлар ёрликларига туширилади.

Товар белгиси гувохномаси товар белгисидан фойдаланадиган шахснинг хукукини тасдикловчи мухофаза хужжати бўлиб хисобланади.

Фойдали модел ишлаб чикариш воситалари ва истеъмол буюмларининг, шунингдек, улар таркибий кисмларининг конструктив бажарилиши каби тавсифланади. Фойдали модел гувохномаси фойдали моделни ишлатиш учун унинг эгасига махсус хукук берувчи мухофаза хужжати бўлиб хисобланади.

Саноат намуналари учун хукук халк истеъмол товарлари ва ишлаб чикариш техник мулжалдаги буюмларнинг ташки кУринишини белгилайдиган, бадиий конструкторлик ечимлардан фойдаланиш хукукидир. Саноат намуналари жисмонан хажм эгаллайдиган модел (автомобил, самолёт, идиш, станок, мебел ва шунга Ухшаш), ёки ясси тасвирли саноат расми (газмол, гилам, шрифт ва шунга Ухшаш) кУринишда бУлиши мумкин.

ЭХМ учун дастур таъминоти ва маълумотлар базасининг киймати номоддий активлар сифатида уларни харид килиш сарфлари ва корхонанинг Узида ишлаб чикиш сарфларини ифодалайди, шу билан бирга дастур таъминоти стандарт ёки буюртмали бУлиши мумкинлиги хам хисобга олинади.

Дастур воситалари техник (шу жумладан дастур ва ишлатиладиган) хужжатлаштириш билан биргаликда маълумотларни ифодаловчи воситада намойиш этади. ЭХМ учун дастур таъминотларини ва маълумотлар базасини мухофаза килиш муаллифлик хукуки воситалари оркали амалга оширилади.

Фирманинг амалий шухрати - Goodwill - бухгалтерлик хисобига оид адабиётларда хар хил номланади. Масалан, фирманинг бахоси, фирманинг яхши номи, фирманинг амалий алокалари ва бошкалар. Фирманинг амалий шухратига хар хил омиллар таъсир этади.Жумладан, харидорлар, кредиторлар ва хизматчилар билан муносабатлар, ишлаб чикариш ва бошкарув тузулмаси, фирманинг жойлашган Урни ва бошкалар. Номоддий активларнинг бу тури Узининг мазмунига кУра сотган корхона балансида турган мулкларнинг бахоси билан сотиб олган корхона томонидан тУланган хакикий бахо Уртасидаги фарк сифатида ифодаланади. КУриниб турибдики, номоддий активларнинг бу тури одатда бир корхона томонидан кандайдир бир бошка бирон бир корхонани сотиб олишда вужудга келади.

Агар сотилаётган корхона ёки харидорлар фирма обрУсининг кийматини олдиндан билишни хохласалар, у холда улар компания оладиган Уртача тармок фойдасидан ошадиган фойда нормасидан келиб чикиб хисоблаб чикаришлари мумкин.

Ташкилий харажатлар - корхона фаолиятини ташкил килиш чогида килинадиган харажатлардир. Унга бевосита таалукли бУлган харажатлар (масалан, юридик, бухгалтерия, девонхона ва харакатланиш харажатлари) ташкилий харажатлар сифатида капиталлаштирилиши мумкин. Мазкур холатда ушбу харажатларнинг келгуси даврда фойда келтириши капиталлаштириш учун асос бўлиб хисобланади. Фаолиятнинг биринчи йилида жами суммаларни харажатларга киритиш харажатнинг даромад билан мувофик келмаслигига олиб келади.

Ишлаб чикариш фаолияти муддати ноаник деб хисобланиши боис ушбу харажатлардан фойда олиш даврини хам одатда аниклаш мумкин эмас. Шу сабабдан хам ташкилий

харажатларнинг актив сифатида тан олиниши бизнеснинг аник турига бевосита боглик бУлади.Ташкилий харажатлар, ихтиёрий танланган киска вакт даври мобайнида амортизация килинади.

Франшизалар одатда хукумат органлари томонидан давлат мол-мулкидан (масалан, кабель телевидениеси компанияси) фойдаланиш хукукига эгалик килиш учун ёки коммунал хизматлар кУрсатиш (электр энергияси), шунингдек хУжалик юритувчи субъектлар томонидан аник максадлар ва аник хизматлардан фойдаланиш хукукига эгалик килишлари учун берилади.

Франшиза турисидаги хар бир шартнома франшиза хакикий бўлиб хисобланадиган даврни, шунингдек франчайзор (фойдаланишга оид хукук имтиёзини берувчи субъект)нинг ва франчайзи (ушбу имтиёзни олувчи субъект)нинг хукук ва мажбуриятларини аниклаштиради.

КУпинча франшизани олиш киймати юкори бУлади ва одатда франчайзи франчайзорга унинг бошлангич киймати капиталлаштирилиши ва ундан кейингина харажатлар юзасидан хисобдан чикарилиши лозим. Агар у маълум бир муддат асосида чеклаб кУйилган бУлса, унинг киймати окилона ва мунтазам тарзда мазкур давр учун амортизация килиниши лозим. Агар маълум аник бир муддат белгиланмаган бУлса, амортизация килиш унинг олдинги даврий бахолари билан биргаликда аник белгиланган хизмат килиш муддатига асосланиши лозим. Мазкур бахолашлар олдинги бахолашларнинг кайта кУриб чикилиши заруратини аниклаш максадида Утказилади. Бирок тУлик амортизация даври 40 йилдан ошиб кетиши мумкин эмас.

Имтиёздан фойдаланувчи субъект томонидан уни берувчи субъектга хизматларга оид йиллик ва жорий тУловларни (масалан, рагбатлантириш тадбирларида, ташкилий масалаларини хал килиш борасида ёрдам кУрсатганлик учун) уларни келгусида Улчанадиган фойда келтирмаслиги сабабли, илгари бУлган харажатлар бУйича хисобдан чикарилиши лозим. Агар франшиза Уз кийматини йУкотса ёки конун томонидан бекор килинадиган бУлса, амортизация килинмаган сумма зудлик билан зарар сифатида хисобдан чикарилади.

Муаллифлик хукуклари бу фан, адабиёт ёки санъат асарларини нашр килиш, оммавий ижро этиш ёки бошкача тарзда фойдаланиш учун махсус бериладиган хукукдир. Муаллифга шахсан мулкий ва мулкий бУлмаган хукуклар бириктирилади. Муаллифнинг хаётлигида ёки Улимидан сУнг бегона килинмайдиган ёки бошка бировга Утказилмайдиган муаллифлик хукуки мухим номулкий хукук хисобланади.

Муаллифлик мулкии хукуки асарлардан фойдаланиш ва бошка шахсларга Утказиш, шунингдек, авлоддан авлодга Утказишда унга тегишли махсус хукукка асосланади.

Муаллифлик хукукларини химоя килиш учун объектларни на рУйхатга олиш, на бошка йУл билан расмийлаштириш талаб килинади.

Муаллифлик хукуки фан, адабиёт ёки санъат асарларининг яратилиши билан вужудга келади ва уни химоялаш суд оркали амалга оширилади.

Шундай килиб, саноат, интеллектуал мулклар аудитининг бошка активлар аудитидан фарк килувчи тавсифловчи хусусиятлари объектларни экспертиза килиш ва улардан келиб чикадиган хукукларни тахлил килишдан иборатдир. Шунинг учун ушбу объектлар аудитида бу объектларга эгалик хукукини тасдикловчи хужжатларни техник тахлил килиш зарур. Бунинг учун саноат ва интеллектуал мулк объектларидан фойдаланишни юридик расмийлаштириш ва хукукий мухофаза килиш сохасида ишлайдиган, патент билан ишонч билдирилган мутахассисларни консулътант сифатида жалб этиш керак.

Аввал айтиб Утилганидек, булардан ташкари, номоддий активларга ер участкалари ва табиий ресурслардан фойдаланиш хукуки, илмий-тадкикот ва тажриба - конструкторлик ишлари учун килинган узок муддатли харажатлар ва фирманинг амалий шухрати (мавкеий) киради. Ер участкалари ва бошка табиий ресурслардан фойдаланиш хукуклари улар эгаларининг тегишли равишда хУжалик фаолияти учун ёки бошка максадда фойдаланишга алохида хукукка эгалигини назарда тутади. Шуни назарда тутиш керакки, ердан фойдаланиш хукукига эгалик мазкур ер участкасининг мулк килиб олинишини билдирмайди. Корхона ушбу ердан сотиш хукукига эга бУлмасдан фойдаланиши мумкин.

Илмий тадкикот ва тажриба - конструкторлик ишланмалари у ёки бу муайян амалий максад ёки кУллаш сохасига тегишли булмасдан буткул билимларни оширишга кУмаклашадиган, асосан илмий - тадкикотлар натижасида олинган билимлардан фойдаланиш учун йУналтирилган амалий тадкикотлар: муайян буюмлар ёки жараёнлар сифатини яхшилаш, жорий килиш учун Утказиладиган тажриба - конструкторлик ишлари.

Номоддий активлар хакидаги маълумотларни балансда акс эттириш борасида хар хил мамлакатларда турлича ёндошувлар мавжуд, шунингдек бир хил иктисодчиларнинг Узларида бу маблагларга нисбатан карама-карши тушунчалар бУлади. Миллий ва халкаро стандартларда кУрсатилишича, у ёки бу бирликларни баланс активига кУшиш шундай холларда бУлиш мумкинки, агар у турисидаги маълумотлар ишончли ва унинг пулда бахоланиши асосланган бУлса, агар шу бирликдан иктисодий ресурслар ёки иктисодий фойда олиш эхтимоли мавжуд бУлса.

7.2. Номоддий активлар аудитини ташкил этиш ва Утказишнинг умумий тартиби

Номоддий активлар аудитининг максади бухгалтерия хисоботи «номоддий активлар» моддасининг ишончлилик даражаси турисида фикр шакллантириш ва корхонада кУлланилаётган номоддий активларни хисобга олиш услуби хамда соликка тортиш билан боглик муомалаларнинг Узбекистон Республикасида амал килаётган конунчиликка мувофиклигини аниклашдан иборат.

Номоддий активлар аудити жараёнида куйидагилар амалга оширилади:

1. Номоддий активлар мавжудлиги устидан назорат Урнатилишини аниклаш (мулкий объектларни номоддий активлар каторига олиб боришнинг турилиги; мавжудлигини ва муомалаларни хужжатлаштиришнинг турилигини текшириш; номоддий активларни бахолашнинг турилигини текшириш; инвентаризация килиш; хисобот кУрсаткичларининг синтетик ва аналитик хисоб маълумотларига мослигини аниклаш);
2. Синтетик хисобни юритиш, номоддий активларнинг кирими ва чикимига доир муомалаларни соликка тортишнинг турилигини текшириш (номоддий активлар кирими ва чикимига доир муомалаларни синтетик хисоб регистрларида акс эттирилиши; номоддий активлар киримга олиниши ва чиким килинишига доир муомалаларни соликка тортиш масалалари);
3. Номоддий активларга амортизация хисоблаш ва хисобда акс эттириш (фойдали хизмат муддатини белгилашнинг асосланганлиги; амортизация хисоблашда кУлланилган усулларнинг конунийлиги ва асосланганлиги; амортизация ажратмаларининг хисобда акс эттирилиши).

Юкорида келтирилган масалалар бУйича етарли маълумотларга эга бУлиш аудиторга номоддий активлар хисобининг холатини мустакил бахолаш ва коидабузарликлар хамда амалдаги конунчилик ва белгиланган коидалардан четга чикишларни аниклашга имкон беради.

Аудитор номоддий активларни текшириш чогида куйидаги маълумот манбаларидан фойдаланади:

* номоддий активларни хисобга олишни ва улар билан боглик муомалаларни соликка тортишни ташкил этиш масалаларини тартибга солувчи асосий меъёрий хужжатлар;
* корхонанинг хисоб сиёсати турисидаги буйруги (фармойиши) (номоддий активлар хисобига таалукли кисми);
* номоддий активлар синтетик ва аналитик хисоби бУйича корхонада кУлланиладиган хисоб регистрлари;
* номоддий активларга таалукли муомалаларни хисобга оладиган дастлабки хужжатлар;
* бухгалтерия хисоботлари.

Даставвал аудитор корхона хисоб сиёсатининг номоддий активларни хисобга олиш услубиёти баён килинган асосий коидалари билан танишиб чикади. Булар хусусан куйидагилардан иборат:

амортизация ажратмаларини хисоблаш усуллари (бир бутунлигича ёки номоддий активларнинг хар бир тури бУйича);

* амортизация хисобланмайдиган номоддий активлар рУйхати;
* номоддий активларни хисобга олиш учун кУлланиладиган намунавий кабул килинган ва корхонанинг Узида тасдикланган дастлабки хужжатлар шакллари;
* номоддий активларни инвентаризация килиш муддатлари;
* номоддий активлар хисобига доир хужжатлар айланиши;
* номоддий активларга таалукли муомалаларни хисобга олишда кУлланиладиган счётлар рУйхати.

Номоддий активларга таалукли муомалаларни текшириш учун синтетик ва аналитик хисоб регистрлари кУлланиладиган хисоб шаклларига боглик холда фойдаланилади.

Бухгалтерия хисобининг журнал-ордер шаклида номоддий активларнинг синтетик хисоби 13-АСК журнал-ордерда ва «номоддий активларни хисобга олиш ведомости»да юритилади.

Бухгалтерия хисоби компьютерлаштирилган шароитда куйидаги счётларнинг дебет ва кредит оборотлари бУйича машинаграммалар тузилади:

0400 Номоддий активларни хисобга оладиган счётлар.

0410 Патентлар, лицензиялар ва ноу-хау
0420 Савдо маркалари, товар белгилари ва саноат намуналари
0430 Дастурий таъминот
0440 Гудвил
0450 Ташкилий харажатлар
0460 Франшизалар
0470 Муаллифлик хукуклари
0480 Ер ва табиий ресурслардан фойдаланиш хукуки
0490 Бошка номоддий активлар

0500 Номоддий активлар амортизациясини хисобга оладиган счётлар

0510 **Патентлар, лицензиялар ва ноу-хау эскириши**

0520 Савдо маркалари, товар белгилари ва саноат намуналарининг эскириши
0530 Дастурий таъминотнинг эскириши
0550 Ташкилий харажатларнинг эскириши
0560 Франшизаларнинг эскириши
0570 Муаллифлик хукукларининг эскириши
0580 Ер ва табиий ресурслардан фойдаланиш хукукининг эскириши
0590 Бошка номоддий активларнинг эскириши
9220 Бошка активларнинг сотилиши ва турли чикими

Номоддий активлар бухгалтерия баланси (1-шакл)нинг актив кисмидаги I- Узок муддатли активлар» бУлимида «Номоддий активлар» деган модда бУйича (бошлангич киймати (020-сатр), эскириши (021-сатр), колдик киймат (022-сатр)) акс эттирилади.

Хисоботга бериладиган тушунтиришларда куйидаги ахборотларнинг мохияти баён килиниши лозим:

* номоддий активлар фойдали хизмат муддатлари турисидаги (айрим гурухлари бУйича);
* киймати копланмайдиган (эскириш хисобланмайдиган) номоддий активлар турисидаги;
* амортизация ажратмалари хисоблаш усуллари турисидаги.

Амалда номоддий активларга доир муомалалар камдан-кам содир бУлганлиги сабабли, мулкларни номоддий активлар каторига олиб борилишининг турилигини ёппасига текшириш максадга мувофик.

Мулклар номоддий активлар каторига олиб борилганлигининг турилигини текшириш чогида хукуклар ва шунга Ухшаш фукаролик-хукукий шартномалар тузилиш натижасида сотиб олинади ва патент турисида, товар белгилари, хизмат кУрсатиш белгилари, муаллифлик хукуклари турисидаги конунлар билан тартибга солинади.

Мавжуд номоддий активларни куйидагилар асосида сотиб олиш мумкин:

* лицензион шартнома;
* «ноу-хоу»ни кабул килиш-топшириш шартномаси;
* таъсис шартномаси.

Номоддий активларни корхонанинг Узида яратиш куйидагилар доирасида амалга оширилади:
* асарни яратиш турисидаги шартнома;
* илмий-тадкикот ва тажриба-конструкторлик ишларини бажариш турисида шартнома;
* илмий-техник махсулотни яратиш (бериш) турисида шартнома.

Экспертиза Утказиш чогида эътибор каратиш зарур бУлган айрим шартномаларнинг хусусиятларини кискача кУриб чикамиз.

Муаллифлик шартномасида асардан фойдаланиш усуллари мазкур шартномага мувофик бериладиган муайян хукуклар);

фойдаланиш учун бериладиган хукук муддати;

мукофатлаш кУлами ёки уни аниклаш тартиби, тУлаш тартиби ва муддатлари.

Лицензион шартнома предмети бўлиб шундай номоддий активлар хисобланади-ки, улар тегишли органларда махсус рУйхатдан Утказилади (кашфиёт, фойдали модел, саноат намунаси, товар белгиси, хизмат кУрсатиш белгиси). Лицензияловчи (барча зарур хужжатларни берувчи томон) ва лицензиат лицензион шартноманинг томонлари бўлиб хисобланади. Лицензион шартномада объектдан фойдаланиш усуллари (саноат мулки объектидан фойдаланишга доир муайян хукуклар); фойдаланиш учун бериладиган хукук муддати; мукофатлаш кУлами ёки уни аниклаш тартиби, тУлаш тартиби ва муддатлари. Мукофатлаш лицензиатнинг фойдасидан ажратма кУринишида ёки катъий сумма кУринишда, ёки ушбу усулларни биргаликда кУшиб аникланиши мумкин. Шартномада томонларнинг мажбуриятлари кУрсатилади. Лицензион шартнома патент идорасида рУйхатдан Утказилиши лозим.

«Ноу-хоу»ни бир-бировга Утказиш шартномаси бУйича «ноу-хоу» (ахборот)дан фойдаланиш учун бериладиган хукук эмас, балки унинг Узи берилади. Шартномада «ноу-хоу»ни бериш тартиби турисидаги асосий шартлар, шартноманинг амал килиш муддати, бахоси ва тУлов тартиби, махфийликни саклаш бУйича томонларнинг мажбуриятлари кУрсатилади. Берилаётган «ноу-хоу»ни баён килиш шартноманинг мухим шартларидан хисобланади. Шартнома рУйхатдан Утказилмайди.

Илмий-тадкикот ва тажриба-конструкторлик ишларини бажариш шартномасида ишларнинг номлари ва уларнинг хар бир боскичи; ишни бажариш учун асос (дастур, режа, техник топшириклар ва шунга Ухшаш); бутун ишларни бажариш муддати ва хар бир боскични бажариш муддати; иш киймати ва тУлов тартиби; ишни кабул килиш тартиби; ишлар натижаларидан фойдаланиш шартлари; томонларнинг масъулиятлари кУрсатилади.

Номоддий актив объектини хисобга кабул килиш кучга кирган шартнома асосида амалга оширилади. Шартномаларни юридик экспертизадан Утказиш учун аудиторлик фирмасининг юристи жалб килиниши мумкин.

Аудитор шартномаларни текшириш билан бир каторда номоддий активларни кабул килиш-топшириш далолатномаси (кабул килиш далолатномаси) ва номоддий активларни хисобга олиш карточкаси (№1-НМА шакли)ни тУлгазишни текширади. (мажбурий реквизитларни тУлгазишнинг турилиги, фойдали хизмат муддатининг кУрсатилиш, хисобга кабул килиш саналари (фойдаланишга топшириш, объектни рУйхат килиш; дастлабки хужжатларни хисоб регистрларида акс эттириш).

Шартномалар ва дастлабки хужжатларнинг юридик расмийлаштирилиши текширилганидан сУнг аудитор номоддий активларнинг дастлабки кийматини арифметик текширувдан Утказади (уларнинг бахоланишини) «Бухгалтерия хисоби турисидаги конун»нинг. 12 - моддаси ва «Номоддий активлар» номли №7 БХМСнинг 22-23 бандларига мувофик номоддий активлар бухгалтерия хисобида пул ифодасида акс эттирилади.

Номоддий активларни бахолаш уларнинг тегишли шартнома киймати ва режалаштирилган максадларда фойдаланиш учун ярокли холга келтириш харажатларини кУшиш тартибидан келиб чикиб аникланади. (7.2.1-жадвал).

7.2.1-жадвал

Номоддий активларни бахолаш усуллари

Номоддий активлар дастлабки кийматини шакллантириш тартиби.	Номоддий активларнинг келиш манбалари.			
	Пул Утказиш	Корхонада	Текинга	Устав

	йУли билан сотиб олинган	ишлаб чикарил-ган	олинган	капита-лига улуш сифатида олинган
1. Номоддий активларни сотиб олиш ва режалаштирилган максадлар учун фойдаланишга ярокли холга келтириш учун килинган хакикий харажатлар бУйича	х			
2. Тайёрлаш учун килинган хакикий харажатлар бУйича		х		
3. Номоддий актив-ларнинг бозор кий-мати ва режалаш-тирилган максадлар учун фойдаланишга ярокли холга келти-ришга доир хакикий харажатлар бУйича			х	
4.Таъсис шартнома-сига мувофик таъсис-чиларнинг келишуви бУйича				Х

«Номоддий активлар» номли №7 БХМС 11 бандига мувофик номоддий активларнинг бошлангич киймати - бу активни сотиб олишда хакикатда тУланган пул маблаглари ёки унинг эквивалентлари ёки ишлаб чикаришда килинган хакикий харажатлар киймати.

Хакикий харажатлар таркибига жумладан, номоддий актив объектининг Узини сотиб олиш харажатлари, сотиб олишда берилган тижорат кредити бУйича тУланадиган фоизлар, ташки иктисодий ва бошка ташкилотларга тУланадиган комиссион тУловлар (хизматлар киймати), номоддий активларни сотиб олиш билан боглик бУлган бошка харажатлар киради.

Бошка мулклар сингари номоддий активларга таалукли бухгалтерлик маълумотлар хакконийлиги вакти-вакти билан Утказиб туриладиган инвентаризация билан тасдикланади.

Номоддий активларни инвентаризация килиш куйидаги вазифаларни хал этади: уларнинг хакикатда мавжудлигини аниклаш; хакикий колдикни бухгалтерлик хисоб маълумотларига солиштириш йУли билан уларнинг бутлигини таъминлаш устидан назорат Урнатиш.

Номоддий активларнинг корхонада хакикатан мавжудлиги ва улар устидан ички назоратни амалга ошириш учун номоддий активларни инвентаризация килиш лозим.Бунда аудитор №19-«Инвентаризацияни ташкил этиш ва Утказиш» номли БХМС (УзР.Адлия Вазирлигида 2 ноябр 1999 й рУйхатга олинган №833) ва «Инвентаризация натижасида аникланган мулклар камомади ва ошикча чикишини бухгалтерлик хисобида акс эттириш ва соликка тортиш турисидаги НИЗОМ» УзР Адлия Вазирлигида – 2001 йил рУйхатга олинган №1054) талабларига риоя килинганлигини синчиклаб текшириши зарур.

Хусусан, аудитор инвентаризацияда аникланган номоддий активлар камомади бухгалтерия хисобида тури акс эттирилишини ва соликка тортилишини аниклайди. Масалан: аникланган камомадларнинг баланс суммаси хисобдан Учирилганда;

а) Дебет 9220-«Бошка активларнинг сотилиши ва турли чикими» счети

Кредит 0400-«Номоддий активларни хисобга оладиган счетлар» (0410-0490)

б) Кам чиккан номоддий активлар объекти бУйича хисобланган амортизация суммаси хисобдан Учирилганда;

Дебет 0500-«Номоддий активлар амортизациясини хисобга оладиган счетлар» (0510-0590)

Кредит 9220- «Бошка активларнинг сотилиши ва турли чикими» счети

в) кам чиккан номоддий активларнинг колдик кийматига

Дебет 9433-«Моддий бойликларнинг камомади ва бузилиши бУйича харажатлар» счети

Кредит 9220-«Бошка активларнинг сотилиши ва турли чикими» счети.

Агар бахолаш натижасида номоддий активнинг бозор киймати (ундириладиган сумма) колдик кийматидан юкори бУлса, олинган даромад суммаси бухгалтерия хисобида куйидагича акс эттирилади:

Дебет 4630 – «Моддий зарарни коплаш бУйича ходимларнинг карзлари» счети айбдор шахслар ёки моддий жавобгар шахслардан ундирилиши лозим бУлган бозор кийматига

Кредит 9433-«Моддий бойликларнинг камомади ва бузилиши бУйича харажатлар» счети – номоддий активларнинг колдик кийматига

Кредит 9310-«Бошка активларнинг сотилиши ва турли чикимидан олинган фойда» счёти – айбдор шахс ёки моддий жавобгар шахсдан ундирилиши лозим бУлган бозор киймати ва колдик киймати Уртасидаги фарк суммага (олинган даромад).Бунда аудитор айбдор шахс ёки моддий жавобгар шахсдан ундирилиши лозим бУлган суммаларни аниклашнинг асослилигини текшириши лозим. Чунки, олинган даромад суммаси юкорида номи кайд килинган НИЗОМга мувофик умумий белгиланган тартибда соликка тортилади.

Агар бахолаш натижасида объектнинг бозор бахоси (ундириладиган сумма) кам чиккан объектнинг колдик кийматидан паст бУлса, кУрилган зарар суммаси бухгалтерия хисобида куйидагича акс эттирилади:

а) Дебет 4630-«Моддий зарарни коплаш бУйича ходимларнинг карзлари» счети аибдор ёки моддий жавобгар шахсдан ундирилиши лозим бУлган бозор кийматига.

Дебет 9432 - «Бошка активлар реализацияси ва турли чикими бУйича зарарлар» счети айбдор ёки моддий жавобгар шахсдан ундирилиши лозим бУлган бозор киймати ва колдик киймати Уртасидаги фарк суммага (кУрилган зарар суммасига)

Кредит 9433 - «Моддий бойликларнинг камомади ва бузилиши бУйича харажатлар» счети кам чиккан номоддий активлар объектининг колдик кийматига.

КУрилган зарар суммаси даромад (фойда) солигини хисоблашда умумий белгиланган тартибда соликка тортиладиган базага кУшилади.

Номоддий активлар камомадининг аник айбдори топилмаган ёки моддий жавобгар шахслардан ундириб олиш имкони бУлмаган холларда кам чиккан номоддий активларни хисобдан Учириш куйидаги тартибда амалга оширилади:

а) дастлабки кийматига

Дебет 9220 – «Бошка активларнинг сотилиши ва турли чикими» счети

Кредит 0400-«Номоддий активларни хисобга оладиган счетлар» (0410-0490)

б) Амортизация суммасини хисобдан Учириш

Дебет 0500-«Номоддий активлар амортизациясини хисобга оладиган счетлар» (0510-0590)

Кредит 9220-«Бошка активларнинг сотилиши ва турли чикими» счети

в) кУрилган зарар суммаси

Дебет 9432 –«Бошка активлар реализацияси ва турли чикими бУйича зарарлар» счети

Кредит 9220 –«Бошка активларнинг сотилиши ва турли чикими» счети

КУрилган зарар суммаси хам(!) даромад (фойда) солигини хисоблашда умумий белгиланган тартибда соликка тортиладиган базага кУшилади.

Инвентаризацияда аникланган хисобга олинмай колган номоддий активлар объектлари шуларга Ухшаш объектларнинг ошикча чикиш аникланган санадаги бозор киймати бУйича уларнинг фойдали хизмат муддатини хисобга олган холда бахоланади ва бухгалтерия хисобида куйидагича акс эттирилади:

Дебет 0400-«Номоддий активларни хисобга оладиган счётлар» (0410-0490)

Кредит 9320-«Бошка активларни сотилиши ва турли чикимидан олинган фойда» счёти

Бу холда хам олинган даромад суммаси умумий белгиланган тартибда соликка тортилади.

Хисобга олинмай колган номоддий активлар бУйича амортизация улар номоддий активлар таркибига кУшилган пайтдан бошлаб умумий белгиланган тартибда хисобланади.

Номоддий активларни инвентаризация килиш корхона рахбарининг инвентаризация Утказиш турисидаги буйруги, «Номоддий активларнинг инвентар рУйхати номли инвентар рУйхат (№ ИНВ-1 шакли), 0410-0490 счётларнинг синтетик хисоб регистрлари ва Бош дафтарга асосан амалга оширилади.

Инвентаризация ведомостининг маълумотларига асосан инвентаризация рУйхатларини расмийлаштиришнинг турилиги, корхонанинг кУрсатилган номоддий активлардан фойдаланиш учун хукукини тасдиклайдиган дастлабки хужжатларнинг мавжудлиги, синтетик ва аналитик хисоб регистрларида хамда Бош дафтарда номоддий активларни акс эттиришнинг турилиги ва Узаро мослиги текширилади.КУриб чикиш усулини кУллаш йУли билан аудитор куйидагилар тенглигини текширади:

номоддий активларга доир хисобот шаклларининг кУрсаткичлари;
хисобот маълумотлари ва бош дафтар;
хисоб регистрларининг кУрсаткичлари.

Бундай текширувни амалга ошириш учун «Бухгалтерия баланси» (1-шакл), номоддий активлар счётлари (0410-0490) ва номоддий активлар эскириши счётлари (0510-0590) бУйича

синтетик хисоб регистрлари, номоддий активларни хисобга оладиган карточкалар (НМА-1 шакл) дан фойдаланилади.

Юкорида баён килинганлар асосида номоддий активларни аудиторлик текширувидан Утказишнинг умумий чизмасини куйидагича акс эттириш мумкин. (1-чизма)



1-чизма. Номоддий активларни аудиторлик текширувидан Утказишнинг умумий чизмаси.

Юкорида баён килинган тартибда Утказилган текширув натижалари аудиторлик текшируви натижалари бУйича тузиладиган хисоботнинг тегишли бУлимига кУшилади.

7.3. Номоддий активлар кирими ва чикими синтетик хисобини хамда соликка тортишнинг турилигини текшириш.

Текширув жараёнида номоддий активларни сотиб олиш билан боглик муомалалар бухгалтерия хисобига доир меъёрий хужжатлар ва соликка тортишга доир конунчилик талабларига мувофик хисобга олинганлиги аникланади.

Номоддий активлар киримига доир муомалаларни хисобда акс эттириш услуби уларнинг олиниш манбаларига боглик.

Агар номоддий активлар пул Утказиш йУли билан сотиб олинса ёки корхонанинг Узида яратилса, «ХУжалик юритувчи субъектлар молия-хУжалик фаолияти бухгалтерия хисобининг счётлар режаси ва уни кУллаш бУйича йУрикнома» №21-Бухгалтерия хисобининг миллий стандартига мувофик 0830-«Номоддий активларни сотиб олиш» счёти кУлланилади. Номоддий активлар инвентар кийматига кУшиладиган харажатлар таркиби, уларнинг мазкур объектни яратишга алокадорлиги текширилади.

Номоддий активлар киримига доир муомалаларни хисобда акс эттиришнинг меъёрий хужжатларга мувофиклигини текширадиган жадвал- тест куйидаги жадвал кУринишида бУлиши мумкин (7.3.1-жадвал).

7.3.1-жадвал.

Номоддий активларни кирим килишга доир муомалалар бУйича счётлар богланиши ва асос бУлувчи дастлабки хужжатлар расмийлаштирилишининг турилигини текшириш

Муомалалар мазмуни	№21-БХМС бУйича			Корхонада тузилгани		
	Счётлар богланиши		ёзувларни тасдик-ловчи хужжатлар	Счётлар боглани-ши		Ёзувлар-ни тасдик-ловчи хужжатлар
	Дт	Кт		Дт	Кт	
1.Номоддий активлар дастлабки киймати бУйича (хакикий таннархи бУйича) сотиб олинганида	0410 - 0490	0830	Олди-сотди шартномаси кабул килиш-бериш далолатномаси	04	76	Накладной, иш вактини хисобга олиш табели
2.Корхонанинг Узида яратилган номоддий активларни хакикий	0410 - 0490	0830	Илмий-тадкикот ишланмалар дастурлари, лойиха-смета хужжат. НА ка-бул килиш-топ-ширш далолат.	04	23	Ишбай иш учун наряд, табель, далолат-нома

таннархи бУйича киримга олиш						
3. Устав капиталига улуш сифатида ёки обуна бУлинган акция кийматини тУлаш хисобига олинган номоддий активлар-ни кирим килиш	0410 - 0490	4710	Таъсис шартномаси, кабул килиш топшириш далолатномаси	04	85/3	Далолатнома, бух. маълу-мотномаси
4. Эксперт бахоси бУйича текинга ёки хукумат органининг субсидияси сифатида олинганда	0410 - 0490	8523	Текинга бериш турисида шарт-нома,+.+-Т дало-латномаси, НА кайта бахолаш далолатномаси	04	85/3	Шартнома, бух. маълу-мотномаси

Номоддий активларнинг хисобдан чикарилиши билан боглик муомалаларни хисобда акс эттириш услубини текшириш ёппасига амалга оширилиши максадга мувофик.

№21 - БХМС талабларига мувофик номоддий активларни хисобдан чикариш билан боглик барча муомалалар хисобдан чикарилиш сабабларидан катъий назар (сотилиши, текинга берилиши, яроксизлиги ва х.к). 9220 - «Бошка активларнинг сотилиши ва турли чикими» счётида акс эттирилади. Аникланган молиявий натижа, агар зарар кУрилса - 9220 - счёт кредитидан 9432 - «Бошка активлар реализацияси ва турли чикими бУйича зарарлар» счётининг дебетига, агар фойда олинса - 9220 - счёт дебети ва 9320 - «Бошка активларнинг сотилиши ва турли чикимидан олинган фойда» счётининг кредитида акс эттирилади.

Номоддий активларнинг чикимига доир муомалаларни хисобда акс эттириш бУйича счётлар богланишининг турилиги куйидаги кУринишдаги жадвал - тест ёрдамида текширилади (7.3.2-жадвал).

7.3.2-жадвал

Номоддий активлар чикимига доир муомалалар бУйича счётлар богланиши ва асос бУлувчи дастлабки хужжатлар расмийлаштирилишининг турилигини текшириш

Муомалалар мазмуни	№21-БХМС бУйича			Корхонада тузилгани		
	Счётлар корреспонденцияси		ёзувларни тасдик. хуж.	Счётлар корреспонд		Ёзувларни тасдик. хуж.
	Дт	Кт		Дт	Кт	
1. НА дастлабки киймати бУйича сотиш, хисобдан Учириш, текинга бе-риш ва ш.У. муносабати билан чикими.	9220	0410-0490	Шартно-ма, счёт-фактура,далолат нома	46	04	Шартнома, счет-фактура
2. Сотиб олинган акциялар (муддати 1 йилдан ошик) кийматини тУлаш хисобига НА Бир вактнинг Узида: • амортизациясини хисобдан Учириш • Узок муддатли инвестицияларни акс эттириш	9220 0510-0590 0610	0410-0490 9220 9220	Акция обунаси, кабул килиш топшириш далолатномаси	48 05 06	04 48 48	Шартнома, далолатнома бух.маълу-мотномаси
3. НА шуъба корхоналарига пай бадаллари сифати-да берилиши (муддати 1 йилдан ошик) Бир вактнинг Узида: • Амортизациясини хисобдан Учириш • узок муддатли инвестицияларни	9220 0510-0590 0620	0410-0490 9220 9220	Устав, таъсис шартномаси, кабул килиш топшириш далолатно-маси	48 05 76	04 48 48	Таъсис шартномаси, далолатнома накладной

акс эттириш						
4. НА кУшма корхоналарга пай бадаллари сифатида. (муддати 1 йил-дан ошик) Бир вактнинг Узида: • амортизациясини хисобдан Учириш • узок муддатли инвестицияларни акс эттириш	9220 0510-0590 0630	0410-0490 9220 9220	Хамкорлик фаолияти шартнома к.к-т дало-латномаси, таъсис шартномаси	48 05 85/1	04 48 48	Таъсис шартномаси, далолатнома накладной
5.Сотиб олинган кимматли когозлар тУлови сифатида но-моддий активларни бериш (муддати 1 йилдан ошмаган)	9220 0510-0590 5810	0410-0490 9220 9220	+имматли когозлар обунаси,НА к.к-т дало-латномаси	48 05 58	04 48 48	Таъсис шартномаси, далолатнома накладной

Номоддий активлар кирими ва чикимини соликка тортишнинг турилигини текшириш.Узбекистон Республикаси Солик кодекси ва бошка тегишли меърий хужжатларга мувофик номоддий активларнинг айрим турлари кУшимча киймат солиги (++С)дан озод этилган. Аудитор бунга алохида эътибор бериши зарур.

№ 21 БХМС га мувофик номоддий активлар олдиндан пул Утказиш йУли билан сотиб олинганида ++С 4510 - «Соликлар бУйича бУнак тУловлар» счётида акс эттирилади (хисоб-китоб хужжатларида алохида ажратиб кУрсатилганида).

Сотиб олинган номоддий активлар бУйича ++С суммаси куйидаги холларда бюджетга Утказилади.

* сотиб олинган номоддий активлар киймати мол етказиб берувчиларга тУланганида;
* номоддий активлар хисобга кабул килинганида;
* номоддий активлар ишлаб чикариш максадларида ишлатилганида.

Агар дастлабки хужжатларда ++С суммаси ажратиб кУрсатилган бУлмаса, у холда хисоб-китоб хужжатларида ++С ажратиб кУрсатилмайди.

Бухгалтерия хисобининг счётлар режасида корхонага мулкий хукук асосида тегишли бУлган номоддий активларнинг микдори ва харакати турисидаги маълумотларни умумлаштириш учун 0410-0490 счётлар мУлжалланган. Бу счётлар балансга нисбатан актив бўлиб, уларнинг дебет томонида мавжуд номоддий активларнинг колдиги, кирими ва кредитида хУжаликдан чикиши акс эттирилади.

Номоддий активлар хисобдан чикарилганда дастлабки кийматига 0410-0490 счётлар кредит ва 9220-«Бошка активларнинг сотилиши ва турли чикими» счёти дебетланади. Хисобланган эскириш суммасига эса 0510-0590 счётлар дебет ва 9220 счёт кредитланади. Хисобдан чикариш натижаси (фойда ёки зарар 9220 счётдан 9900 - «Якуний молиявий натижа (даромадлар ва харажатларни жамлаш)» счётига Утказилади. Махсулот (иш, хизмат)лар таннархи, фойда бюджет билан хисоб-китоблар кУрсаткичлари, шунингдек хусусийлаштирилаётган давлат корхоналари мулкларини бахолашнинг асосланганлиги кУп жихатдан номоддий активларнинг мавжудлиги ва бахоланиши, улар эскиришлари турисидаги маълумотларнинг хакконийлигига боглик.

Шунга кУра номоддий активларни хисобда рУйхатга олишнинг техник жихатларини текшириш жуда мухим хисобланади. Номоддий активлар Уз номига кУра моддий негизга эга бУлмаганликлари учун корхонада у ёки бу объектнинг хакикий кирими ва ишлатилиши устидан бухгалтерлик назоратини ташкил этиш муаммоси тез-тез вужудга келади.

Бухгалтерлик хисобининг умумий принципларига кУра хар кандай номоддий актив кирими тегишли дастлабки хужжатлар асосида расмийлаштирилади. Бундай дастлабки хужжатлаштириш Узининг мазмуни ва тавсифига кУра, асосий воситаларни кабул килиш-топшириш далолатномаси (АВ-1) каби хужжатларга Ухшаш бУлиши лозим. Хужжатларда объектларнинг батафсил хусусиятлари, дастлабки киймати, фойдаланишга топширилган вакти, эскириш нормаси ва харажатга олиб бориш коди, номоддий актив фойдаланадиган бУлинма ва бошка маълумотлар кУрсатилиши лозим.

Номоддий активларни кирим килишда дастлабки хужжатлар билан бирга уларни индентификацияловчи (айнан Ухшатувчи) хужжатлар хам бУлиши зарур. Бундай хужжатларга номоддий активларнинг Узларини ёки улардан фойдаланишни тавсифловчи хужжатлар, шунингдек, корхонанинг у ёки бу мулкий хукукини тасдикловчи хужжатлар

киради. Бошкача килиб айтганда, бухгалтерлик хисобда акс эттириладиган номоддий активларнинг исталган объекти объектив шаклда мавжуд бУлиши лозим.

Саноат намуналари ва кашфиёт хукукларини сотиб олиш патентлар, гувохномалар билан тасдикланади. Корхона томонидан хар кандай муаллифлик хукукларини сотиб олиш факат ушбу муаллифлик хукукларини сотувчилар жисмоний ёки юридик шахслар билан тузилиб, юридик жихатдан кучга кирган тУлаконли шартномага асосан амалга оширилиши мумкин.

Корхона «ноу - хоу» сотиб олишни расмийлаштириши учун унинг огзаки (матнли) ёки тасвирий тавсифига эга бУлиши лозим. Корхона ракобат шароитида саноат ва интеллектуал мулкларни мухофаза килиш учун чора-тадбирларни кУриши лозим. Бу номоддий активлар объектларининг хар бири учун конкрет ходимларни жавобгарликка тортиш ва кУрилган зарарни тУлик коплаш учун имкон яратади.

Корхоналар номоддий активларни хар хил йУллар билан сотиб оладилар ва шунга кУра уларнинг кирими хам хисобда турлича акс эттирилади.

Номоддий активлар корхона устав капиталига иштирокчиларининг хиссаси сифатида кУшилиши мумкин. Бунда улар имкон кадар хакикий бозор бахосига якинлашган ва корхона акциядорлар кенгаши (бошкаруви) ва акциядорлар томонидан белгиланган шартнома бахосида киримга олинади.

«Махсулот (иш, хизмат) лар таннархига киритиладиган махсулот ишлаб чикариш (иш, хизмат) ва реализация харажатларининг таркиби ва молиявий натижаларни шакллантириш тартиби хакида Низом»га мувофик технологияларни такомиллаштириш ва янгиларини яратиш, шунингдек, илмий-тадкикот ва тажриба - конструкторлик ишларини Утказиш билан боглик махсулотлар сифатини яхшилаш, хом ашё ва материалларнинг янги турларини яратиш, ишлаб чикаришни кайта жихозлаш харажатлари 9426-«Давр сарфлари» счётида акс эттирилади. Агар корхона кандайдир ишлаб чикариш ва интеллектуал мулк (патентлар, гувохномалар) яратса, ушбу «Низом» дан келиб чиккан холда, уларни мулк сифатида хисобга олиб бУлмайди, чунки уларни яратиш билан боглик харажатлар капиталлашмайди.

Ушбу савол масаласида турли мамлакатларда карама - карши фикрлар мавжуд. Масалан, айрим мамлакатларда номоддий активлар маблаг сифатида инобатга олинмайди, уларни дархол ишлаб чикариш сарфлари ёки фойда хисобига хисобдан чикариш кУзда тутилган. Аммо, бундай ёндошувга карама-карши гумон патентлар олиш ва кашфиётлар, товар маркалари, савдо белгилари, «Ноу-хоу» ишланмалари ва дастур таъминотларини яратиш билан боглик илмий-тадкикот ва тажриба-конструкторлик ишлари (ИТТКИ) каби активларни дархол хисобдан Учириш, давр оралигида оладиган даромадларни бузиб кУрсатишга олиб келади ва корхоналар томонидан ушбу фаолият сохасига маблаглар сарфлашни тУхтатиб турадиган омил бўлиб хисобланишидан иборат. Агар номоддий активларни яратиш билан боглик харажатларни дархол хисобдан Учириш фикрига кУшиладиган бУлсак, унда бизнинг корхоналаримизда бундай харажатларга энг оз микдорда маблаг ажратилиб, республикамиз худудида ишлаб чикариш ва интеллектуал мулкни (корхонанинг Уз ишлаб чикаришини) умуман пасайишига олиб келади, корхоналар эса Узларининг мулкий хукуклари (номоддий активлари)ни яратмасдан, хориждан сотиб олишга харажат киладилар.

7.4. Номоддий активларга амортизация хисоблаш ва хисобда акс эттиришнинг турилигини текшириш.

Номоддий активлар бУйича амортизация хисоблаш ва амортизация ажратмаларининг махсулот (иш,хизмат)лар таннархига тури олиб борилишини текшириш чогида аудитор номоддий активларнинг ишлаб чикариш фаолиятида фойдаланилаётганлиги ва даромад келтираётганлиги турисида исботга эга бУлиши лозим.

Номоддий активлар бУйича амортизация ажратмалари бахолаш микдори бўлиб, тахмин килинаётган фойдали хизмат килиш даврига асосланиб хисоб-китоб килинади. Шунинг учун аудитор Урнатилган фойдали хизмат килиш муддатлари ва амортизация ажратмалари нормаларининг мослигини №7 БХМС 46 бандига мувофик текшириб кУриши лозим. Бундай текширувни амалга ошириш учун №1 - НМА шаклдаги карточка ва номоддий активлар объектларини хисобга кабул килишда асос бУлган дастлабки хужжатлардан фойдаланилади.

№7 БХМС 39 бандига мувофик номоддий активнинг амортизация килинадиган киймати мунтазам асосда таксимлаб борилиши учун амортизация муддатлари куйидагича белгиланган:

* номоддий актив объектининг фойдали хизмат кУрсатиш муддати давомида (лекин бу муддат хУжалик юритувчи субъектнинг фаолият килиш муддатидан ошмаслиги лозим);
* фойдали хизмат кУрсатиш муддатларини аниклаш имкони бУлмаган номоддий активлар бУйича 5 йил хисобида (лекин бу муддат хУжалик юритувчи субъектнинг фаолият кУрсатиш муддатидан ошмаслиги лозим).

Амортизация хисобланадиган номоддий активлар бУйича аудитор куйидагиларни текширади:
* кУлланилаётган амортизация хисоблаш усуллари корхона хисоб сиёсатига мос келиши;
* танланган амортизация хисоблаш усули номоддий активлар объектлари кийматини колган фойдали хизмат килиш муддати давомида ишлаб чикариш сарфларини хисобга оладиган счётларга тури Утказилишини.

№7 БХМС 42 бандига мувофик номоддий активларга амортизация хисоблашнинг уч усули кУзда тутилган. Улар:

* тури чизикли (ёки бир текис);
* камайиб борувчи колдик;
* ишлаб чикариш бирликлари суммаси бУйича амортизация хисоблаш (ишлаб чикариш усули).

Номоддий активларга амортизация хисоблаш усулларининг мохияти, корхона молиявий холатига таъсирини билиш ва шу асосда малакали аудиторлик хулосаси шакллантириш максадга мувофик. ТУри чизикли усулнинг мохияти муайян номоддий активнинг жами фойдали хизмат килиш муддати давомида эскириш суммалари бир меъёрда хисоблаб ёзиб борилишидан иборат.

Камайиб борувчи колдик усулидан фойдаланиш чогида мунтазам хисоблаб бориладиган амортизация суммалари фойдали хизмат килиш даври давомида камайтириб борилади.

Бажарилган ишлар хажмига мутаносиб равишда эскириш хисоблаш усули (ишлаб чикариш усули) га мувофик амортизация хажми номоддий активдан неча маротаба фойдаланилиши ёки нечта махсулот бирлиги ишлаб чикарилиши кутилаётганлигига бевосита богликдир.

Амалиётда амортизация хисоблашнинг чизикли усулидан фойдаланиш афзалрок. +олган усуллардан муайян холатларда фойдаланилиши максадга мувофикдир.

Аудитор хисобланган амортизация ажратмаларининг счётларда тури акс эттирилганлигини хам аниклаши лозим. Бунда №21 БХМС га мувофик куйидаги тест-жадвалдан фойланиш мумкин:

7.4.1- жадвал.

Номоддий активлар бУйича хисобланган амортизация ажратмаларини счётларда акс эттиришнинг турилигини текшириш (намуна)

Муомалалар мазмуни	№21-БХМС бУйича			Корхонада тузилгани		
	Счётлар коррес.		дастлаб. хуж.	счётлар корреспонд		дастлабки хуж
	Дт	Кт		Дт	Кт	
1. Асосий ишлаб чикаришда ишлатилаётган НА объектлари бУйича аморт-я хисоблаш	2010	0510-0590	Амор-я хисоб-китоби, хисоб сиёсати	26	05	Аморт-я хисоб-китоби
2. Ёрдамчи ишлаб чикаришда ишлатилаётган НА объектлари бУйича амор-я хисоблаш	2310	0510-0590	- // -	23	05	- // -
3. УмумхУжалик ишлаб чикаришида ишлатилаётган НА бУйича амор-я хисоблаш	2320	0510-0590	- // -	26	05	- // -
4. Умумишлаб чикариш максад-лари учун ишлатилаётган НА бУйича амор-я хисоблаш	2510	0510-0590	- // -			
5.Маъмурий максадларда ишлатилаётган НА бУйича амор-я хисоблаш	9426	0510-0590	- // -			
6.Капитал кУйилмаларда ишлатилаётган НА объектлари бУйича амор-я хисоблаш	0810 - 0890	0510-0590	- // -	89	05	- // -
7. НА объектларини	0510	9220	- // -	05	48	- // -

хисобдан чикаришда (со-тиш, хисобдан Учириш, текинга бериш) тУпланган амор-я суммасини хисобдан Учириш.	- 0590					
8. Жорий йилда НА ларга ошикча хисобланган амор-я суммасини тузатиш	0510 - 0590	9390	- // -	05	85/3	- // -
9. Жорий йилда НА ларга кам хисобланган амор-я суммасини тузатиш	Хара -жат счёт-лари	0510- 0590	- // -	46	05	- // -

Хисобот давридаги амортизация ажратмалари арифметик хисоб-китобларининг турилигини текшириш аудиторлик жамлаш коидаларини хисобга олган холда, жамлаш асосида амалга оширилади. Ушбу иш куйидаги шаклдаги ишчи жадвал билан расмийлаштирилиши мумкин.

7.4.2-жадвал

№	Объект номи	Даст-лабки киймати	Амортизация нормаси		Амортизация суммаси		Фарк ниманинг хисобига	
			Корхона маълу-мотлари	Аудитор маълу-мотлари	Корхона маълу-мотлари	аудитор маълу-мотлари	Норма хисобига	Хисоб-китоб но-аниклиги
1.	Патент	100000	30	20	30000	20000	10000	-
	ва х.к.							
	Жами:							

Юкоридаги жадвал асосида аникланган фарклар бУйича аудитор энг катта фаркларни тахлил килади ва уларнинг хисоботлар ишончлилигига таъсирини бахолайди.

Аудитор амортизация ажратмаларининг хар ойда хисобланаётганлигини хам текшириши лозим. Чунки амалиётда номоддий активларга хар чоракда бир марта амортизация хисоблаш холлари учрайди. Шунингдек, корхона зарар кУрган даврларда хам амортизация хисобланганлигини текшириш зарур. +оидага кУра корхона фаолиятининг хисобот давридаги натижалари кандай бУлишидан катъий назар (фойда оладими ёки зарар кУрадими) номоддий активларга амортизация хисоблаши шарт.

Номоддий активлар бУйича амортизация ажратмалари хисоблашни текшириш чогида:

* номоддий активлар объектларининг Уртача киймати ва Уртача амортизация нормасидан фойдаланган холда хисоблаш йУли билан амортизация ажратмалари суммаларини прогнозлаш;
* бир неча хисобот даврларидаги хисобланган амортизация ажратмалари суммаларини таккослаш ва аникланган фаркларни номоддий активлар объектларининг мавжудлиги хамда улар кирими ва чикимининг таъсирини инобатга олган холда тахлил килиш каби аналитик амаллардан хам фойдаланиш мумкин.

Амортизация ажратмаларини батафсил текшириш чогида аудитор амортизация ажратмалари хисоблаш усулларидаги Узгаришларнинг корхона хисоб сиёсатида акс эттирилганлигини аниклаши лозим. Чунки бундай Узгаришлар бир канча даврлар оралигидаги маълумотларнинг таккосланувчанлигига сезиларли даражада таъсир кУрсатади. Бунда жорий шароитга янги бахо бериш керак. Номоддий активларнинг фойдали хизмат муддатлари Узгарган холларда Узгариш сабаблари Урганилиб, уларнинг №1 - «Хисоб сиёсати ва молиявий хисобот» ва №7 - «Номоддий активлар» номли БХМС талабларига мувофиклиги Урганилади.

Номоддий активлардан канча муддатда фойдаланиш ва уларга эскириш хисоблаш зарурати хакидаги масалага кУпчилик давлатларнинг анча эхтиёткорлик билан ёндошиши бу сохадаги мавжуд халкаро стандартларга мувофик келади. Чунки, хисобнинг халкаро стандарталари комитети ёхуд ишбилармонлик алокалари киймати капиталлаштиришни, ёхуд бирданига корхонанинг хусусий капитали хисобига хисобдан чикаришга рухсат беради.

Лекин, бу стандартларга мувофик номоддий активларга эскириш хисоблашнинг кандайдир максимал муддати тавсия килинмаганлигига карамасдан, айрим давлатларда маълум чеклашлар киритилган. Масалан, фирма амалий шухрати- ”Goodwill”нинг киймати Канада ва А+Ш да 40 йил, Австралияда 20 йил, Нидерландия ва Швецияда 10 йил, Японияда 5 йилда хисобдан Учирилади.

Номоддий активларга амортизация хисоблашга каршилар: биринчидан, номоддий активларни умуман корхона маблаги деб хисобламайдиган иктисодчилар, иккинчидан, тегишли сарфлар хисобидан кУллаб-кувватлаб турилиши сабабли, фирманинг амалий шухрати, савдо белгилари, товар маркалари ва бошка номоддий активлар киймати

пасаймайди деган фикр тарафдорлари; нихоят фирма амалий шухрати, савдо белгилари, товар маркалари ва бошкаларга амортизация хисоблаш холларида, бир томондан, камаяётган кийматни алмаштириш ва саклаб туриш сарфлари амалга оширилаётганлиги сабабли такроран хисоблаш содир бУлади деб хисобловчи иктисодчилар.

Хозирги пайтда бухгалтерия хисобининг халкаро стандартлари комитети (БХХС) молиявий хисоботларнинг таккосланувчанлигини яхшилаш максадида номоддий активларга эскириш хисобланмасдан, дарров хисобдан Учириш методларини кУллашни такиклаш ва агар факат бундан узокрок муддат белгилаш асосланмаган бУлмаса (аммо бу холда хам у 20 йилдан ошмаслиги) масаласини Урганмокда.

Таъкидлаб Утганимиздек, бизнинг республикамизда фойдали хизмат муддатини аниклаш имкони бУлмаган номоддий активларга эскириш 5 йил муддатдан келиб чикиб хисобланади (аммо корхонанинг фаолият муддатидан ошмаслиги керак). Бир ойлик амортизация суммаси куйидагича аникланади:

Номоддий актив
объектининг дастлабки **:**5 йил **:** 12 ой к 1 ойлик амортизация аж -
киймати ратмаси суммаси

Яъни фоиз хисобида:

1 ойлик амортизация суммаси x 100 к фоиз
Дастлабки киймати

Номоддий активлар аудити биз учун янги хисоб ва аудит объектлари хисобланади. Шунинг учун номоддий активларни хисобга кирим килиш усуллари, хакконий бахолаш методлари, улар кийматини коплаш ва ш.У., шунингдек жорий хисобда харакатини акс эттириш масалалари жиддий илмий-тадкикотларни талаб этади.

7.5. Номоддий активлар аудитининг натижаларини умумлаштириш ва бахолаш.

Номоддий активларни хисобга олишга доир муомалаларни текшириш натижалари аудиторлик хисоботида умумлаштирилади. Хар бир йУл кУйилган хато-камчилик бУйича: кайси меъёрий хужжатнинг кайси талаби бузилганлиги; етказилган зарар суммаси; аникланган хатонинг корхона фаолияти ва бухгалтерлик хисоботи кУрсаткичларининг ишончлилигига таъсир кУрсатиш даражаси, ахамиятлилиги ва хоказолар аникланади.

Текширув натижаларини умумлаштириш куйидаги кУринишда амалга оширилиши мумкин:(7.5.1-жадвал)

7.5.1-жадвал

Номоддий активларни текшириш натижаларини умумлаштириш тартиби.

Хатонинг тавсифи	Талаблари бузилган меъёрий хужжат номи, банди	Хатони бахолаш		Корхона фаолияти натижалари ва хисобот ишончлигига таъсири
		сумма	Баланс моддасига н-н %	

Бухгалтерия хисоботи маълумотларининг бузиб кУрсатилиши ва баланснинг «Номоддий активлар» моддаси ишончлигини тасдиклаш имкони йУклиги куйидаги сабаблардан келиб чикади:

04 - «Номоддий активларни хисобга оладиган счётлар» (0410-0490) да асоссиз равишда номоддий активлар каторига олиб борилганлиги, объектлар тегишли хужжатлар билан расмийлаштирилмаганлиги; номоддий активларнинг инвентар (баланс) кийматига уларни сотиб олиш ёки яратиш билан боглик бУлмаган харажатларнинг кушилганлиги; аналитик хисоб юритилмаслиги.

+уйидаги фактлар корхонада ички назоратнинг паст даражада эканлигидан далолат беради: йиллик бухгалтерия хисоботини тузишдан олдин номоддий активлар инвентаризация

килинмаслиги, хисоб сиёсатида белгиланган инвентаризация Утказиш муддатларига риоя килинмаслиги; инвентаризация натижалари тегишли хужжатлар билан расмийлаштирилмаганлиги; инвентаризация натижалари йиллик бухгалтерия хисоботида Уз вактида акс эттирилмаслиги; номоддий активларнинг фойдали хизмат килиш муддатларини нотури (ноконуний) белгилаш окибатида корхона хУжалик фаолиятининг молиявий натижалари бузиб кУрсатиши; амортизация хисобланмайдиган тоифага кирувчи номоддий активларга хам амортизация хисобланиши; ноишлаб чикариш сохасида ишлатиладиган номоддий активлар бУйича хисобланган амортизация ажратмаларини махсулот (иш,хизмат) лар таннархига олиб бориш; номоддий активларни хисобдан чикаришга доир муомалаларни хисобда акс эттириш услубиётининг бузилиши.

Номоддий активлар харакатига доир муомалаларни хисобда акс эттириш услубиётига риоя килмаслик солик билан боглик нохуш холатларни келтириб чикаради. Жумладан: тУланмаган ва хисобга олинмаган номоддий активлар бУйича кУшилган киймат солигини бюджетга такдим килиш; номоддий активларни сотиш ва шартномага асосан текинга бериш чогида ++С хисобламаслик ва нотури аниклаш; номоддий активлар хисобдан чикарилиши натижасида кУрилган зарарлар суммасига соликка тортиладиган фойданинг камайтирилиши; номоддий активлар жисмоний шахслар томонидан сотиб олинганида даромад солиги ушламаслик.

8-БОБ. ТОВАР - МОДДИЙ ЗАХИРАЛАРНИ ХИСОБГА ОЛИШ, БАХОЛАШ ВА МАТЕРИАЛЛАР ХАРАКАТИ ХА+ИДАГИ ХИСОБОТ МАЪЛУМОТЛАРИ АУДИТИ.

8.1. Аудитнинг максади, вазифалари, маълумот манбалари ва Утказиш тартиби.

Товар-моддий захираларини аудиторлик текширувидан Утказишнинг максади-уларнинг сакланиши, тежамли ва окилона ишлатилиши, хисобга олишнинг тури ташкил этилишини аниклашдан иборат. Шунингдек,хисобот кУрсаткичларининг ишончлилигини ва товар-моддий захиралар билан боглик муомалалар хисоби ва соликка тортиш услубининг Узбекистон Республикасида амал килаётган конунчилик хамда меъёрий хужжатларга мувофиклигини аниклаш лозим. Ушбу максадга муомалалар мохиятини, хамда назорат

тузулмаси ва бухгалтерия хисоби тизимини текширувдан Утказиш ва хатарларни бахолаш оркали эришилади. Захираларни текшириш, улар хажми катта бУлган корхоналарда аудитнинг асосий кисми деб каралади.

Товар-моддий захиралар бУйича хисобот кУрсаткичларининг хакконийлигини текширишда бошка аудит объектларидаги каби, даставвал, баланснинг «Ишлаб чикариш захиралари»(120-сатр), «Тугалланмаган ишлаб чикариш (130-сатр)», «Тайёр махсулот»(140-сатр), «Сотиш учун олинган товарлар»(150-сатр) деган моддалари, Бош дафтар, журнал-ордерлар ва бошка хисоб регистрлари орасидаги тенгликни аниклаш зарур. Шу билан бирга, синтетик ва аналитик хисоб маълумотларининг мувофиклигига ишонч хосил килиши мухимдир. Моддий бойликларни ишлаб чикариш харажатларига олиб бориш ва уларнинг бахоларини текшириш, ишлаб чикаришга сарфлаш меъёрлари, арзон бахо ва тез эскирадиган буюмларга эскириш хисоблашни ва бошкаларни текшириш зарур. Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга даъво кУзгатишнинг Уз вактидалиги ва турилиги хамда йУлдаги (корхонага етиб келмаган) материаллар колдигининг хакконийлигини хам текшириш керак.

ЙУлдаги моддий бойликларни текширишнинг вазифалари: йУлдаги моддий бойликлар сифатида хисобда турган хар бир жУнатишнинг асослилигини аниклаш, юкларни етказиб бериши муддатларининг Утиб кетмаганлигини аниклаш, хУжалик томонидан юкларни кидирув чораларининг кУрилишини аниклаш, бош бухгалтер ва таъминот ходимлари томонидан йУлдаги моддий бойликларни хисобга олиш устидан назорат Урнатилиши кабиларини аниклашдан иборат. Булардан ташкари хисоб маълумотларининг хакикатда ишлаб чикарилган махсулотларга мос келиши ва товар махсулотлар ишлаб чикариш турисидаги хисоботларда кУшиб ёзиш фактлари аникланади.

Текширув жараёнида аудитор куйидагиларни аниклаши лозим:

* захираларнинг хакикатда мавжудлиги;
* захиралар билан боглик барча муомалаларнинг бухгалтерия хисоби счётларида тУлик ва тури акс эттирилганлиги;
* барча захиралар корхона мулки эканлиги яъни уларга мулкий хукук мавжудлиги, карз сифатида акс эттирилган суммалар эса мажбурият эканлиги;
* захираларни ва улар билан боглик мажбуриятларни бахолашнинг турилиги;
* товар-моддий захираларни хисобга олиш тамойиллари тури танланилганлиги ва кУлланилишининг турилиги.

Товар-моддий захираларни текширишда куйидаги маълумот манбаларидан фойдаланилади:

1. Моддий бойликларни кабул килиш, хисобга олиш, саклаш ва беришга алокадор меъёрий хужжатлар.
2. Хисоб сиёсати турисидаги буйрук.
3. Товар - моддий захиралар билан боглик муомалаларни расмийлаштиришга доир дастлабки хужжатлар.
4. Ташкилий-хукукий хужжатлар ва материаллар.
5. Товар-моддий захираларни хисобга олишга доир бухгалтерия хисоби регистрлари ва бухгалтерия хисоботлари.

Буларни батафсил кУриб чикамиз.

Аудитор текширувга киришиш чогида текширувнинг ушбу сохаси бУйича танланган хисоб юритиш усуллари ва услублари турисида ахборотга эга бУлиши лозим. №4 - «Товар-моддий захиралар» номли бухгалтерия хисоби миллий стандарти талабларига мувофик корхонанинг хисоб юритиш сиёсати турисидаги буйругида товар-моддий бойликларни хисобга олишнинг услубий жихатлари, хусусан куйидагилар хакидаги ахборотлар акс эттирилиши лозим:

* асосий воситалар билан арзон бахо ва тез эскирадиган буюмлар Уртасидаги чегаралар;
* арзон бахо ва тез эскирадиган буюмларга эскириш хисоблаш усуллари;
* товар-моддий бойликларни сотиб олиш (тайёрлаш)ни хисобга олиш;
* товар-моддий бойликларни уларнинг турлари бУйича хисобдан Учириш чогида бахолаш усуллари.

Мижоз-корхона рахбарияти, у ёки бу хисоб юритиш тамоили молиявий натижага таъсир килишини билсада, хисоб сиёсатига киритилган маълумотларнинг зарурлигига кУп холларда етарли ахамият бермайди. Мана шунинг окибатида хар хил коидабузарликлар келиб чикади.

Улардан энг кУп таркалгани танланган хисоб юритиш усулларига ёки уларни кУллашда изчилликка риоя килинмаслиги хисобланади.

Товар-моддий захираларни хисобга олишда кУлланиладиган дастлабки хужжатлар шакллари корхонадаги моддий кийматликларнинг турлари ва гурухларига боглик. +Улланиладиган дастлабки хужжатларда барча зарур реквизитлар бУлиши шарт. Бундай дастлабки хужжатларга куйидагилар киради: моддий кийматликларни олиш учун ишончномалар, кирим ордерлари, материаллар ва арзон бахо ва тез эскирадиган буюмларни киримга олиш ва хисобдан Учириш далолатномалари, лимит-забор карталари, талабнома-накладнойлар, товар-транспорт накладнойлари, омбор хисоби карточкалари ёки дафтари.

Ташкилий-хукукий хужжатлар ва бошка маълумот манбаларига куйидагилар киради:

* корхона рахбарининг буйруги (ёки фармойиши) директор кенгаши мажлисининг баённомалари, таъсисчилар ва бошка комиссиялар йигилиш карорлари. Агар корхона устав капиталининг микдорини шаклантириш ёки Узгартириш чогида улуш сифатида материаллар, арзон бахо ва тез эскирадиган буюмлар, товарлар кУшилган бУлса, шунингдек агар дивидендлар ёки даромадлар моддий кийматликлар билан тУланса ушбу хужжатларни Ўрганиш аудитор учун Ута мухим ахамият касб этади;
* корхонада Утказилган аудиторлик текширувлари Утган йиллардаги хисоботлари;
* товарлар, материаллар, хом ашёлар ва хоказоларни етказиб бериш шартномалари;
* моддий жавобгарлик турисидаги шартномалар.

Аудиторнинг корхона ходимлари билан рахбарият таркибидаги, бухгалтерия хисоби ва ички назорат тизимидаги Узгаришлар турисидаги сухбатлари текширув учун зарур кУшимча ахборотлар бериши мумкин. Бундай Узгаришларнинг натижалари ишчи хужжатларда расмийлаштирилган бУлиши лозим.

Товар-моддий захиралар билан боглик муомалаларни текширишда фойдаланиладиган ахборотлар корхонанинг бухгалтерия хисоботлари ва хисоб регистрларида акс эттирилади. Булардан «Бухгалтерия баланси» (1-шакл)да - товар-моддий захиралар турисидаги маълумотлар баланс активининг II-«Айланма маблаглар» бУлимида жойлашган «Ишлаб чикариш захиралари»моддаси (120 сатр) ва «тугалланмаган ишлаб чикариш» (130-сатр) моддаларининг маълумотлари текширилади.

Товар-моддий захираларни хисобга олишга доир бухгалтерия регистрлари хилма-хил бУлиши мумкин. Улар корхонада кУлланилаётган бухгалтерия хисоби шакли ва усулларига, хамда мавжуд товар-моддий захираларнинг турлари ва гурухларига боглик. Аммо хар кандай холатда хам аудитор 1010-1090,1210,1220,1230,1310,1510 ва 1610 счётлар бУйича аналитик ва синтетик хисоб регистрларини, сальдо ведомостлари, омборхона хисоби карточкалари, дафтарлар, инвентаризация материалларини хамда тугалланмаган ишлаб чикаришлар (2010,2110,2310,2320-счетлар) бУйича хисоб регистрларини тахлил килиб чикиши лозим.

8.2. Товар-моддий захираларни аудиторлик текширувидан Утказиш кетма-кетлиги.

Товар-моддий захиралар билан боглик хУжалик муомалаларини аудиторлик текширувидан куйидаги кетма-кетликда Утказиш максадга мувофик:

* мазкур текширув участкасининг йУналишлари бУйича хисоб сиёсатининг коидаларини Ўрганиш;
* товар-моддий захираларга доир ички назорат тизимининг ишончлилик даражасини бахолаш. Бунинг учун омбор хўжалиги ва омборхоналарнинг холатини текшириб чикиш; моддий жавобгарлик ва моддий жавобгар шахслар хисоботларининг ташкил этилишини Ўрганиш;
* товар-моддий бойликларнинг хисобот санасига таркибини тахлил килиш;
* танлаб инвентаризация килинадиган объектларни ва инвентаризация Утказиш позицияларини аниклаш;
* товар-моддий захиралар харакатини тахлил килиш;
* товар-моддий захираларни бахолашнинг турилиги;
* товар-моддий захиралар синтетик ва аналитик хисобининг ташкил этилиши хамда холатини текшириш.

Товар-моддий захираларни аудиторлик текширувидан Утказиш бухгалтерия хисоботида катта хатоларга йУл кУйиш хавфини камайтиради. Шунинг учун, товар-моддий захираларни текширишни бошлашдан олдин аудитор энг кУп учрайдиган коидабузарликларни аниклаши ва шуни хисобга олган холда зарур текширув амалларини танлаши керак.

Товар-моддий захиралар турисидаги ахборотларнинг ишончлилиги бУйича аудитор фикрининг шаклланишига куйидаги омиллар таъсир кУрсатади:

а) **тУлик акс эттириш** - корхонага тегишли барча товар-моддий захираларининг бухгалтерия ёзувларида акс эттирилганлиги ва бухгалтерия хисоботига киритилганлиги. Товар-моддий бойликлар билан боглик муомалаларни бухгалтерия хисобида акс эттиришнинг тУликлигидаги хатолар хисобот маълумотлари хакконийлигининг пасайишига олиб келади. Бундай хатоларни топиш анча мураккаб. Бунинг учун аудитордан дастлабки хужжатларни ёки хисобга тааллукли бУлмаган ахборотларни танлаб олиш талаб килинади.

б) **Товар-моддий захиралар билан боглик муомалаларни етарли даражада асос бУлмаган холларда хисобга олишнинг мавжудлиги.** Масалан, корхона Уз балансига мулкий хукукка эга бУлмаган мулкларни - комиссия ёки консигнация шартномалари бУйича олинган моддий кийматликларни киритган. Бундай хатолар хисобот кУрсаткичларининг ошириб кУрсатилишига олиб келади.

в) хУжалик фаолияти фактларининг вактинчалик аниклик тамоилига риоя килиниши. Бу хатолар муомалаларнинг хисоб даврларига нотури таксимланиши яъни уларнинг содир бУлган хисобот даврида эмас, балки бошка хисобот даврида акс эттириш билан боглик. КУпчилик холларда амалиётда олинган материаллар уларга бУлган мулкий хукук олувчига Утмасдан олдин акс эттирилади, ёки аксинча, материаллари хали йУлда бУла туриб, уларга мулкий хукук харидорга Утган бУлади. Мол етказиб берувчилардан счет-фактурасиз олинган моддий кийматликлар хисобда акс эттирилмайди ёки кирим килинмайди. Даврийлаштиришдаги хатоларни аниклаш учун аудитор хисоб ёзувларини Ўрганиши ва уларни дастлабки хужжатлар билан солиштириши керак.

г) Товар-моддий бойликларни бахолашнинг турилиги. Масалан, уларни кирим килишда сотиб олиш бахоси нотури аникланиб, бунинг окибатида амортизация нотури хисобланади. Бу хатолар хисоб юритиш услубиётининг бузилишига олиб келади ва кУп холларда мунтазам содир бУлади.

д) Товар-моддий захираларни бухгалтерия хисобининг тегишли счётларида акс эттиришнинг турилиги. Бундай хатолар инвентаризация Утказиш чогида аникланиши мумкин.

Товар-моддий захиралар колдикларини акс эттириш ва сотилган махсулот таннархини хисоблашнинг турилигига таъсир килувчи муомалалар куйидагилар натижасида юзага келади:

а) **бухгалтерия хисоботининг бузилиши:**

олдинги даврларда хисобдан Учирилган, хамда фойдалилик хусусиятларини тУлик ёки кисман йУкотган моддий кийматликлар инвентаризация маълумотларига кУшилиши; йУлдаги товарларни ёки сотилиб бУлинган товарларни икки марта хисобга олиш;

учинчи шахслар омборида сакланаётган ишлаб чикариш захиралари колдигининг ошириб кУрсатилиши; комиссияга кабул килинган яъни баланс дан ташкари счётларда хисобда турган товар-моддий захиралар хам инвентаризация маълумотларига кУшилиши ва шунга Ухшаш;

б) **суйистеъмол килишлар:**

корхонанинг бир неча ходимлари хатти-харакати ёки саклаш устидан етарли назорат Урнатилмаганлиги окибатида кийматликларнинг Угирланиши;

олинган товарлар хужжатларда кУрсатилганидан кам ёки сифатсиз бУлса, уларни кабул килиш учун корхона ходимларининг мол етказиб берувчилардан пора (пул ёки совга кУринишидаги буюм) олиш холлари;

хакикатда йУк харидорларнинг реквизитларини кУрсатиш йУли билан жУнатиш хужжатларини калбакилаштириш.

Юкорида кУрсатилганидек, хисобот даври давомида тУлик ёки тури акс эттирилмаганлиги сабабли йил охирида захиралар ошириб ёки пасайтириб кУрсатилиши мумкин.

Харидлар куйидаги иккита холнинг биттаси сабабли пасайтириб кУрсатилиши мумкин.

1) **Муомалаларни хисобда акс эттирмаслик.** Бундай муомалалар кредитор карзларни текшириш чогида аникланиши мумкин. Масалан, бухгалтерия хисоби регистрларидаги ёзувларни такдим килинган, олинган моддий кийматликлар учун мол етказиб берувчиларга тУланганликни исботловчи счётлар, шартномалар, исботловчи пул хужжатлари

маълумотлари билан солиштириб, аудитор айрим счётларнинг бухгалтерия хисоби регистрларида акс эттирилмай колганлигини аниклаши мумкин.

2) **Муомалалар нотури туркумланган.**

Масалан, товар-моддий захираларнинг сотиб олиш киймати уларни сотиб олиш билан боглик бУлган барча харажатлардан иборат. Лекин, бундай сарфларнинг бир кисми ёки айрим турлари (масалан, сотиб олинаётган хом ашёнинг сифатини аниклашга доир эксперт хизмати киймати) товар-моддий захиралар кийматига кУшилмасдан, бирданига сарфларга олиб борилган бУлиши мумкин.

Харидлар хажми калбаки харидлар ёки муомалаларни акс эттириш каби харажатлар нотури туркумланган холларда ошириб кУрсатилган бУлиши мумкин. Бундай фактларни аниклаш учун харажатларни танлаб текшириш ва зарур аналитик амалларни бажариш лозим.

8.3. Товар-моддий захираларнинг мавжудлиги ва сакланишини назорат килишни текшириш услубиёти.

Омбор хўжалигининг ахволи ва товар-моддий захиралар сакланишини текшириш энг мухим аудиторлик амалларидан бири бўлиб хисобланади. Корхона фаолиятининг ушбу сохасини хар томонлама ўрганиш учун аудитор омборлар, цехлар ва ишлаб чикариш захиралари сакланадиган бошка жойларни текширади. Бунда ишлаб чикариш захираларини саклаш шароитлари, ёнгин хавфининг олдини олиш, омборларнинг курилмалар, техникалар, асбоблар билан жихозланганлиги ва уларнинг тури ишлатилиши, омбор биноларини қўриклаш холати хам ўрганилади. Омбор хўжалигининг коникарсиз ташкил этилганилиги товар-моддий захиралар сакланиши устидан ички назоратнинг паст даражада эканлигидан далолат беради.

Ўрганиш жараёнида моддий кийматликларни кабул килиш, саклаш ва беришга алокадор ходимларнинг моддий жавобгарликларини ташкил этишга махсус эътибор каратилади. Ходимларнинг хукук ва бурчлари, уларнинг иш тартиби, кийматликларни кабул килиш ва бериш, хамда уларни хужжатлаштириш тартиби, омборларда натурал Ўлчовларда хисобни юритиш, бухгалтерияга хисоботларни такдим этиш муддатлари кўрсатилган стандартлар ёки йўриқномаларни ишлаб чикиш ва моддий жавобгар шахсларга такдим килиш моддий кийматликларни саклашни таъминлашнинг мухим шартларидан бири хисобланади.

Товар-моддий захираларни саклаш жойларини кУздан кечириш чогида моддий жавобгар шахслардаги хужжатлар бУйича улар кийматликларни кабул килиш ва беришни расмийлаштириш, хамда омборхона хисоби дафтари ёки карточкаларига ёзишни Уз вактида амалга оширилаётганлиги текширилади. Хисобга олинмаган ошикча материаллар ва тайёр махсулотлар куйидаги йУллар билан вужудга келиши мумкин:

* тайёр махсулотларни тайёрлаш чогида хом ашёларни алмаштириш; хом ашё ва материалларни топширувчиларнинг огирликдан уриб колиши, намлигини ошириб кУрсатиш ва уларнинг навларини пасайтириш; тайёр махсулотларни харидорларга жУнатиш чогида Ўлчовдан, хисобдан ва тарозидан уриб колишлар;
* моддий кийматликларни юклаш-ташиш-тушириш ёки саклаш чогида йУколган деб асоссиз далолатномалар тузиш ва шунга Ухшаш.

Хисобга олинмаган ошикча материаллар одатда алохида сакланади. Уларни аниклаш учун омборхона хисоби дафтари ёки карточкалари маълумотларидан фойдаланилади. Агар хисобга олинмаган ошикча материаллар бУлса, алохида турдаги материалларнинг маълум даврлардаги чикими, коидаги кУра, уларнинг киримидан ошиб кетади (кизил билан чикиш). Бундай ошикча сарфлашлар шу номдаги материалларнинг кейинги тушумлари ва киримлари хисобидан копланади.

Омбор хўжалигини кУздан кечириш ва моддий кийматликлар сакланишининг назоратини хужжатлар асосида текшириш билан изчил амалга ошириш товар-моддий захираларнинг сакланиши турисида асосланган хулосалар килиш ва профилактик тадбирлар ишлаб чикиш имконини беради.

Товар-моддий захираларни аудиторлик текширувдан Утказиш жараёнини икки кисмга бУлиш мумкин:

1. Инвентаризация Утказиш оркали уларнинг хакикатда мавжудлигини аниклаш;
2. Моддий кийматликларни хисоб ва хисоботда тури бахолашни хамда акс эттиришни текшириш.

Аудиторлик амаллари **инвентаризациягача, инвентаризация вактида ва ундан сУнг бажариладиган амаллар**га бУлинади. Инвентаризацияни бошлагунга кадар аудитор олдинги Утказилган инвентаризация натижалари турисидаги маълумотларни сУраб олиб, захираларнинг таркибий ва микдорий Узгаришларини тахлил килади, захираларни саклаш жойлари хакида, хамда инвентаризация ишларининг ташкил этилиши турисида маълумотлар тУплайди.

Моддий бойликларни омборхона ва бошка саклаш жойларида хисобга олинишини текшириш уларни инвентаризация килишдан бошланади. Текширишни бошлашдан олдин аудитор моддий бойликлар сакланадиган барча жойларни аниклаш ва танлаб инвентаризация Утказиладиган бойликлар рУйхатини алохида тузиши лозим.

Иш бошланишидан олдин аудитор корхона рахбари билан инвентаризация комиссиясини тузиш турисида келишиб олади.Корхона рахбари бу хакда буйрук чикаради.Унинг бир нусхаси инвентаризация Утказиш комиссияси аъзолирига берилади, комиссия раисига назорат сУргич (пломба)лагичи топширилади.

Инвентаризация комиссияси таркибига, одатда, моддий жавобгар шахслардан ташкари, корхона рахбарияти вакиллари, мутахассислар хам киритилади.

Агар моддий жавобгар шахс мехнат таътилида ёки узок вактдан бери касал бУлса,айрим аудиторлар инвентаризация Утказишни Уша шахссиз бажаришга карор килиб катта хатога йУл кУйишади. Вахоланки, моддий бойликлар етишмовчилиги аникланган такдирда моддий жавобгар шахс кейинчалик уни тан олмаслиги ва унинг натижаларига эътироз билдириши мумкин.

Агар моддий жавобгар шахс узрли сабаб билан ишда бУлмаса,аудитор омборхонани мухрлаб кУйиб, инвентаризация Утказишни у ишга тушгандан сУнг бажариши лозим.

Аудитор инвентаризация килишни бошлашдан олдин омборчидан инвентаризация бошланадиган сана учун моддий бойликларнинг кирими ва чикими бУйича хисобот тузиб,унинг бир нусхасини ташкилот бухгалтериясига топширтиради ва иккинчи нусхасини аудитор Узига олади. Бундан ташкари, аудитор моддий жавобгар шахсдан бойликларнинг кирими ва чикимига доир барча хужжатлар бухгалтерияга топширилганлиги ва уларда кирим килинмай колган ёки чикимга хисобдан Учирилмаган хеч кандай моддий бойликлар йУклиги хакида тилхат олади. Моддий бойликларни сотиб олиш учун хисобдорлик суммаси ёки уларни олиш учун ишончномага эга шахслардан хам шу мазмунда тилхат олинади.

Шундан сУнг комиссия аъзолари моддий бойликларни текширишга киришади,яъни уларни тарозида тортиш,кайта санаш ёки улчаб куриш йУли билан хакикий колдикларини аниклайди. Аудиторлар инвентаризацияни бошлашдан олдин тарозилар ва бошка Улчаш асбобларини аник ишлашига ишонч хосил килишлари лозим. Айрим аудиторлар тортиш, Улчаш,санаш ишларини Узлари бажаришга харакат килишади,хисобчи ходим ёки моддий жавобгар шахс бу вактда Улчаш натижаларини кайд килиб туради. Бирок, бундай килиш нотури. Аудитор тортиш, санаш, Улчаш ишларини тури бажарилаётганлигини кузатиб туриши ва натижаларини Узи ёзиб бориши лозим. Шунингдек, тушунмовчиликлар рУй бермаслиги учун моддий жавобгар шахс хам текширув натижаларни ёзиб бориши керак. Вакти-вакти билан бу ёзувлар солиштирилиши зарур.

Моддий бойликларнинг хар кайси тури бУйича инвентаризация килиш натижалари инвентаризация рУйхатида кайд килинади; бундай рУйхат моддий бойликлар турган ёки сакланадиган жойлар ёки уларнинг бут сакланиши учун жавобгар шахслар бУйича алохида-алохида тузилади.

Улар рУйхатларда номенклатура бУйича ва **хисобга олишда кабул килинган ўлчов бирликларида** (!) акс эттирилади. Агар моддий бойликларни инвентаризация килиш вактида моддий жавобгар шахс баъзи нарсалар бу корхонага тегишли эмаслигини, улар бу ерда вактинчалик сакланаётганлигини айтса, аудитор барибир уларни рУйхатга киритиши лозим.Аудитор бундай моддий бойликларнинг алохида рУйхатини тузиб, кейин карама-карши текширувда улар кимга тегишли эканлигини, шунингдек, 002 балансдан ташкари счётда хисобга олинишини аниклаши лозим.

Аудитор текшириш чогида моддий бойликларнинг раками, русуми,номига алохида эътибор бериши керак.Чунки,амалиётда мавжуд бойликларнинг раками ва русумларини кирим хужжатлари хамда паспортларига солиштириб,бир янги автомобил двигателини бошка эскисига ёки камёб автомашинани бошка арзонига алмаштириб кУйиш холлари хам учрайди.

Баъзи моддий бойликлар бУйича намуна олиш усулини кУллаш тавсия этилади.Намуналар икки нусхада олинади ва мухр билан сургучланади. Намунанинг бир

нусхаси тегишли идишга солиниб лабораторияга тахлил учун топширилади. Иккинчиси тилхат бУйича корхонада колдирилади. Тилхат эса текширувчига берилади.Тахлил учун олинган намуналарга далолатнома тузилиб,унда корхонанинг номи,намунанинг огирлиги, хажми, олинган жойи, сакланаётган жойнинг харорати кУрсатилади. Намуна олиш далолатномасини текширувчилар ва моддий жавобгар шахслар имзолайди.

Инвентаризация маълумотлари бУйича рУйхатлар тузилади, уларни барча комиссия аъзолари имзолайди, моддий жавобгар шахс эса хар кайси рУйхат бУйича куйидаги мазмунда тилхат ёзиб беради: **«Ушбу инвентаризация рУйхатида кайд килинган барча моддий бойликларни комиссия менинг иштирокимда аслидан текширди ва рУйхатга киритди, бу борада инвентаризация комиссиясига эътирозим йУк. РУйхатда кайд килинган барча бойликлар менинг жавобгарлигимда сакланмокда»**

Аудитор хисобот йилининг охирги ёки янги йилнинг дастлабки кунларида текширилаётган корхона ходимлари томонидан Утказилаётган инвентаризацияда катнашиши мумкин. Бирок, инвентаризация маълум бир сана оралигида Утказилган бУлса, аудитор инвентаризация Утказилган пайтдан хисобот санасигача Утган даврда захираларнинг кирими ва чикимини кУздан кечириб чикиши зарур. Бу холда накладнойлар, счёт-фактуралар, божхона декларациялари ва шунга Ухшаш хужжатлар хисоб маълумотлари билан таккосланади.

Ишлаб чикариш захиралари бир неча омборларда сакланиши мумкин. Бу холда камомадни ёпиш максадида захираларни бир омбордан иккинчисга Утказиб кУйишнинг олдини олиш учун инвентаризацияни барча омборларда бир вактнинг Узида Утказиш максадга мувофикдир. Агар кандайдир сабабларга кУра бундай килишнинг имкони бУлмаса, аудитор биринчи омборда инвентаризация бошланган пайтдан бошлаб, у охирги омборда тугагунга кадар вакт оралигида захираларнинг бУлинмалар (омборлар) Уртасида бири-бирига Утишини кУздан кечириб чикиши зарур.

Агар барча омборларни бир вактнинг Узида инвентаризациядан Утказиш имкони бУлмаса, уларнинг хаммасини мухрлаб кУйиб, сУнгра бирма-бир инвентаризация килиш ва натижаларини расмийлаштириш мумкин.

Инвентаризация Утказиш чогида аудиторда захиралар турисида далил-исботлар олишда, технологик жараёнларнинг хусусиятларидан келиб чикадиган мураккабликлар юзага келиши мумкин. Бунинг учун айрим холларда мутахассислар маслахатига зарурат сезилади.

Шунингдек, захираларнинг микдорини аниклаш билан боглик далил-исботларни олишда хам мураккабликлар вужудга келиши мумкин. Улар куйидаги шарт-шароитлардан келиб чикади:

а) танлаш усулининг кУлланилиши. Маълумки, битта текширув доирасида барча захираларни ёппасига текширишнинг имкони йУк, аммо захиралар турисидаги хисоб ёзувлари уларнинг хакикатдаги колдикларига яккол мос келмаган холларда барча товар-моддий захиралар текширувдан Утказилиши зарур;

б) аудиторнинг захиралар сакланадиган барча жойларда бир вактнинг Узида иштирок эта олмаслиги;

в) назорат амалларининг хусусиятлари - такроран хисобга олиш, тасодифан ёки атайлаб хисобга олинмаган кийматликлар йУклигига ишонч хосил килиш зарур. Назорат учун Утказилган текширувлар кийматликларни жамлаш тури амалга оширилганлигига ишонч хосил килиш имконини беради;

г) инвентаризация килинадиган кийматликларнинг хусусиятлари (масалан, фермаларда пичан гарами, элеваторлаги дон уюми ва х.к.). Бундай холларда аудитор махсус Улчаш, бахолаш усулларидан фойдаланиб, бу вактда захираларнинг бир кисми Улчанади ва сУнгра уларнинг умумий микдори аникланади.

Бундай текширув натижаларининг турилиги уларни бухгалтерия хисоби ва омбор хисоби маълумотлари билан солиштириш оркали амалга оширилади.

Айрим турдаги захиралар мавжудлигини оддий хисоб-китоб йУли билан текшириш мумкин эмас. Масалан, ишлаб чикариш жараёни узлуксиз кечадиган - кайта ишлаш, саноат ишлаб чикариши кабиларда. Бундай холда аудитор ички назорат амалларига таяниши, хамда бундай моддий ки39582*1йматликларни инвентаризация килиш учун мижоз рухсати билан экспертлар жалб килиши мумкин.

Айрим холларда бир катор сабабларга кУра инвентаризация Утказиш имкони бУлмайди. Масалан, аудит Утказиш учун шартнома тузиш пайтига, йил охирида мижоз томонидан инвентаризация Утказиб кУйилган ва уни такроран Утказишдан бош тортса ёки

инвентаризация Утказиш жуда киммат бУлган холларда. Бу холда аудитор математик методларни кУллаши мумкин. Улар маълум даражадаги эхтимол билан захиралар микдорини бахолашга имкон беради. Шундай холат юзага келиши мумкинки, мижоз ёппасига инвентаризация Утказишни истайди, аммо аудиторнинг илтимосига кУра товар-моддий захираларнинг бир кисми инвентаризация килинади.

Инвентаризация ишлари якунланиб, тегишли тарзда расмийлаштирилгандан сУнг инвентаризация маълумотлари билан бухгалтерия хисоби маълумотлари таккосланиб, тафовутлар аникланиши лозим. Бу иш таккослаш кайдномалари тузиш йУли билан амалга оширилади.

Агар инвентаризация натижасида мавжуд бойликлар колдикларининг бухгалтерия хисоби маълумотларидан фарк килиши аникланса, аудитор расмийлаштирилган рУйхатни таккослаш кайдномаси тузиш учун бухгалтерияга топширади.

Таккослаш кайдномалари факат хисобга олиш маълумотларидан фарк килганлиги аникланган моддий бойликлар бУйича тузилади. Уларни аудитор, бош бухгалтер ва моддий жавобгар шахс имзолайди. Агар камомадлар ёки ошикчаликлар аникланса, моддий жавобгар шахс бу хакда ёзма тушунтириш беради.Бойликларнинг табиий камайишидан ортик камомади айбдор хисобига ёзилади,ошикча чиккан бойликлар эса кирим килинади.Бир текшириладиган давр ичида бир моддий жавобгар шахсга тегишли бир хил номдаги моддий бойликлар кайта хиллаш (навларга ажратиш) натижасида аникланган ошикчаликлар ва камомадларнинг Узаро Урнини коплашга истисно тарикасида рухсат берилади.Моддий бойликларнинг табиий камайиш меъёридан ортикча камомадлари ва бузилишдан йУкотишлари аник айбдорлари номаълум бУлган холларда корхона даромади хисобидан копланади.

Таккослаш кайдномасини мазкур корхона бухгалтерияси тузса хам аудитор унинг тури тузилганлигини ва унда бухгалтерия ходимлари томонидан кайд килинган ракамлар бухгалтерия маълумотларига мос келиш-келмаслигини текшириб кУриши лозим.

Шунингдек, инвентаризацияда аникланган, товар моддий захиралар камомади ва ошикча чикишини бухгалтерия хисобида акс эттириш ва соликка тортиш. Масалалари хам Урганилади.

Инвентаризацияда аникланган товар-моддий захиралар (ТМЗ) камомади бухгалтерия хисобида куйидаги тартибда акс эттирилади:

Кам чиккан ТМЗ ларнинг хакикий киймати (баланс киймати) бУйича хисобдан Учирилиши.

Дебет 9220 «Бошка активларнинг сотилиши ва турли чикими» счети

Кредит 1000-«Матералларни хисобга оладиган счётлар» (1010-1090)

Агар бахолаш натижасида ТМЗ ларнинг бозор киймати (ундириладиган сумма) кам чиккан ТМЗ лар хакикий кийматидан юкори бУлса, олинган даромад суммаси бухгалтерия хисобида куйидагича акс эттирилади:

а) Кам чиккан ТМЗ ларнинг бозор кийматига

Дебет 9433-«Моддий бойликларнинг камомади ва бузилиши бУйича харажатлар» счети

Кредит 9220 «Бошка активларнинг сотилиши ва турли чикими» счети

б) Аибдор шахслар ёки моддий жавобгар шахслардан ундириб олиниши лозим бУлган бозор кийматида

Дебет 4630-«Моддий зарарни коплаш бУйича ходимларнинг карзлари» счети

Кредит 9433-«Моддий бойликларнинг камомади ва бузилиши бУйича харажатлар» счети

в) Аибдор шахслар ёки млдий жавобгар шахслардан ундирилиши лозим бУлган сумма ва ТМЗ ларнинг хакикий киймати Уртасидаги фарк суммага

Дебет 9220 «Бошка активларнинг сотилиши ва турли чикими» счети

Кредит 9320-«Бошка активларни сотилиши ва турли чикимидан олинган фойда» счети

Олинган даромад суммаси умумий белгиланган тартибда соликка тортилади.

Агар бахолаш натижасида кам чиккан ТМЗ ларнинг бозор киймати (ундириладиган сумма) хакикий кийматидан паст бУлса кУрилган зарар суммаси бухгалтерия хисобида куйидаги тарзда акс эттирилади:

а) Кам чиккан ТМЗ ларнинг бозор кийматига

Дебет 9433-«Моддий бойликларнинг камомади ва бузилиши бУйича харажатлар» счети

Кредит 9220 «Бошка активларнинг сотилиши ва турли чикими» счети

б) Аибдор шахслар ёки моддий жавобгар шахслардан ундирилиши лозим бУлган бозор кийматига

Дебет 4630-«Моддий зарарни коплаш бУйича ходимларнинг карзлари» счети

Кредит 9433-«Моддий бойликларнинг камомади ва бузилиши бУйича харажатлар» счети

в) Аибдор шахслар ёки моддий жавобгар шахслардан ундирилиши лозим бУлган сумма ва ТМЗ ларнинг хакикий киймати Уртасидаги фарк суммага

Дебет 9432-«Бошка активлар реализацияси ва турли чикими бУйича зарарлар» счети

Кредит 9220 «Бошка активларнинг сотилиши ва турли чикими» счети

КУрилган зарар суммаси даромад (фойда) солигини хисоблашда умумий белгиланган тартибда соликка тортиладиган базага кУшилади.

ТМЗ лар камомадининг аник аибдорлари топилмаган ёки моддий жавобгар шахслардан ундириб олиш имкони бУлмаган холларда ТМЗ ларни хисобдан Учириш куйидаги тартибда амалга оширилади:

а) Хакикий киймати бУйича

Дебет 9220 «Бошка активларнинг сотилиши ва турли чикими» счети

Кредит 1000-«Матералларни хисобга оладиган счётлар» (1010-1090)

б) КУрилган зарар суммасига

Дебет 9432-«Бошка активлар реализацияси ва турли чикими бУйича зарарлар» счети

Кредит 9220 «Бошка активларнинг сотилиши ва турли чикими» счети

КУрилган зарар суммаси даромад (фойда) солигини хисоблашда умумий белгиланган тартибда соликка тортиладиган базага кУшилади.

Инвентаризацияда аникланган ТМЗ ларнинг ошикча чикиши куйидаги тартибда бахоланади ва балансга кабул килинади:

а) Товарлар мазкур турдаги ёки шуларга Ухшаш товарларнинг ошикча чикишлар аникланган пайтдаги бозор киймати бУйича бахоланади ва балансга кирим килинади.

б) Тайёр махсулотлар ошикча чикишлар аникланган пайтдаги хакикий ишлаб чикариш таннархи бУйича балансга кирим килинади.

в) Материаллар, арзон бахо ва тез эскирадиган буюмлар мазкур турдаги ёки шуларга Ухшаш материаллар ёки арзон бахо ва тез эскирадиган буюмларнинг ошикча чикиши аникланган пайтдаги хакикий киймати (баланс киймати) бУйича балансга кирим килинади.

г) Ивентаризацияда аникланган ТМЗ ларнинг ошикча чикиш суммалари бухгалтерия хисобида куйидагича акс эттирилади:

Дебет –Товар моддий захираларни хисобга оладиган счётлар (1010-1090, 1210, 1220, 1230, 2810, 2820, 2910-2990)

Кредит 9320-«Бошка активларни сотилиши ва турли чикимидан олинган фойда» счети;

Ушбу сумма белгиланган тартибда жорий давр учун соликка тортилади.

Камомадлар суммасининг аибдор шахслар ёки моддий жавобгар шахслардан ундирилишининг бухгалтерия хисобида куйидагича акс эттирилади.

Дебет 5010-«Миллий валютадаги пул маблаглари» счёти ёки Дебет 6710 – «Мехнат хаки бУйича ходимлар билан хисоб-китоблар» счёти

Кредит 4630-«Моддий зарарни коплаш бУйича ходимларнинг карзлари» счети ёки

Кредит 4890-« Бошка шахслар карзлари-жорий кисми» счёти

Моддий бойликларнинг бут сакланаётганлигини текширишда моддий бойликларнинг тУлик кирим килинганлигини ва чикимга тури хисобдан Учирилганлигини аниклаш мухим Урин эгаллайди.Чунки айрим холларда ортикча хом ашё хосил килиниб,ундан ноконуний максадларда «чапга кетадиган» махсулот ишлаб чикаришга йУл очиб берилади.

Одатда, моддий бойликларни кирим килишни назорат килиш мол етказиб берувчилардан келиб тушган хисоб-китоб хужжатларини текшириш йУли билан амалга оширилади. Бундай хужжатлар жумласига тУлов талабномалари, счёт-фактуралар, турли иловалар (спецификациялар, сертификатлар, сифат ёрликлари ва хоказо) кУшиб юбориладиган товар-транспорт юк хат (накладной)лари киради.

Корхонага келтирилган моддий бойликлар тегишли омборхонага Уз вактида кирим килинишини ёки агар улар дархол цехга бериладиган бУлса, омборхона оркали расмийлаштирилиб, бу хакда хужжатларда кайд килинади.

Шундай килиб,бу холда омборхона ходими моддий бойликларнинг мавжудлиги ва цехга берилганлигини тасдиклайди. Бундан ташкари, моддий бойликларни текширишда аудитор куйидагиларни аниклаши лозим:

* йУлдаги моддий бойликлар ва фактурасиз жУнатилган моддий бойликларни хисобга олиш ишлари тури бажарилишини; балансда кУрсатилган, йУлдаги моддий бойликлар колдикларининг хакконийлиги;

* 10-«Материалларнинг пул ифодасидаги харакати» кайдномасининг тури юритилишини;зиммаларида моддий бойликлар колдиклари хисобда турган моддий жавобгар шахсларнинг хаммаси хам хар ойда моддий хисоботларни топширишини; айтилган хисоботлар топширилмай туриб(моддий жавобгар шахснинг касаллиги ёки бошка сабабларга кУра) корхона рахбарининг алохида фармойиши бУйича материаллар хисобдан чикарилишини ва хисобдан чикарилган материалларнинг сони ва кийматига кейин топширилган хисобот бУйича Узгартиришлар килиниши;моддий бойликлар ишдан бУшаган

ходимлар хисобида турган холлар борлигини (агар бор бУлса,бунинг сабабларини ва айбдор шахслардан уларнинг кийматини ундириш учун кандай чоралар кУрилганлигини);келиб тушган(мол етказиб берувчилардан ва хоказо) моддий бойликлар хисоб бахолари бУйича кийматининг 6 ёки 7-журнал ордерларда акс эттирилган бахолар бУйича кийматига мос келишини; сарфланган ва сотилган материаллар хамда фойдаланишга берилган ва ишга яроксизлиги туфайли хисобдан чикарилган арзон бахоли ва тез эскирувчи буюмларнинг эскириши тегишли баланс счётларида тури хисобга олинганлигини; моддий бойликларнинг амалдаги таннархини уларнинг хисоб бахолари бУйича кийматидан фарки тури аникланганлигини ва хисобдан чикарилганлигини; хисоб бахоларини кУллаш кийин бУлган инфляция шароитларида моддий бойликларни бахолаш усули борасида корхонада кандай хисоб юритиш сиёсати кУлланилаётганлигини; транспорт-тайёрлов харажатларининг таркиби тури аникланганлиги ва хисобга олинаётганлиги; моддий бойликларнинг харакатига доир муомалалар 16-кайдномада тури ва тУлик акс эттирилганлигини;жУнатилган моддий бойликлар учун харидорлар зиммасидаги карзларнинг хакконийлигини; даъво килиш муддати тугаган, тУлаш муддати Утказиб юборилган карзларнинг бор-йУклигини;харидорлар томонидан кисман акцептланган ёки банкка тУлик суммада тУлаш рад килинган,банкка инкассага куйилган счётлар бор-йУклигини,бундай холларда кандай чоралар кУрилганлигини;

* омборхона хўжалигининг ахволини;моддий бойликларнинг сакланиш шароитларини; материаллар микдор ва сифат кУрсатгичлари бУйича тури кабул килинганлигини;моддий жавобгар шахслар томонидан моддий бойликларни саклаш ва хисобга олиш тартиби турисидаги йУрикноманинг бажарилишини, уларни саклаш коидаларининг бузилиш сабабларини; корхона омборхонаси худудидан моддий бойликларнинг транспортда ёки транспортсиз олиб чикиб кетилиши устидан назоратнинг таъминланишини; омборхона биноларининг техник холатини;

* моддий бойликлар бириктириб куйилган ходимлар билан тУлик моддий жавобгарлик турисида ёзма шартнома тузилганлигини; моддий бойликларнинг омборхонадаги харакати тури ва Уз вактида расмийлаштирилишини; ишончномаларни бериш ва улардан фойдаланишга доир хисоботлар тузиш коидаларига риоя килинишини;

* моддий бойликларнинг ишлаб чикаришга тури хисобдан чикарилишини; амалда меъёрларнинг хозирги замон технологияси ва ишлаб чикаришнинг ташкил килиниш даражасига мувофиклигини;материалларни кайта ишлаш учун четга беришнинг тури расмийлаштирилишини; моддий бойликларни саклаш ва ташишда табиий камайиш меъёрларига мувофик уларнинг камомади ва йУколишларини хисобдан чикаришнинг асосланганлиги ва бошка шуларга Ухшашларни.

8.4. Товар-моддий захиралар бухгалтерия хисобини текширишнинг хусусиятлари.

Товар-моддий захираларининг тУлик кирим килинишини текшириш чогида аудитор мол етказиб берувчилар билан хисоб-китобларнинг шакллари ва шартларини, танланган бахолаш усулини, сотиб олинган кийматликлар бУйича ++Сни коплаш тартибини хисобга олиши зарур.

Товар-моддий захираларининг тушуми ва кирим килиниши мол етказиб берувчилар билан тузилган шартномалар ва кузатиб борувчи хужжатлар (товар-транспорт накладнойлари, счёт-фактуралар, кодоклаш (упаковка) ёрликлари, сифат гувохномаси, кабул квитанцияси ва бошкалар) асосида текширилади.

Омборхона кирим хужжатларини мол етказиб берувчиларнинг кузатиб борувчи хужжатлари ёки материалларни чакана савдода накд пулга сотиб олиш хужжатлари билан солиштириш омборхонада содир бУлган кирим муомалаларини текширишнинг умумий усули хисобланади.

Тезкор ва хизмат юзасидан узатиладиган ахборотлар хам аудиторлик текширувнинг объекти хисобланади. Масалан, келган юкларни хисобга олиш журналидан моддий кийматликларнинг ассортименти ва етказиб бериш муддатлари турисидаги маълумотларни мол етказиб берувчилар бУйича олиш мумкин. Аудитор бундай хисобнинг мижоз корхонада кандай ташкил этилганлигини Урганади. Хусусан, хар бир мол етказиб берувчи бУйича шартномада материалларнинг етказиб берилиш муддатлари ва ассортименти кУрсатилаётганлиги, хамда хакикатда олинган материалларнинг ассортименти, олиниш санаси кУрсатилган холда кабул килинганлиги текширилади. Оператив хисобда келтирилган

ахборотларнинг ишончлилигини аниклаш учун аудитор уларни бухгалтерия хисобида акс эттирилган маълумотлар билан таккослайди. Келаётган юкларни хисобга олиш журнали ва мол етказиб бериш шартномаларини хисобга олиш карточкаларидаги ёзувлар бУйича аудитор текширилаётган давр ичида кандай мол етказиб беришлар амалга оширилганлигини аниклаши мумкин.

Агар моддий кийматликлар жисмоний шахслардан ёки юридик шахс хукукига эга бУлмаган тадбиркорлардан накд пулга сотиб олинган бУлса, аудитор харид далолатномаларининг мавжудлиги ва тури расмийлаштирилганлигига эътибор каратади. Харид далолатномасида куйидаги мажбурий реквизитлар бУлиши лозим: сотувчининг паспорт маълумотлари, моддий кийматликларнинг номи, микдори ва киймати.

Олинган моддий бойликларни расмийлаштирадиган ички хужжатларга юкни кабул килиб олувчи штампаси босилган мол етказиб берувчиларнинг кузатиб борувчи хужжатлари, кирим далолатномалари, кирим ордерлари ва юкни кабул килиш тартибига кУра айрим бошка хужжатлар киради.

Сотиб олинган моддий бойликларнинг тури бахоланиши ва тУлик кирим килинишини текширишни бошлашда аудитор моддий бойликларни хисобга оладиган ведомостларда акс эттирилган жами суммаларнинг бошка хисоб регистрлари маълумотларига мослигини аниклайди.

6010 - «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тУланадиган счётлар» (жорий кисми) ва 7010 - «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тУланадиган счётлар» (узок муддатли кисми) бУйича синтетик хисоб регистрлари маълумотлари, хамда омборхоналарнинг кирим хужжатлари бУйича аудитор олинган материалларнинг микдорини ва юкларни кабул килишнинг тури расмийлаштирилишини аниклайди. Бунинг учун мол етказиб берувчиларнинг пули тУланган счётлари ва бошка тУлов хужжатларини кирим ордерлари, кабул килиш далолатномалари, хамда омборхона хисоби карточкаларидаги ёзувлар билан таккослайди.

Моддий бойликларнинг тУлик кирим килинганлигини текширишда аудитор мол етказиб берувчиларнинг хисобга олинмаган счётларини аниклаш максадида, мол етказиб берувчилардан кредитор карзларнинг хакконийлигига эътибор каратади. Бунинг учун у бухгалтерия хисоби регистрларидаги ёзувларни такдим килинган счётлар, шартномалар ва мол етказиб берувчиларга тУланганлик турисидаги пул хужжатлари маълумотлари билан солиштиради.

Товар-моддий захираларининг киримига доир муомалаларни хужжатлар бУйича текшириш чогида кабул килишнинг микдор ва сифат коидаларига риоя килиниши; кабул килиш далолатномалари, тижорат далолатномалари, кабул килишда аникланган тафовут далолатномаларининг тури расмийлаштирилиши; моддий жавобгар шахслар хисоботлари ва исботловчи хужжатлар реестрларининг бухгалтерияга Уз вактида такдим килиниши аникланади. Тафовутлар аникланганида хужжатларни карама-карши текширувдан Утказиш зарур.

Моддий бойликларнинг тУлик кирим килинганлигини текширишда ички хужжатлар мол етказиб берувчиларнинг кузатиб борувчи хужжатлари билан солиштирилади. Аудитор олинган моддий бойликлар сифати ва микдоридаги тафовутларнинг далолатномалар билан тури расмийлаштирилганлиги ва мол етказиб берувчиларга ёки транспорт ташкилотларига (масалан, автобаза, темир йУл компанияси) Уз вактида даъво кУзгатилганлигини Урганади. Айрим холларда бундай тафовутлар моддий бойликларни Узлаштириш ва камомадни яшириш максадида калбаки далолатномаларни расмийлаштириш окибатида юзага келиши мумкин.

Зарур холларда аудитор моддий бойликларни кирим килиш учун асос бУлган хужжатларни уларнинг мол етказиб берувчиларда сакланаётган нусхалари билан солиштириб, карама-карши текширув хам Утказади.

Корхонага тегишли бУлмаган, аммо унинг ихтиёрида сакланаётган ёки ишлатилаётган товар-моддий захиралар шартномалар шартларига мувофик, шартномада кУрсатилган бахода балансдан ташкари счётларда акс эттирилади.

Маъсул саклаш учун кабул килинган моддий бойликлар, хамда буюртмачининг хом ашёси сифатида кайта ишлашга кабул килинган хом ашё ва материаллар корхонанинг Узига тегишли ишлаб чикариш захираларидан алохида сакланиши ва хисобга олиниши лозим. Бундай моддий бойликлар №21 БХМС га мувофик 002 - «Маъсул саклашга олинган товар-

моддий бойликлар» ва 003-«+айта ишлашга кабул килинган материаллар» деган балансдан ташкари счётларда хисобга олиниши лозим.

Хужжатсиз (счёт-фактурасиз) олинган материалларни текшириш айрим хусусиятларга эга. Улар 6010 - «Мол етказиб берувчиларга ва пудратчиларга тУланадиган счётлар» (жорий кисми) ёки 7010 - «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тУланадиган счётлар» (узок муддатли кисми) счёти бУйича юритиладиган хисоб регистрида хар бир олинган материаллар бУйича алохида сУнги кирим килинган партия бахоси бУйича акс эттирилиши лозим. Бунда ракам Урнига «Н» харфи (фактурланмаган) кУйилади. Аудитор бундай моддий бойликларни кирим килишга доир ёзув хисобда кандай акс эттирилганлигини аниклаши зарур. Чунки, кейинги ойда мол етказиб берувчилар хужжатларининг келиб тушишига караб, ушбу ёзувлар мол етказиб берувчиларнинг хисоб-китоб хужжатларига асосан материалларни хакикий сотиб олиш бахоси бУйича кирим килиш билан бир вактнинг Узида тузатилиши (сторно килиниши) керак.

Хужжатсиз мол олинган холатлар мавжуд бУлганида аудитор куйидагиларни текширади:

* кабул килиш далолатномаларини тузиш тартибига кандай риоя килинаётганлиги;
* хужжатларсиз олинган моддий бойликларни кирим килишнинг тУликлиги ва турилиги;
* бахо белгилашнинг турилиги;
* мол етказиб берувчиларнинг карама-карши хужжатлари келиб тушганда килинган тузатиш (корректировка) ларнинг турилиги (бунинг учун аудитор кабул килиш далолатномаларидаги ёзувларни кейинчалик олинган мол етказиб берувчилар хужжатларининг маълумотлари билан солиштириши зарур).

Агар мижоз корхона хисобида йУлда келаётган яъни пули тУланган, лекин хали ой охиригача келиб тушмаган моддий бойликлар мавжуд бУлса, у холда аудитор бундай моддий бойликлар кийматини бухгалтерия хисоби ва балансда акс эттиришнинг ишончлилигини тасдиклаши учун улар кейинчалик олинганлиги ва пули тУланганлиги ёки баланс тузилаётган санага кредитор карзлар таркибига киритилганлигига ишонч хосил килиши зарур.

Аудитор корхонада бундай моддий бойликларни хисобга олишнинг мавжуд иккита вариантидан кайси бириси кУлланилаётганлигини аниклаши керак. **Биринчи вариант** кУлланилганда ушбу материаллар киймати хар ой охирида куйидаги бухгалтерия ёзуви билан расмийлаштирилади:

Дебет 1510 - «Материалларни тайёрлаш ва сотиб олиш» счёти Кредит 6010 - «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тУланадиган счётлар» (жорий кисми) ёки 7010 - «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тУланадиган счётлар» (узок муддатли кисми).

Аудитор бундай мол етказиб беришлар бУйича кредитор карзлар мавжудлигини текширади. Чунки кейинги ойнинг бошида ушбу ёзув тузатилиши (сторно килиши) лозим. Етиб келмаган юклар учун мол етказиб берувчиларга тУланган суммалар юк етиб келгунга кадар дебитор карз сифатида хисобда туриши давом этиши лозим.

Иккинчи вариантда бундай ёзувлар материалларнинг хакикатда келиб тушишидан катъий назар, мол етказиб берувчиларнинг корхонага келиб тушган хисоб-китоб хужжатларига асосан бир ой давомида амалга оширилади. 1510 - «Материалларни тайёрлаш ва сотиб олиш» счётида айрим саналарга дебет колдиги колиши мумкин. Бундай дебет колдиклар пули тУланган, аммо ой охирида хали хУжаликка етиб келмаган юкларнинг кийматини билдиради. Ушбу йУлда келаётган моддий бойликларнинг колдиклари бухгалтерия балансининг «Ишлаб чикариш захиралари» моддасига кУшиб акс эттирилиши лозим.

Айрим пайтларда корхоналар баланснинг «Бошка дебиторлар» моддасида материалларни кабул килишда аникланган камомадларни, мол етказиб берувчилар билан хисоб-китоблар бУйича хар хил даъво суммаларини, пули тУланган ва узок вакт давомида киримга олинмаган (айрим пайтларда Угирланган бУлиши хам мумкин) моддий бойликлар учун дебиторлик карзларни акс эттиради. Шунинг учун 6010 ва 7010 счётлар бУйича юритиладиган регистрдаги хисоб ёзувларининг пули тУланиб, лекин хали йУлда келаётган моддий бойликлар учун хисоб-китоблар кисми навбатдаги текширув объекти бУлиши лозим. ТУлик тУланган, лекин узок вакт давомида хУжаликка келиб тушмаган моддий бойликлар акс эттирилган хар бир хисоб-китоб (тУлов) хужжати бУйича товар-транспорт накладнойлари (квитанциялари) ва счётларни тУловга такдим килиш учун асос бУладиган бошка хужжатлар пухта текширилиши зарур. Зарур холларда аудитор ушбу ёзувларни мол етказиб

берувчиларнинг Узаро боглик бУлган дастлабки хужжатлари ва хисоб регистрлари билан таккослайди (карама-карши текширув Утказади).

Товар-моддий захираларни аудиторлик текширувидан Утказиш чогида аудитор олинаётган моддий бойликлар бУйича ++Снинг хисобда акс эттирилишини хам текширади.

Мол етказиб берувчининг хисоб-китоб хужжатларида алохида катор билан ажратиб кУрсатилиб, харидор корхонага тУлов учун такдим килинадиган ++С суммаси 4510 - «Соликлар бУйича бУнак тУловлар» счётининг дебети ва 6010 - «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тУланадиган счётлар» счётининг кредитида акс эттирилади. ТУланган ++С суммалари ишлаб чикариш захираларининг сотиб олиш кийматига киритилмайди яъни 1010-1090 ёки 1510 счётлар дебетига олиб борилмайди.

4510 - «Соликлар бУйича бУнак тУловлар» счётининг исталган хисобот санасига дебет колдиги сотиб олинган, лекин хали пули тУланмаган моддий бойликларга тегишли бУлган ++С суммасини билдиради. Ушбу сумма баланс активининг II бУлимида тегишли модда бУйича ажратиб кУрсатилади.

Аудитор сотиб олинадиган захираларнинг максадли тайинланиши ёки кандай максадлар учун ишлатилишига кУра ++С суммасини хисобдан Учириш тартибига эътибор каратиши зарур. Чунки, моддий ресурсларни ишлаб чикаришга сарфлаш меъёрига караб, уларга тегишли бУлган ++С суммаси 6410 - «Бюджетга тУловлар бУйича карздорлик (турлари бУйича)» счёт дебети ва 4510 - «Соликлар бУйича бУнак тУловлар» счёт кредитида; моддий бойликларни бошка корхоналарнинг устав капиталига молиявий кУйилма сифатида, хамда уларни текинга бериш чогида ++С суммаси 9220 - «Бошка активларнинг сотилиши ва турли чикими» счёт дебети ва 4510 - «Соликлар бУйича бУнак тУловлар» счёт кредитида акс эттирилади. Шунингдек, ++С бУйича якуний хисоб-китоб 6410 счёт дебети ва 4510 счёт кредити бУйича акс эттирилади.

Сотиб олинган моддий бойликларга доир ++С факат куйидаги конунчилик шарт-шароитлари бажарилгандагина бюджетдан копланади:

* ++С дастлабки ва хисоб-китоб хужжатларида алохида сатр билан ажратиб кУрсатилганида;
* моддий бойликлар хакикатда кабул килинганида;
* моддий бойликлар ишлаб чикариш эхтиёжлари учун сотиб олинганида.

Барча холларда ++С факат моддий бойликлар кирим килинганида ва мол етказиб берувчиларга пули тУланганидагина хисобдан Учирилади.

Амалиётда корхоналар моддий бойликларни кирим килмасдан туриб, яъни товар-моддий захираларни хисобда акс эттириш талабларига риоя килмасдан хисобдан Учириш холлари кУп таркалган. Бу ++С бУйича солик билан боглик окибатларга олиб келади. Масалан, аудитор корхона томонидан кабел сотиб олинганлиги ва унинг киймати мол етказиб берувчи томонидан такдим килинган счётга мувофик 120000 сУм, ++С эса 24000 сУмни ташкил этганлигини аниклади. Ушбу муомала мижоз корхона бухгалтерия хисобида куйидагича акс эттирилган:

Дебет 2010 - «Асосий ишлаб чикариш» счёти кабул киймати 120000 сУмга

Кредит 6010 - «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тУланадиган счётлар» счёти кабел киймати - 120000 сУмга;

Дебет 4510 - «Соликлар бУйича бУнак тУловлар» счёти- ++С суммаси 24000 сумга

Кредит 6010 - «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тУланадиган счётлар» - ++С суммаси 24000 сУмга

Дебет 6410 - «Бюджетга тУловлар бУйича карздорлик» счёти - ++С суммаси 24000 сУмга

Кредит 4510 - «Соликлар бУйича бУнак тУловлар» счёти - ++С суммаси 24000 сУмга.

Ушбу вазиятда аудитор томонидан товар-моддий захиралар колдигининг бузиб кУрсатилиши ва улар таннархининг хисобот даврида ошириб кУрсатилганлиги турисида хулоса килинган. Чунки хакикатда барча материаллар тУлалигича хисобдан Учирилиб ишлаб чикариш таннархига олиб борилмаган. Бундан ташкари, барча моддий бойликлар Уз вактида кабул килинмаганлиги муносабати билан, солик органлари ++Сни хисобга Утказишга такдим килишни асоссиз деб топишлари мумкин.

Лекин, маълум шароитларда кабул килинган моддий бойликларга тегишли ++С, уларнинг хакикий сотиб олиш таннархига киритилиши керак. Хусусан куйидаги холларда:

* Ишлаб чикариш захиралари ++С солинмайдиган махсулотлар ишлаб чикариш, ишлар бажариш ёки хизматлар кУрсатиш учун ишлатилганида;

* ишлаб чикариш захиралари чакана савдо ташкилотлари ва ахолидан накд пулга сотиб олинганида;
* кУп марта ишлатиладиган идишлар сотиб олинганида;
* счёт-фактура ва бошка хисоб-китоб хужжатларида ++С ажратиб кУрсатилмаганда.

№4 –«Товар-моддий захиралар» номли БХМСда товар-моддий захираларини сотиб олиш харажатларининг тахминий таркиби келтирилган. Уларга, хусусан, материалларни тайёрлаш ва ташиб келтириш, импорт божхона тУловлари ва йигимлари, махсулотларни сертификациялаш харажатлари, таъминотчи ва воситачи ташкилотларга тУланган комиссион тУловлар, соликлар (корхона кейинчалик кайтариб оладиган соликлардан ташкари, масалан, кУшилган киймат солиги каби), хамда тайёрлов-транспорт, хизмат кУрсатиш ва захираларни сотиб олиш билан бевосита боглик бУлган бошка харажатлар. Савдо дисконтлари, чегирмалар ва шунга Ухшаш суммалар товар - моддий захираларни сотиб олиш харажатларини аниклашда чегириб ташланади. 1610 - «Материаллар кийматидаги фарклар» счётида ёхуд 1000 (1010-1090) – «Материалларни хисобга оладиган счётлар»да аникланиб, хисобдан Учирилган транспорт-тайёрлов сарфлари ёки хисоб бахоларидан четга чикишларни текширишда транспорт ташкилоти ёки воситачи ташкилот тУловга такдим киладиган счёт, товар-моддий захиралар кирим килинганидан сУнг кечикиб олинган холатларга эътибор каратилиши керак. Бундай холда транспорт сарфлари материалларни кирим килишда уларнинг хакикий таннархига кУшилиши мумкин эмас.

Корхонанинг омборхона-тайёрлов аппаратини саклаш учун килинган сарфлар, унинг хисоб сиёсатида кУрсатилган коидаларга мувофик тайёрланган материаллар таннархига кУшилиши мумкин. Бундай сарфлар, одатда, хисобот ойининг охирида таксимланади.

8.5. Товар-моддий захираларни кирим килиш ва ишлаб чикаришга сарфлаш вактида бахолашнинг турилигини текшириш.

Амалдаги коидаларга мувофик моддий бойликлар хисоб ва хисоботда хакикий таннархи бУйича акс эттирилиши лозим. Хакикий таннарх уларни сотиб олиш учун килинган сарфлар (транспорт - тайёрлов харажатлари), ушбу ресурсларни етказиб берувчи томонидан такдим килинган карз хисобига сотиб олганлик учун тУланадиган фоизларни хам кУшган холда аникланади. Шунингдек, ташки иктисодий ва бошка ташкилотларга тУланган хизмат хаклари, устама хаклари, божхона тУловлари, чет ташкилотлар томонидан амалга оширилган саклаш, юклаш-тушириш ва ташиш харажатлари (++С сиз) хам хакикий таннархга кУшилади.

Моддий бойликларни бахолашнинг турилиги кУп жихатдан уларнинг аналитик ва синтетик хисобини ташкил этиш хамда юритишга боглик. Шунинг учун аудитор 1010-1090 счётлар бУйича моддий бойликлар хисоби, уларнинг хар бир тури бУйича хамда истеъмол хоссаларига кУра (нави, маркаси, кондицияси ва хоказо) юритилишини; Моддий бойликларнинг истеъмол хоссаларига караб уларнинг хар бирига номенклатура ракамлари берилганлиги ва уларнинг дастлабки хужжатларда хамда омборхона хисобида кУрсатилишини текшириши лозим.

Агар ишлаб чикариш захиралари хисоб бахолари бУйича хисобга олинса, ушбу бахолар ва сотиб олинган материалларнинг хакикий таннархи Уртасидаги фаркларни товар-моддий захираларнинг турлари Уртасида таксимлаш ишлари аудит объекти бўлиб хисобланади.

Корхона фаолиятининг молиявий кУрсаткичлари ишлаб чикариш захираларини бахолаш усулларидан кайсиниси танланганига хам боглик. Товар-моддий захиралар йил давомида хар хил бахоларда сотиб олинганлиги сабабли, уларнинг тури бахоланганлигини аниклаш асосий муаммолардан бири хисобланади. Ишлаб чикариш захираларининг якуний кийматини махсус бахолаш усуллари ёрдамида тартибга солиш мумкин. Текширув усули корхонада товар-моддий захираларни хисобдан Учиришнинг кайси услуби (хар хил моддий бойликлар учун улар хилма-хил бУлишлари мумкин) кУлланилишига боглик.

№4 - «Товар-моддий захиралар» номли БХМСга мувофик, ишлаб чикаришга харажат килинадиган моддий бойликларнинг хакикий таннархини аниклаш чогида ишлаб чикариш захираларини бахолашнинг куйидаги усулларидан фойдаланиш тавсия килинади:

1. Уртача таннархи бУйича (AVECO);
2. Биринчи харид килинган таннарх бУйича (FIFO);

Аудитор захираларнинг муайян турига нисбатан танланган усулларнинг йил давомида Узгартирилмасдан кУлланилганлигига ишонч хосил килиши, уларни кУллашнинг турилиги, хамда асосланганлиги ва бошкарув учун фойдалилигини текшириши лозим.

Агар корхонанинг хисоб сиёсатида товар-моддий бойликларни бахолашнинг ФИФО (FIFO) методи белгиланган бУлса, у холда улар ой бошига мавжуд бУлган захиралар колдигининг таннархини хисобга олган холда, биринчи сотиб олинган захиралар бахосида ишлаб чикаришга сарфланиши лозим. Балансда эса моддий бойликларнинг колдиклари сУнги сотиб олинган, яъни кимматрок харид бахолари бУйича кУрсатилиши лозим.

Агар захиралар Уртача таннарх (AVECO усули) бУйича бахоланса, аудитор захираларнинг кайсидир бир партиясини бахолашнинг турилигини, яъни Уртача бахонинг тури хисоб-китоб килинганлигини аниклаши учун бир неча дастлабки кирим хужжатларини текшириши зарур.

Моддий бойликлар киймати ишлаб чикариш сарфларига хисобдан Учирилишининг турилигини аудитор куйидаги товар баланси формуласи бУйича текшириши мумкин:

$$С_{мк} к Й_б + К_{мб} - Й_о$$

$С_{мк}$ - хисобот даврида сарфланган моддий бойликлар киймати;

$Й_б$,$Й_о$ - ишлаб чикариш захиралари счётларидаги йил боши ва охирига бУлган моддий бойликлар колдигининг киймати (баланс ва бош дафтар маълумотлари асосида);

$К_{мб}$ - хисобот даврида кирим килинган моддий бойликлар киймати (1010-1090 ва 1210 счётларнинг дебет оборотлари).

Материаллар хакикий таннархи хатолашиб ёки атайлаб оширилганда, тайёр махсулотлар ишлаб чикариш (иш бажариш, хизмат кУрсатиш) харажатлари сунъий равишда кУпаяди ва махсулот (иш,хизмат)ларни сотишдан олинадиган фойда (даромад) камаяди. Шунингдек, фойда (даромад) солиги бУйича соликка тортиладиган база хам камаяди яъни сунъий равишда солик яширилади.

Агар корхонада хисобот даври давомида бахоси пасайтирилган материаллар бУлса, ёки улар кисман Уз сифатини йУкотган ёки маънавий эскирган бУлса, бунда улар йил охирида хакикий таннархи бУйича эмас, балки сотиш мумкин бУлган бахода бахоланиши ва балансда акс эттирилиши лозим. Агар у дастлабки тайёрлаш (сотиб олиш) кийматидан паст бУлса, баходаги фарклар молиявий натижаларга олиб борилади.

Моддий бойликларнинг ишлаб чикариш ва бошка максадларда ишлатилишини текшириш учун аудитор технологик жараёнларнинг хусусиятлари, хамда моддий бойликларни омбордан ишлаб чикаришга бериш тартиби билан батафсил танишиши лозим. Чунки ушбу тартиб бузилганида кУплаб камчиликлар ва хатто суиистеъмол килишлар юзага келади.

Моддий бойликларнинг ишлаб чикаришга берилиши, дастлабки ва йигма чиким хужжатлари асосида тузиладиган, материаллар сарфланиши хисобга олинадиган йигма ведомост бУйича текширилади.

8.6. Моддий бойликларни сотиш ва бошкача тарзда хисобдан чикаришга доир муомалаларни текшириш.

Аудитор, аввало ишлаб чикариш захираларини сотишга доир муомалаларни амалга оширишнинг максадга мувофиклигини, барча хужжатлар - шартномалар, ишончномалар ва товар-транспорт накладнойлари ва бошка дастлабки хужжатларнинг тури расмийлаштирилишини (жумладан, уларда ++С алохида сатр билан ажратиб кУрсатилганлигини) аниклаши лозим.

Моддий бойликларни сотишга доир муомалаларга материалларни хисобга оладиган счётлар (1010-1090) ва 1210 - «Омбордаги арзон бахоли ва тез эскирадиган буюмлар» счёти кредитланиб 9220 - «Бошка активларнинг сотилиш ва турли чикими» счёти дебетланади ва харидорлардан олинган (олинадиган) даромад суммасига эса 5110-«Хисоб-китоб счёти» (4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» счёти) дебетланиб, 9220-счёт кредитланади.

Моддий бойликларни текинга бериш бУйича аудитор соликка тортиш максадида улар кийматини аниклашнинг турилигини текширади. Уларни хисобдан Учириш куйидаги бухгалтерия ёзувлари билан расмийлаштирилиши лозим: хисобдаги бахосига 9220-счёт дебетланиб, 1010-1090,1210 ва 2910 счётлар кредитланади.

Фойда солигини хисоб-китоб килиш учун берилган моддий бойликлар киймати Уртача сотиш бахоси ёки охирги сотиш бахоси бУйича хисоблаб чикарилади.

Товар-моддий захиралар йУколишининг хисобдан Учирилишини текшириш. Товар-моддий бойликларнинг камомади, бузилиши ва кайта бахоланиб бахосининг пасайтирилишини хисобдан Учирадиган хужжатлар, хамда айрим турдаги материалларни ташиш чогидаги табиий камайиш меъёрининг тури кУлланилиши махсус пухта текширувдан Утказилиши лозим. Масалан, зич (герметик) ёпиладиган идишларда ташиладиган товар-моддий захиралар бУйича табиий камайиш меъёрлари кУлланилмайди. Шиша идишларда ташиладиган материаллар бУйича эса рухсат этилган синиш меъёри кУлланилади. Табиий камайиш меъёри доирасидаги ва ундан ошган йУкотишлар тегишли тарзда расмийлаштирилган хужжатга асосан факат корхона рахбарининг рухсати билан таккослаш ведомостидаги камомаддан ошиб кетмаган микдорда хисобдан Учирилиши мумкин.

Белгиланган табиий камайиш меъёридан ошикча хисобдан Учириш, хамда бузилиш ва арзонлаштиришдан кУрилган йУкотишларга доир муомалалар аудитордан махсус эътибор каратишни талаб этади.

Арзонлаштириш ва бузилишдан кУрилган йУкотишлар далолатномалар ва инвентаризация рУйхатлари, арзонлаштириш ёки бузилиш содир бУлган санадаги бозор бахолари, хамда арзонлаштириладиган материалларнинг харид бахолари турисидаги маълумотлар билан тасдикланган бУлиши лозим.

Бундан ташкари, аудитор дастлабки хужжатлар асосида аналитик ва синтетик хисоб регистрларидаги ёзувларни хам танлаб текширади.

Идишлар билан боглик муомалаларни хисобда акс эттиришнинг турилигини текшириш.Айрим корхоналарда идишлар сони ва уларнинг киймати катта микдорни ташкил этади. Аудитор идишлар кийматининг тури шаклланганлиги ва хисобда акс эттирилганлигини текширади. Синтетик хисобда идишлар, уларни сотиб олиш учун кетган барча харажатлардан ташкил топадиган хакикий таннархи бУйича акс эттирилиши мумкин. Шунингдек, идишларни бухгалтерия хисоби счётларида акс эттиришнинг турилиги хам текширилади.

Махсулотларни ташиш ва жойлаштириш учун ишлатиладиган идишлар мавжудлиги ва харакати турисидаги ахборотлар 1070 - «Идиш ва идишлик материаллар» счётида умумлаштирилади. Агар махсулотлар жойлаштирилган идишлар киймати уларнинг сотиш бахосига кУшилган бУлса, идишлар киймати хисобдан Учирилади ва махсулотларнинг ишлаб чикариш таннархига кУшилади (агар идишга жойлаштириш бевосита асосий ишлаб чикариш цехларида амалга оширилса), ёки тижорат сарфларига олиб борилади (махсулотлар тайёр махсулотлар омборига топширилганидан сУнг идишларга жойлаштирилганда). Савдо ташкилотларида 2950 - «Товар билан банд ва бУш идишлар» счётида, чакана савдодаги товар билан банд шиша идишлар ва бУш идишлар эса товар сифатида 2920 - «Чакана савдодаги товарлар» счётида хисобга олинади.

Транспорт шаклидаги идишларни айланувчанлик хусусиятига кУра иккита асосий тоифага бУлиш мумкин:

1. бир марта айланадиган - сотиб олиш бахоси мол етказиб берувчида сотиладиган материалларнинг кийматига кУшилган идишлар (улар мол етказиб берувчиларга кайтарилмайди);

2. кУп марта айланадиган - муомалада бир неча марта бУладиган идишлар, мол етказиб бериш шартномасига мувофик бундай идишлар мол етказиб берувчиларга кайтарилади.

«+айтариладиган» ва «кайтарилмайдиган» идиш тушунчаси факатгина сотувчи ва харидор Уртасидаги шартнома билан тартибга солинади.

Товар билан биргаликда етказиб бериладиган, айрим турдаги кУп марта айланадиган товарлар учун харидордан гаров олиниб, у бУшатилган идиш кайтиб олинганидан сУнг харидорга кайтарилади. Идишларнинг гаров киймати мол етказиб берувчиларнинг кузатиб борувчи хужжатларида алохида сатр билан ажратиб кУрсатилади. Гаров бахоси билан айланиб юрадиган кУп марта айланадиган идишлар мол етказиб берувчининг мулки бўлиб колади. Сотувчи уни сотишни, харидор эса сотиб олишни мУлжалламаган. Идишлар учун гаров тУлаш идишларни кайтариб беришни таъминлаш воситаси бўлиб хисобланади.

Товарлар кУп марта айланадиган идишларда сотилганида мол етказиб бериш шартномаси шартларига харидорнинг ушбу идишлар хаммасини ёки маълум бир кисмини кайтариш мажбурияти киритилади. Агар идишлар мол етказиб берувчига шартномада кУрсатилган муддатда топширилмаса, идишларнинг гаров киймати харидорга кайтарилмайди.

Агар корхонада гаровли идишлардан фойдаланилаётган бУлса, у холда аудитор бундай муомалаларни хисобга олишнинг турилигини текшириши зарур. КУп холларда гаровли

идишларнинг киймати мулкий хукук ва хакконийлик коидаси бузилиб, корхонанинг Уз мулклари таркибида акс эттирилади. Мол етказиб берувчи ва харидор Уртасида нормал товар харакати содир этилганида гаровли идиш мол етказиб берувчининг мулки бўлиб колади ва унинг хисобида акс эттирилади. КУп марта айланадиган гаровли идишга мулк хукуки мол етказиб берувчида колиши сабабли, унинг кийматини харидорнинг бухгалтерия хисобида акс эттириш мулклар кийматининг ошиб кетиши ва ошикча мулк солиги тУлашга олиб келади. Мол етказиб берувчи томонидан кабул килинмайдиган кУп марта айланадиган гаровли идишга эгалик хукуки, кайтаришни рад этишга хужжатлар расмийлаштирилганидан сУнг харидорга Утади.

Идишлар аналитик хисобини уларнинг хар бир тури бУйича номма-ном юритиш керак. Аудитор уни текшириш чогида моддий жавобгар шахсларнинг хисоботлари ва сальдо ведомостлари бУйича маълумотларни таккослаш йУли билан хатоларни аниклаши мумкин.

Нормал товар харакати жараёнида вужудга келадиган ва ташиш, юклаш хамда тушириш билан боглик сарфлар харажатларни хисобга оладиган счётларда акс эттирилади.

Идишларнинг синиши, дарз кетиш ва бузилиши, нормал товар харакатининг бузилиши окибатида улар кийматининг пасайши идишлар билан содир бУладиган муомалалар бУйича зараралар сифатида «Харажатлар таркиби турисидаги….. Низом»га мувофик реализациядан ташкари даромадлар таркибига кУшилади.

8.7. Арзон бахо ва тез эскирадиган буюмлар бУйича муомалаларни текшириш.

Аудитор текширув чогида арзон бахо ва тез эскирадиган буюмлар хисоби куйидагиларни таъминлаётганлигини аниклайди:

* арзон бахо ва тез эскирадиган буюмларнинг Уз вактида ва тУлик кирим килиниши устидан назорат Урнатилганлиги;
* таснифий гурухларига кУра (дастгохлар, инвентарлар, махсус кийим-бошлар ва бошкалар), гурухлар ичида эса уларнинг номлари бУйича улар хакикий таннархининг аникланиши.

Текширувни арзон бахо ва тез эскирадиган буюмлар таркибини тахлил килишдан бошлаш максадга мувофик. Бунда хисоб юритиш сиёсатида акс эттирилган киймат чегарасига асосланиш зарур. Тахлил килиш жараёнида асосий воситалар объектларининг кайта бахолаш муносабати билан арзон бахо ва тез эскирадиган буюмлар каторига Утказилиш холлари йУклиги аникланади. Бундай Утказиш мумкин эмас.

Арзон бахо ва тез эскирадиган буюмлар бУйича муомалаларни текшириш тартиби ва кетма-кетлиги материалларни хисобга оладиган счётлар бУйича муомалаларни текширишга Ухшайди.

Буюмлар (мулклар)ни арзон бахо ва тез эскирадиган буюмлар каторига киритиш ва уларни хисобга олиш тартиби №4 - «Товар-моддий захиралар» номли БХМС билан белгиланади.

№ 21 - БХМС га мувофик арзон бахо ва тез эскирадиган буюмлар мавжудлиги ва харакати турисидаги ахборотлар куйидаги счётларда умумлаштирилади:

1210 - «Омбордаги арзон бахо ва тез эскирадиган буюмлар»

1220 - «Фойдаланишдаги арзон бахо ва тез эскирадиган буюмлар».

1230 - «Вактинчалик (титулсиз) иншоотлар».

1210,1220 ва 1230 счётлар бУйича омборхона хисоби карточкалари ёки ведомостлардаги ёзувларни текширишда улар орасида асосий воситаларга тааллукли буюмлар йУклигини аниклаш керак. Агарда корхона рахбари томонидан хисоб сиёсатида арзон бахоли буюмлар таркибига киритиш учун Урнатилган лимитдан кам киймат чегараси белгиланган бУлса, у холда аудитор бу холат арзон бахо ва тез эскирадиган буюмлар бахосининг ёки амортизация ажратмаларининг Узгариши хисобот даври фойдасига натижада соликка тортиладиган базага таъсир кУрсатишини аниклайди.

Текширув чогида 1210 - «Омбордаги арзон бахоли ва тез эскирадиган буюмлар», 1220 - «Фойдаланишдаги арзон бахоли ва тез эскирадиган буюмлар» ва 1230 - «Вактинчалик (титулсиз) иншоотлар» счётлар бУйича юритиладиган хисоб регистрларининг маълумотларидан фойдаланилади.

Арзон бахо ва тез эскирадиган буюмлар кирим килинишининг турилигини текширишда, аудитор уларни хужжатлаштириш ва сотиб олиш кийматининг шаклланишига эътибор каратади. У арзон бахо ва тез эскирадиган буюмларнинг харакати ва чикимига доир

муомалаларни махсус пухта текшириши лозим. Арзон бахо ва тез эскирадиган буюмларни омбордан ишлатишга бериш хужжат билан расмийлаштирилган бУлиши лозим. Уларни ишлатишга бериш фактининг Узи амортизация хисоблаш учун асос бўлиб хисобланади.

Арзон бахо ва тез эскирадиган буюмларни сотиш хам 9220 - «Бошка активларнинг сотилиши ва турли чикими» счётида акс эттирилиши лозим.

Бухгалтерия хисоби ва ички назоратнинг тегишли даражада ташкил этилиши захирадаги ва ишлатилаётган арзон бахо ва тез эскирадиган буюмлар аналитик хисобини алохида юритишни такозо этади. Бунда олдин ишлатилиб, тУлик эскиргунга кадар фойдаланиш учун омборга кайтарилган буюмлар алохида гурухда хисобга олинади (уларни иккинчи марта ишлатишга беришда икки марта ёзилиб колишнинг олдини олиш максадида).

Арзон бахо ва тез эскирадиган буюмларга амортизация хисоблаш 1310 - «Арзон бахоли ва тез эскирадиган буюмларнинг эскириши» счётининг кредити бУйича ишлаб чикариш харажатлари ёки хизмат кУрсатувчи ишлаб чикариш ва хУжаликлар харажатларини хисобга оладиган счётлар билан богланган холда акс эттирилган ёзувларга асосан назорат килинади.

Арзон бахоли дастгохлар ва универсал ишлатиладиган умумфойдаланишдаги мосламалар, хУжалик инвентарлари, махсус кийим-бош ва пойафзал кийматини коплаш харажатлари одатда ишлаб чикариш сарфларига икки боскичда кУшилади: ярим киймати - ишлатишга бериш пайтида ва унинг иккинчи ярми (фойдаланиш мумкин бУлган бахода бахоланган буюмлар киймати чегириб ташланиб) - яроксизлиги учун хисобдан чикаришда.

Товар-моддий захиралар активларнинг бошка хар кандай турига караганда хУжалик фаолиятига кУпрок таъсир кУрсатади. Текширув натижаларини умумлаштириб, аудитор ишчи хужжатларида тУпланган далил-исботларни бир тизимга келтириши зарур. Мунтазам йУл кУйиб келинган коидабузарликлар бУйича аникланган хатоларни тУлик текширишга тадбик килиш зарур.Тафовутларнинг катта-кичиклиги танлов кУлами ва хатоларнинг мунтазам содир бУлишини хисобга олган холда аникланади.

Товар-моддий захираларни хисобга олишда йУл кУйилган катта хатолар бухгалтерия хисоботларида оборот маблаглари, сотиш таннархи, ялпи ва соф фойданинг бузиб кУрсатилишига олиб келади.

8.8 Тугалланмаган ишлаб чикаришни текшириш.

№ 4-«Товар-моддий захиралар» номли БХМС га мувофик тугалланмаган ишлаб чикариш, иш ва хизмат кУринишидаги корхона активлари хам товар- моддий захиралар бўлиб хисобланади.

Тугалланмаган ишлаб чикаришларга ишлаб чикариш жараёнининг барча технологик боскичларидан Утмаган махсулотлар хамда комплектланмаган, синовдан ва техник кабулдан Утмаган буюмлар киради.

Тугалланмаган ишлаб чикаришни бахолашнинг турли усуллари мавжуд:хакикий Ўлчов, донабай Ўлчов, хажмини Улчаш, шартли кайта бахолаш ва б. Оммавий ёки серияли ишлаб чикаришда хисобот даврининг охирига тугалланмаган ишлаб чикаришлар колдиклари норматив ёки режадаги ишлаб чикариш таннархи (тУлик ёки тУликмас) бУйича, бевосита харажат моддалари бУйича, хамда хом-ашё, материаллар ва ярим фабрикатлар киймати бУйича бахоланади.

Тугалланмаган ишлаб чикаришни бахолашнинг ишончлилиги турисида фикр шакллантириш ишлаб чикариш харажатлари ва махсулотлар таннархини аудиторлик текширувидан Утказишнинг мухим йУналишларидан бири бўлиб хисобланади.

Тугалланмаган ишлаб чикаришни аудиторлик текширувидан Утказиш жараёнида куйидаги масалаларни Ўрганиш зарур:

- харажатлар хисобини ахволи;
- инвентаризация Утказишнинг Уз вактидалиги ва турилиги;
- инвентаризация натижаларини акс эттиришнинг ишончлилиги;
- тугалланмаган ишлаб чикаришнинг технологияси ва белгиланган меъёрларига (агар улар корхонда тасдикланган бУлса) риоя килиниши ва уни бахолашнинг турилиги.

Тугалланмаган ишлаб чикаришларни инвентаризация килиш «Махсулот (ишлар,хизматлар) ишлаб чикариш ва реализация харажатлар таркиби хамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тУгрисидаги Низом ва у асосида ишлаб чикилган тармок йУрикномаларида белгиланган тартибга мувофик уларнинг хажми ва хакикий таннархини аниклаш максадидан иборат.

Саноат корхоналари кисмида, масалан, куйидагилар зарур:

- махсулотлар ишлаб чикариши бошланган (деталлар, кисмлар, агрегатлар) ва ишлаб чикарилиши ва йигилиши тугатилмаган, ишлаб чикаришда бУлган хакикатда борлигини аниклаш

Саноат корхоналари кисмида, масалан, куйидагилар зарур:

- махсулотлар ишлаб чикариши бошланган (деталлар, кисмлар, агрегатлар) ва ишлаб чикарилиши ва йигилиши тугатилмаган, ишлаб чикаришда бУлган хакикатда борлигини аниклаш;
- хисобга олинмаган яроксизини аниклаш;
- тугатилмаган ишлаб чикаришни хакикий жихозланиши ва кисмлар билан йигилишини таъминланганлигини аниклаш;
- тугатилмаган ишлаб чикариш колдигини бекор килинган буюртмалар, шунингдек бажарилиши тУхтатиб кУйилган буюртмалар бУйича аниклаш;
- ишлаб чикаришда бУлган ишлаб чикаришни бошланган (деталлар, кисмлар, агрегатлар) ва махсулотлар ишлаб чикарилиши ва йигилиши тугатилмаганининг хакикий кийматини аниклаш.

Инвентаризацияни бошлашдан олдин цехларга керак бУлмаган барча материаллар, сотиб олинган деталлар ва ярим тайёр махсулотлар, шунингдек мазкур боскичда ишлов берилиши тугатилган деталлар, кисмлар ва агрегатлар омборхонага топширилиши керак.

Цехлардаги бошлаб кУйилган тугалланмаган ишлаб чикаришлар ва ярим тайёр махсулотлар уларнинг микдорини тУгри аниклаш ва кулай саналишини таъминлайдиган тартибга келтирилган бУлиши керак.

Ишлаб чикарилиши тугалланмаган махсулотларни (деталлар, кисмлар, агрегатлар) колдиги хакикатда санаш, тортиш, Улчаш йУли билан текширилиб амалга оширилади.

РУйхатлар хар бир цех (участка, бУлинма) бУйича тугалланмаган ишлаб чикаришлар номи, уларнинг тайёрлик даражаси, сони ёки хажми, курилиш-монтаж ишлари бУйича иш хажми кУрсатилиб; тугалланмаган корхоналар, уларнинг навбатлари, объектлар, ишга тушириладиган мажмуалар, кайсики улар бУйича хисоб-китоблар улар тУлик тугатилгандан кейин оралик тУловларсиз амалга оширилади: конструктив элементларнинг тугалланмаган кисмлари ва ишларнинг турлари бУйича алохида тузилади.

Иш жойларида кайта ишланиши бошланмаган хом ашё, материаллар ва сотиб олинган ярим тайёр махсулотлар тугалланмаган ишлаб чикариш рУйхатига киритилмайди, алохида инвентаризация килинади ва алохида рУйхатларда кайд килинади.

ТУлик яроксиз деб топилган деталлар тугалланмаган ишлаб чикариш таркибига киритилмайди.

Бир хил бУлмаган масса ёки коришмадан иборат бУлган тугалланмаган ишлаб чикаришлар бУйича (саноатнинг тегишли тармокларида) инвентаризация рУйхатларида, шунингдек, солиштириш ведомостларида иккита микдорий кУрсаткич келтирилади: ушбу масса ёки коришма микдори ва унинг таркибига кирувчи хом ашё микдори ёки материаллар (алохида номлари бУйича). Хом ашё ва материалларнинг микдори тармок йУрикномалари билан белгиланган тартибда техник хисоб-китоб бУйича аникланади.

Тугалланмаган капитал курилиш сони ва хажми инвентаризация пайтида унинг хак тУланган кисмини хамда текшириш йУли билан аникланади. Инвентаризация далолатномаларида объектнинг номи ва ушбу объект бУйича бажарилган ишларнинг, конструктив элементларнинг, жихозларнинг ва х.к. хар бир алохида тури бУйича кУрсатилади. Хусусан, инвентаризаия комиссияси куйидагиларни текширади.

- тугалланмаган капитал курилиш таркибида монтажга берилган, лекин хакикатда монтажи бошланмаган ускунани хисобда турганлиги ёки йУклиги;
- курилиши буткул тУхтатилган ёки вактинча тУхтатилган курилиш объектларининг ахволи.

Мазкур объектлар бУйича, кисман, уларни буткул тУхтатилиш сабаблари ва асосларини аниклаш керак.

Хакикатда фойдаланишга тУлик ёки кисман топширилган, кабул килиниши ва ишга тушурилиши тегишли хужжатлар билан расмийлаштирилмаган курилиши тугалланмаган объектларга алохида далолатномалар тузилади. Алохида далолатномалар тугалланган, лекин нима учундир фойдаланишга топширилмаган объектларга хам тузилади. Мазкур далолатномаларда кУрсатилган объектларни фойдаланишга топширилишини расмийлаштиришнинг кечиктирилганлиги сабаблари кУрсатилади.

Балансдан чикарилиши керак бУлган курилиши тугатилган объектларга, шунингдек курилиши амалга оширилмаган объектлар бУйича лойиха-изланиш ишларига бажарилган ишлар хусусияти ва уларнинг киймати тУгрисидаги маълумотлар курилишнинг тУхтатилиши сабаблари кУрсатилиб далолатномалар тузилади.

Бунинг учун тегишли техник хужжатлар, ишлар, боскичлар топширилганлиги тУгрисидаги далолатномалар, курилиш объектларида бажарилган ишларни хисобга олиш журнали ва бошка хужжатлардан фойдаланиш керак бУлади.

Бинолар, иншоотлар, машиналар, ускуналар, энергетик жихозлар ва бошка объектлар конунсиз капитал таъмирланганининг инвентаризацияси бажарилган ишларни натурада текшириш йУли билан амалга оширилади.

Тугалланмаган капитал таъмирлашга таъмирланаётган объектнинг номи, бажарилган ишларнинг номи ва бажарилиш фоизи, бажарилган ишларнинг смета бУйича ва хакикий киймати кУрсатилган далолатнома тузилади.

+ишлок хўжалигида тугалланмаган ишлаб чикаришни текшириш Узига хос хусусиятларга эга. Амалиёт шуни кУрсатмокда-ки, айрим холларда кишлок хУжалик корхоналарида махсулотлар таннархини пасайтириб кУрсатиш максадида тугалланган ишлаб чикаришларга тааллукли харажатларнинг бир кисми таннархга олиб борилмасдан, тугалланмаган ишлаб чикариш таркибига кУшилади. Бу биринчидан, махсулотлар таннархини сунъий равишда пасайтирилишига олиб келса, иккинчидан, молиявий хисобот кУрсаткичларининг бузиб кУрсатилишига олиб келади. Шунинг учун аудитор кишлок хўжалигида тугалланмаган ишлаб чикаришни текширишда технологик жараёнларни, норма ва нормативларни хамда хакикий харажатларни тасдикловчи барча бухгалтерия хужжатларини синчиклаб текшириш лозим.

Аудиторлик амалиёти шуни кУрсатмокда-ки, тугалланмаган ишлаб чикаришни инвентаризация килиш кУп холларда Улда-жУлда, сифатсиз ва номунтазам Утказилади хамда унинг натижалари бухгалтерия хисобида тУлик айрим холларда умуман акс эттирилмайди.

Бундай холатлар махсулотлар таннархининг асоссиз ошиб ёки сунъий равишда пасайиб, моддий бойликлар сакланиши устидан назоратнинг сусайиб кетишига олиб кетади.

Агар корхонанинг хУжалик фаолияти жараёнида олдин бошланган буюртмаларни тУхтатиб кУйиш холлари мавжуд бУлса, аудитор колган моддий бойликларнинг кандай ишлатилганлиги, бекор килинган буюртмаларга доир йУкотишлар кандай аникланганлиги ва бухгалтерия хисобида кандай акс эттирилганлигини текшириши лозим. Таъкидлаш жоизки, бекор килинган ишлаб чикариш буюртмалари бУйича харажатлар реализациядан ташкари сарфлар каторига кУшилади.

Тугалланмаган ишлаб чикаришни текшириш якунида аникланган хато-камчиликларнинг ахамиятлилиги (катта-кичиклиги) ва уларнинг тегишли хисобот кУрсаткичлари ишончлилигига таъсири хакида хулоса килинади.

9 БОБ. САРФ-ХАРАЖАТЛАРНИ, МАХСУЛОТЛАРНИ ХИСОБГА ОЛИШ ВА ТАННАРХИНИ ХИСОБЛАШ АУДИТИ .

9.1. Ишлаб чикариш харажатлари аудитининг максади,меъёрий асослари ва хусусиятлари.

Ишлаб чикариш харажатлари ва махсулотлар таннархини хисоблашни аудиторлик текширувидан Утказишдан максад содир бУлган хУжалик муомалаларини хисобга олиш ва соликка тортишда кУлланилаётган тартибнинг Узбекистон Республикаси меъёрий хужжатлари талабларига мувофиклигини аниклашдан иборат.

Корхоналарда ишлаб чикариш харажатлари ва соликка тортиш хисобини тартибга солувчи асосий хужжат-Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1999 йил 5-февралдаги 54-сонли карори билан тасдикланган «Махсулот(иш,хизмат)ларни ишлаб чикариш ва реализация харажатларининг таркиби хамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби турисидаги Низом» бўлиб хисобланади.

Ишлаб чикариш харажатлари хисобининг турилигини ва махсулот,иш хамда хизматлар таннархи турисидаги хисоботни тузишнинг турилигини назорат килиш учун куйидагиларни текшириш лозим:хисобот давридаги хакикий харажатларнинг ишлаб чикариш харажатлари счётларида Уз вактида, тУлик ва ишонарли акс эттирилиши;ишлаб чикаришга харажат килинган хом ашёлар, материаллар,ёкилгилар,эхтиёт кисмлар ва ёкилги-мойлаш материалларини бахолашнинг турилиги;белгиланган харажат сметалари, лавозим маошлари,тариф ставкалари,ишлаб чикариш ходимларининг мехнатига хак тУлаш ва мукофатлаш хакидаги Низомга риоя килиш устидан назоратнинг таъминланганлиги; ноишлаб чикариш сарфлари ва йУкотишларнинг пайдо бУлиш сабаблари хамда хисобдан Учирилишнинг асосланганлиги; уларни камайтириш бУйича кабул килинган чора-тадбирлар;асосий воситалар ва номоддий активларга эскириш хисоблашнинг турилиги; товар-моддий бойликларнинг хисоб бахосидан четга чиккан суммалар (транспорт тайёрлов харажатлари)ни хисобдан Учиришнинг турилиги; товарлар, ЁММ ва бошка кийматликлар табиий камайишини хисобдан Учиришнинг турилиги;куйидаги харажатларни махсулот (иш,хизмат)лар таннархига кУшишнинг турилиги ва асосланганлиги; таъсис хужжатларига мувофик кУшма корхонада ишлаб чикаришда бевосита ишлайдиган чет эл фукароларига берилган турар жойлар ва коммунал хизматлар учун тУловлар; хизмат сафарида ва йУлда бУлган вакт, турар жой ижараси, хизмат сафари жойига бориб кайтиш йУл харажатлари учун тасдикланган меъёрлар доирасида,ишлаб чикариш фаолияти билан боглик чет эл хизмат сафари харажатлари.

Асосий харажатлар, ишлаб чикаришни ташкил этиш ва бошкариш харажатларининг тури ва асосланган хамда меъёрларга мувофиклигини текширилади. Махсулот (иш,хизмат) ларнинг режадаги ва хисобот калькуляциясининг турилигини харажат моддалари бУйича текширилади. Натижада режа ва хакикий таннарх Уртасидаги тафовутларни моддалар бУйича тахлил килиниб, тафовутлар сабабини аникланади. Хом ашё ва материаллар сарфлашнинг турилиги, бахолар турилигини текшириш методлари, махсулот (иш,хизмат) бирлигига тури келадиган сарф меъёрига риоя килиниши текширилади. Брак (яроксиз) дан кУрилган йУкотишлар ва ишлаб чикариш харажатлари счётларини ёпишнинг турилигини текшириш.

Аудитор шуни яхши билиши зарурки,махсулот(иш,хизмат)лар таннархи бухгалтерия хисобида оддий фаолият турлари бУйича хисобот даврида махсулот ишлаб чикариш (иш бажариш,хизмат кУрсатиш) ва реализация билан боглик сарфлар йигиндиси каби аникланади.

Таннарх соликка тортиш максадларида хисоб элементи сифатида эса соликка тортиладиган базани камайтирадиган микдор бўлиб хисобланади.Ушбу таърифдаги тафовут факат шаклан яъни атамашунослик нуктаи назаридан эмас,балки микдор жихатидан хамдир.Чунки,соликка тортиш максадида хисобланадиган таннархга одатдаги фаолият турларига доир сарфлар белгиланган меъёр(лимит)лар ва чеклашларни хисобга олган холда кУшилади.Махсулот ишлаб чикариш (иш бажариш,хизмат кУрсатиш) харажатлари тУланган вактидан катъий назар (олдин ёки кейинчалик тУланган),кайси хисобот даврига таалукли бУлса,шу давр таннархига кУшилади.ХУжалик фаолиятидаги фактларнинг вактинчалик аниклик тамоили таннархни тури шакллантириш учун товар-моддий захира (иш,хизмат)лар кийматининг тУланганлик факти эмас,балки уларни ишлатиш(сарфлаш) факти ахамиятли эканини билдиради. Масалан, аудиторга текширув Утказиш учун такдим килинган хужжатлар мазмунидан маълум бУлишича,текширилаётган корхона томонидан Утган йили декабр ойида

кейинги йил учун ишлаб чикариш биноларининг ижара хаки тУланган.Ушбу сарф шу вактнинг Узида яъни Утган йили декабр ойида махсулот(иш,хизмат)лар таннархига олиб борилган. Аудитор ушбу хУжалик муомаласини асоссиз, яъни Утган йилдаги махсулот (иш,хизмат) лар таннархини сунъий равишда оширган ва молиявий натижани хамда фойда солигини пасайтирган деб топди ва тузатиш киритишни тавсия килди.Шу билан бирга тУланган ижара хаки кейинга йил давомида умумий сумманинг 1/12 кисми микдорида хар ойда харажатга хисобдан Учириши лозимлигини тушунтирди.Узбекистон Республикаси «Бухгалтерия хисоби турисида»ги конунининг 9-моддасига мувофик корхонада содир этилган барча хУжалик муомалалари амалга оширилаётган вактда ёки амалга оширилиб бУлингандан сУнг тегишли дастлабки хужжатлар билан расмийлаштирилиши лозим.Харажатларни хужжатлаштириш тамойили аудиторнинг харажатларни асослаш учун исботловчи хужжатларнинг мавжудлиги,хамда ушбу муомалаларни бухгалтерия хисобида акс эттиришнинг турилигини тасдиклаш вазифасини белгилаб беради.

Юкорида номи кайд килинган, «Харажатлар таркиби....турисидаги Низом»га мувофик барча харажатлар куйидагича гурухланади:

Махсулотларнинг **ишлаб чикариш таннархига** киритиладиган харажатлар:

а)бевосита ва билвосита моддий харажатлар;

б) бевосита ва билвосита мехнат харажатлари;

в)бошка бевосита ва билвосита харажатлар,шу жумладан ишлаб чикариш хусусиятига эга бУлган устама харажатлар.

Ишлаб чикариш таннархига киритилмасдан,**давр сарфлари** таркибида хисобга олиниб, асосий фаолиятдан олинган фойда хисобидан копланадиган харажатлар:

а)сотиш харажатлари;

б)бошкарув харажатлари(маъмурий сарф-харажатлар);

в)бошка муомала харажатлари ва зарарлар.

3.Хужалик юритувчи субъектларнинг умумхУжалик фаолиятидан олинган фойда ёки кУрилган зарарларни хисоблаб чикаришда хисобга олинадиган,унинг **молиявий фаолиятига доир харажатлар:**

а)фоизлар бУйича сарфлар;

б)хорижий валюта муомалалари бУйича салбий курс тафовутлари;

в)кимматли когозларга кУйилган маблагларни кайта бахолаш;

г)молиявий фаолиятга доир бошка харажатлар.

4.Фойда(даромад) солигини тУлагунга кадар бУлган фойда ёки зарарларни хисоблаб чикаришда хисобга олинадиган **фавкулодда зарарлар. (19)**

Аудитор харажатлар таркибини батафсил тахлил килиб чикиши учун хар бир харажат гурухидаги иктисодий элементларни текшириб чикиши лозим.

9.2 Асосий ишлаб чикариш тармокларини аудиторлик текширувидан Утказиш.

Ушбу харажатлар гурухи иктисодий мазмунига кУра махсулот (иш,хизмат)лар таннархининг таркибини ташкил этувчи куйидаги элементларга бУлинади:

1. Ишлаб чикариш моддий харажатлари (кайтариладиган чикиндилар киймати чегирилиб ташланган холда);
2. Ишлаб чикариш хусусиятига эга бУлган мехнат хаки харажатлари;
3. Ишлаб чикаришга тааллукли ижтимоий сугурта ажратмалари;
4. Ишлаб чикариш ахамиятига эга бУлган асосий воситалар ва номоддий активлар эскириши;
5. Ишлаб чикариш ахамиятига эга бУлган бошка харажатлар.

Шунинг учун аудитор хар бир харажат элементи таркибининг «Низом»га мувофиклигига ишонч хосил килиши лозим.

«Ишлаб чикариш моддий харажатлари»элементи таркибига ишлаб чикариладиган махсулотнинг асосини ташкил этувчи ёки махсулотни тайёрлаш (ишларни бажариш ва хизматларни кУрсатиш)да зарур таркибий кисм хисобланган,четдан сотиб олинган хом-ашё ва материаллар,бутловчи буюмлар ва ярим тайёр махсулотлар,иш ва хизматлар хамда Низомда белгиланган бошка харажатлар киради.(1.1.1-1.1.10 бандлар)

Аудитор кайтариб олинадиган чикиндилар киймати ва идиш хамда Ураш материаллари киймати уларни сотиш,фойдаланиш ёки омборга кирим килиш мумкин бУлган нархда бахоланиб,махсулот таннархига киритиладиган моддий ресурслар харажатларидан чегириб ташланганлигини аниклаши зарур.(1.1.11-банд).Шунингдек,мазкур элемент бУйича акс эттириладиган моддий ресурслар киймати уларни сотиб олиш нархидан,шу жумладан бартер

келишувларида,кУшимча нарх(устама)дан,таъминловчи,ташки иктисодий ташкилотларга тУланадиган воситачилик такдирлашларидан,товар биржалари хизматлари кийматидан,шу жумладан брокерлик хизматлари билан бирга,божлар ва йигимлардан ,юклаш-тушириш хамда ташишга хак тУлашдан,ташки юридик шахслар томонидан амалга ошириладиган саклаш ва етказиб беришга хак тУлашдан келиб чикиб шаклланишини хам назарда тутиши зарур(1.1.12-банд).

Булардан ташкари аудитор махсулот(иш,хизмат)лар таннархига олиб борилган моддий ресурсларни бахолашнинг турилигини хам текшириши керак.№4-«Товар-моддий захиралар»номли БХМСга мувофик хар бир хУжалик юритувчи субъект материалларни бахолаш усулларидан (FIFO, AVECO)бирини танлайди ва **хисоб юритиш сиёсатида** акс эттиради.

Ишлаб чикариш хусусиятига эга бУлган мехнат хаки харажатлари.Бу элемент бУйича харажатлар рУйхати «Харажатлар таркиби ...турисидаги Низом»да батафсил берилган.(1.2.1-1.2.3.(1.2.3.1-1.2.3.8)-1.2.5.(1.2.5.1-1.2.5.4)-1.2.7 бандлар).

Махсулот (иш,хизмат) лар таннархининг мазкур элементини текширишда аникланадиган асосий хато-бу **харажатларнинг ишлаб чикариш йУналиши тамойилига** риоя килмасликдир.Аудитор иш хаки хисоблашга доир дастлабки хужжатлар (иш вактини хисобга олиш табели,ишбай ишлар учун нарядлар,хисоблашув-тУлов ведомостлари)ни текшириш чогида бошка фаолият турлари (курилиш,маданий-маиший ва ш.У)да банд бУлган ходимларнинг мехнатига хак тУлаш харажатларининг асосий фаолиятдаги махсулот(иш,хизмат)лар таннархига кУшилиш фактларини аниклаши керак. Бунга 6710-«Мехнат хаки бУйича ходимлар билан хисоб-китоблар»ва 6720-«Депонентланган мехнат хаки» счётларининг кредити бУйича маълумотларнинг ишлаб чикаришга олиб борилган кисмини,йигма мехнат хаки ведомостининг уни хисоблаш кисми бУйича жами кУрсаткичлари билан солиштириш оркали эришилади.+оидага кУра,йигма ведомостнинг жами маълумотлари,ишлаб чикариш харажатларини хисобга оладиган счётларнинг дебети бУйича маълумотларга караганда кУп бУлиши лозим.

«Ишлаб чикаришга тааллукли ижтимоий сугурта ажратмалари».Бу элементга бюджетдан ташкари мажбурий фондларга конунчилик билан белгиланган меъёрларга мувофик ажратиладиган тУловлар киради. Масалан, мехнат хаки фондидан сугурта фондига мажбурий ажратмалар, нодавлат пенсия жамгармаларига, ихтиёрий тиббий сугурта ва сугуртанинг бошка турларига ажратмалар, бандлик хизматига ажратмалар шулар жумласидандир. Бундай ажратмаларнинг махсулот (иш,хизмат) лар таннархига олиб борилишини текширишда бюджетдан ташкари фондларга тУланадиган бадалларни хисоблаб чикариш манбаларининг мехнат хаки фондининг Узини хисоблаб чикариш манбасига бевосита боглик эканлигига эътибор бериш зарур.Бошкача килиб айтганда, тУлов манбаси кандай бУлса,бадалларни тУлаш манбаси хам шундай бУлади,бу эса ёхуд таннарх,ёхуд корхонанинг Уз хусусий маблаглари бУлиши мумкин.Масалан,текширув жараёнида аудитор асосий ишлаб чикаришда ишлайдиган ишловчига берган 20000 сУмлик моддий рагбатлантириш суммаси хамда шу суммага нисбатан хисобланган бюджетдан ташкари фондларга тУловлар суммалари(ижтимоий сугурта фондига 37,3%- 7460 сУм,бандлик хизматига 1,5% - 300 сУм) хам махсулот таннархига олиб борилган(Дт 2010 Кт 6710 - 20000 с ,Дт 2010 Кт 6520 - 7460 сУм,Дт 2010 Кт 6530 - 300 сУм).Аудитор ушбу хУжалик муомалалари бУйича тузилган счётлар корреспонденциясини нотури деб топиб,жами 27760 сУмга махсулот таннархи асоссиз оширилган ва натижада соликка тортиладиган база шу суммага камайтирилганлигини исботлади.

Моддий рагбатлантириш суммаси (20000 с) ва у бУйича хисобланган барча ажратмалар (7760 с) махсулот таннархига кУшилмасдан,корхонанинг Уз маблаглари яъни моддий рагбатлантириш учун ажратилган фонд хисобидан копланиши керак.

Ишлаб чикариш ахамиятига эга бУлган асосий воситалар ва номоддий активлар эскириши.Ушбу элемент бУйича харажатлар таркибига асосий ишлаб чикариш воситаларининг, шу жумладан молиявий лизинг асосида олинганларни хам кУшган холда дастлабки (тиклаш) кийматига нисбатан белгиланган тартибда тасдикланган меъёрлар, жадаллаштирилган амортизацияни хам кУшиб, хисобланган амортизация ажратмалари (хисобланган эскириш) суммалари киради.

Таъкидлаш жоиз-ки,№5 -«Асосий воситалар»номли БХМСга мувофик асосий воситаларга амортизация хисоблашнинг куйидаги усуллари тавсия килинади:

Бир текис (тури чизикли) усул;

Бажарилган ишлар хажмига мутаносиб усул(ишлаб чикариш усули);

Асосий воситалар фойдали хизмат килиш муддати йиллар сонининг йигиндиси бУйича хисобдан Учириш усули (кумулятив усул);

Камайиб борувчи колдик усули.

Аудитор корхонада ушбу усуллардан биттаси танлаб олиниб,**хисоб юритиш сиёсати** турисидаги буйрук билан расмийлаштирилганлигини аниклаши лозим.Шунингдек,танланган усулнинг хисобот йили давомида Узгармаганлигига,агар Узгарган бУлса сабабини ва бу хакда хисоб юритиш сиёсати турисидаги буйрукка Узгартиш киритилганлигига эътибор бериши керак. Асосий воситалар объектларининг фойдали хизмат килиш муддатлари уларни балансга кабул килиш пайтида аникланади. Амортизация хисоблаш асосий воситалар объектларининг бутун фойдали хизмат килиш муддати давомида тУхтатилмайди. Факат корхона рахбарининг карорига мувофик кайта жихозлаш (реконструкция) ва замонавийлаштириш(модернизация) учун Утказилган, хамда консервацияга кУйилган асосий воситалар бундан мустасно.Амортизация ажратмалари хисоблаш йиллик суммаси куйидагича аникланади:

бир текис(тури чизикли) усулда -муайян асосий восита объектининг дастлабки киймати,амортизация меъёри ва фойдали хизмат килиш муддатидан келиб чикиб аникланади.

бажарилган ишлар хажмига мутаносиб усул(ишлаб чикариш усули) бУйича амортизация хисоблаш факат асосий воситадан фойдаланиш натижасига асосланиб,уни хисоблаш чогида вакт оралиги роль Уйнамайди. Фараз килайлик,автомобилнинг дастлабки киймати 1000000 сУм,колдик киймати 100000 сУм ва фойдали хизмат килиш муддати давомида босиб Утиши лозим бУлган масофа эса 90000 км.Бунда 1 км.га тури келадиган амортизация харажатлари куйидагича аникланади:

$$\frac{\text{Дастлабки киймат - колдик киймат}}{\text{иш бирлиги хажми}} \text{ к } \frac{1000000 - 100000}{90000} \text{ к } 10 \text{ с}$$

Хар йилги босиб Утадиган масофа 10 сУмга кУпайтирилиб, бир йиллик амортизация суммаси аникланади. Масалан, автомобил биринчи йили 30000 км йУл юриши режалаштирилган. Демак, биринчи йил учун амортизация суммаси:

30000 км х 10 с к 300000 сУм.

3. Асосий воситалар фойдали хизмат килиш муддати давомидаги йиллар сонининг йигиндиси бУйича хисобдан Учириш усули (кумулятив усул) муайян асосий воситанинг фойдали хизмат килиш муддати давомидаги йиллар йигиндиси асосида аникланиб, ушбу йигинди хисоб-китоб коэффициенти учун махраж килиб олинади. Фойдали хизмат килиш муддати давомидаги йиллар сони эса сурат килиниб, камайиб бориш тартибида тескари жойлаштирилади. Масалан, автомобилнинг хизмат муддати 5 йил. Хизмат йиллари йигиндиси (кумулятив сон) 15 га тенг (1+2+3+4+5 к 15). Хар йил учун амортизация хисоблаш коэффициенти эса куйидагича:

Йиллар	1 - й	2 - й	3 - й	4 - й	5 – й
Коэффициенти	5/15	4/15	3/15	2/15	1/15

СУнгра хар бир коэффициент (каср) амортизацияланадиган кийматга кУпайтирилиб, тегишли йил учун амортизация суммаси аникланади.

4. Камайиб борувчи колдик усули кумулятив усулдаги тамойилга асосланган бўлиб, исталган катъий ставка (%) кУлланилиши мумкин. Бундай ставка (%) сифатида кУп холларда бир текис (тури чизикли) усулда кУлланиладиган амортизация меъёрининг иккига кУпайтирилган микдори олинади ва хар йил бошидаги колдик кийматидан шу йил учун эскириш суммаси хисоблаб чикарилади.

Аудитор корхонада кУлланилаётган амортизация хисоблаш усули бУйича хисоб-китобларнинг турилигини хам текшириши зарур. Шунингдек, асосий воситалар объектлари бУйича амортизация ажратмалари хисоблаш усулидан катъий назар, йил давомида хар ойда йиллик сумманинг 1/12 кисми хажмида хисоблаб борилганлигини аниклаш керак. Асосий воситалар бУйича амортизация ажратмалари кайси хисобот давридан хисобланган бУлса,

бухгалтерия хисоби ва хисоботда шу даврда акс эттирилиши, хамда корхонанинг хисобот давридаги молиявий натижаси кандай бУлишидан катъий назар (фойда ёки зарар) хисобланишини хам назарда тутиш зарур.

Булардан ташкари, хУжалик юритувчи субъект томонидан, ишлаб чикариш ахамиятига эга бУлган номоддий активларнинг дастлабки киймати ва фойдали хизмат килиш муддати (бирок хУжалик юритувчи субъектнинг фаолият килиш муддатидан ошмаган муддат)дан келиб чикиб хисобланган, меъёрлар бУйича хар ойда махсулот (иш, хизмат)лар таннархига олиб бориладиган эскириш суммалари хам ушбу элементга киради. Бунда аудитор фойдали хизмат килиш муддатини аниклаш имкони бУлмаган номоддий активлар бУйича эскириш меъёри беш йил муддат хисобидан келиб чикиб аникланишини, бирок бу муддат хУжалик юритувчи субъектнинг фаолият муддатидан ошиб кетмаслигини назарда тутиши керак.

Ишлаб чикариш ахамиятига эга бУлган бошка харажатлар рУйхати «Харажатлар таркиби.... турисидаги Низом»да батафсил келтирилган. Жумладан, ишлаб чикариш жараёнларига хизмат кУрсатиш харажатлари; ишлаб чикаришни хом ашё, материаллар, ёнилги, энергия, дастгохлар, мосламалар ва бошка мехнат воситалари хамда буюмлари билан таъминлаш харажатлари; асосий ишлаб чикариш воситаларини ишчи холатида саклаш харажатлари; асосий ишлаб чикариш воситаларини хУжалик усули билан барча турдаги (жорий, Урта, капитал) таъмирлашлар ишлаб чикариш харажатларининг тегишли моддалари бУйича махсулот (иш,хизмат)лар таннархига киритилади.

Бундан ташкари, зарур холларда айрим тармоклар хУжалик юритувчи субъектлари Узбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг рухсати билан капитал таъмирлаш ишларини бажариш учун захира (манба) яратишлари мумкин. Ушбу захирани яратиш учун килинган ажратмалар хам мазкур элемент таркибида акс эттирилади ва кУзда тутилаётган харажатлар киймати хамда хар бир асосий восита объектини капитал таъмирлашнинг даврийлигидан келиб чиккан холда аникланади. Захира учун ажратмалар меъёри хар хисобот йили охирида кайта кУриб чикилиб, зарурат бУлганда янги молия йили учун Узгартирилиши (кУпайтирилиши ёки камайтирилиши) мумкин.

Агар капитал таъмирлаш учун яратилган захира маблагларининг суммаси мазкур объектни таъмирлаш учун килинган хакикий харажатлар суммасидан ортикча бУлса, ошиб кетган сумма бУйича тузатиш киритилиши керак; агарда хакикий харажатлар захирадагидан ошиб кетса, у холда ошиб кетган сумма «Ишлаб чикариш ахамиятига эга бУлган бошка харажатлар» элементи таркибида акс эттирилади.

Ёнгиндан саклаш ва кУриклашни хамда хУжалик юритувчи субъектларнинг техникадан фойдаланиш коидаларида кУрсатилган бошка махсус талабларни таъминлаш, улар фаолиятини назорат килиш харажатлари хам текширилади.

Идорадан ташкари кУриклаш харажатларини, бундай кУриклаш талаб килинадиган мазкур ишлаб чикаришга махсус талаблар мавжуд бУлгандагина, махсулот (иш,хизмат)лар таннархига киритиш мумкин.

«Харажатлар таркиби..... турисидаги Низом»га мувофик ишлаб чикариш фаолиятига тааллукли жорий ижарага олиш билан боглик харажатлар хам махсулот (иш,хизмат)лар таннархига киритилади. Ижара тУловларини махсулот (иш,хизмат)лар таннархига киритиш бУйича Низомда хеч кандай чеклашлар кУзда тутилмаган. Хусусан, жорий тартибда ижарага олинган асосий воситаларни таъмирлаш харажатларини хисобдан Учириш кУплаб мунозарали масалаларни юзага келтиради.

Узбекистон Республикаси Фукаролик Кодексининг 548-моддасида белгиланган, ижарага олинган асосий воситаларни саклаш бУйича умумий коидаларга мувофик агарда конун ёки шартномада бошкача тартиб белгиланган бУлмаса, ижарага олувчи мол-мулкни яхши холда саклаши, ижарага олинган мулк-мулкни Уз хисобидан жорий таъмирлаши ва саклаш бУйича бошка харажатларни килиши лозим. Уз навбатида, агар конун хужжатлари ёки шартномада бошка тартиб назарда тутилган бУлмаса, ижарага берувчи ижарага топширилган мол-мулкни Уз хисобидан таъмирлаши шарт (547-модда). Шундай килиб, шартномада таъмирлаш ишлари кУрсатилмаган бУлса, УзРФК 547 ва 548 моддаларига мувофик иш тутилади.

Аудит максадида кУп холларда тахлил Утказилади, заруратга караб ижара шартномалари юридик экспертизадан Утказилади. Масалан, аудитор текширув чогида ижарага олинган бинони таъмирлаш харажатларининг таннархга олиб борилиши билан боглик муомалани аниклаган. Аммо шартномада барча турдаги мол-мулкларни ижарага берувчи томон таъмирлаши кУрсатилган. Демак, ижарага олувчи бинони таъмирлашга доир харажатларни таннархга асоссиз киритган. Агар шартномада бундай холат кУрсатилмаганда эди, унда

корхона Уз.Р.Ф.К нинг 610-моддасига мувофик таъмирлаш харажатларини Уз хисобидан амалга ошириб, махсулот (иш, хизмат)лар таннархига киритгани асосли хисобланар эди.

9.2.1. Усимликчилик тармогини текшириш.

Усимликчилик тармогини,жумладан,харажатлар,олинган махсулотлар ва уларнинг таннархини текшириш корхона йиллик хисоботининг 9-АСК шакли («Усимликчилик махсулотларини ишлаб чикариш ва уларнинг таннархи») маълумотларини Ўрганишдан бошлаш максадга мувофик.

Аудиторлик текширув Утказилаётган даврга кУра, барча дала ишлари ёки уларнинг айрим турлари текширилиши мумкин; махсулотлар таннархи, махсулотлар сотишнинг якуний молиявий натижалари йиллик хисоботни тузиш вактида аникланади, шунинг учун таннархни текшириш факат йиллик хисобот тузилганидан сУнг амалга оширилиши мумкин.

Режалиштирилган экин майдонларини текшириш учун корхона Бизнес-режасининг «Дехкончилик махсулотлари ишлаб чикариш таннархи» жадвали (3-жадвал) ва йиллик хисоботнинг 9-АСК шакли маълумотлари таккосланади. СУнгра экин майдонлари хакидаги хисобот маълумотларнинг ишончлилиги «Усимликчилик» субсчётида акс эттирилган, хакикатда экилган майдонлар хакидаги маълумотлар бУйича аникланиб, улар ишлаб чикариш хисоботлари ва экилган майдонларни кабул килиш далолатномаси билан хам таккосланиб кУрилади. Тафовутлар аникланган холларда уларнинг сабабларини аниклаш,хусусан, булар келгусидаги хосилдорликни сунъий равишда ошириб кУрсатиш максадида олдиндан билган холда экин майдонларини хисоботда пасайтириб кУрсатиш натижаси ёки тракторчиларнинг хисоб варакаларида иш хажмларининг кУшиб ёзилиши окибати эканлигини аниклаш зарур. Булардан ташкари алмашлаб экиш, агротехника тадбирлари, уругларни экиш нормаси, ерга минерал ва махаллий Угитларни солиш муддатларига риоя килиниши хам текширилади.

Усимликчилик тармогини текширишнинг мухим боскичи йигиб олинган хосилнинг тУлик ва тури кирим килинишини аниклашдан иборат.Бунда даладан ва бошка саклаш жойларидан келтирилган махсулотларнинг тарозида тортиб кабул килинганлигини, тарозибон дафтарининг тури юритилиши, йигиб олинган хосилнинг даладан омборга жУнатилишини хисобга олишда кУлланиладиган хужжатларни расмийлаштиришда белгиланган тартибда риоя килинишини аниклаш зарур.

Дон хосилининг тУлик кирим килинганлигини текшириш омборхонада дон нави, намлиги ва ифлосланганлиги, шунингдек, кУшимча ишлов берилганидан сУнг (тозалаш, куритиш) лабораторияда текширилганлиги, тозаланган дон ва чикитларнинг Улчанганлиги хамда ушбу кУрсатилган маълумотлар «Усимликчилик махсулотларини саралаш ва куритиш далолатномаси» (82-шакл)да акс эттирилганлигини аниклаш зарур.

Усимликчилик тармогига килинган харажатларни текширишда ва махсулотлар таннархини тахлил килишда: махсулотларнинг хакикий таннархи режа таннархи билан таккосланади;айрим махсулот турларидан зарар кУриш сабаблари;харажатларнинг айрим махсулотлар ва тугалланмаган ишлаб чикаришлар турларига тури олиб борилганлиги; бухгалтерия хисоби счётларини ёпиш тартибига риоя килиниши; табиий офатлар окибатида йигиштириб олинмаган махсулотлардан кУрилган зарарлар сугурта фонди малаглари хисобидан копланишининг асосланганлиги кабилар аникланади. Булардан ташкари,умум ишлаб чикариш ва таъмирлаш харажатларининг таннарх объектларига тури таксимланганлиги 2510«Умум ишлаб чикариш харажатлари» счёти ва ушбу харажатларни таксимлаш хисоб-китоби маълумотларига мувофик текширилади.

Иш хаки харажатлари Бизнес-режада белгиланган 1 га ерга мехнат харажатларининг меъёрига боглик.Сарфланган уругликка кетган харажатлар хам микдори бУйича,хам киймати бУйича текширилади.Экиш учун омборхонадан уругликлар сарфланишининг асосланганлиги уругликни далага жУнатиш накладнойлари (ёки хисоб-китоб чеки) ни экилган майдонларни кабул килиш далолатномаси маълумотлари билан солиштириш оркали аникланади. Уругликлар экиш учун меъёридан ошикча сарфланганида, бунинг сабаблари ва айбдорларини,шунингдек, омборхонадаги уругликлар камомади ёки бузилишини хисобдан Учириш натижаси эмаслигини аниклаш зарур.

Ёкилги-мойлаш материалларининг сарфланиши тасдикланган меъёрлар ва бажарилган ишлар хажмидан келиб чикиб, тракторчи-машинистларнинг хисоб варакаларига асосан аникланади. Шунингдек, меъёридан ошикча сарфланган ёкилги-мойлаш материалларининг киймати айбдор шахслар зиммасига олиб борилганлигини хам аниклаш зарур.

Усимликчиликда ишлатилган асосий воситаларга хисобланган ойлик амортизация суммаларининг хисобланиши ва экин турларига тури таксимланишини аниклаш лозим. Бунда амортизация меъёрларининг тури кУлланилиши ва таксимлаш хисоб-китоблари текширилади.

Усимликчиликдан олинган асосий махсулот турлари таннархларининг тури хисобланиши, хусусан, харажатлар бир кисмининг асоссиз равишда озука, уруглик ёки тугалланмаган ишлаб чикаришга олиб борилиши хисобига товар махсулотлар таннархининг сунъий тарзда пасайтирилиш холатлари йУклиги аникланади.

9.2.2. Чорвачилик тармогини текшириш.

Чорвачилик тармогини текширишда йил охирига чорва моллари ва паррандалар бош сони режасининг бажарилиши ва хисобот кУрсаткичларининг режадагидан фарклари аникланади. Чорва моллари ва паррандалар бош сонини йил охирига режалаштиришнинг турилигини текшириш учун Биснес-режа(4 жадвал) даги йил бошига кУрсатилган чорва моллар бош сони ва тирик вазнларининг олдинги йил якунида Утказилган инвентаризация маълумотларига мос келишини аниклаши лозим. Бунда чорва моллари ва паррандалар мавжудлиги хакидаги йиллик хисоботдаги маълумотлар шу хисобот санасидаги хисоб регистрлари ва дастлабки хужжатлар маълумотлари билан солиштирилади. Шунингдек, чорва молларининг бир гурухдан иккинчисига Утказилиши ва хисобдан чикаришларнинг асослилиги хам текширилади.

Фермада олинган наслнинг тУлик кирим килинишини аниклаш учун зоотехник хисобининг турилигини текшириш ва бу максадда фермада чорва моллари харакатининг тезкор хисоби маълумотларидан фойдаланиш керак.

Туилган наслни (бузок, кУзи ва х.к) кейинчалик Узлаштириш максадида киримга олмаслик холатлари уларни инвентаризация килиш йУли билан текширилади. Агар жорий йилда туилган ёш чорва молларининг хакикий мавжуд бош сони хисобда турганидан кУп бУлса, демак олинган насл тУлик кирим килинмаган. Олинган наслнинг тУлик кирим килинмаганлиги айрим холларда согин сигирлар бош сонини кирим килинган безоклар бош сони билан таккослаш оркали хам аникланади.

Олинган наслни кирим килишни текширишда: бузоклар, кУзилар ва чУчкачалар туилган куни; тойлар, бУталоклар бир суткалик бУлганида; куёнчалар туилганидан сУнг иккинчи куни; корхонанинг Узида инкубациядан чикарилган жУжалар бир суткалик бУлганида, сотиб олинганлари эса келтирилган куни кирим килинишини назарда тутмок керак.

Бошка корхона ва ташкилотлардан сотиб олинган ёш чорва моллари тегишли хужжатлар асосида текширилади.

Чорва молларининг хисобдан чикарилишини текширишда (бракка чикариш, суйиш, мажбуран сУйиш, харом Улиш ва х.к.) чорва моллари ва паррандаларни хисобдан чикариш далолатномасининг Уз вактида ва тури расмийлаштирилиши аникланади.

Шунингдек, харом Улган ва йУколган чорва молларини айбдор шахслардан ундириш бУйича чоралар кУрилганлигини хамда уларнинг корхона зарарига ёзилиб хисобдан Учирилиши холатларининг йУклиги аникланади.

Чорва молларини битта ёш гурухидан иккинчисига Утказишга доир барча муомалалар Утказиш далолатномаларининг (97-шакл) Уз вактида ва тури расмийлаштирилганлиги хамда Утказилаётган ёш ва бокувдаги чорва молларининг тирик вазни «кУшимча тирик» вазн олиш учун захира яратиш максадида пасайтириб кУрсатилиши каби холатлар аникланади.

Булардан ташкари, чорвачилик махсулотлари таннархини пасайтириш имкониятлари ва моддий, молиявий ва мехнат ресурслари сарфланишида хУжасизлик холатларини бартараф килиш максадида тахлил Утказиш зарур. Бундан чорвачилик тармогининг товарлилиги, озука ва мехнат харажатлари хамда таннарх таркиби харажат моддалари бУйича тахлил килинади.

9.2.3. +ишлок хУжалик ишлаб чикаришининг асосий тармокларида харажатларни хисобга олиш ва махсулотлар таннархини хисоблашни текшириш хусусиятлари

Калькуляция - бу айрим турдаги махсулотлар бирлигининг ёки бутун товар махсулотларнинг таннархини аниклаш усулидир. Калькуляция муайян турдаги махсулотга нисбатан харажатларни гурухлаш усули сифатида, ишлаб чикариш жараёнининг исталган боскичида махсулот (иш,хизмат)лар таннархининг хар бир таркибий элементини кузатиб бориш имконини беради. Шу боисдан, махсулот (иш,хизмат)лар бирлигининг таннархини хисоблашни текшириш ишлаб чикариш харажатлари аудитининг мухим бУлаги хисобланади.

Аудитор харажатларнинг сарф-харажат моддалари бУйича уларнинг максади ва вужудга келиш жойларига караб гурухланишини хамда бевосита ёки билвосита йУл билан махсулот (иш,хизмат)ларнинг хар бир турига олиб борилишини билиши зарур. Иктисодиёт тармокларида сарф-харажатлар таркиби турлича ва тегишли тармок (ёки тармокларо) йУрикномалар ва услубий тавсиялар билан белгиланади.

Махсулот (иш,хизмат)лар таннархини хисоблашни текширишда аудитор куйидагиларнинг турилигини аниклайди:

* махсулот ишлаб чикариш (иш,хизмат) учун килинадиган харажатларнинг туркумланишини;
* харажатларни калькуляция моддалари бУйича хисобга олиш ва хисобдан чикариш (таксимлаш);
* яроксизлик (брак) дан ва бекор туриб колишдан кУрилган йУкотишлар;
* тугалланмаган ишлаб чикаришни аниклаш;
* билвосита сарфларни таксимлаш;
* харажатларни хисобга олиш ва махсулот (иш,хизмат)лар таннархини хисоблаш усулларини кУллаш;
* ишлаб чикариш харажатларини хисобга олишга доир счётларнинг Узаро богланиши (корреспонденцияси)ни тузиш;
* ишлаб чикариш харажатларининг йигма, аналитик ва синтетик хисобини юритишни;
* харажат счётлари бУйича аналитик ва синтетик хисоб ёзувларининг бош дафтар хамда балансдаги ёзувларга мос келиши.

Махсулот (иш,хизмат)лар таннархини хисоблашда хар хил усуллар кУлланилади.

Саноат ишлаб чикаришида таннарх хисоблаш куйидаги усулларда амалга оширилади: **оддий усул, норматив усул, буюртмалар усули, боскичлар усули.**

Аудиторлик текширувининг вазифаларидан бири - танланган калькуляциялаш усулининг асослилигини тасдиклашдан иборат.

Харажатлар махсулот (иш,хизмат)лар таннархига олиб борилиш хусусиятига кУра муайян махсулот (иш,хизмат) таннархига туридан-тури олиб бориладиган бевосита ва билвосита харажатларга бУлинади.

Билвосита харажатлар кУп элементли бўлиб, хисоб юритиш сиёсати турисидаги буйрукда белгиланган кайсидир кУрсаткичга мутаносиб равишда алохида махсулот турлари Уртасида таксимланади. +андай кУрсаткичга мутаносиб таксимлаш усулини хар бир корхона тармок хусусиятидан келиб чикиб мустакил аниклайди. Масалан, саноатда мутаносиб таксимлаш кУрсаткичи сифатида куйидагилар кУлланилади:

* асосий иш хаки;
* курилмаларни саклаш ва ишлатиш учун килинадиган смета (норматив) харажатлар;
* махсулот массаси ва хажми;
* ишчилар томонидан ишланган киши-соатлар;
* курилмаларнинг машина-соатлар сони.

Аудиторнинг вазифаси корхона хисоб сиёсатида кабул килинган ва амалда кУлланилаётган билвосита сарфларни таксимлаш усулининг турилигини тасдиклашдан иборат.

Бир неча турдаги фаолият билан шугулланувчи (хар хил махсулот ишлаб чикарувчи) корхоналар билвосита харажатларини улар Уртасида таксимламайдиган холатлар аудиторлик амалиётида тез-тез учраб туради. Бундай холларда хар хил махсулотлар таннархларининг бузиб кУрсатилиш холлари содир бУлади, хакикий молиявий натижалар яширилади.

9.3. Давр сарфларини текшириш.

Давр сарфларига киритиладиган харажатлар таркиби «Махсулотлар (иш, хизматлар) таннархига кУшиладиган, махсулот ишлаб чикариш (иш бажариш, хизмат кУрсатиш) харажатларининг таркиби ва молиявий натижаларини шакллантириш тартиби турисидаги Низом»га мувофик аникланади.

Аудитор давр сарфларини хисобга олишни ва молиявий натижалар турисидаги хисоботни тузишнинг турилигигни назорат килиш максадида куйидагиларни текшириши лозим: давр сарфларини хисобга оладиган: 9410-«Сотиш харажатлари», 9420 - «Маъмурий харажатлар», 9430-«Бошка операцион харажатлар», 9440-«Келгусида соликка тортиладиган базадан чегириладиган хисобот даври харажатлари (харажатларнинг турлари бУйича)» бУйича Уз

вактида, ишонарли ва тУлик акс эттирилишининг таъминланиши; маъмурий-бошкарув ходимлари мехнатига хак тУлаш ва мукофотлаш хакидаги Низом, лавозим маошларининг белгиланган харажатлар сметасига риоя килиниши устидан назоратнинг таъминланиши.

+уйидаги харажатларни давр сарфларига киритишнинг асосланганлиги ва Уз вактидалиги: реклама харажатлари (нашриётда эълон килиш, радиодан эшитириш ва телевидение оркали кУрсатиш, реклама махсулотларини ишлаб чикиш ва чоп этиш, стендлар ва шитлар тайёрлаш, видео ва диафильмлар намойиш этиш ва бошкалар); корхонанинг Узбекистон Республикаси худудида ва хориждаги ярмаркалар ва кУргазмаларда иштирок этишига доир харажатлар (экспонатларни тайёрлаш ва етказиб бериш, моделлар ва макетлар тайёрлаш, адабиётлар ва техник хужжатларни нашр килиш); махсулотлар (ишлар, хизматлар)ни экспорт килиш билан боглик сарфлар; божхона тадбирлари учун тУловлар; импорт муомалаларини амалга оширишда воситачилик киладиган ташкилотларга тУланадиган комиссион тУловлар суммалари; божхона тУловлари, шунингдек, товарлар ва бошка мулкларни импорт килиш билан боглик бУлган божхонада амалга ошириладиган расмийлаштириш Утказиш учун тУловлар; материал кийматликларни сотиб олиш ва ташиб келтириш харажатлари; белгиланган меъёрлар ва бошкарув томонидан тасдикланган сметалар доирасидаги корхона фаолияти билан боглик вакиллик харажатлари (штатда турмайдиган таржимонлар хизматига хак тУлаш, ишчи музокаралар вактида чет эллик вакилларнинг расмий кабулини Утказишга доир харажатлар).

Бунда килинган харажатларнинг асосланганлиги ва тасдикловчи хужжатлар (счётлар, дУконлар ва ресторанларнинг чеклари ва бошкалар)нинг мавжудлигига алохида эътибор бериш зарур.

9.4 Молиявий фаолиятга доир харажатлар ва даромадлар хамда фавкулодда олинган фойда (кУрилган зарар) ларни текшириш.

Молиявий фаолиятга доир харажатлар ва даромадлар «Харажатлар таркиби турисидаги …. Низомда»да белгиланган. Ушбу Низомга мувофик молиявий фаолият бУйича харажатларга куйидагилар киради:

- Узбекистон Республикаси Марказий Банки томонидан белгиланган хисоб ставкалари даражасида ва улардан ортикча олинган киска муддатли хамда узок муддатли кредитлар бУйича, шу жумладан тУлов муддати Утган ва узайтирилган ссудалар бУйча тУловлар;
- мулкни узок муддатли ижарага олиш (лизинг) бУйича фоизларни тУлаш харажатлари;
- чет эл валютаси билан муомалалар бУйича салбий крс тафовутлари бУйича зарарлар;
- сарфланган (кимматли когозларга, шУъба корхоналарга ва хакозоларга) маблагларни кайта бахолашдан кУрилган зарарлар;
- Уз кимматли когозларини чикариш ва таркатиш билан боглик харажатлар;
- молиявий фаолият бУйича бошка харажатлар, шу жумладан салбий дисконт.

Аудитор ушбу харажатларни текширишда 9610,9620,9630,9640,9650 ва 9690-счётлар бУйича хисоб ёзувларини текширувдан Утказиб, уларнинг «Низом»га мувофиклиги ва счётларда тури акс эттирилганлигига ишонч хосил килиши лозим.

Молиявий фаолиятдан олинган даромадларга куйидагилар киради:

- олинган роялтилар ва капитал трансферти;
- Узбекистон Республикаси худудида ва унинг ташкарисида бошка хУжалик юритувчи субъектлар фаолиятида улуш кУшган холда катнашишдан олинган даромад, акциялар бУйича дивидендлар ва облигациялар хамда хУжалик юритувчи субъектга тегишли кимматли когозлар бУйича даромадлар;
- мулкни узок муддатли ижарага беришдан олинган даромадлар (лизинг тУловини олиш);
- валюта счётлари, шунингдек чет эл валюталаридаги муомалалар бУйича ижобий курс тафовутлари;
- сарфланган (кимматли когозларга, шУъба корхоналарга ва хоказоларга) маблагларни кайта бахолашдан олинган даромадлар;
- молиявий фаолиятдан олинган бошка даромадлар.

Юкорида келтирилган даромадларни текшириш учун аудитор 9510,9520,9530,9540,9550,9560 ва 9590-счётларнинг маълумотларни Ургаииб, уларнинг конунийлигини ва счётларда тури акс эттирганлигини аниклайди.

Фавкулодда зарарлар – бу хУжалик юритувчи субъектларнинг одатдаги фаолиятидан четга чикувчи ходисалар ёки муомалалар натижасида вужудга келадиган ва рУй бериши кутилмаган одатдан ташкари харажатлардир. Бунга фавкулодда ва давр харажатлари таркибида акс эттирилиши керак бУлган Утган давр харажатлари кирмайди.

У ёки бу модданинг фавкулодда зарарлар сифатида акс эттирилиши учун у куйидаги мезонларга жавоб бериши керак:

- корхонанинг одатдаги хУжалик фаолиятига хос эмаслик;
- бир неча йил мобайнида такрорланмаслиги керак;
- бошкарув ходими томонидан кабул килинадиган карорларга боглик эмаслик.

Тегишли моддаларни фавкулодда зарарлар каторига киритиш ёки киритмаслик турисида карорлар кабул килишда ишлар амалга ошириладиган шароитларни хам хисобга олиш лозим. Масалан, агар хУжалик юритувчи субъект алохида иклим шароитларида жойлашган бУлса, у холда иклим шароитларига боглик холдаги ишламай туриб колишлар фавкулодда деб бахоланиши мумкин эмас, чунки ушбу модда «бир неча йил мобайнида такрорланмаслиги керак» мезонига жавоб бермайди.

Фавкулодда фойда моддалари – бу кУзда тутилмаган, тасодифий тусга эга бУлган ходиса ёки хУжалик юритувчи субъектнинг одатдаги фаолият доирасилан четга чикадиган тусдаги муомалалар натижасида пайдо бУладиган ва олиниши кутилмаган фойдадир. Бунга даромадларнинг фавкулодда моддалари ёки асосий фаолиятдан олинган бошка даромадлар бУлимида акс эттирилиши керак бУлган Утган даврлардаги фойда кирмайди.

Фавкулодда олинган фойда (кУрилган) зарарлар турисидаги ахборотларнинг тури шаклланганлигига ишонч хосил килиш учун аудитор томонидан 9710 –«Фавкулодда олинган фойда» ва 9720-«Фавкулодда кУрилган зарар» счётлар маълумотлари Урганилади.

Шунингдек, аудитор «Низом»нинг 1-иловасига мувофик соликка тортиладиган базага кУшилиши лозим бУлган, молиявий фаолиятга доир сарфларни хам текшириши зарур. Бундай сарфларга:

- киска муддатли банк кредитлари, шу жумладан тУлов муддати Утган ва узайтирилган ссудалар бУйича Узбекистон Республикаси Марказий Банки томонидан белгиланган хисоб ставкалари ошган тУловлар;
- узок муддатли банк кредитлари бУйича тУловлар;
- кимматли когозларни чикариш билан боглик сарфлар;
- кимматли когозлар муддатидан олдин тУлаш муносабати билан вужудга келган салбий дисконт,агар бу бюджетга карзларни тУлаш билан боглик бУлмаса.

Аудитор молиявий фаолиятга доир харажатлар ва даромадлар хамда фавкулодда олинган фойда (кУрилган зарар)ларни текширишнинг барча жихатларини Узининг ишчи хужжатларида кайд килиб боради.

10 БОБ. КОРХОНА ХУСУСИЙ КАПИТАЛИНИ АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВИДАН УТКАЗИШ.

10.1. Корхона хусусий капиталининг мохияти, уни текширишнинг максади, вазифалари ва маълумот манбалари.

«Бухгалтерия хисоби турисидаги конун» га мувофик корхонанинг хусусий капитали: устав капитали, кУшилган капитал, захира капитали ва таксимланмаган фойдадан таркиб топади.

Устав капитали таъсис хужжатларида белгиланган хиссаларнинг (пул ифодасида) йигиндисидир. Устав капиталига хисса шаклида кУшиладиган моддий ва номоддий активлар таъсисчилар келишувига ёки юридик шахс ижрочи органининг карорига кУра бахоланади ва хисобга олинади.

+*Ушилган капитал* акцияларни номинал кийматидан баланд нархларда дастлабки сотишдан олинадиган эмиссия даромадини акс эттиради.

Захира капитали мол-мулкни кайта бахолаш чогида хосил бУладиган инфляция захираларини, шунингдек, текинга олинган мол-мулк кийматини акс эттиради.

Таксимланмаган фойда фойданинг жамгарилаётганини ифодалайди ва мулкдорларнинг карорига биноан устав капиталига кУшилиши мумкин (14 -модда. Хусусий капитални хисобга олиш).

Корхонанинг устав фаолиятини амалга ошириш, жамоада ишлаб чикаришни ва ижтимоий сохани ривожлантириш максадида устав капитали, захира капитали ва кУшилган капитал яратилади. Таксимланмаган фойда эса корхона фаолияти натижасида вужудга келади. Уларни текширишдан максад корхонанинг баркарор фаолият килиши, ракобатбардошлиги ва ишлаб чикаришни янада ривожлантиришини таъминлашдан иборат.

№21 БХМС га мувофик **грантлар, субсидиялар ва кайтариб берилмайдиган ёрдамлар** хам корхонанинг хусусий капиталига таалукли бўлиб, молия-хУжалик фаолиятини молиялаштириш манбаи хисобланади. Аудитор буларни текширишда грант, субсидия ва кайтариб берилмайдиган ёрдам берилиши учун асос бУлувчи хужжат хамда унинг мазмуни билан танишиши зарур. Бунда ёрдамнинг кандай шаклда (дотация, субвенция ва х.к) ва кайси шартлар асосида берилганлиги аникланади. Давлат субсидияларини хисобга олишни текширишда №10 –«Давлат субсидияларини хисобга олиш ва давлат ёрдамини ёритиб бериш» номли БХМС талабларига риоя килиниши аникланади.

Таъкидлаш жоизки, субсидиялаар ва грантлар турли нодавлат ташкилотлари, халкаро ташкилотлар ва фондлар томонидан корхоналарга маълум дастурларни амалга оширишлари учун берилиши мумкин.

Грантлар ва субсидияларни хусусий капитал сифатида акс эттириш учун куйидаги шарт-шароитлар асос бУлади:

- маълум шартлар бажарилганида кайтариб бермаслик;
- субсидиялар ва грантларни жалб килиш учун харажатлар килинмайди, демак, улар даромад хисобланмайди (мослик принципидан келиб чикиб).

Аудитор грантлар ва субсидиялар бУйича муомалаларнинг счётларда тури акс эттирилганлигини текширади. Масалан, грантлар ва субсидиялар ажратилганлиги хакида расмий хабарнома (карор) олинганда (Дт 4890 Кт 8810, 9390). Маблаглар келиб тушганда (Дт 5110-5120, 5210-5220 Кт 4890), олдин олинган грантлар ва субсидиялар устав капитали ёки

захира капиталини кУпайтиришга йУналтирилганида (Дт 8810 Кт 8511, 8512, 8513, 8523 ёки 8532)

Корхона хусусий капиталини текшириш, унинг суммалари хакконийлиги ва харакатини тури хисобга олиш мухим вазифа хисобланади. Бунда куйидаги манбалар маълумотлари текширилади:

* Корхонанинг нотариал идоралари томонидан тасдикланган устави ва таъсис шартномаси;
* 8511, 8512, 8513, 8710 ва 8720 счётларнинг Бош дафтар ва 15-журнал-ордердаги суммалари хамда уларнинг харакатига асос бУлувчи хужжатлар.

Текшириш хисобот даврига тузилган баланс маълумотларини корхона устави, таъсис шартномаси ва тегишли хисоб регистрларидаги ушбу хисобот даврига мавжуд бУлган колдиклар билан солиштиришдан бошланади.

10.2 Корхона устав капиталини аудиторлик текширувидан Утказиш.

10.2.1 Устав капиталини текширишнинг максад ва вазифалари.

Корхона устав капитали унинг устави ва таъсис шартномасига мувофик коидага кУра, таъсисчиларнинг хиссалари хисобига барпо этилади. У корхонанинг хУжалик фаолиятидан олинадиган фойдаси хисобига, зарур бУлганда таъсисчиларнинг максадли бадаллари хисобига хам тУлдирилиши мумкин.

Корхона устав капиталига хисса сифатида бинолар, иншоотлар, курилмалар ва бошка моддий кийматликлар: ер, сув ва бошка табиий ресурслардан фойдаланиш хукуклари, шунингдек, бошка мулкий хукуклар (шу жумладан, кашфиётлардан фойдаланиш учун, «НОУ ХАУ» ва бошка номоддий активлар); кУшма корхона иштирокчи давлатларининг валюталаридаги эркин айирбошланадиган валюталарда пул маблаглари кУшилишлари мумкин.

Устав капиталини аудиторлик текширувидан Утказишдан максад, устав капиталининг холати акс эттириладиган молиявий хисобот кУрсаткичларининг ишончлилиги, хамда уни хисобга олиш услубиётининг меъёрий хужжатларга мувофиклиги турисида фикр шакллантиришдан иборат.

Текширувни корхона юридик макомини ва уставида белгиланган фаолият турларини, таъсисчилар ва улар улушларининг таркиби хамда суммасини, устав капиталининг молиявий-хУжалик фаолиятини амалга ошириш учун етарлилигини аниклашдан бошлаш максадга мувофик.

Таъсис хужжатлари, устав капиталини шакллантиришга доир дастлабки хужжатлар, хисоб регистрлари ва хисобот маълумотларини текшириш куйидаги тартибда амалга оширилади:

- таъсис хужжатлари (устав, таъсис шартномаси) мавжудлиги, шакллари ва тури расмийлаштирилганлиги;
- таъсис хужжатлари мазмунининг амалдаги конунчилак ва меъёрий хужжатлар талабларига мувофиклиги;
- таъсисчилар улушларининг устав капиталига тУлик ва Уз вактида кУшилиши;
- таъсисчилар мулк шаклида кУшадиган улушларининг тури бахоланишини текшириш;
- уставда кУрсатилган фаолият турларининг конунийлигини текшириш;
- устав капитали хажмининг таъсис хужжатлари ва Узбекистон Республикаси конунчилигига мувофиклиги;
- устав капиталининг тУлик ва тури шакллантирилганлиги;
- таъсисчиларнинг устав капиталига Уз улушларини кУшиш бУйича якуний хисоб-китоблар учун конунда белгиланган муддатларга риоя килиниши;
- устав капиталини шакллантиришга доир муомалаларнинг бухгалтерия хисоби счётларида тури акс эттирилганлигини текшириш;
- устав капиталига улушларнинг хакикатан хам кУшилганлигини аниклаш;
- устав капитали хажми Узгаришининг асослилиги ва устав хамда таъсис шартномасининг кайта рУйхатдан Утказилганлигини хамда бу холда тегишли хисоб регистрлари ва хисоботда акс эттирилганлиги.

Ушбу вазифаларни бажариш учун куйидаги маълумот манбалари тахлил килинади:

- корхонанинг хукукий макомини, устав капиталини шакллантириш ва хисобга олиш масалаларини тартибга соладиган асосий конун хужжатлари ва йУрикномалари;
- таъсис хужжатлари (нотариал идора томонидан тасдикланган устав ва таъсис шартномаси);
- молиявий, статистик ва бошка тегишли хисоботлар;
- устав капиталини шакллантириш бУйича муомалалар хисобга олинган дастлабки хужжатлар, аналитик ва синтетик хисоб регистрлари;

Меъёрий хужжатларга мувофиклик масаласини текшириш учун устав капиталини шакллантириш ва хисобга олиш коидаларини Узида мужассамлаштирган **меъёрий хужжатлар тУплами** зарур. Бундай тУплам текширилаётган корхонанинг Узига хос жихатларини хисобга олган холда шакллантирилади.

10.2.2. Таъсис хужжатларини текшириш.

Аудитор таъсис хужжатларини текширишда куйидагиларни аниклайди:
- таъсис хужжатларида кандай фаолият турлари кУзда тутилган;
- хакикатда амалга ошираётган фаолият турларининг таъсис хужжатларига мувофиклиги;
- Узбекистон Республикасининг «Айрим фаолият турларини лицензиялаш турисида»ги конунига мувофик лицензияланиши лозим бУлган фаолият турлари ва лицензияларнинг мавжудлиги.

Лицензияланиши лозим бУлган фаолият турлари бУйича лицензиялар мавжудлиги ва уларнинг амал килиш муддатлари текширилади. Чунки, корхона бундай фаолият турлари билан шугулланиш хукукига лицензия олинган ёки унда кУрсатилган вактдан бошлаб эга бУлади ва ушбу хукук лицензия амал килиш муддати Утиши билан тУхтатилади. Тегишли лицензияларга эга бУлмасдан амалга оширилган фаолият турлари ноконуний хисобланади. Агар корхона битта таъсисчи томонидан ташкил этилган бУлса, бунда у мазкур таъсисчи томонидан тасдикланган, тегишли хокимият органидан рУйхатдан Утган ва нотариал идора томонидан тасдикланган устав асосида фаолият кУрсатади. Таъсис хужжатлари билан танишиш аудиторга мулк эгаси ким эканлигини ва кимнинг манфаати учун текширув Утказилаётганлигини аниклашга имкон беради.

Агар корхона бир неча таъсисчилар томонидан ташкил этилган бУлса, у холда **таъсис шартномаси** тузилиши лозим, **устав** эса таъсисчилар томонидан тасдикланган бУлиши лозим. Масалан, масъулияти чекланган жамиятлар (МЧЖ) барча таъсисчилар томонидан имзоланган **таъсис шартномаси** ва **устав** асосида ташкил этилади ва фаолият кУрсатади.

Аудитор тегишли таъсис хужжатларининг мавжудлигини ва уларни тасдиклаш хамда давлат рУйхатидан Утказиш коидаларига риоя килинишини аниклайди.Корхона таъсисчилар томонидан уни ташкил этиш турисидаги карор кабул килинган вактдан бошлаб эмас,балки давлат рУйхатидан Утган кундан бошлаб юридик шахс макомига эга бУлган деб хисобланади.Шу боисдан, **давлат рУйхатидан Утганлик турисидаги гувохнома**нинг мавжудлигини, агар таъсис хужжатларига Узгартиришлар киритилган бУлса, кайта рУйхатдан Утказилганлигини текшириш лозим.

Аудитор **таъсис шартномаси** билан танишишда, унда кандай шартлар келтирилганлигини аниклайди. Жумладан:
- мулкларни улуш сифатида кУшиш (топшириш)
- фаолиятда иштирок этиш;
- фойда ва зарарларни таъсисчилар Уртасида таксимлаш;
- корхона фаолиятини бошкариш ва унда таъсисчиларнинг иштироки;
- таъсисчиларнинг корхонадан чикиши.

Масъулияти чекланган жамиятлар (МЧЖ) таъсис шартномасида юкорида санаб Утилган маълумотлардан ташкари куйидаги шартлар хам бУлиши лозим:
- устав капиталининг таркиби ва хажми турисида;
- хар бир таъсисчи улушининг хажми ва уни Узгартириш тартиби;
- таъсисчилар улушларининг таркиби, хажми ва топшириш муддатлари;
- улушларни кУшишга доир мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик;
- таъсисчилар томонидан кУшиладиган улушларнинг жами суммаси.

Аудитор корхона устави билан танишиш чогида унда куйидагилар кУрсатилганлиини аниклайди:

- корхонанинг Узига хос хусусиятлари ва ташкилий-хукукий шаклини ифодалайдиган номи;
- корхонанинг давлат рУйхатидан Утказиладиган, жойлашган Урни;
- устав капиталининг кУлами ва унинг барча таъсисчилар Уртасида улушларга таксимланиши;
- корхонанинг максади ва фаолият турлари;
- ижро органларини сайлаш ёки тайинлаш тартиби;
- корхона бошкарув органининг таркиби ва ваколатлари хамда улар томонидан карор кабул килиш тартиби;
- дивидендлар таксимлаш тартиби;
- амалдаги конунчиликда кУзда тутилгани хамда таъсисчилар билан келишилган, лекин конунчиликка зид келмайдиган бошка зарур масалалар.Шунингдек,таъсис хужжатларини текширишда корхонанинг ташкилий-хукукий шаклини эътиборга олиш зарур. Масалан, акциядорлик жамиятининг таъсисчилари томонидан тасдикланган уставида, устав капиталининг кУлами турисидаги маълумотлар билан бирга жамият томонидан чикариладиган акцияларнинг тоифалари, уларнинг номинал киймати ва микдори, акциядорларнинг хукуклари турисидаги шартлар хар хил бУлиши лозим. Акциядорлик жамиятининг барча акциялари бир акциядор томонидан сотиб олинганда, акциядорлик жамиятини бир киши ташкил этган хисобланади ёки бир акциядордан иборат бУлади. Бу холдаги маълумотлар акциядорлик жамияти уставида кайд килинган, рУйхатга олинган ва хамма танишиши учун эълон килинган бУлиши керак.

Иштирокчилар таркибини тахлил килишда, акциядорлик жамияти ва масъулияти чекланган жамият ягона иштирокчиси сифатида, битта шахсдан иборат хУжалик юритувчи субъект бУла олмаслигига эътибор бериши керак.

Акциядорлик жамиятлари ва масъулияти чекланган жамиятларда хам юридик шахслар, хам жисмоний шахслар таъсисчи сифатида иштирок этишлари мумкин.

+Ушма корхона устав капиталига Узбекистонлик иштирокчи томонидан кУшиладиган хисса хорижий иштирокчилар билан келишувга кУра миллий валютада кандай бахоланса, келишилган бахолар бУйича чет эл валютасида хам жахон бозоридаги бахони хисобга олган холда шундай бахоланади.

Хорижий иштирокчининг хиссаси хам шу тартибда кУшма корхонани ташкил этиш хакидаги шартнома имзоланган кундаги ёки унинг иштирокчилари келишган бошка санага амалда бУлган Узбекистон Республикаси Марказий Банкининг расмий валюта курси бУйича сУмга хисоблаб Утказиш йУли билан бахоланади.

Жахон бозори бахоси бУлмаганда кУшилаётган мулклар киймати иштирокчиларнинг келишувига мувофик аникланади.

Таъсис хужжатларини текширишда амалдаги конун хужжатларига мувофик хар бир ташкилий-хукукий шаклдаги хУжалик юритувчи субъект учун турли масъулиятлар белгиланишини инобатга олиш зарур.

10.2.2.1 – жадвал

Мисол:

ХУжалик юритувчи субъектлар учун конунчиликда белгиланган маъсулиятлар

ХУжалик юритувчи субъект ташкилий-хукукий шакли	+онун ва унда белгиланган масъулиятлар
+ишлок хУжалик кооперативлари (ширкат хУжаликлари)	Уз.Р. конуни «+ишлок хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) турисида» +/х кооперативи (ш/х) фаолиятининг асосий тури кишлок хУжалик махсулоти етиштиришдир. +/х кооперативи (ш/х) кишлок хУжалик махсулотлари етиштириш билан бир каторда кооперативнинг Уз худудида хам, шунингдек ундан ташкари хам кишлок хУжалик хом ашёсини кайта ишлаш, озик-овкат махсулотлари, халк истеъмол моллари, ишлаб чихариш-техника ахамиятига эга бУлган махсулотлар ишлаб чикариш, савдо-сотик, таъмирлаш ва курилиш ишлари,юридик ва жисмоний шахсларга хизмат кУрсатиш, шунингдек конунларда таъкикланма-ган бошка фаолият турлари балн шугулланишга хакли. (32-модда)
Фермер хУжаликлари	Уз.Р. конуни «Фермер хўжалиги турисида» Фермер хўжалигининг мол-мулкига эгалик килиш ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш хУжалик аъзолари томонидан Узаро келишув асосида амалга оширилади.

	(20-модда)
Дехкон хУжаликлари	Уз.Р.конуни «Дехкон хўжалиги турисида» Дехкон хўжалигининг мол-мулкига эгалик килиш ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш хУжалик аъзолари томонидан Узаро келишув асосида амалга оширилади. (16-модда)
Маъсулият чекланган жамиятлар (МЧЖ)	УЗ.Р. конуни «ХУжалик жамиятлари ва ширкатлар турисида» МЧЖ таъсисчиларнинг мажбуриятлари бУйича жавобгар хисобланади. Таъсисчилар МЧЖ устав капиталидаги улушларига мутаносиб мажбуриятлари бУйича жавобгардир. (16-мода)
Акциядорлик жамиятлари	Узбекистон Республикаси +онуни «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг химоя килиш турисида»

Корхона таъсисчиларининг сони ва уларнинг устав капиталидаги улушини текшириш чогида аудитор таъсисчиларнинг энг кУп сони ва бир таъсисчининг устав капиталидаги энг кУп улуши, хамда устав капиталининг энг кам кУлами тегишли юридик шахс учун кУлланиладиган +онун билан аникланади. Масалан, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукукларини химоя килиш турисида»ги Узбекистон Республикаси +онунига мувофик очик турдаги акциядорлик жамиятлари (ОТАЖ) устав капиталининг энг кам микдори жамият рУйхатдан Утказилган пайтда конун хужжатларида белгилаб кУйилган энг кам иш хакининг икки юз баравар суммасидан кам бУлмаслиги, ёпик турдаги акциядорлик жамиятлари (ЁТАЖ) устав капитали эса жамият рУйхатдан Утказилган пайтда конун хужжатларида белгилаб кУйилган энг кам иш хакининг юз баравар суммасидан кам бУлмаслиги керак.(20-модда)

Ушбу талабларга риоя килиниши корхонанинг фаолият кУрсатиши, хамда кредиторларнинг манфаатларини хукукий ва иктисодий химоялаш шартларидан бири хисобланади. Корхона **соф активлари макдори**нинг унинг **утав капитали**дан ошиб кетиши (ёки тенг бУлиши) турисидаги мажбурий талабларга риоя килиниши шу максадлардагина текширилади.

Корхонанинг хусусий капиталини текшириш учун зарур маълумотлар молиявий хисоботнинг куйидаги шаклларида акс эттирилади:

Бухгалтерия балансида (ОКУД бУйича 1-шакл):

Таъсисларнинг устав капиталига кУшадиган улушлари бУйича карзлари – активдаги II-«Айланма активлар» бУлимининг «Таъсисчилар билан хисоблашишилар» моддаси (4710-счёт) (280-сатр);

Пассивдаги I»Уз маблаглари манбалари» бУлимида устав капитали (320 сатр), кУшилган капитали (330 сатр), захира капитали (340 сатр), таксимланмаган фойда (350 сатр);

Хусусий капитал турисидаги хисобот (5-шакл) да

Хусусий капиталнинг таркиби бУйича : йил бошига колдиги (010 сатр 3,4,5,6,7,8,-устунлар), йил давомидаги Узгариши (020-070 сатрлар) ва йил охирига колдиги (080-сатр).

10.2.3 Дастлабки хужжатларни текшириш.

Таъсисчилар улушларининг устав капиталига кУшилганлигини тасдикловчи хужжатларга далолатномалар, накладнойлар, банк кУчирмалари, тУлов-топширикномалари нусхалари, касса кирим ордерларининг квитанциялари ва бошка дастлабки хужжатлар мисол бУла олади. Устав капиталига улуш сифатида кУшиладиган мулкларга эгалик килиш хукукини тасдикловчи хужжатларга кУчмас мулк, ер участкалари, транспорт воситалари, интеллектуал мулк ва шунга Ухшашларга эгалик килиш хукукини тасдикловчи гувохномалар киради.

Ташкилий хужжатлар:

- давлат рУйхатига олинганлиги турисида гувохнома;
- буйруклар ва фармойишлар;
- акциядорлар ва таъсисчилар билан ёзишмалар;
- акцияларга обуна бУлиш натижалари турисидаги, савдо натижалари турисидаги, таъсисчилар ёки акциядорлар мажлисининг баённомалари;
- солик инспекцияда хисобга олинганлиги турисида маълумотнома, давлат статистика органлари, тегишли сугурта ташкилотлари ва бошка бюджетдан ташкари ташкилотларда рУйхатга олинганлиги турисида гувохнома;
- амалдаги конунчиликка мувофик лицензияланиши лозим бУлган фаолият турлари учун берилган лицензиялар;

- юритилаётган хисоб шаклидан катъий назар очик турдаги акциядорлик жамиятлари акциядорлар реестрини хам текширувга такдим килади.

Устав капиталига таъсисчилар томонидан улушларни кУшиш муддатларига риоя килинишини ва тУликлигини текширишда куйидагиларга эътибор берилиши лозим:

- устав капиталининг тУлик шаклланганлиги;
- таъсисчилар хакикатда кУшган улушларининг таъсис хужжатларида белгиланган шартларга мослиги;
- таъсисчилар томонидан устав капиталига улушларни кУшишда конунчилик ва таъсис хужжатларида белгиланган муддатларга риоя килиниши.

Устав капиталининг шаклланишини текшириш чогида текширилаётган корхонанинг ташкилий-хукукий шаклини хам эътиборга олиш зарур.. Чунончи, **акциядорлик жамиятлари**да устав капитали акциядорлар томонидан сотиб олинадиган, жамият акцияларининг номинал кийматидан, маъсулияти чекланган жамиятларда эса унинг иштирокчилари томонидан кУшиладиган улушлар кийматидан ташкил топади. **+ишок хУжалик кооперативлари (ширкат хУжаликлари)**да пай жамгармаси – ширкат хўжалиги аъзоларининг пай бадалларидан, **фермер ва дехкон хУжаликлари**да эса Узига карашли уй-жойлар, хУжалик иморатлари,кишлок хУжалик экинзорлари ва дарахтзорлари, дов-дарахтлар, махсулдор чорва моллари, паррандалар, кишлок хУжалик техникаси, асбоб-ускуна ва ашё-анжомлари, транспорт воситалари, пул маблаглари, интеллектуал мулк объектлари, шунингдек бошка мол-мулклардан ташкил топади.

Давлат корхоналарида эса давлат мулки хисобланган устав фонди шакллантирилади.

Аудитор текширув чогида барча таъсисчилар конунчиликка мувофик Уз улушларини устав капиталига Уз вактида ва тури хамда тУлик кУшганликларини аниклаши керак.

Масалан, масъулияти чекланган жамият (МЧЖ) устав капиталига жамиятни рУйхатга олиш пайтида хар бир иштирокчи камида 30 % улушини кУшган бУлиши керак.

Корхона устав капиталига таъсисчилар томонидан улушлар кУшилмаган ёки тУлик кУшилмаган холатларнинг аникланиши, тегишли бошкарув органлари учун корхона таъсис этилмаган ва тугатилиши керак деб топилишига асос бУлади.

Таъкидлаш жоизки, таъсисчилар томонидан устав фондига улуш сифатида кУшиладиган маблаглар Узбекистон Республикасида амалдаги конунчиликка мувофик ++С га тортилмайди. Шунингдек, корхоналарни тугатиш ёки кайта ташкил этиш чогида пай (улуш) кУринишида натура ёки пул шаклида олинган маблаглар хам, уларнинг устав фондидан хамда юридик шахслар пай (улуши)дан ошиб кетмаган микдорда, ++С га тортилмайди.

Устав капиталига улушлар пул, кимматли когозлар, бошка буюмлар ёки мулкий хукуклар хамда пулда бахоланадиган бошка хукуклар шаклида кУшилиши мумкин. Шу боисдан аудитор таъсисчилар улушларини пулда бахолашнинг турилигини текшириши мухимдир. ХУжалик жамияти таъсисчисининг улушини пулда бахолаш жамият таъсисчилар Уртасидаги келишувга мувофик амалга оширилади. +онунда кУзда тутилган айрим холларда эса мустакил эксперт томонидан бахоланиши керак.

10.2.1 4. Устав капиталини шакллантиришга доир хисоб ёзувларини текшириш.

Бухгалтерия хисобининг журнал-ордер шакли кУлланиладиган корхоналарда амалдаги коидаларга мувофик 8511-8513 счётлар бУйича №13- журнал-ордер ва аналитик хисоб ведомостлари кУлланилади. Бухгалтерия хисоби компьютерлаштирилган корхоналарда 8510-устав капиталини хисобга оладиган счётлар (8511-8513), 4710-« Устав капитали (фонди)га улушлар бУйича таъсисларнинг карзлари» ва 6620- Чикиб кетаётган таъсисларнинг улушлари бУйича карзлар» счётлари бУйича синтетик ва аналитик хисоб юритиладиган компьютер дастурлари кУлланилади.

Шунингдек, Бош дафтар ёки оборот-сальдо ведомостлари хам текширилади.

+оидага кУра, таъсисчилар томонидан устав капиталига кУшиладиган хиссалар хисобда ва балансда уларнинг хакикатда кирим килиниш меъёрига караб акс эттирилади: асосий воситалар, номоддий активлар, товар-моддий кийматликлар учун кабул килиш-топшириш далолатномасининг тузилган санаси, пул маблаглари учун маблагларининг корхона счётига келиб тушгани (банк кУчирмаси ва унга илова килинган тегишли хужжат). Бунда ушбу хиссаларнинг аналитик хисоби хар бир иштирокчи бУйича юритилади.

Хиссаларнинг белгиланган микдори кирим килинганидан сУнг устав капиталининг ташкил этилиши хисобда акс эттирилади.

Устав капиталининг микдори таъсис хужжатларида белгиланганидан ошиб кетмаслигини таъкидлаб Утиш зарур.

Корхона таъсисчилари улушларининг йигиндиси (улушлар, акциялар, пай бадаллари) таъсис хужжатларида кайд килинган устав капиталининг микдори ва суммалари тегишли дастлабки хужжатларга (далолатномалар, банк кУчирмалари, банк кассасига накд пул топширилганлиги турисида квитанция ва х.к) асосан счётлар алокаси тузилиб, дастлабки бухгалтерия балансида акс эттирилади.

Устав капитали суммаси таъсис хужжатлари, хисоб регистрлари ва хисоботдаги маълумотларга тенг бУлиши лозим.

№21 –БХМС га мувофик устав капиталини хисобга оладиган счётлар (8511-«Оддий акциялар», 8512-«Имтиёзли акциялар», 8513-«Пай ва улушлар») кредити ва 4710 –«Устав капитали (фонди)га улушлар бУйича таъсисчиларнинг карзлари» счётининг дебети бУйича ёзувлар корхона давлат рУйхатидан Утганидан сУнг амалга оширилади. Устав капиталининг микдори турисидаги маълумотлар тенглиги куйидаги чизма бУйича текширилади



1-чизма. Устав капиталини текшириш кетма-кетлиги.

Устав капитали тУлик ва тури шаклланиши 4710 –«Устав капитали (фонди)га улушлар бУйича таъсисчиларнинг карзлари» счёти маълумотлари билан 8511 –«Оддий акциялар», 8512 –«Имтиёзли акциялар» счетлари ёки 8513 –«Пайлар ва улушлар» счёти (хУжалик юритувчи субъект ташкилий-хукукий шаклига караб тегишли счёт) маълумотларини солиштириш асосида текширилади.

Масалан,текширувдан Утказилган фермер хУжаликлари бУйича счётлар колдиклар куйидагича: (10.2.3.1-жадвал)

10.2.3.1 – жадвал

II. **Фермер хУжаликлари устав капиталининг шакллантириш тахлили**

(минг.с)

Фермер хУжаликлари	4710-счёт	8513-счёт
«Асад» фермер хўжалиги 1 йилдан кам фаолият кУрсатган	500,0	500,0
«Бобур» фермер хўжалиги 1 йилдан кам фаолият кУрсатган	200,0	400,0
«Самад» фермер хўжалиги 1 йилдан кУп фаолият кУрсатган	150,0	300,0
«ДУст» фермер хўжалиги 1 йилдан кУп фаолият кУрсатган	-	400,0

«Асад» фермер хўжалигида 4710 –счёт дебет колдиги ва 8513 счётлар кредит колдигининг тенглиги таъсисчилар хУжалик устав капиталига Уз улушлари бУйича маблагларни умуман топширмаганлагини ва конунчиликда белгиланган муддатга риоя килинмаганлигини билдиради.

«Бобур» фермер хўжалиги 4710 –счётнинг дебет колдиги 8513-счёт кредит колдигининг 50 %ни ташкил этади, яъни таъсисчилар устав капиталига улушларининг ярмини кУшганлар. Фермер хўжалиги фаолият бошлаганига бир йил тУлмаган, устав капиталининг колган кисми (50%) бир йил ичида кУшилиши лозим.

Демак, «Бобур» фермер хўжалигида устав капиталини шакллантириш конунчилик талабларига мос келади.

«Самад» фермер хўжалиги хам «Бобур» фермер хўжалигидаги каби таъсисчилар устав капиталига улушларининг ярмини кУшганлар, аммо корхона фаолият бошлаганига бир йилдан ошган, демак устав капиталига улушларни топшириш муддатига риоя килинмаган. Бундай холатда корхона ёхуд Уз устав капиталини камайтириб, устав ва таъсис шартномасини кайта давлат рУйхатдан Утказиши, ёхуд тугатиш йУли билан Уз фаолиятини тУхтатиш лозим.

«ДУст» фермер хўжалигида 4710-Устав капитали (фонди)га улушлар бУйича таъсисчиларнинг карзлари» счёти бУйича дебет колдик йУклиги ва 8513 –« Пайлар ва улушлар» счёти бУйича кредит колдик суммасининг (400,0 м.с) таъсис хужжатлари (устави ва таъсис шартномаси)га мослиги таъсисчиларнинг устав капиталига улушлар бУйича карздор эмасликлар ва улушлар тУлик тУланганлигини билдиради.

Корхонанинг хар бир таъсисчиси Уз улушини устав капиталига тУлик ва Уз вактида кУшилганлигини текшириш учун аудитор куйидаги ишчи жадвални тУлдириши максадга мувофик:

Мисол.

«ДУст» фермер хўжалиги устав капиталига таъсисчилар улушларининг тУланиши (таъсис хужжатлари ва бухгалтерия маълумотларига мувофик)

№	Таъсисчилар	Устав ва таъсис шартномасига мувофик улуш:		Бухгалтерия маълумотлари				Эслатма
		Шакли	Суммаси сУм	Топширил-ган сана	Хужжат	Шакли	Суммаси, сум	
1	ДУстмуратов Г.Д	Асосий воситалар (бино, трактор)	200000	4.01.2001й	Эксперт бахолаш далолатномаси, кабул килиш – топшириш дало-латномаси 4.01.2001й	Омбор биноси Трактор Т-28Х4	50000 150000	
2	Камолов И.Б	Накд пул	100000	6.01.2000	Банк квитанцияси №60 6.01.2000й	Накд пул	100000	
3	+урбанов Э.+	Уруглик	100000	6.01.2000	Эксперт бахолаш далолатномаси, кабул килиш – топшириш дало-латномаси	Бугдой уруглиги	100000	

					.01.2000 й			
4	Жами	-	400000	-	-		400000	

Хар бир таъсисчи томонидан устав капиталига улушларнинг хакикатан кУшилганлиги тасдикловчи бухгалтерия хужжатларининг мавжудлиги ва тури расмийлаштирилганлигини текшириш оркали аникланади. Натура шаклидаги улушлар (асосий воситалар, материаллар ва х.к) тегишли шаклдаги далолатномалар, пул маблаглари, касса ва банк хужжатлари билан тасдикланади. Тасдикловчи хужжатларда тегишли маблагларнинг айнан устав капиталига улуш сифатида таъсис хужжатларига мувофик топширилганлиги хакида маълумотлар бУлиши лозим. Бу нафакат устав капиталига кУшиладиган улушларни бухгалтерия хисобида тури расмийлаштириш учун, балки соликка тортиш масалалари учун хам зарурдир.

Шунингдек, текширув чогида ушбу хужжатлар шакл ва мазмунларининг Узбекистон Республикаси «Бухгалтерия хисоби турисида»га конун 9-моддаси талабларига мувофиклиги хам аникланади.

Устав капиталига чет эл валютасида кУшиладиган улушларнинг тури акс эттирилганлигини аниклаш «**Чет эл валютасида амалга ошириладиган муомалаларни бухгалтерия хисоби, статистик ва бошка хисоботларда акс эттириш ТАРТИБИ»** (Уз.Р. Адлия Вазирлигида 3 июн 2000 йилда 931-тартиб раками билан рУйхатга олинган) талабларига мувофик амалга оширилади. Чет эл валютасидаги устав капитали ва таъсисчиларнинг устав капиталига улушлар бУйича карзларини шакллантириш таъсис хужжатлари имзоланган санада амалда бУлган Уз.Р.МБ курси бУйича сУмга хисоблаб Утказиш йУли билан амалга оширилади. Бунда аудитор чет эл валютаси курси ва сУмга хисоблаб Утказишнинг турилигини хамда счётларда акс эттирилишини текшириш зарур.

Устав капиталига улушларнинг таъсисчилар томонидан хакикатда кУшилганлиги тегишли дастлабки хужжатлар ва 4710-«Устав капитали (фонди)га улушлар бУйича таъсисчиларнинг карзлари», 6620-«Чикиб кетаётган таъсисчиларнинг улушлари бУйича карзлар» счётлари бУйича хисоб регистрларидаги ёзувлар асосида текширилади. 4710-счётнинг дебет колдиги таъсисчиларнинг устав капиталига кУшадиган улушлари бУйича карзларни, 6620- счётнинг кредит колдиги корхонанинг чикиб кетаётган таъсисчилардан устав капиталидаги улушлари бУйича карзларни билдиради. Аудитор устав капиталига улушлар бУйича карзларнинг Уз вактида тУланиши ва 4710 ва 6620 счётлар бУйича колдикларнинг хакконийлигини аниклаш лозим.

Акциядорлик жамиятларида устав капиталининг тури шакллантирилишини текширишда куйидаги талабларга риоя килинганлиги текширилади:

- устав капитали акциядорлар томонидан сотиб олинган акциядорлик жамияти акцияларининг номинал кийматидан ташкил топганлиги;
- барча акциялар эгаси ёзилган акция эканлиги ва таъсис этишда таъсисчилар Уртасида жойлаштирилган бУлиши лозим;
- жойлаштирилган имтиёзли акцияларнинг номинал киймати акциядорлик жамияти устав капиталининг 10% дан ошмаслиги лозим;
- акциядорлик жамияти акциялари уни таъсис этиш чогида уставда кУрсатилган муддат давомида тУлик тУланиши лозим. Аммо устав капиталининг камида 50% бир ой ичида, колган кисми эса жамият рУйхатдан Утган пайтдан бошлаб бир йил ичида туланиши лозим;
- тУлов шакллари (пул маблаглари, кимматли когозлар, пулда бахоланган бошка буюмлар ёки мулкий хукуклар) акциядорлик жамиятининг устави ва таъсис шартномасига мос келиши лозим;
- очик ва ёпик турдаги акциядорлик жамиятларининг чикарилган акциялари реестрда рУйхатга олинган бУлиши шарт;
- акцияларнинг аналитик хисоби таъсисчилар, устав капиталининг шаклланиш боскичлари ва акцияларнинг турлари бУйича батафсил маълумот олишни таъминлаши лозим.

Аудитор текширув жараёнида оддий акциялаардан иборат акциядорлик капитали (8511-счёт), имтиёзли акциялар кУринишидаги акциядорлик капитали (8512-счёт), кайтариб сотиб олинган оддий хусусий акциялар(8610-счёт) ва кайтариб сотиб олинган имтиёзли акциялар (8620-счёт) ни алохида текширади.

№21 БХМС га мувофик акциядорлик жамияти давлат рУйхатидан Утган пайтдан бошлаб оддий ва имтиёзли акцияларнинг обуна суммаси мос равишда 8511 ва 8512- счётлар кредитида акс эттирилиши лозим (Дт 4710-счёт, Кт 8511,8512-счётлар).

Акциялар киймати пул, кимматли когозлар, пулда бахоланган бошка буюмлар ёки мулкий хукуклар билан тУланиши мумкин.

Устав капиталининг шаклланишини текширишда акциялар кийматини тУлаш учун тлпширилган мулкларни бахолашнинг турилигини аниклаш зарур. Бу мулкларни бахолаш таъсисчиларнинг келишувига мувофик амалга оширилиши, конунда кУзда тутилган холларда эса мустакил эксперт бахолаши лозим.

Устав капиталига улушларнинг хакконий кУшилганлигини аудитор таъсисчилар билан хисоб-китобларни тасдикловчи хужжатларнинг мавжудлиги ва тури расмийлаштирилганлигини текшириш оркали аниклайди. Тасдикловчи хужжатларда **устав капиталини шакллантириш** турисида кУрсатилган бУлиши лозим. Бу нафакат муомалани бухгалтерия хисоби счётларида тури акс эттириш учун, балки соликлар бУйича имтиёзларни кУллашнинг турилигини асослаш учун хам мухимдир.

Дастлабки хужжатлар (асосий воситаларни, номоддий активларни кабул килиш-топшириш далолатномалари, юк хатлари, счётлар,касса хисоботлари, банк кУчирмалари, тУлов топширикномалари ва б.) бУйича устав капиталига кУшилган улушларнинг тегишли счётларда тури акс эттирилганлиги текширилади.

Устав капиталига кУшилган улушларни текширишда аудитор иштирокида инвентаризация Утказиш максадга мувофик. Бунда устав капиталига улуш сифатида ишлашга яроксиз асосий воситалар, амалий кийматини йУкотган номоддий активлар кУшилган холатлар аникланиши мумкин.

Устав капитали Узгаришининг асослилигини текшириш 8510-«Устав капитали (фонди) ни хисобга оладиган счётлар»(8511,8512,8513-счётлар) бУйича хисоб регистрларининг ёзувларини текшириш йУли билан амалга оширилади. Бундай ёзувлар устав капитали белигиланган тартибда кУпайтирилган ёки камайтирилган холатдагина, факат акциядорлик жамиятининг таъсис хужжатларига тегишли тарзда Узгартиришлар киритилганидан сУнг амалга оширилади.

«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукукларини химоя килиш турисида»ги Узбекистон Республикаси +онунининг 21-моддасига мувофик «жамиятнинг устав фонди акциялар номинал кийматини ошириш ёки кУшимча акцияларни жойлаштириш йУли билан кУпайтирилиши мумкин» (18)

Текширув чогида устав капиталини кУпайтириш манбалари аникланади. Улар асосан куйидагилар хисобига бУлиши мумкин:

- эмитент-акциядорлик жамиятининг Уз акцияларини уларнинг номинал кийматидан юкори бахода сотишдан олинган маблаглар яъни **эмиссион даромад** (Кт 8521-счёт);
- жамгарма, истеъмол ва бошка фондлар хамда ишлатилмаган захиралар маблаглари;
- олдинги йил якуни бУйича таксимланмаган фойда;
- грантлар, субсидиялар ва кайтариб берилмайдиган ёрдамлар хисобига (Кт 8810-счёт);
- активларни кайта бахолашдан хосил бУлган манба хисобига (Кт 8531-счёт);
- дивидендлар хисобига.

Аудитор устав капитали камайтирилишининг асослилигини хам текширади.

Юкорида номи кайд килинган конуннинг 22-моддасига мувофик «Жамиятнинг устав фонди акцияларнинг номинал кийматини ёки уларнинг умумий сонини кискартириш йУли билан, шу жумладан акцияларнинг бир кисмини жамиятнинг Узи кейинчалик муомаладан чикариш шарти билан сотиб олиши йУли билан камайтирилиши мумкин» (18)

